


Н.Ф.Каримов

# ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ИЧКИ АУДИТ



**ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

**Каримов Неъматулла Фатхуллаевич**

# **ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ИЧКИ АУДИТ**

Тошкент  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
«ФАН» нашриёти — 2006

658.1

к-25

Бугунги кунга келиб, банк тизими иқтисодиётда стратегик мавқени эгаллаган бўлиб, унинг барқарорлиги макроиқтисодий, қонунчилик ва пруденциал хусусиятга эга бўлган шарт-шароитлар мажмуининг ва ниҳоят, муайян кредит тақдироти миқёсида самарали ички аудит тизими бўлишини назарда тутмоқда.

Мазкур монографияда ички аудитнинг хорижий давлатлар тажрибаси ва халқаро аудит стандартларини чуқур ўрганиш натижасида, унинг асосий текширув объекти бўлмиш тижорат банкларининг шакилланиш босқичлари, унинг барқарорлигини сақлашда банк бошқаруви, ички назорат ҳамда ички аудитнинг туган ўрни таҳлил қилинган.

Монографияда тизимли таҳлил услубиятига таянган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг ички аудит фаолиятини режалаштириш, ҳужжатлаштириш ва уларнинг ишончлилигини ошириш масалалари, ҳамда текширув натижаларини ҳисоботларда акс эттиришга бағишланган тавсиялар ишлаб чиқилган.

Монография тижорат банклари раҳбарияти ва ички аудит хизмати ходимлари, олий ўқув юрларининг иқтисодий йўналиш бўйича таълим олаётган талабалар, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси тингловчилари, ҳамда банк ички аудити соҳаси бўйича илмий иш олиб бораётган аспирантлар ва илмий тадқиқотчилар учун фойдали ҳисобланади.

**Масъул муҳаррир:**

**Ф.М. Муллажонов,**

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи.

**Тақризчилар:**

**А.Қ. Қодиров,**

иқтисод фанлари доктори, профессор;

**А.К. Ибрагимов,**

иқтисод фанлари доктори, доцент.

© Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
«ФАН» нашриёти — 2006

ISBN 5-648-03389-3

# Мундарижа

	Муқадима.....	4
- 0	I Боб. Бозор иқтисодиётининг шаклланиши ва ривожланишда тижорат банкларининг роли.....	6
1 1	1.1. Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг шаклланиш бошқичлари.....	6
	1.2. Банк барқарорлигини сақлашда бошқарувнинг ҳозирги шакли ва истиқболлари.....	23
	1.3. Банк тизими барқарорлигини сақлашда ташқи назоратнинг роли ва аудитнинг аҳамияти.....	41
- 8	II Боб. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида ички аудит фаолияти.....	59
	2.1. Аудит назарияси шаклланишининг асосий бошқичлари.....	59
/	2.2. Тижорат банкларида ички аудит фаолиятининг хориж тажрибаси ва ундан республикада фойдаланиш имкониятлари.....	78
- 2	2.3. Республика тижорат банкларида ички аудит тизими фаолиятининг ҳозирги ҳолати.....	95
	III Боб. Тижорат банкини бошқарув тизимида ички назорат муаммолари ва уларнинг аудити.....	118
	3.1. Тижорат банкини бошқарув тизимини такомиллаштиришда назорат муаммолари.....	118
3	3.2. Тижорат банки назорат тизимида ички назорат ва аудитнинг мазмуни ҳамда уни такомиллаштириш йўллари.....	131
/	3.3. Тижорат банклари ички назорат тизимининг аудити.....	151
	IV Боб. Тижорат банклари ички аудит тизими фаолиятини такомиллаштириш йўллари.....	167
3.1-	4.1. Тижорат банкларида ички аудит текширувини режалаштириш жараёнини такомиллаштириш.....	167
	4.2. Тижорат банкларида аудит жараёнини ҳужжатлаштириш ва ишончлилиқни аниқлаш.....	188
	4.3. Аудиторлик текширувининг якуний жараёни ва аудиторлик текшируви натижалари бўйича ҳисобот тайёрлаш.....	212
	Хулоса.....	229
	Иловалар.....	233
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	254



## МУҚАДДИМА

Бозор иқтисодиётининг замонавий ўтиш босқичларида иқтисодий соҳанинг барча тармоқларида турли хилдаги мулк шакллари-нинг юзага келиши натижасида бошқарувнинг самарали фаолият кўрсатиши ва, айниқса, бошқарувнинг асосий қисми бўлган назорат тамойилларининг такомиллашувига бўлган талаб ошиб бормоқда.

Оқилона ташкил этилган назорат тизими маълум бир жараёнда ташкилотларнинг келгуси иш самарадорлигини ошириш мақсадидаги эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, молиявий ва бошқа ресурслардан унумли фойдаланиш учун негиз бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда республикамиз банк тизими иқтисодда стратегик мавқени эгаллаган бўлиб, бу банк тизимининг мақсадлари, функциялари, бошқа тизимларга таъсири билан белгилангандир. Банк тизимининг фаолияти жараёнида содир бўлган ҳар қандай узилиш нафақат ҳўжалик юритувчи субъектларнинг, балки ҳар бир жамият аъзосининг манфаатларига ўз таъсирини кўрсатиши ҳамда жамият ҳаётининг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва бошқа соҳаларида беқарорликни келтириб чиқариши мумкин.

Шунинг учун ҳам, банк тизимининг шаклланиши барқарор макроиқтисодий, қонунчилик ва пруденциал хусусиятга эга бўлган шарт-шароитлар мажмуининг ва ниҳоят, муайян кредит ташкилоти миқёсида самарали ички аудит тизимининг мавжуд бўлишини назарда тутати.

Шунинг учун ҳам, халқаро аудит стандартлари асосида ички аудит хизматини методологиясини такомиллаштириш масалалари бугунги кунга келиб жуда долзарбдир.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда айтишимиз мумкинки, Ўзбекистон Республикаси банкларида ички аудитни ташкил этиш ва унинг илмий-услубий методологиясини такомиллаштиришда муаммолар мавжуд.

Жумладан:

- Тижорат банклари фаолиятини олиб боришда ҳамда барқарорлигини сақлашда ички аудитнинг катта салмоққа эга эканлиги;
- Ички назорат ва ички аудит фаолиятини мазмунан бир тизим сифатида қабул қилинаётганлиги ва ички аудитнинг ҳолислигини таъминловчи меъёрий ҳужжатларнинг асосларини етарли эмаслиги;
- Ички аудит тизими фаолиятини тўла-тўқис олиб бориши учун,

унинг умум қабул қилинган стандартларининг мавжуд эмаслиги;

Ушбу монографияда тижорат банкларида ички аудити фаолиятини ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган муаммолар атрофлича ўрганиб чиқилган. Бу борада муаллиф ўз тадқиқотида ички аудит тизимининг объекти бўлган банк тизимининг шаклланиш босқичларини ва унинг бошқарув тизимини ташкил этиш жараёнини ўрганиб чиққан. Шу билан бирга, биринчи бобда тижорат банкининг барқарорлигини баҳолашда аудитнинг тугган ўрни ҳам таҳлил қилинган.

Монографиянинг иккинчи бобида аудитнинг назарий қисми босқичма босқич, қонунчилик асослари билан боғланган ҳолда ёритиб берилган. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги ички аудит тизими фаолияти хорижий амалиёт ва тажрибадан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш борасида халқаро ички аудит стандартларидан фойдаланиш сабаблари асослаб берилган.

Монографиянинг учинчи бобида тижорат банки ички аудитининг асосий текширув объектларидан бири бўлган ички назорат тизими муаммолари батафсил ўрганилган бўлиб, унинг банк фаолиятини бошқарув тизимидаги тугган ўрни таҳлил қилинган ҳамда уни такомиллаштириш борасида таклифлар бериш билан бир қаторда банкни бошқаришда ички аудитнинг олдидаги вазифалари очиб берилган.

Ниҳоят, монографиянинг тўртинчи бобида ички аудит тизими фаолиятини олиб бориш иш жараёнини режалаштириш, иш ҳужжатларини тайёрлаш ва уларнинг ишончлилиги даражасини ошириш ҳамда аудиторлик текшируви натижаларини тайёрлашни халқаро аудит стандартлари талабларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш масалаларига қаратилган.

Китоб тижорат банклари раҳбарияти ва ички аудит хизмати ходимлари, олий ўқув юртларининг иқтисодий йўналиш бўйича таълим олаётган талабалар, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ва Ўзбекистон Республикаси Регионал ўқув маркази тингловчилари ҳамда банк ички аудити соҳаси бўйича илмий иш олиб бораётган аспирантлар ва илмий тадқиқотчилар учун фойдали ҳисобланади.

# I БОБ

## БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ РОЛИ

### 1.1. Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг шаклланиш бос- қичлари

Банклар — ҳозирги замон цивилизацияси эришган катта ютуқ бўлиб, улар юридик ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатувчи иқтисодий тизим саналади. Шунинг учун ҳам банкларга ишлаб чиқариш ва айирбош-лашнинг муҳим таркибий қисми, деб қараш мақсадга мувофиқдир. Банклар пул маблағларини жамғариш, ҳисоб-китоб қилиш, пул бирликларини муомалага чиқариш, кредит бериш, қимматли қоғозлар бозорига хизмат кўрсатиш каби турли хилдаги хизматлар кўрсатадилар.

Бугунги кунда ҳар қандай мамлакат иқтисодиётида банк тизимининг тутган ўрни салмоқлидир. Кўпгина адабиёт ва монографияларда банк тизимининг молиявий воситачи сифатидаги ўрни, унинг иқтисодиётдаги роли, вазифалари, ташкилий тизими тўғрисида фикр-мулоҳазалар келтирилган. Мазкур тушунчага таъриф беришни зарур, деб топган муаллифлар орасида О.И. Лаврушин томонидан илгари сурилган таърифни қайд этиш мумкин. Унинг фикрича, «банк тизими — бу бир-бири ва ташқи муҳит билан ўзаро яқин алоқада бўлган банклар, банк инфратузилмаси, банк қонун ҳужжатлари ва банк бозорининг мажмуидир»<sup>1</sup>.

Г.А. Тосунян юқорида келтирилган таърифни тўлдиришни, элементлар рўйхатиغا иттифоқлар ва уюшмаларни ҳам киритишни таклиф қилади. Буни, у «иттифоқлар ва уюшмалар ўзини ўзи бошқаришнинг муҳим элементи эканлиги билан изоҳлайди»<sup>2</sup>.

Халқаро амалиётда банк тизими — «бу алоҳида банк операцияларини амалга оширувчи банк ва нобанк молия муассасаларининг мажмуидир, деган қараш айниқса кенг тарқалган»<sup>3</sup>. Шунингдек, бошқа қарашлар ҳам мавжуд, масалан, немис олимлари «банк тизими универсал ва ихтисослашган банклардан, эмиссия банкидан ташкил топади, деб қайд этганлар»<sup>4</sup>. Иқтисодий атамалар луғатида

<sup>1</sup> Российская банковская энциклопедия. — М.: ЭТА, 1995. — С. 51.

<sup>2</sup> Тосунян Г.А., Пассейк Ж.Г., Эллис К.Х., Дейли Ж.П. Банковское право США: Пер. с англ./общ. ред. и послесл. Я.В. Кунина. — М.: Прогресс, 1992. — С. 35.

<sup>3</sup> Деньги, кредит, банки: Учебник/Под ред. О.И. Лаврушина. — М.: Финансы и статистика, 1999. — С. 285.

<sup>4</sup> Словарь по экономике. Пер. с англ./Под ред. П.А. Ваткина. — М.: Экономическая школа, 1998. — С. 33

«банк тизимига жисмоний ва юридик ташкилотларнинг омонатлар ва жамғармаларини қабул қиладиган, қарз ва кредитлар берадиган, корпорациялар ва давлатнинг қимматли қоғозларига пул маблағларини инвестиция қиладиган тижорат банклари ва бошқа, ихтисослашган банклар тармоғи»<sup>5</sup>, деб таъриф берилган.

**Яъни, банк бу қандай ном билан айтилиши ва ўзининг географик жиҳатидан қаерда жойлашишидан қатъий назар, жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг маблағларини жалб қилиш, шу билан бир қаторда, уларни турли хилдаги актив операциялар орқали иқтисодиётга йўналтириш қобилиятига эга бўлган ташкилотлар жамламаси, деб айтишимиз мумкин.**

Юқорида келтирилган қарашларнинг таҳлили умумий жиҳатлар ва тафовутларни ажратиш имконини беради. Айрим таърифларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, уларда банк тизими билан боғлиқ бўлган, аммо тизим хоссаларини вужудга келтиришда бевосита иштирок этмайдиган қўшимча ёки алоҳида банк операцияларини амалга оширувчи элементларни киритиш ҳисобига кенг талқин қилинган ёки тижорат банкларининг ихтисослашиши уқтириб ўтилган.

**Бошқача қилиб айтганда, банк тизимига жисмоний ва юридик шахсларнинг пул маблағлари билан операцияларни амалга оширувчи молиявий ташкилотлар мажмуи, деб эътироф этишимиз мумкин.** Халқаро амалиётда қабул қилинган банк тизимини кенг талқин қилиш, мазкур тизимга нобанк молия муассасаларини ҳам киритиш, бизнингча, иқтисод тизимининг етуклик даражаси билан изоҳланади.

Банк иши ўзининг моҳиятига кўра фоиз келтирувчи капитал негизда вужудга келган ва ривожланган бўлиб, ҳозирги замон кўринишидаги дастлабки банклардан бири 1407 йилда Генуяда ташкил этилган. Банк кўринишига эга бўлган муассасалар Голландия ва Германиядаги савдо марказларида ҳам фаолият кўрсатган.

Фарбий Европада XVII асрнинг иккинчи ярмида кредит банк уйларига ва тижорат банкларига ўтилди. Англияда - 1664 йили Англия банки ташкил этилган бўлиб, мазкур банк савдо-саноат муомаласини фаол кредитлаш билан шуғулланишни бошлаган.

АҚШда банк иши тарихи XVIII асрнинг иккинчи ярмидан ташкил топа бошлаган. Бу даврда хусусий колониал ссуда идоралари ер гарови эвазига ссудалар бериш ва қоғоз пулларни муомалага чиқа-

---

<sup>5</sup> Словарь по экономике. Пер. с англ./Под ред. П.А. Ваткина. – М.: Экономическая школа, 1998. – С. 33.

риш функцияларини бажарганлар. 1781 йилда Филадельфияда ташкил топган Шимолий Америка банки АҚШда банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини олган биринчи тижорат банки бўлган. 1800 йилда Штатларда 29 та тижорат банки фаолият кўрсатган бўлса, 1820 йилга келиб, уларнинг сони 300 тага етган.

1863 йили АҚШда Миллий валюта акти, орадан бир йил ўтгач эса – Миллий банк акти қабул қилинган бўлиб, мазкур актларга мувофиқ, ҳукумат банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган чартер (моҳиятига кўра – лицензия) бериш ҳуқуқига эга бўлганлар. Шу вақтдан эътиборан федерал ҳукуматдан лицензия олган банклар миллий банклар деб, Штатлар ҳукуматидан чартер олган банклар эса – Штатларнинг банклари, деб атала бошланган. Шундай қилиб, АҚШда икки томонлама тобе банк тизими вужудга келган бўлиб, ҳозирги замон шароитларида АҚШнинг барча миллий банклари маълум талабларни бажариш шарти билан федерал резерв тизими таркибига киришлари тўғрисида талаблар ишлаб чиқилган.

«Ўзбекистонда биринчи банк муассасаси 1875 йилда Тошкент шаҳрида Россия давлат банкининг омонат кассаси кўринишида ташкил этилган. Кейинчалик эса С.К.Глинка-Янченский ва К. банкирлар уйи (1880 й.), Рус-Хитой банки (1903 й.) Самарқанд шаҳрида Подшо Россияси давлат банки (1889 й.), Москва ҳисоб банки бўлими (1901 й.), шу билан бирга айни чоғда, Бухоро ва Қўқон шаҳарларида турли банклар фаолият кўрсата бошлаганлар»<sup>6</sup>.

Ушбу даврда банклар томонидан кўрсатилган хизматлар тури, асосан пахта хом ашёсини сотиб олиш билан боғлиқ бўлган операциялар ўтказишдан иборат бўлган. Яъни, ушбу банклар ёрдамида пул ўтказиш, аккредитивлар очиш, валюта операцияларини амалга ошириш ва физли сертификатлар бериш каби хизмат турлари амалга оширилган.

Кейинчалик эса Туркистон ўлкасидаги банклар 1917 йилда Россияда Октябр тўнтариши амалга ошиши натижасида аввал РСФСР ва кейинчалик собиқ СССР ягона банк тизимининг таркибий қисми сифатида фаолият кўрсатганлар.

1924 йилдан бошлаб фаолият кўрсата бошлаган Ўрта Осиё савдо банки ички товар айланмаси ва тайёрлов ишлари билан биргаликда экспорт-импорт операцияларини кредит билан таъминлаш операцияларини амалга оширган. 1930-1932 йиллардаги кредит исло-

---

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси банк тизими./ Ф.М.Муллажонов таҳрири остида.Т.: - “Ўзбекистон”, 2001.-296-бет.

ҳотлари натижасида савдо кредити бевосита банк кредити билан алмаштирилиши оқибатида узоқ муддатли маблағ ажратувчи маҳсус банклар ташкил қилинган бўлиб, давлат банки ягона кредит ва ҳисоб-кредит маркази бўлган.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда Саноат банки, Қишлоқ хўжалик банки, Коммунал ва уй-жой хўжалиги Марказий банкининг узоқ муддатли кредитлар берадиган бўлимлари очилган бўлиб, хўжаликнинг барча соҳаларида товар-пул муомаласининг ривожланиши банк капиталининг янада кенгайиш омили бўлган. Банкларнинг дастлаб пул билан савдо қилиш хизмат турига, фоиз келтирувчи капитални бошқариш функцияси қўшилиб, банклар капитал қўйилмаларни амалга оширувчи ташкилот сифатида бутун ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсата бошладилар ва унга таъсир кўрсатиш имкониятини қўлга киритдилар.

**Шу тариқа банклар оддий пул сақлаш муассасалари ва воситачилардан иқтисодийни молиялаштирувчи ва натижада капитални ошириш жараёнининг фаол иштирокчиларига ҳамда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ривожланишини рағбатлантирувчи ташкилотларга айландилар.**

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритиши ва жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши муносабати билан мамлакат тарихида янги босқич бошланиб, унга кўра республика олдида янги сиёсий ва иқтисодий вазифалар қўйилди.

Шуни қайд этиб ўтиш жоизки, давлатнинг молия-кредит ва пул муомаласи соҳаларини тубдан ислоҳ қилмай туриб бозор муносабатларига ўтиб бўлмаслиги сабабли, мустақиллик йилларининг илк кунларидан бошлаб замонавий банк ва солиқ тизимларини шакллантириш, инфляцияни бошқаришга қаратилган қаттиқ молиявий ва пул-кредит сиёсатини ўтказиш борасида катта ишлар олиб борилган.

Республикамизда банк тизими ривожига алоҳида эътибор бериш натижасида ушбу тизимда бозор ислоҳотлари бошқа соҳаларга нисбатан жадалроқ суръатлар билан кечмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти бу жараён тўғрисида «Ўзбекистон банк тизими вужудга келиши ҳақида гапирсак, бу — иқтисодийни энг тез ривожланаётган соҳаси, ислоҳотлар яққол сезилаётган соҳа эканлигини айтиш керак»<sup>7</sup>, деб таъкидланганидек, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида банк тизими, бошқа тармоқлар ривожланиши учун локо-

<sup>7</sup> Каримов И.А. Биздан овоз ва обод ватан қолсин. 2- том.-Тошкент: «Ўзбекистон», 1996. 44-бет.

мотив вазифасини ўтамоқда. Бинобарин, ўтган йиллар давомида, бозор иқтисодиёти шароитида барқарор ва самарали ишловчи банк тизимини яратишга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилингунга қадар мамлакатда мавжуд банк муассасалари собиқ банк тизимининг таркибий қисми тариқасида, улар фаолияти ва назорати марказдан бошқарилган. Бундай банклар мисолига СССР Давлат банки, Қурилиш банки, Агропромбанк ва давлат меҳнат омонат жамғарма касаларини келтиришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Марказий банкининг мустақил банк тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш борасидаги олиб борган сиёсати натижасида ҳозирги пайтда икки поғонали, яъни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банклари тизими фаолият кўрсатмоқда.

**Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, бозор иқтисодиётига ўтишда молия ва пул-кредит муносабатларини бошқарув тизими ва унинг юраги барқарор ва фаол фаолият кўрсатувчи тижорат банкларининг аҳамияти каттадир.**

Бозор муносабатлари шароитида банклар тузилмаси иқтисодиётда уч муҳим вазифани бажарадилар.

«Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисидаги» қонунга кўра, унинг бош «мақсади миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида монетар сиёсат ҳамда валютани тартибга солиш соҳасидаги сиёсатни шакллантиради, ҳисоб-китобларнинг самарали тизимини ташкил этиш ва таъминлаш, банклар, кредит уюшмалари ва гаровхоналар фаолиятини лицензиялаш ҳамда тартибга солиш ва назорат қилиш функциясини олиб боради»<sup>8</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банклар фаолияти тўғрисида»ги қонунига кўра, «тижорат банклари тузилмаси юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилиш ва унинг натижасида кредит ёки инвестиция операцияларини амалга ошириш учун ресурс базасини яратиш ва тўловларни амалга ошириш борасида фаолият олиб борувчи ташкилот сифатида таъриф этилган»<sup>9</sup>.

Ҳозирги кунга келиб, «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошчилигида нафақат икки поғонали банк тизимини таш-

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» қонуни 21.12.1995 й.

<sup>9</sup> «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг қонуни 25.04.1996 й.

кил қилишга»<sup>10</sup>, балки банклар фаолиятини назоратини олиб борувчи ташқи назорат тизимини яратишга эришилди.

Бу ерда бир томондан, Марказий банкнинг асосий мақсадларидан бири миллий валюта сўмнинг барқарорлигини таъминлашдан иборат бўлса, иккинчидан, хўжалик субъектларига хизмат кўрсатувчи тижорат банклари тизими ташкил этилди.

Яна шуни қайд этиб ўтиш жоизки, тижорат банклари 1.1 - жадвалда кўрсатилганидек, мулкчилик шакли, капитал ҳажми, ҳуқуқий-ташкилий ҳамда бошқа хусусиятларига кўра туркумланишига қарамай, уларнинг асосий мақсади, юридик ва жисмоний шахсларга банк хизматлари кўрсатишдан иборатдир.

Ўз-ўзидан маълумки турли хилдаги банклар тизимини шакллантириш жараёнининг «шартли равишда бир неча босқичларга тақсимланганлиги»<sup>11</sup> жуда тўғридир.

Яъни, мустақил миллий банк тизимини шаклланишида илк қадам 1991 йилда, Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунни қабул қилинишидан бошланган. Тарихий жиҳатдан олганда, ушбу қонун ўз моҳияти жиҳатидан ҳали бозор иқтисодиёти, банк тизимининг ўрни ва роли ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлмаган, ўша давр талабига жавоб берувчи қонун бўлишига қарамасдан, икки поғонали банк тизими қондаларини шакллантириш, соғлом рақобат муносабатларини фаоллаштиришнинг қонунчилик пойдеворини яратишга асос бўлган, деб айтишимиз мумкин.

Аммо, шу билан бир қаторда, бу қонунда ихтисослаштирилган банкларга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, бу бошқа тижорат банкларининг ривожланиши учун кенг имконият яратмас эди.

Шу билан бирга, тижорат банклари томонидан кўрсатилиши мумкин бўлган хизмат турлари чегараланган, деган тушунчага ҳам олиб келиши мумкин эди. Ваҳоланки, тижорат банклари бугунги кунга келиб, нафақат кредит операцияларини, балки қимматбаҳо қоғозлар бозорида молиявий лизинг ва корпоратив бошқарув фаолиятини ҳам олиб бормоқдалар.

---

<sup>10</sup> Каримов И.А.. Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент: «Ўзбекистон»- 1995

<sup>11</sup> Муллажонов Ф. Ўзбекистон Банк тизими: эркинлаштириш ва ривожлантириш истиқболлари. Бозор, пул ва кредит 2003 йил, 8 сон.



**Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари  
умумий тизимининг туркумланиши**

Туркумлаш мезонлари (критерий)	Банк турлари	Изоҳ
Мулкчилик шакли	ДавлатХусусий Аралаш	Турли хилдаги мулк шаклида
Капиталнинг таркиби	Маҳаллий Хорижий Аралаш	Чет эл ва миллий капитал қўйилмалари асосида
Хуқуқий-ташкилий тури	Акциядор (ЕТАЖ, ОТАЖ)	
Худудий кўриниши бўйича	Халқаро Республика миқёсида Вилоят миқёсида	
Мустақиллик даражаси	Мустақил Шўъба Боғлиқ	Тўла боғлиқлик Ваколатхоналар
Фаолият тури	Универсал	
Тармоқларга иқтисослашганлиги	Саноат Қишлоқ хўжаликТранспорт-ҚурилишСавдова бошқа	
Функционалих-тисослашганлиги	Инновация Инвестиция Жамғарма Ипотекава бошқа	
Ташкил топганлиги	Эски Янги	Олдиндан фаолият кўрсатаётган банklar асосида ташкил этилган
Фаолият Ҳажми	Йирик Ўрта Кичик	
Филиаллар борлиги	Филиаллари бор Филиаллари йўқ	
Капитал диверсификация қилинган	Бир йўналишга мослашган Кўп йўналишга мослашган	Фақат банк хизматлари кўрсатадилар Нобанк ташкилотлари ва корхоналари фаолиятида қатнашадилар.

Шу ўринда қайд этиб ўтиш жоизки, бугунги кунга келиб республика банк тизими ривожланиш жараёни бир неча босқичлардан иборат деб таъкидланмоқда. Унга кўра, мамлакатда банк тизими ислохотларининг биринчи босқичи 1991-1994 йилларгача бўлган даврни ўз ичига олган бўлиб, бу даврда миллий валютани муомалага киритиш учун асос яратиш билан бир қаторда, икки поғонали банк тизими пойдевори ҳам қурилди.

Республикада амалга оширилган ислохотларнинг биринчи босқичида банк тизимини ривожлантириш, қонунчилик негизини шакллантириш, ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш механизмларини ишлаб чиқиш имконияти яратилганлигини кўришимиз мумкин.

Чунки, айнан ана шу даврда банк тизимига катта эътибор берилиб, бу тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов 1992 йилнинг декабр ойида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий кенгашининг XI сессиясида сўзлаган нутқида: ...«Бозор иқтисодиётига асосланган жамият қурмоқчи эканмиз, бозор хизмат тармоқларини, тижорат банклари тармоғини шакллантириш ва изчил ривожлантириш стратегик жиҳатдан устун йўналишдир. Ривожланган бозор иқтисодига хизмат қиладиган тармоқлар фаолиятини ривожлантирмай туриб, маърифатли бозор сари аниқ қадам ташлаш тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас»,<sup>12</sup> деб таъкидлаб ўтилган.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил «Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида»ги Қонунининг қабул қилиниши натижасида мамлакатимизда тижорат банкларининг сони доимий равишда кўпайиб борди ва банклар ўртасида рақобат муҳити вужудга кела бошлади.

Ўзбекистон Республикасида 1994-1996 йиллар давомида миллий валютани муомалага киритилиши ва икки поғонали банк тизимининг ҳуқуқий асослари яратилиши банк тизимини шакллантиришнинг иккинчи босқичини ўз ичига олди.

Айнан шу даврда Олий Мажлис томонидан «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларнинг янги таҳрирда қабул қилиниши банклар фаолиятини халқаро андозалар даражасида такомиллашти-

---

<sup>12</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон.: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1 – том. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996.

риш, банк тизимида ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга асос бўлди.

— «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисидаги» Қонунга кўра, Марказий банк молия-банк тизими барқарорлигини сақлаб туриш, омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида банклар, кредит уюшмалари ва саровхоналар фаолиятини тартибга солади ҳамда назорат қилиш мақоми белгилаб берилган бўлса, иккинчи қонунга кўра, банк фаолиятини тартибга солиш, банкларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, банк шижозларининг манфаатларини ҳимоя қилиш, банкларда ҳисоб ва ҳисобот юритиш, банкларни назорат қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилган.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, миллий валютанинг муомалага киритилиши Марказий банк томонидан асосий эътиборни макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга қаратиш ва шу асосда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳамда янги банк ва молия тузилмасини вужудга келтириш учун тўртки бўлган.

Мустақилликнинг илк йилларида ихтисослашган тижорат банклари пайдо бўлиши жамиятнинг устувор тармоқларини молиялаштириш имконини яратди.

Лекин, шу билан бир қаторда, ихтисослаштирилган тижорат банкларини шакллантириш, ресурсларни жалб қилиш имкониятларини чеклар ҳамда уларнинг депозит ва кредит фаолиятларини диверсификациялашни тўлиқ кафолатлаш имконини бермас эди.

Шунинг учун ҳам, тижорат банклари фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида 1994 йилнинг март ойида Вазирлар Маҳкамасининг «Банклар тизимини такомиллаштириш ва пул-кредит муносабатларини барқарорлаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Мазкур қарор асосида тижорат банкларини компьютер ва телекоммуникация жиҳозлари билан таъминлашни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида бюджетга бир қатор солиқларни тўлашдан озод қилинди. Бунинг натижасида қисқа вақт ичида мамлакатда халқаро андозаларга жавоб берадиган ҳисоб-китобларни амалга ошириш тизими барпо этилибгина қолмай, замонавий банклараро электрон ўловлар тизими яратилди.

Бундан ташқари, 1994 –1997 йиллар давомида олиб борилган ишлар натижасида Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан янги ҳисобот шаклларининг амалиётга татбиқ этилиши банк тизимининг мижозлар ва кенг жамоатчилик учун очиқлигини таъминлаб берди.

Шу билан бирга, 1996 йилда «Банк аудитини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида» Президент фармонининг қабул қилиниши натижасида банк тизимида халқаро андозалар талаби асосида аудитни жорий этиш бўйича чора-тадбирлар жадаллашди.

Жаҳон андозалари талабларига жавоб берувчи бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг юритилиши натижасида хўжалик юритувчи субъектларга кредит бериш жараёнида тижорат банклари раҳбариятига унинг манбаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш имкониятлари яратилди.

Ўз навбатида, тижорат банклари фаолиятини назорат қилишда Марказий банк уларга бирон бир иқтисодий чора кўриш эмас, балки банк фаолиятида мавжуд бўлган камчиликларни бартараф этиш, тизим барқарорлигини ошириш нажасида банк омонатчилари ва кредиторлари манфаатларини ҳимоя қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди.

1998 йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тижорат банклари ташкил қилишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонининг қабул қилиниши билан хусусий тижорат банкларининг ташкил топиш жараёни янада жадаллашди ва бу банк тараққиётининг учинчи босқичи бошланганидан далolat берди.

Молия бозорига хусусий сектор томонидан катта қизиқиш пайдо бўлиши натижасида хусусий тижорат банкларининг сони охириги тўрт йил ичида кўпайиб, 9 тани ташкил қилди.


Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларига чет эл сармояларини жалб этиш натижасида хорижий капитал иштирокида ташкил этилган банклар сони сезиларли даражада кўпайиб, мамлакатимизга замонавий банк технологиялари ва бошқарув тизими кириб келди.

Ҳозирги даврда мамлакатимизда чет эл капитали иштирокида вужудга келган банклар, миллий банк тизимини халқаро андозаларга яқинлаштирган ҳолда, ички молия бозорига рақобатни қучайтиришга сезиларли таъсир кўрсатмоқдалар.

Ҳукумат томонидан сўнги йилларда банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган қарорларнинг ижро этилиш жараёни ривожланишнинг тўртинчи босқичида амалга оширила бошлади.

Чунки, айнан ана шу қарорлар банклар фаолиятини эркинлаштириш асосида олиб борилган чора-тадбирлар туфайли аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини ошириш ва бунинг натижасида аҳолининг бўш маблағларини банк жамғармаларига жалб қилиш жараёнини жадал суръатлар билан ўсиб боришига омил бўлмоқда.

**1.1-расм**  
**Аҳолининг банк омонатлари қолдиқлари**



Хусусан, 1.1- расм маълумотларига кўра, 2002 йилнинг 1 январда аҳолининг банк омонатларидаги қолдиғи 91 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, ўтган давр мобайнида бу кўрсаткич 4,9 мартага ошган бўлиб, 449,5 млрд.сўмни ташкил этган<sup>13</sup>.

Тижорат банклари бу кўрсаткичларга жалб қилинган депозит маблағларига тўлайдиган фоиз турлари бўйича олиб бораётган сиёсатлари натижасида эришмоқдалар. Чунки, банклар томонидан илгари аҳолидан жалб қилинган омонатлар учун фоизларни ҳисоблаш оддий услубда амалга оширилган бўлса, ҳозирги кунга келиб эса улар фоиз ҳисоблаш учун мураккаб услубдан фойдаланмоқдалар.

Ўз навбатида, Марказий банк ҳам аҳолининг вақтинча бўш маблағларини депозитларга жалб қилиш борасида тижорат банкла-

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари.

ри олиб бораётган сиёсатини қўллаб-қувватламоқда. Шунингдек, тижорат банкларини жисмоний шахсларнинг муддатли депозитлар бўйича мажбурий заҳираларга маблағ ўтказиш мажбуриятларидан озод қилинди. Хўжалик юритувчи субъектларга эса бир вақтнинг ўзида бир неча банкда ҳисоб рақамларини очишга рухсат берилиши ҳам кредитлар ва депозитлар бўйича хизмат кўрсатиш бозорида рақобатни кучайтиришга шароит яратди.

Олиб борилган ишлар натижасида тижорат банкларининг ресурс базаси мустаҳкамланди, унинг капиталини кўпайтириш орқали молиявий жиҳатдан барқарор банк тизими ташкил этилди.

2006 йилнинг 1 январига келиб тижорат банкларнинг умумий капитали 2001 йилнинг кўрсаткичларига кўра 1,8 барабар ортди ва 930,9 млрд. сўмга етди<sup>17</sup>.

Тижорат банклари ҳам ўз навбатида реал ишлаб чиқаришга кредит бера олиш қобилиятлари ошиши натижасида корхоналарнинг ҳамкорига айланиб қолмасдан, балки иқтисодиётнинг ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Президент И.А. Каримов иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг I - сессиясида таъкидлаганидек: «Банклар инвестиция ҳамкорига айланмоғи, бинобарин, уларнинг ривожланишидан иқтисодиётнинг таркибини ташкил қилувчи кичик ва ўрта бизнес субъектлари орасида ишончли мижозлар доирасини шакллантиришлари ва уларга молиявий натижалар асосида кредитлар беришни йўлга қўйишлари зарур».

Айнан юқоридаги сўзларнинг исботи сифатида Марказий банк томонидан тадбиркорликни ривожлантириш, мавжуд вазиятни ўрғаниш борасида ишлар олиб борилмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда тижорат банклари тадбиркорларга кредитлар бериш жараёнида фақатгина ўз ресурслари билан чегараланиб қолмаяптилар. Масалан, 2000 йил тижорат банклари кредит портфелининг 55,5 фоизини ўз ресурслари ташкил қилган бўлса, 2005 йилга келиб бу кўрсаткич 76,1 фоизни ташкил этган.

Эътироф этиш жоизки, тижорат банклари кредит ресурслари ҳажмининг ўсиб бориши, улар томонидан республикамизда фаолият кўрсатаётган хўжалик субъектларига берилаётган кредитлар ҳажмининг ўсишига олиб келмоқда.

---

<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари.

Сўнги йилларда банк хизмати кўрсатиш бўйича бир қатор чоратadbирлар амалга оширилди, тadbиркорлар томонидан кредит олиш жараёнидаги ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби соддалаштирилиши натижасида 2000–2005 йиллар давомида берилган кредитлар 3,8 бараварга ошиб 2006 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра 3853,3 млрд. сўмни ташкил қилган.

Шу билан бир қаторда, айтиб ўтишимиз жоизки, тижорат банклари томонидан кредит операцияларини амалга ошириш жараёнида мижозларнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилишга етарлича эътибор берилмаслиги натижасида улар турли хилдаги рисклар билан гўқнашмоқдалар.

Тижорат банклари кредит портфелининг сифатига кўра, заҳиралар ташкил қилиш лозим бўлиб, бу банкнинг молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатади.

**Шунинг учун ҳам, иқтисодий эркинлаштириш шароитида банклар бошқарувини йўлга қўйишнинг сифат даражасини оширишда юзага келиши мумкин бўлган рискларнинг олдини олиш юзасидан талабчанликни кучайтиришнинг аҳамияти каттадир.** Улар фаолиятини диверсификация ва универсализациялашдан ташқари, банк таваккалчилигидан ҳимоя қилиш мақсадида кредит портфели сифатини давомли равишда кузатиб бориш ва лозим бўлганда аҳволи ёмонлашган кредитларга нисбатан алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Ҳозирги замон тажрибасининг муҳим жиҳатларидан бири шундаки, судалар бўйича тўланадиган фоизларнинг қоплаш имконияти кўпинча шубҳалилигича қолмоқда. Шундай экан, маҳсулот ишлаб чиқарувчи хўжалик субъектларининг қандай фаолият билан шуғулланишларидан қатъий назар, унинг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари ҳақида ишончли ахборот ҳамда маълумотларга эга бўлишнинг аҳамияти янада ошади.

Шу билан бир қаторда, тижорат банкларининг халқаро молиявий ташкилотлар билан бирга, кичик бизнесни ривожлантириш дастурларини амалга ошириш борасида фаолият кўрсатмоқдалар. Жумладан, бугунги кунга келиб, тижорат банклари Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осие тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси, Германиянинг «КФВ» банки ва бошқа хорижий кредит линиялари ёрдамида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга йўналтирилган маблағлар 2004 йил 1

январ ҳолатига кўра 398,3 млн.долларни ташкил қилган бўлса, 2006 йилнинг 1 январидан унинг ҳажмини 556,0 млн.долларни ташкил қилган<sup>15</sup>.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, чет эл банкларининг кредит линиялари илгари фақатгина Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ва «Асакабанк» орқали жалб қилинган бўлса, бугунги кунга келиб «Саноатқурилишбанк», «Пахтабанк», «Ипотекабанк», «Ипак Йўли» банки, «Парвинабанк» каби банklar ҳам хорижий сармояни республикамиз иқтисодиётига жалб этишда фаол иштирок этмоқдалар. Бу эса, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг иқтисодиётни барқарорлаштириш, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш мақсадида қулай макроиқтисодий шарт-шароитлар яратишга қаратилган сиёсати ижобий натижалар берганлигининг натижасидир.

Сўнгги йилларда Марказий банк томонидан пул-кредит сиёсатининг тўғри олиб борилганлиги натижасида, бозордаги талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда инфляция суръатларига ой сайин ўзгариб турувчи қайта молиялаш ставкалар тизими жорий қилинди.

Куйида келтирилган 1.2 — расмдан кўриниб турибдики, бунинг натижасида қайта молиялаш ставкаси камайишига, яъни 1999 йилдаги 36 фоиздан, бу кўрсаткич 2005 йилга келиб 16 фоизга тушишига, яъни 55,6 фоизга камайишига эришилди. Бу эса мамлакат иқтисодий тараққиётининг базавий индикаторларининг яхшиланиб бораётганидан узоқ муддатли ресурсларни кўпайтиришдан банklar манфаатдор бўлишларига олиб келмоқда.


Ҳозирги пайтга келиб, аҳолининг омонатлари билан ишлаётган кўпгина банklarда қўлланилаётган янги тизим туфайли қисқа муддатли депозитлар билан бирга узоқ муддатли омонатларни очишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг асосий моҳияти, битта депозит ёки депозитлар туркуми доирасида пул маблағларини сақлаш муддатига қараб, фоиз ставкаларини эълон қилишга табақалаштирилган ёндашувдир.

---

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари.



## Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялашти- риш ставкаси динамикаси



Масалан, 1 иловада келтирилганидек, 2006 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра республикада фаолият кўрсатаётган 29 банкдан 19 таси юридик шахслар бўйича 1 йилгача берилган кредитлар учун фоиз ставкаларининг юқори даражаси 24 ташкил қилса, жисмоний шахслар учун муддатли омонатлари бўйича таклиф қилинган ставкалар 16 фоиздан 36 фоизгача ташкил қилган.<sup>16</sup>

Шу билан бир қаторда, акциядорлик тижорат «Ўздаббиркорбанк»да бир йил муддатга мўлжалланган «Барака» муддатли омонати бўйича 36 фоиз ҳисобланса, 3 ойлик «Мавсум» омонатлар бўйича энг кам 25 фоиз ҳисобланиб, улар ҳар чоракда тўлаб борилиши кўзда тутилган. «Пахта банки» бир йиллик муддатли ва «Саховот» омонатлари бўйича 26 фоизни таклиф қилган ҳолда, ушбу омонатлар бўйича фоиз тўловлари муддат тугагандан кейин амалга оширилиши кўзда тутилган.

Лекин, бу ерда шуни айтиб ўтиш жоизки, ҳозирги пайтда тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларнинг омонатларига жалб этилаётган маблағлар бўйича тўланаётган фоизлар ҳажми улар томонидан берилаётган кредит фоизларига нисбатан кўпдир.

Яъни тижорат банклари томонидан берилиши мумкин бўлган кредитлар бўйича олиниши мумкин бўлган сумма 24 фоизни ташкил қилиши мумкин.

<sup>16</sup> Банк хабарномаси № 3 2006 йил, январ.

Айнан ана шу давр мобайнида АИКБ «Ипак Йўли банк»ида бир йилгача берилган кредитлар фоизларининг ўртача даражаси 32,1 ни ташкил қилган бўлса, айни муддатга жалб этилган депозитлар бўйича ўртача фоизи 36,1 ни ташкил этиб, салбий кўрсаткич 4 фоизни ташкил қилган. Қуйида келтирилган (1.2-жадвал) маълумотлардан кўриниб турибдики, банкнинг жалб қилган маблағлари ҳажми 532,9 млн.сўмни ташкил қилган бўлса, фойда келтираётган активлар ҳажми 5209,6 млн.сўмни ташкил қилган. Яъни, бу келтирилган кўрсаткичларни таҳлил қилиш жараёнида банк активларининг фойда келтираётган активлари ҳажмининг депозитларга нисбатан салкам 10 баробардан кўплиги жалб қилинган депозитлар учун тўланаётган фоизларнинг ортиқчилигига эмас, балки аҳолининг бўш маблағларни жалб қилиш борасидаги унинг сиёсатини ижобий, деб баҳолашимиз мумкин.

## 1.2 - жадвал

### Тижорат банклари томонидан 2006 йил 1 январ ҳолатига бўлган фоиз ставкалари.

ФОЙДА КЕЛТИРУВЧИ АКТИВЛАР	Ипак Йўли банки		Партия банк	
	Минг сўм	Фоиз		
Бошқа банкларга берилган депозитлар	1 678 981	12,2	756 453	10,8
Қимматбаҳо қоғозлар	265 760	12,2	45 678	13,4
Мижозларга берилган соф кредитлар	1 064 839	32,6	1 254 657	27,5
Жами фойда келтирувчи активлар	3 009 580		2 056 788	
<b>МАЖБУРИЯТЛАР</b>				
Мижозлар ҳисоблари	481 023	8	325 563	6
Жамғарма депозитлари	126	22,0	473	27
Муддатли депозитлар	3 802	36,6	5 783	32
Бошқа муддатли депозитлар	48 000	6,7	39 078	5,7
Жами фойдали мажбуриятлар	532 951		370 897	
Соф фойда келтирувчи активлар	2 476 629		1 685 891	

Аслини олганда, бу икки банк томонидан таклиф этилаётган омонатчилар пуллари билан ишлашнинг усуллари янги эмас, лекин бу турдаги хизмат турларидан кенг кўламда фойдаланишнинг аҳамияти каттадир.

Бу ўринда шуни қайд этиш жоизки, хусусий омонатчиларнинг маблағларидан фойдаланиш борасида ривожланиб бораётган фонд бозорлари ҳам тижорат банкларининг рақобатчиларига айланмоқдалар. Чунки, бозорда ликвидли акциялар ва юқори даромадли қимматбаҳо қоғозлар пайдо бўлса, жисмоний шахслар сармоясини бевосита корхоналар фаолиятига жалб этиш ҳоллари ҳам мавжуд бўлади.

Шунинг учун ҳам, тижорат банклари аҳоли пулларини «ушлаб қолиш»нинг муҳофаза тадбирлари қаторида ипотека ва истеъмол кредитлари каби хизмат турларини ҳам кенг тарғиб қилишлари керак бўлади.

Бу ўринда хорижий давлатларнинг тажрибаси диққатга сазовордир. Чунки хорижий молия бозорларида аҳолини бўш маблағларидан самарали фойдаланишлари учун банк операцияларидан ташқари, қимматбаҳо қоғозлардаги операциялардан фойдаланиш имкониятлари ҳам мавжуддир.

Шунинг учун ҳам тижорат банклари ўз мижозларига кўрсатиши мумкин бўлган хизматлар турларини кўпайтиришлари орқали ўз фойдалилик даражаларини оширишга интилишлари мақсадга мувофиқдир. Жумладан, пластик дебит карточкаларини оммавийлаштириш ва кредит карточкаларининг муомалага киритиш борасида фолият олиб боришлари мумкин.

Бугунги кунга келиб тижорат банклари ўз мижозларига хизмат кўрсатиш ва ўз фаолиятларини олиб бориш жараёнида молиявий рисклар, фоиз рисклари, кредит ва инвестицион рисклар билан доимо тўқнаш келадилар.

Шунинг учун ҳам қуйидаги бобларда биз тижорат банкларининг барқарорлигини сақлаш ва уни амалга ошириш учун актив ва пассив операцияларини тўғри бошқаришга ўз эътиборимизни қаратишимиз мақсадга мувофиқдир.

Айтиб ўтиш жоизки, тижорат банки раҳбарияти рискларни бошқара олиш қобилиятига эга бўлиш учун молиявий ҳисоботининг таркиби бўлган актив ва пассив моддаларини таҳлил қила олишлари лозим. Бунинг учун эса банк раҳбарияти эътиборига тақдим этилган молиявий ҳисоботлар ҳаққоний ва ўз моҳиятига кўра, тўлиқ маълумотни ёрита олиши лозим. Айнан ана шу жараёнда ички аудит хизматининг предмети юзага чиқиши сабабли, айнан шу йўналишни ҳам ёритиб беришни мақсад қилиб қўйдик.

## 1.2. Банк барқарорлигини сақлашда бошқарувнинг ҳозирги шакли ва истиқболлари

Ташқи муҳит мунтазам ўзгариб турган ҳозирги шароитда банк бошқарувининг асосий мақсади банк барқарорлигини таъминлашдан иборатдир. Банк барқарорлигини таъминлаш ва уни узоқ муддатда сақлаб қолиш эса, бизнингча, асосий мақсаддир. Зотан, у молия стратегияси ривожланишининг асосий таркибий қисмига айланиши лозим.

Ўзбекистон ва чет эл иқтисодий адабиётларида молия стратегияси муаммоларига кам эътибор берилганки, бу, бизнингча, бошқарув назариясидаги жиддий камчиликлардан биридир. Маҳаллий олимларнинг ишларида молия стратегияси юқорида зикр этилган муаммога яқин, алоҳида масалаларнинг кўриб чиқилиши муносабати билан тилга олинади.

Жумладан, чет эл олимларидан Г.Б. Клейнер инвестиция-молия стратегияси ҳақида<sup>17</sup>, А.Г. Мовсесян эса,<sup>18</sup> инвестиция ва интеграция жараёнларининг ҳозирги ҳолатини тадқиқ қилишда инвестиция-молия стратегияси ҳақида фикр юритади. И.П. Хоминич «Компанияларнинг молия стратегияси» номли илмий рисоласида юқорида зикр этилган муаммони нисбатан жиддий ва тўлиқ тадқиқ қилишга ҳаракат қилган<sup>19</sup>.

Мазкур рисолада олим «компаниянинг молия стратегияси молия соҳасида бозор субъектлари ўртасидаги ҳар хил муносабатларни тавсифловчи иқтисодий категориядир», деб қайд этади.

Муаллиф молия стратегиясини иқтисодий категория даражасига кўтариб, унинг аҳамиятини бирмунча ошириб юборганки, бу, бизнинг назаримизда, бир неча сабабларга кўра асоссиздир.

Биринчидан, стратегияга берилган классик таърифга асосан, иқтисодий категория имкониятлар, мақсадлар, вазифалар, сиёсат ва режалар модели бўлиб, бу унга муносабат, деб қараш имконини бермайди.

---

<sup>17</sup> Клейнер Г.Б. и др. Предприятие в нестабильной экономической среде. риски, стратегии, безопасность. — М.: Экономика, 1997.

<sup>18</sup> Мовсесян А.Г. Интеграция банковского и промышленного капитала: современные мировые тенденции и проблемы развития России. — М.: Финансы и статистика, 1997.

<sup>19</sup> Хоминич И.П. Финансовая стратегия компаний. — М.: Рос. экон. акад., 1997.

Иккинчидан, ҳар қандай тушунча иқтисодий категория мақомига даъвогар бўла олмайди, чунки барча тушунчалар ҳам муайян иқтисодий муносабатларни акс эттиравермайди. Молия стратегияси иқтисодий категория ҳисобланиши ҳақидаги муаллифнинг хулосаси унга асосланадиган асосий иқтисодий категориялар — молия, пул ва кредитнинг моҳияти ва табиатига кўра изоҳланади. Молия стратегияси, бу узоқ муддатли ривожланиш концепция бўлиб, унинг мақсади асосий стратегия мақсадларига эришган ҳолда, риск даражасига кўра, даромадлиликни мумкин қадар оширишдан иборат. Молия стратегияси бошқарувнинг атроф-муҳитда кутилаётган ўзгаришларини эътиборга олган ҳолда, банкнинг ривожланиш истиқболлари ҳақидаги тасаввурдир.

Учинчидан, бозор субъектлари, шу жумладан, давлат ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг табиатига асосланган ва молия стратегиясига иқтисодий категория мақомини бериш юзасидан муаллиф келтирган далиллари мазкур қарашни асослаш учун етарли эмас, деб ўйлаймиз. Дарҳақиқат, молия стратегиясини таърифлашда тижорат банки бошқаруви иқтисодий категориялар моҳиятини ҳамда ташқи ва ички муҳит таъсирини эътиборга олади, аммо молия стратегиясининг ўзи, қўйилган мақсадларга эришишнинг ташқи бозор муқобиллари ва ички омилларининг маҳсули, холос, бинобарин, у мустақиллик ва аниқликка даъвогар бўла олмайди. Бундан ташқари, умумий ривожланиш стратегиясини, шу жумладан, молия стратегиясини ишлаб чиқиш ахборотнинг тўлиқсизлиги ва ноаниқлиги шароитларида амалга оширилади.

Тўртинчидан, молия стратегиясига «молия соҳасида бозор субъектлари ўртасидаги муносабатлар», деб берилган таъриф ҳам бир ёқламаликдан ҳоли эмас. Молия стратегиясини шакллантиришда ташқи ва ички омиллар эътиборга олинади, бинобарин, бу «молия соҳасида бозор субъектлари ўртасидаги муносабатлар»гина эмас, балки банк бўлимлари ичидаги ўзаро муносабатлар ҳамдир.

Бешинчидан, муаллиф ўз асарида «молия стратегияси қўйилган мақсадларга эришиш учун зарур ҳаракатларни умумлаштирувчи моделдир»<sup>20</sup>, деб қайд этади. Бошқача қилиб айтганда, И.П. Хоминич стратегияни амалий нуқтаи назардан талқин қилган ва бизнинг назаримизда, категориал ёндашувдан чекинган.

---

<sup>20</sup> Хоминич И.П. Финансовая стратегия компаний. — М.: Рос. экон. акад., 1997.

**Шунинг учун ҳам молия стратегиясида бизнесни ривожлантириш йўналиши алоҳида ажратилишини асосли деб ўйлаймиз.** Бошқарув томонидан ишлаб чиқилган умумий ривожланиш стратегиясини амалга оширишнинг муваффақияти оқилона молия стратегиясига кўп жиҳатдан боғлиқ. Муаммога бундай қараш банк фаолияти учун алоҳида долзарб аҳамиятга эга, чунки тижорат банклари активларининг 90 фоиздан ортиғи турли молия бозорларида шаклланади, мажбуриятлар эса, одатда, кредиторларнинг даъволари кўринишида мавжуд бўлади, бинобарин, бу соҳада тегишли стратегиясиз мақсадларга эришиш жуда қийин.

**Бизнингча, молия стратегиясини икки босқичда, яъни қисқа ва узоқ муддатли режага ажратиш ўринли бўлади.** Стратегик режа, бизнингча, қуйидаги таркибий қисмлардан ташкил топади:

1. Молия бозорларида операцияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини танлаш, бозорнинг маълум сегментига ёки сегментлар гуруҳига эътиборни қаратиш;

2. Мазкур бозорларда маҳсулот ва хизматларни таклиф қилиш учун ўз маблағлари ва қарз олинadиган маблағлар миқдори, тузилишини аниқлаш;

3. Тижорат банки активларининг «қиймати» тушунчасини таърифлаш ҳамда уни вужудга келтирадиган ташкилий бирликлар ёки бўлимларни аниқлаш.

4. Активларнинг қийматини ошириш имкониятларини аниқлаш, бунда мазкур имкониятларни амалга оширишнинг асосий йўналишларига эътиборни қаратиш. Активлар қийматига салбий таъсир кўрсатаётган рискларни ва бунинг олдини олиш чора-тадбирлари мажмуини аниқлаш.

5. Бошқарувнинг олдинги босқичларда танлаган стратегиясига банк қийматини имкон қадар ошириш нуқтаи назаридан баҳо бериш каби таркибий қисмлардан ташкил топади.

Бизнингча, бошқарувнинг асосий мақсадлари, банк мижозларига кўрсатиладиган хизматлар тўплами ҳақидаги қарашларини молия стратегиясида мустаҳкамлашдан иборат.

Шу ўринда қайд этиб ўтиш жоизки, молиявий стратегик ривожланиш режасида нафақат янги хизмат турларини, балки кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилашга ҳам эътибор қаратишлари мақсадга мувофиқдир.

Банклар томонидан кўрсатилаётган хизматларни маълум бир

сегментларга ёки уларнинг гуруҳларига йўналтириш ҳамда бошқа банкларга нисбатан самарадорлик билан амалга ошириш фойдалилик даражасини ошириш имконини беради.

Шунингдек, мазкур стратегик қарашни амалга ошириш имкониятлари тижорат банклари ресурсларининг тузилишига ҳам боғлиқ. Шу билан бирга, банк бизнесининг хусусияти жалб қилинган маблағлар салмоғининг катталиги билан белгиланади. Капиталнинг старлилиги кўрсаткичига қараб назорат органи томонидан баҳолашнинг мезонлари ўрнатилади, яъни жалб қилинган маблағларнинг тузилиши ва манбалари масалалари молия стратегиясининг асосий негизи ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам, молия стратегиясининг асосланганлиги мустақил назорат органи – ички аудит хизмати томонидан баҳолашнинг аҳамияти каттадир. Бу ерда қайд этиб ўтиш жоизки, тижорат банкининг ресурс қисми харажатлар билан боғлиқ бўлганлиги туфайли – маблағларни узоқ муддатга жалб қилиш ҳамда активларнинг даромадлигини ошириш борасида бошқарувнинг тутган сиёсатини назорат қилиш назарда тутилади.

Мижозларга таклиф қилинаётган банк маҳсулотларини ички аудит хизмати томонидан баҳолаш, юқорида зикр этилган ёндашувнинг муҳим жиҳатидир. Шунинг учун ҳам, бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банки томонидан қўйилган мақсадларга эришиш қобилияти уларнинг стратегиясида рақобатда устунликка эришиш учун нархлар, технологиялар, сифат, хизматларнинг турлигуманлиги ва ходимларнинг малака даражасига кўра рақобатлаша олишнинг аҳамияти каттадир.

Шу билан бирга банк бизнеси соҳасида унинг хизмат турларининг диверсификацияси муваффақият гаровидир. Агар мижозлар ўзига хос хизматлар учун катта ҳақ тўлашга тайёр бўлсалар, нархга ўстама белгилаш катта даромад олиш имконини беради. Бунда банклар қонун доирасида нобанк хизматлари кўрсатиш имкониятларини кўриб чиқишлари мумкин ва зарур. Илғор технологиялар ва юқори малакали ходимлар ёрдамида рақобатчилардан маълум даражада устунликка эришишлари мумкин.

Бундай тактика банкнинг даромадлигини барқарорлаштириш, банк ва нобанк маҳсулотлари ва хизматлари бозориде фаол иш олиб бориш, рақобат муҳитида содир бўлган ўзгаришларга тез мослашиш, рақобатчиларнинг хулқ-атвориға жавобан тегишли чоралар кўриш,

мижозларнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ўз ишига тегишли тузатишлар киритиш орқали амалга оширилади. **Активлар ва пассивларни бошқариш молия стратегиясини амалга ошириш воситаларидан биридир.**

Маълум бир муддат жараёнида кўрсатилган хизматларнинг натижалари банкнинг молиявий ҳисоботларида ўз аксини топади. Бунинг натижасида эса тижорат банкларида ички аудит хизмати томонидан таҳлил қилиш объекти юзага келади. Аудиторлар банк ходимларининг ўз фаолиятида белгиланган меъёрий ва қонун талабларига қандай риоя қилганликларини баҳолайдилар.

XX асрнинг 80-йилларида АҚШда пайдо бўлган активлар ва пассивларни бошқариш барча молия муассасалари фаолиятининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Мазкур муаммога қизиқишнинг ортиб бораётганлиги ташқи ва ички хусусиятга эга омиллар билан изоҳланади.

Халқаро бозорларда қайд этилаётган молиявий ва иқтисодий беқарорликни, саноати ривожланган мамлакатларнинг аксариятида банк соҳасини тартибга солишнинг заифлашганлиги ва бунинг натижасида рақобатнинг кучаяётганлигини ташқи омиллар жумласига киритиш мумкин. Ташқи муҳитда содир бўлувчи бундай ўзгаришлар валюта курслари ва фоиз ставкаларининг ўзгаришига олиб келади, тижорат банклари маржасига салбий таъсир кўрсатади. Бошқа давлатларда кузатилаётган тенденциялар активлар бўйича даромадлар даражасининг пасайиши ва маблағларни жалб қилиш харажатларининг ортиши ҳисобига маржа динамикаси пасайиб бораётганлигидан далолат беради. Бундан ташқари, миллий ва халқаро назорат ташкилотларининг банк тизими фаолиятини барқарорлаштиришга интилиши асосий кўрсаткичлар, жумладан, капиталнинг етарлилиги кўрсаткичи бўйича қўйиладиган талабларнинг кучайишига олиб келди ва ҳар бир тижорат банки миқёсида янада такомиллашган бошқариш заруратини келтириб чиқарди.

**Юқорида зикр этилган ўзгаришлар банк ичидаги барча фаолият йўналишларини мувофиқлаштиришни талаб этади. Активлар ва пассивларни бошқариш тўрт асосий фаолият йўналишлари: кредит, депозит, инвестиция ва савдо фаолияти билан кесишади, бинобарин, уларнинг ҳар бири баланснинг тузилишида ва активлар даромадлигининг салоҳиятида акс этади.** Бунинг устига, асосий иш йўналиш-



лари ўзаро зиддиятга киришиши ҳам мумкинки, бу уларни мувофиқлаштиришни талаб этади.

Бу ўринда активлар ва пассивларни бошқариш фаолиятини мувофиқлаштиришга банк фаолияти билан боғлиқ рисклар катта таъсир кўрсатишини қайд этиб ўтиш лозим. Шунинг учун ҳам фаолиятни мувофиқлаштиришга йўналтирилган барча ҳаракатларга ички аудиторлар алоҳида эътибор берадилар, чунки бу ҳаракатлар тижорат банкининг молиявий кўрсаткичларига бевосита таъсир кўрсатувчи омиллардир.

**Шундай қилиб, активлар ва пассивларни бошқариш банкнинг стратегик мақсадларига эришиш учун банк портфелини ва даромадлигини бошқаришнинг мувофиқлаштирилган жараёни ҳисобланади.** Банкнинг стратегик мақсадларига қай даражада ва қанчалик эришганлиги эса ички аудит хизматининг асосий текширув объектларидан биридир.

Вақт омилига қараб, активлар ва пассивларни бошқаришни қисқа ва узоқ муддатлар бўйича ажратиш мумкин. Бунда қисқа муддатда асосий эътибор ташқи ва ички муҳитдаги жорий ўзгаришларга қаратилади. Бошқача қилиб айтганда, активлар қиймати, мажбуриятлар ва банк харажатлари мунтазам ўзгариб турган шароитларда белгиланган сон кўрсаткичларини сақлаш бошқарувнинг асосий вазифасидир. Бундай кўрсаткичлар жумласига, масалан, соф фоиз фойдаси, соф фоиз маржаси, акциядан олинadиган фойдани киритишимиз мумкин. Белгиланган риск даражасида мумкин қадар катта соф фоиз фойдаси олиш ёки, аксинча, соф фоиз фойдасини режалаштирган ҳолда риск даражасини мумкин қадар камайтириш активлар ва пассивларни бошқаришнинг мақсадидир. Фоиз ставкаларининг ўзгариши, бозордаги ўзгаришлар, операцион ва тижорат рискларига нисбатан мўътадилликка эришиш орқали риск ва даромад ўртасида мувозанат ўрнатиш мақсадга мувофиқдир. Қисқа муддатли режаларни бошқаришда ички аудит тизими томонидан текширилган баланс маълумотлари асосида олинган кўрсаткичларга алоҳида эътибор берилади.

Бу ерда қайд этиб ўтиш жоизки, активлар қийматини ошириш, атроф-муҳитдаги салбий ўзгаришлардан қатъий назар, узоқ муддатли истиқболда барқарор даромад олишни назарда тутати, шунинг учун ҳам барча манфаатдор гуруҳларнинг талабларини бажариш ва тижорат банкларини барқарор ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадга мувофиқдир.

Методологик нуқтаи назардан активлар ва пассивларни бошқаришнинг асосий ва мураккаб турлари бир-биридан фарқланади. Активларни бошқаришда Марказий банк капиталининг етарлилиги, ликвидлилик даражаси, фоиз rischi ва бошқа бозор рискларига нисбатан қўйган талаблари асосий мўлжал бўлиб хизмат қилади. Мазкур ёндашувда асосий эътибор бошқа рисклар юзага келмаслиги учун уларни аниқлаш, миқдорини ўлчаш ва таҳлилдан ўтказишга қаратилади. Мураккаб бошқариш баланс миқдори ва тузилишини, барча фаолият йўналишлари бўйича даромадлиликнинг риск даражасига қараб тегишли тузатиш киритилган режаларни аниқлашни назарда тутлади. Бунда Марказий банкнинг асосий талабларига «минимал» талаблар деб қаралади, барча рисклар бутун банк бўйича муттасил кузатиб бориладиги, бу капитал камайишининг олдини олиш, бозорда қарз олиш йўлидаги тўсиқларни енгил ва активларни молиялаштириш харажатларини имкон қадар камайиштириш омили бўлади.

**Бошқача қилиб айтганда, активлар ва пассивларни бошқариш рақобат стратегияси талабларига жавоб бермайди ва атроф-муҳитдаги ўзгаришларга қараб иш тутадиган банкларга хос бўлади. Бундай банкларнинг стратегиясини «мослашувчан стратегия» деб таърифлаш мумкин.** Ўз навбатида, активлар ва пассивларни мураккаб бошқариш банкнинг ташаббус ва таъсир кўрсатиш қобилиятини назарда тутлади.

Банкнинг умумий стратегик ривожини таъминлаш функцияси активлар ва пассивларни бошқариш департаментининг асосий вазифасидир. Мазкур департамент банкнинг ёрдамчи бўлими ҳамда банк фаолиятининг асосий йўналишларини ривожлантириш учун жавобгар бўлган бошқа бўлимлар томонидан амалга оширилган тайёргарлик ишлари асосида қарорлар қабул қилади.

Тижорат банклари актив ва пассивларини бошқариш банк фаолиятидаги узлуксиз жараён бўлиб, уни амалга ошириш учун қабул қилиниши лозим бўлган қарорлар бошқа бўлимлар томонидан ижро этилиши аҳамияти каттадир. Шу билан бирга айтиб ўтиш жоизки, ушбу қарорлар ўзининг моҳиятига кўра банкни ривожланиш стратегияси мақсадларига жавоб бериши лозим.

**Бизнингча, активлар ва пассивларни бошқариш қўмитаси рискларни бошқаришда муҳим ўрин тутини, унга кенг ваколатлар бери-**

**лиши ва катта жавобгарлик юклатилиши лозим. Мазкур таркибий бирлик бошқарув соҳасида эгаллаган юксак мавқен бўлиб, уни банк иерархиясининг энг юқори поғонасига кўтарди.**

Активлар ва пассивларни бошқариш департаменти ўз таркибига кўра кредит қўмитаси ва бозор рискларини бошқариш бўлимлари билан яқин ҳамкорликда ишлашларининг аҳамияти каттадир. Чунки, айнан ана шу бошқармалар томонидан амалга оширилаётган операциялар банкнинг молиявий ҳолатига бевосита ўз таъсирини кўрсатади.

Шу билан бирга, ушбу тизимлар томонидан қабул қилинган қарорларнинг қанчалик тўғрилигига баҳо бериш ички аудит хизмати ходимларининг асосий вазифалиридан биридир.

Актив ва пассивларни бошқариш департаменти ўз фаолиятини банк фаолиятига боғлиқ бўлган ташқи ва ички манбалардан олинган маълумотлар асосида олиб боради.

Шу билан бирга, ушбу маълумотларни таҳлил қилишда уларнинг ҳаққонийлигига бўлган талаблар ва унинг асосига бўлган ишончликнинг аҳамияти каттадир. Ички аудит хизмати учун фойдали бўлган ахборотнинг аниқлиги ва унинг манбаларининг тузилиши 2.1 - жадвалда келтирилган.

Жадвал маълумотлари макроиқтисодий вазиятда ва молия бозорларида кутилаётган ўзгаришлардан келиб чиқиб, қарорлар қабул қилиш ҳамда илгари қабул қилинган қарорлар натижасида юзага келган тижорат банкининг асосий мавқеига мўлжалланаётган ўзгаришларнинг таъсири даражасини баҳолаш учун қандай ахборот турлари кераклигини кўрсатади. Ички ахборот манбалари асосида жорий ҳолатлар, кутилаётган ўзгаришларнинг таъсир даражаси муфассал таҳлилдан ўтказилади, шунингдек, амалдаги кўрсаткичларни ички ва ташқи меъёрлар билан мувофиқ ҳолатга келтириш бўйича амалга ошириш мўлжалланаётган чора-тадбирларга баҳо берилади.

Шундай қилиб, ташқи ва ички манбалардан олинган ахборотлардан:

1) жорий ва келажакдаги рискларни аниқлаш;

2) бозорда фоиз ставкалари, валюта алмаштириш курсларининг ўзгариши, инфляция ва активларнинг ўсиш суръатларига нисбатан позицияларнинг таъсирчанлигини таҳлилдан ўтказиш асосида рисклар миқдорини ўлчаш;

## Ички ва ташқи ахборот манбаларининг тузилиши

Ташқи ва ички манбалар	Макроиқтисодий муҳит таҳлили
<ul style="list-style-type: none"> <li>• иқтисоднинг ривожланиши прогнози</li> <li>• хизматлар курсатиш соҳасида ишбилармонлик фаолиятининг фаоллиги</li> <li>• ҳукумат сиёсати</li> <li>• халқаро жиҳатлар</li> </ul>	<p><b>Активлар ва пассивлар ўзгаришининг таҳлили</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• операцияларнинг ҳажмлари ҳамда активлар ва пассивларнинг қиймати (мутлақ ва ургача курсаткичлари)</li> <li>• утган даврда активлар ва пассивларнинг ўсиши</li> <li>• нархлар ва ўсиш курсаткичларини бюджет ва олдинги даврларга оид маълумотларга таққослаш</li> <li>• курсаткичларнинг ўзгаришидаги тенденциялар</li> </ul>
<p><b>Молия бозорларининг ҳолатини баҳолаш</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• фоиз ставкалари, валюта алмаштириш курслари ва акцияларнинг нархлари</li> <li>• иккиламчи кредит бозоридаги вазиятни баҳолаш</li> <li>• иккиламчи бозорда кредит рискларини тақсимланиши</li> <li>• инновациялар ва институциявий ўзгаришлар</li> </ul>	<p><b>Тартибга солувчи ташкилотларнинг қуйидаги талабларига мувофиқлик даражасини баҳолаш</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• капиталнинг етарлилиги</li> <li>• ликвидлик даражаси</li> <li>• активлар ва пассивларнинг муддатлар бўйича мос келиши</li> <li>• валюта позициясининг миқдори</li> <li>• банк сиёсатида белгиланган ички талаблар</li> <li>• чекловлар</li> </ul>
<p><b>Тартибга солиш, солиққа тортиш ва бухгалтерия ҳисоби</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• тартибга солиш соҳасида қутилаётган ўзгаришлар ҳамда активлар ва пассивларни бошқаришга уларнинг таъсири</li> <li>• тартибга солиш, солиққа тортиш ва бухгалтерия ҳисобида қутилаётган ўзгаришлар бўйича харажатларни баҳолаш</li> <li>• салбий ўзгаришлардан ҳимояланганлик даражасини баҳолаш</li> </ul>	<p><b>Фоиз rischi бўйича позициянинг таҳлили</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• жорий ҳолат</li> <li>• фоиз ставкаларининг ўзгаришига жорий ҳолатнинг таъсирчанлиги даражаси таҳлили</li> <li>• операцияларнинг ўсишида қутилаётган ўзгаришлардан келиб чиқиб позициядаги ўзгаришни мўлжаллаш</li> <li>• фоиз ставкаларининг ўзгаришида нейтрал ҳолатни сақлаш учун позицияга тузатиш киритиш</li> <li>• фоиз ставкалари ўзгаришининг турли ҳолатларида нейтрал позицияларни ёпиш вариантлари</li> </ul>

3) эришилган натижаларни таҳлилдан ўтказиш ҳамда баланс бўйича мақбул (фоиз ставкаларининг ўзгаришига нисбатан мусбат, манфий ёки нейтрал) позицияни сақлаш учун зарур тузатишлар киритиш;

4) харажатлар даражасини баҳолаш учун вазият ривожланишининг турли ҳолатларга баҳо бериш учун фойдаланиш мумкин.

Бу ерда шунини қайд этиб ўтиш жоизки, ахборот оқимларининг

тегишли бўлимларда қайта ишланиши, сўнг активлар ва пассивларни бошқариш бўлимига узатилишини таҳлил қилишнинг аҳамияти каттадир.

Ушбу жараёнда юзага келиши мумкин бўлган рискларни бошқариш ва камчиликларни бартараф этиш борасида тавсиялар ишлаб чиқиш ички аудит хизматининг асосий вазифалари ҳисобланади. Чунки, активлар ва пассивларни бошқариш бўлими оқилона қарорлар қабул қилиш учун қўмита йиғилишининг муҳокамасига таклифлар киритади.

Шунинг учун ҳам тижорат банкларида активлар ва пассивларни бошқаришда биз ташкилий ва ахборот моделини таҳлилдан ўтказиш жараёнида асосий эътиборни рискларни жамулжам бошқаришга қаратиш лозимлигини қайд этиб ўтдик. Рискларни юзага келиш манбалари муттасил ўзгарувчи ички ва ташқи омилларга боғлиқ бўлиб, уларни бошқариш жараёнида ҳаракатларни мувофиқлаштиришни талаб қилади.


Яъни, ушбу рискларни бошқаришнинг бевосита механизмини яратиш орқалигина уларга эришиш мумкин. Шунинг учун ҳам, ички аудит тизими ушбу механизмларни қандай ташкил қилинганлиги ҳамда унинг ижросини баҳолайди ва такомиллаштириш борасида тавсиялар ишлаб чиқишлари лозим бўлади.

Кўйида келтирилган 1-чизмада ташқи муҳит омилларининг таъсири мижозларга хизмат кўрсатиш жараёнида бошқарувни олиб бориш лозимлигини кўрсатади. Банк раҳбариятининг активлар ва мажбуриятлар ўртасида мувозанатни сақлаш қобилияти мавжуд рискларни бошқариш ва назорат қилиш тизимига боғлиқ бўлиб, банк капиталининг мавжудлигидан ва унинг ўсишидан далолат берадики, бу банкнинг барқарор ривожланаётганлиги ва қиймати ортиб бораётганлигининг рамзи ҳисобланади.

Шу билан бирга айтиб ўтиш жоизки, тижорат банклари фаолиятини рисклар билан боғлиқ бўлган позицияларини қўшимча назорат қилиш ва уларнинг мониторингини юритиш банкнинг ички аудит тизими томонидан ҳам амалга оширилиши лозим. Бу ерда ички аудит бўлими харажатлар ва даромадлилик даражасини таҳлилдан ўтказиш асосида рискларни назорат қилади, шунингдек, активлар ва пассивлар бўйича мувозанатлаштирилмаган позицияларнинг молиявий натижага таъсирини баҳолайди.

Тижорат банклари операцияларини бошқаришнинг қисқа муддатли ва стратегик (узоқ муддатли) режа услубларига ажратиш мум-

кин. 2.2-чизмада кўрсатилганидек, рискларни бошқаришни унинг даражасини чегаралаш, фаолият мониторингини олиб бориш, унинг банк фойдасига бўлган таъсирини баҳолаш орқали амалга оширилиши мумкин. Бухгалтерия бўлими баланс, даромад ва харажатлар ҳақидаги ҳисобот, позициялар бўйича резервларни таркиб топтириш талабларига риоя қилинишини масофадан туриб таҳлил қилиш усулидан фойдаланиши мумкин.



2.1-чизма. Рискларни юзага келиш манбалари

Шундай қилиб, активлар ва пасивларни бошқарув тизими уч таркибий қисмдан: ташкилий, вақт ва ахборот қисмларидан ташкил топади. Активлар ва пасивларни бошқарув тизимининг таш-


килий қисми бошқарувда иштирок этувчи тегишли бўлимларнинг мавжудлигини назарда тутати. Жорий бошқарувга эса харажатларни, даромадлиликни бошқарув тизими хос бўлиб, аниқ ишлаб чиқилган муолажалар ва уларнинг изчиллиги, активлар ва пассивларни самарали бошқаришнинг муҳим асосидир. Масалан, бошқарувнинг дастлабки босқичида бошқарув ахбороти жалб этилган ҳолда банкнинг молиявий ҳисоботини чуқур таҳлилдан ўтказиш зарур.

Айнан ушбу жараёнда ички аудит тизимининг банк назорат тизимига бўлган баҳосининг аҳамияти каттадир. Чунки, молиявий ҳисоботларни давомли равишда масъул ходимлар томонидан қарорлар қабул қилиш учун тақдим қилинади. Бунинг натижасида эса қабул қилинган қарорлар банк фаолиятига таъсир кўрсатади.

Бунда банк активлари ва пассивларининг тузилишига, банкнинг соф фоиз фойдасини, фоиздан ташқари даромад ва харажатларини баҳолашга эътибор берибгина қолмасдан, балки актив ва пассив операцияларнинг муайян даромадлигининг даражасини аниқлаш, соф маржанинг манбаларини таҳлил қилиш, қайси хизмат турлари энг барқарор тушум ва фойда манбаи ҳисобланишини баҳолашлари мақсадга мувофиқдир.

Навбатдаги босқич рискли позицияларни баҳолаш билан боғлиқ бўлиб бунга биз банкнинг жами ликвидли позицияларини баҳолаш, рискли активларга банк капиталининг жалб қилиниши даражаси, бозорда фоиз ставкаларининг ўзгаришига очиқ позициялар (ликвидлик, валюта позициялари) ва соф маржанинг таъсирчанлиги масалаларини киритишимиз мумкин.

Сўнги босқич вазиятнинг ривожланиши билан боғлиқ сценарийларни моделлаштириш ва банк стратегиясига асосий ўзгарувчиларнинг таъсирини баҳолашни назарда тутати. Бунда асосий эътибор бозорда фоиз ставкаларининг ўзгаришига активлар ва пассивлар баланс қийматининг таъсирчанлигини баҳолаш; капиталнинг мумкин қадар ўсишига эришиш муқобилларини таҳлилдан ўтказиш; баланс активлари ва пассивлари тузилишига ҳамда уларнинг риск даражасига стратегиянинг таъсирини баҳолаш масалаларига қаратилади. Ниҳоят, юқорида зикр этилган уч босқич якуний таҳлил билан якунланади ҳамда бу таҳлил натижалари стратегик ва тактик даражаларда бошқарув қарорлари қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади.



**2.2-чизма. Рисklarни жамулжам бошқариш**

Банк фаолияти билан боғлиқ барча рисклар орасидан ликвидлилик, фоиз, бозор, тўловга лаёқатсизлик ёки капитал рискларини бошқариш активлар ва пассивларни бошқариш бўлимининг ваколатлари жумласига киради. Молиявий натижа (фойда ёки зарар) риск даражасининг кўзгудаги акси бўлганлиги учун банкнинг, унинг таркибий бўлимларининг рентабеллигини бошқариш активлар ва пассивларни бошқарув тизимига киради.

Ликвидлиликни бошқариш активлар ва пассивларни бошқарув тизимида марказий ўринлардан бирини эгаллайди. Зотан, банкнинг барқарорлиги унинг мижозлар эҳтиёжини уларнинг биринчи талаби билан қондириш лаёқатига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бунинг устига, банк фаолиятининг стратегик мақсадларига, энг аввало, ликвидлиликни самарали бошқариш йўли билан эришиш мумкин.



Иқтисодий цикл босқичидан қатъи назар, ликвидли маблағларга бўлган талаб ва таклиф, одатда, ўзаро мос келмайди ва бу ликвидлиликнинг етишмаслигига ёки ортиб кетишига олиб келади. Агар маблағлар ўз вақтида жойлаштирилмаса ёки жалб қилинмаса, ликвидлиликнинг тақчиллиги ёки ортиқчалиги даромаднинг бой берилишига ёки тўлов лаёқатининг йўқолишига олиб келиши мумкин. Шу билан бир вақтда, ликвидли активларни мақбул даражадан ортиқ ҳажмларда сақлаш даромадлиликни пасайишига олиб келади ва банк фойдасига салбий таъсир кўрсатади.

Банк томонидан ликвидлиликни жалб қилинган маблағлар ҳисобидан қўллаб-қувватлаш эса бир қатор чеклашлар билан боғлиқ бўлиб, янада жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бундан хулоса шуки, ликвидлиликни пароканда бошқариш, яъни активлар ёки пасивларни бошқариш асосида бошқарув томондан қўйилган мақсадларга эришиш имконини бермайди, чунки мазкур масалалар турли бўлимларнинг ваколатига киради ва мувофиқлаштирилмайди. Актив ва пасив бўйича пул оқимларининг мувозанатини сақлаш орқали ликвидлиликни бошқариш, бизнингча, энг самаралидир. Бошқарувни бундай ташкил этиш банкнинг маблағларни жалб қилиш ва жойлаштириш учун жавобгар бўлган барча бўлимларининг фаолиятини назорат қилиш, пул маблағларининг оқимлари ҳақидаги ахборотга асосланиб ликвидлиликни режалаштириш ва қабул қилинган қарорларни тегишли чора-тадбирлар билан мустаҳкамлаш, ликвидли маблағларни бошқаришнинг мақсадлари ва устуворликларини белгилаш<sup>21</sup>, даъволар ва мажбуриятларнинг юзага келиши ўртасида мувофиқликни таъминлаш, жойлаштирилган маблағларнинг даромадлилигини баҳолаш имконини беришига бизнинг ишончимиз комил.

Маълумки, банкларнинг активлари ва пасивларига қўнимсизлик ва ўзгарувчанлик хос. Одатда, банкнинг активлари ва пасивлари маълум муддатга жойлаштирилган, жалб қилинган ҳамда маълум қиймат баҳосига эга бўлади. Бунда активларнинг олдинги даврдаги нисбатан кўпайиши пул маблағларининг оқиб кетганлигидан, активларнинг ҳисобварақлари бўйича қолдиқларнинг камайиши эса, аксинча, пул маблағлари оқиб келганидан далолат беради. Мажбуриятлар ҳисобварақларида қолдиқлар миқдорининг ўсиши тегишли равишда пул маблағлари оқиб келганлигини, қолдиқлар миқдори-

---

<sup>21</sup> Бу ўринда биз устуворлик деганда, авваламбор, мижозларнинг кредитга бўлган эҳтиёжини қондиришни тушунамиз.

нинг камайиши эса — пул маблағлари оқиб кетганлигини билдиради. Ишлаётган активлар ва харажат билан боғлиқ бўлган мажбуриятлар маълум муддатга жойлаштирилган ва жалб қилинган бўлади, шунинг учун ҳам активлар ва пассивларни бошқарув тизимида ликвидликни бошқариш жалб қилинган ва жойлаштирилган маблағларнинг муддатлари ва миқдорларини «муддатлар зинапояси» усулига асосан мувозанат сақлашни назарда тутади<sup>22</sup>.

Тарихий ёндашув «муддатлар зинапояси» ёки ликвидлик масалалари борасида бир неча олимларнинг илмий ишларида кўриб чиқилган<sup>23</sup>. Ушбу олимларнинг фикрларига кўра активлар ва пассивларни муддатлари бўйича жойлаштиришда банк ва унинг мижозлари ўртасида тузилган шартномаларда ифодаланган ахборот эътиборга олинади. Айтиб ўтиш жоизки, активлар ва пассивлар ҳаётий циклининг босқичлари, яъни талаблар ва мажбуриятларни бажаришнинг охиригача қолган муддатларини эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, таклиф этилаётган моделларда пул маблағларининг барча оқимлари эмас, балки уларнинг банк балансида акс эттирилган қисминигина ҳисобга олиш мумкин. Масалан, бу ерда фоизларнинг тўланиши ва олиниши натижасида юзага келиши мумкин бўлган пул маблағлари оқимлари, дивидендлар, солиқ тўловлари, балансдан ташқари моддалар бўйича талаблар ва мажбуриятлар, банк ходимларининг меҳнатига тўланадиган ҳақ ва бошқа бир қатор пул оқимлари эътиборга олинмайди.

Статистик таҳлилга кўра, кўпроқ динамик таҳлилга эътибор қаратишнинг аҳамияти каттадир. Динамик таҳлил деганда келажакда қабул қилиниши мумкин бўлган қарорлар ва содир бўлиши мумкин бўлган ўзгаришлардан келиб чиқиб, пул оқимларини режалаштириш ва юзага келиши мумкин бўлган номутаносибликни баҳолаш тушунилади. Олимларнинг таклифларида ва ўқув адабиётларида активлар ва мажбуриятлар вақт омили ва рисклардан келиб чиқиб, уларнинг баланс қиймати бўйича ҳисобга олиш мумкин. Бу ҳолда «муддатлар зинапояси» модели

---

<sup>22</sup> Активнинг «ностро» ҳисобварағи, қимматли қоғозларнинг инвестиция портфели сингари моддалари, пассив бўйича эса — «талаб қилиб олингунга қадар» ва «лоро» ҳисобварақлари бундан мустасно.

<sup>23</sup> Роуз Питер. Банковский менеджмент: Пер. с англ. — М.: «Дело Лтд», 1995. — с. 324; Синки Дж. Мл. Управление финансами в коммерческих банках: Пер. с англ./под ред. Р.Я. Левиты, Б.С. Пинскера. — М.: Catallaxy, 1994. — с. 480. Кох Т.У. Управление банком: Пер. с англ., Уфа: Спектр, 1993.- с. 52; Зайцева Н.В. Оперативный анализ риска потери ликвидности в коммерческом банке //Деньги и кредит, № 6, 2000. - С. 43.

бошқарув қарорлари қабул қилиш воситаси сифатида жуда қўпол ва тахминий, нисбатан самарасиз ҳисобланади.

**Бизнингча, активлар ва пассивларнинг муддатлари бўйича ўзаро мувофиқлиги моделини тузишда динамик ёндашувга асосланиш, яъни талаблар ва мажбуриятларни бажаришгача қолган муддатларни эътиборга олиш, шартномада белгиланган кўрсаткичлардан режа қилинаётган оқимларнинг оғиши даражасини баҳолаш, шунингдек, вақт омили ва риск даражасидан келиб чиқиб, активлар ва мажбуриятларни жорий қиймати бўйича акс эттириш лозим.**

Шу билан бир вақтда, юқорида зикр этилган камчиликлардан келиб чиқиб, ликвидлиликни бошқаришда «муддатлар зинапоёси» усулидан фойдаланиш жараёнида, мазкур моделни бошқа усуллар билан биргаликда комплекс кўриб чиқиш лозим. Жумладан, «соф активлар» усули, бизнингча, самаралидир. Мазкур усул ликвидли активлар билан беқарор пассивлар ўртасидаги номутаносибликни аниқлашни назарда тутати. Банк менежментининг ликвидли активлар ҳақидаги тасаввури назорат органи томонидан тақлиф этилган расмий талқиндан фарқ қилиши мумкин, чунки бу ерда менежмент ваколатларига мансуб бошқарув ҳақида сўз кетаётир.

Мазкур гуруҳ активлари ва пассивларининг мутлақ миқдорларини танланган вақт оралиқларида таққослаш натижаси юқорида зикр этилган номутаносибликни аниқлаш имконини беради. Шунинг учун ҳам абсолют ифодада олинган тафовутнинг миқдори Марказий банк томонидан белгиланган ликвидлик коэффициентлари миқдорларига таққослаганда менежмент учун ёрқин кўрсаткич бўлиб хизмат қилади.

Ликвидлиликни таҳлилдан ўтказиш ва бошқаришнинг мазкур усули, банк амалиётида активлар ва пассивларни ликвидлилик ва барқарорлик даражасига қараб таснифлашда қўлланилади. Жумладан, биз ликвидли активлар таркибидан аъъанавий моддаларни чиқариб ташлашни ва бошқа баланс моддаларини, шунингдек, балансдан ташқарида, менежмент томонидан белгиланган бўсаға муддати (7 кун, уч ёки олти ой) доирасида ҳисобга олинган бошқа моддаларни ликвидли деб ҳисоблашни тақлиф қиламиз.

Масалан, даромад келтирадиган бир қатор моддаларни ликвидли активлар жумласига киритиш мумкин. Улар орасидан банкларро ссудалар ва «ностро» ҳисобварақларига, агар уларни талаб қилиб олиш муддати бўсаға муддатидан кичкина бўлса, ликвидли активлар деб қараш лозим. Инвестиция қимматли қоғозларини, агар «репо»

операцияларини амалга оширишда улардан гаров предмети сифатида фойланиш мумкин бўлса, шунингдек, уларнинг муомалада бўлиш муддати белгиланган бўсага муддати доирасида бўлса, ликвидли активлар жумласига киритиш мумкин. Қайтариш муддати белгиланган бўсага муддати доирасида бўлган ссуда қарзини ҳам ликвидли актив, деб ҳисоблаш мумкин.

Бундай ёндашув активлар ва пасивлар ўртасидаги номутонобликни «захира» усули ёрдамида, уларни талаб қилиб олиш муддатларига қараб баҳолаш имконини беради. Мазкур усул асосида Алоқа банкидаги ликвидлиликнинг тафовутини ҳисоб-китоб қилиш билан боғлиқ мисолни кўриб чиқамиз.

## 2.2 - жадвал

### Алоқа банкининг активлар ва пасивларини «соф ликвидли активлар» усулида таснифлаш<sup>24</sup>

	Ивак Йўли банк		Парична банк	
	Ўнги сўм	Фоиз		
<b>Фойда келтирувчи активлар</b>				
Бошқа банкларга берилган депозитлар	1 678 981	12,2	756 453	10,8
Қимматбаҳо қоғозлар	265 760	12,2	45 678	13,4
Мижозларга берилган соф кредитлар	1 064 839	32,6	1 254 657	27,5
Ўшаи фойда келтирувчи активлар	3 009 580		2 056 788	
<b>МАЖБУРИЯТЛАР</b>				
Мижозлар ҳисоблари	481 023	8	325 563	6
Ўзгарма депозитлари	126	22,0	473	27
Муддатли депозитлар	3 802	36,6	5 783	32
Бошқа муддатли депозитлар	48 000	6,7	39 078	5,7
Ўшаи фойдали мажбуриятлар	532 951		370 897	
Соф фойда келтирувчи активлар	2 476 629		1 685 891	

2.2 - жадвал маълумотлари талаб қилиб олиниши мумкин бўлган ёки муддатсиз депозитлар бўйича ликвидлиги миқдорлари манфий эканлигидан далолат берадики, бу қўшимча пул маблағларини жалб қилишни талаб этади ҳамда бозорда фоиз ставкалари ўзгаришининг ҳар қандай динамикасида фоиз харажатларининг ўсиши ва

<sup>24</sup> АК «Алоқа банки» 2004 йил 1 январ ҳолатига йиллик молиявий ҳисоботи кўрсаткичлари.

даромаднинг камайишига олиб келади. Бундан ташқари, банк активларидаги салмоғи 15-17% атрофида бўлган номутаносибликнинг мавжудлиги ликвидлик, активлар ва пасивларни қисқа муддатли қўшимча истиқболда бошқариш қониқарсиз аҳволдалигидан далолат беради.

Шу билан бирга айтиб ўтиш жоизки, банк балансида ва баланسدан ташқари ҳисобга олинган пасивларни барқарорлик принципи бўйича таснифлаш мақсадга мувофиқдир. Ҳамда «Репо» операциялари ва талаб қилиб олиш муддати белгиланган бўсага муддати бўйича бўлган бошқа мажбуриятларни банк депозит асосининг беқарор қисми, деб ҳисоблаш мумкин. Талаб қилиб олиш муддати белгиланган бўсага муддатидан катта бўлган бошқа барча пасивларга барқарор депозитлар деб қараш мумкин. Бундай таснифлашда талаб қилиб олинган депозитлар, айниқса, катта қийинчилик туғдиради, чунки уларнинг ликвидлигини баҳолаш юксак даражада аниқликка эришиш имконини берадиган усуллар ёрдамида амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

Ликвидликни «соф ликвид активлар» усулида таҳлил қилиш ва баҳолаш, бизнингча, номутаносиблик кўрсаткичларини янада аниқлаштириш ва унинг оқибатларини баҳолаш имконини беради. Фикримизча, «муддатлар зинапояси»ни тузишда динамик ёндашувни фоиз ставкалари, валюта курслари, инфляция сингари ўзгарувчиларга қараб вазият ривожланишининг ҳар хил ҳолатлар ҳисоб-китоблари билан тўлдиришлари мақсадга мувофиқдир.

Бу ерда бош стратегик мақсад — банк қадр қийматини мумкин қадар оширишга эришиш учун рентабелликни сақлаш ва ошириш, активлар ва пасивларни бошқариш департаменти фаолиятининг яна бир муҳим йўналишидир.

Банкнинг рисклари ва даромадлиликини бошқариш фаолиятини мувофиқлаштиришга бўлган эҳтиёж банк капитали назорат ташкилотларининг талабларини қондириш ҳамда банк капиталининг қийматини оширишга йўналтирилган стратегик мақсадига эришиш нуқтаи назаридан қўллаб-қувватлаш зарурати билан белгиланади. Бу ерда аҳамиятлиси шундаки рискларни бошқаришнинг, шу жумладан, активлар ва пасивларни бошқаришга асосланган номақбул ёки самарасиз тизими банк хусусий капиталининг камайишига олиб келиши, банкни эса тўлашга лаёқатсиз қилиб қўйиши мумкин.

Шунинг учун тижорат банк раҳбарияти банкнинг барқарорлигини сақлаш ва ошириш борасида қарорларни қабул қилиш жараёнида батафсил таҳлил қилинган маълумотларга асосланишлари лозим. Ушбу маълумотларнинг қанчалик тўғри тузилганлиги ва уларга таъсир этиши мумкин бўлган омилларни ички аудит тизими томонидан ҳужжатларни таҳлил қилиш натижасида текшириш мумкин. Шу билан бирга қайд этиб ўтиш жоизки, банк кенгаши томонидан қабул қилинган қарорларни банк раҳбарияти томонидан ижро қилиниши ички назорат тизими томонидан ўрганиш механизми йўлга қўйилган бўлиши мақсадга мувофиқдир.

### **1.3. Банк тизими барқарорлигини сақлашда ташқи назоратнинг роли ва аудитнинг аҳамияти**

Бугунги кунга келиб, банк тизимининг мамлакат иқтисодийётида тутган ўрни салмоқли бўлиб, у ички пул жамғармаларини самарали сафарбар этиш, маблағларни иқтисодиётнинг турли жабҳаларига жойлаштириш учун қулай замин яратади ва унинг ўсишига кўмаклашади. Давлатнинг пул-кредит сиёсатини амалга оширувчи тизимининг бир қисми бўлган банклар, жамғариш жараёнига ижобий таъсир кўрсатадилар, молия воситалари ва бозорларини ривожлантириш асосида банк тизимининг тараққиётига эришиш мумкин.

Шу билан бир қаторда банклар фаолият олиб бориш жараёнида турли хилдаги рисклар билан тўқнашадилар. Бу ерда қайд этиб ўтиш жоизки, ушбу риск даражасини тўғри аниқлаш ва уни бошқариш борасида тўғри сиёсат юритишнинг аҳамияти каттадир. Акс ҳолда, ушбу жараёнда бир банкнинг инқирози умумий тизим барқарорлигига таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун ҳам беқарорлаштирувчи жараённи олдини олиш учун тижорат банклари назорат органи унинг фаолиятига таъсир кўрсатишнинг маълум усуллари мажмуига эга бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Банк фаолияти ўзининг моҳиятига кўра риск даражаси юқори бўлган бизнес турлари жумласига киради, зотан, банклар турли кредиторлар ва омонатчилар олдидаги ўз мажбуриятларини муттасил кенгайтириш асосида ўз активларини шакллантирадилар. Бугунги кунга келиб, тижорат банклари активларни шакллантириш жараёнида диверсификация сиёсатини олиб борадилар, бунинг натижасида эса ўзларининг рискларини бошқарадилар.

Бу ерда банк пассивлари диверсификациясига катта эътибор бериш муҳим аҳамияти эга. Бунда активлар rischi қанча катта бўлса, банкнинг ўз мажбуриятларини ижро этиш rischi ҳам шунча катта бўлади.

Тижорат банкларининг ривожланиши тарихи ортиқча спекуляциялар, иқтисоддаги салбий ўзгаришлар натижасида банк бизнесининг молиявий пирамидаси муайян банк миқёсида бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Тижорат банкида ўз маблағлари ва қарз олинган маблағларнинг нисбати, одатда ўрта ҳисобда 1:20 бўлади. Бундай вазиятда хусусий капитал билан таъминланганлик даражаси паст бўлади ҳамда активлар ва балансдан ташқари мажбуриятларга нисбатан 10% ни ташкил этади. Табиийки, иқтисодий мувозанат бузилган даврларда ўз мавқеини сақлаб қолиш учун бундай ҳимоя даражаси етарли эмас. Бинобарин, ўсишни чеклаш ва капиталнинг етарлилиги негизида банкнинг ишончилиги берилган баҳони такомиллаштириш энг долзарб ва шу билан бирга, мураккаб вазифалар жумласига киради.

Иқтисод субъектларининг манфаатларини бундай инқирозлардан ҳимоя қилиш учун тижорат банклари фаолиятини ташқи назорат органи Марказий банк қонунчилик доирасида тартибга солади.

Яъни, «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки молия-банк тизими барқарорлигини сақлаб туриш, омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида банклар, кредит уюшмалари ва ломбардлар фаолиятини тартибга солади ҳамда назорат қилади»<sup>25</sup>.

Шу билан бирга, айтиб ўтиш жоизки, банк тизимининг барқарорлигини ва иқтисодга унинг ижобий таъсирини сақлаш мақсадида тижорат банкларининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш зарурати бошқа сабаблар билан ҳам изоҳланади.

Чунки, тижорат банклари иқтисодиёт тармоқларида фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектларни кредитлаш орқали муомаладаги пул массасини кўпайтириш билан бирга, тўлов воситаларини ҳам яратадилар.

Шунинг учун ҳам, тижорат банклари хўжалик юритувчи субъектларга кредит бериш жараёнида, ўз riskларини ҳимоя қилиш мақсадида, одатда унинг ҳажминини маълум моддий кўринишидаги ак-

---

<sup>25</sup> «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисидаги» Қонуни 1995 йил 21 декабр

тивлар ёки бошқа турдаги мажбуриятлар билан берилган маблағларни қайтаришни кафолатлашга ҳаракат қиладилар.

Бундан кўришиб турибдики, соддалаштирилган кўринишда банк тизимининг мажбуриятлари реал қийматнинг ошиши ва актив операциялари рисқи билан яқин алоқада шакллантирилишининг аҳамияти катта. Бундай ёндашув банк тизими томонидан вужудга келтирилган тўлов воситалари ҳажми билан уларни активлар кўринишида реал таъминлаш ўртасида маълум нисбат ўрнатилишига кўмаклишиши мумкин. Тижорат банклари хўжалик юритувчи субъектларга берилаётган кредитлар ҳажмини ошириш орқали маблағларни турли соҳаларга йўналтиришлари натижасида эса пул оқимларини бошқариш жараёнида беқарорлик юзага келиш мумкин, шунинг учун ҳам бу назорат органи томонидан маълум чеклашларни жорий этиш заруратини юзага келтиради.

Бундан ташқари, бир томондан тижорат банклари филиаллар тармоғининг кенгайиши, тўлов механизмнинг ривожланиши ва самарали фаолият кўрсатишига ижобий таъсир кўрсатса, иккинчи томондан, кўп филиалли банкнинг самарадорлиги харажатларни қисқартириш учун олиб борилаётган имкониятлардан фойдалана олиш қобилияти билан белгиланади, бунинг натижасида эса пировард натижада банкнинг ишончлилиги ва барқарорлигига бевосита таъсир кўрсатади.

Юқорида қайд этиб ўтилганидек, банк тизимига бўлган ишонч кўпгина мезонлар билан белгиланади. Банк тизими элементлари — тижорат банкларининг инқирозларга таъсирчанлиги бизнеснинг ўзига хос хусусиятлари билан изоҳланади. Бизнингча, тижорат банкларининг банкрот ҳолатига учрашларига асосий сабаблари қуйидагилар бўлиши мумкин:

- қарз маблағларга ўта даражада боғлиқлик;
- тизим етарли даражада очиқ эмаслиги;
- активлар сифатининг пастлиги;
- активлар ва мажбуриятлар бўйича пул маблағлари оқимларининг номуаносиблиги;
- рисклар ва уларни чеклашнинг асослилиги устидан назорат яхши йўлга қўйилмаганлиги.

Капиталнинг салмоғи паст бўлган ва у зарарларни қоплай олмаган шароитларда левераж салмоғи катта бўлса, бу банк секторини заифлаштиради, инвестиция қарорлари қабул қилиш имкониятларини ва бунинг оқибати ўлароқ, хўжалик юритувчи субъект-



ларнинг ривожланиш имкониятларини чеклайди. Даромад келтирувчи актив операцияларни амалга ошириш ҳисобига капитални тўлдиришга банкнинг интилиши активлар ва мажбуриятларнинг номуаносиблигига олиб келади, ликвидликка катта талаблар қўяди ва фоиз рискинни кучайтиради. Бундай шароитларда банк тизими барқарорликни сақлаш учун мижозларнинг тўловлар ва кредитларга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида ликвидли активларни анча катта ҳажмда сақлашга мажбур бўлади. Шунинг учун ҳам тижорат банклари томонидан берилган кредит маблағларининг ўсиши банк ликвидлигига салбий таъсир кўрсатади.

Тизимнинг алоҳида элементлари ликвидлиги етарли бўлмаган тақдирда Марказий банк, банк тизимининг ликвидлигини сақлаш мақсадида сўнги идорада кредитор функцияларини бажариши ва шу тариқа тизимнинг тўлов лаёқатини кафолатлаши мумкин. Марказий банк бундай функцияни бажармаган тақдирда банк тизими ўз барқарорлигини йўқотиши мумкин.

Бугунги кунга келиб, тижорат банклари активлари портфелининг сифати банк тизими ривожланишининг барқарорлигига таъсир кўрсатувчи жиддий омилларидан биридир. Банклар томонидан актив операцияларни амалга ошириш жараёнида хўжалик юритувчи субъектларга кредит бериш, уларнинг акциялари билан молия бозорига ишлаш банкларга даромад олиш ҳамда ўзининг ва иқтисодий субъектларининг ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш имконини беради.

Шу билан бир вақтда, банк тизими активларининг реал қиймати уларнинг ҳисобга олинган, яъни хўжалик фаолиятининг натижаси бўлмиш молиявий ҳисоботларда қайд этилган қийматидан фарқ қилади. Ҳатто, кутилмаган ўзгаришлардан суғурта қилинган активлар, масалан, давлат қимматли қоғозлари ҳам бозорда фоиз ставкаларининг кескин ўзгариши натижасида муайян банкка катта таъсир кўрсатиши мумкин.

Бунинг устига, бундай муаммолар кўпинча операция амалга оширилганидан сўнгина, мониторинг асосида анча кеч аниқланиши натижасида, кўпгина ҳолларда вазиятни ўзгартиришнинг иложи бўлмайди. Бундай вазият талабларнинг кўпайиши, яъни мажбуриятларнинг жадал ўсиши оқибатида вужудга келиши ҳам мумкин.

Яна шуни таъкидлаб ўтишимиз жоизки, банкнинг кредиторлари эълон қилинган ҳисобот реал аҳволни акс эттирмаслигини фақат тахмин қилишлари мумкин. Шубҳа туғилган заҳоти (миш-миш-

лар, қисқа муддатли мажбуриятларнинг бажарилмаслиги) инвесторлар ўз талабларини даъво қила бошлайдилар, бу маблағларнинг оммавий тарзда оқиб кетишига олиб келади. «Сўнгги идора кредитори» сиз кредиторлар ва омонатчиларнинг бундай «хужуми»га бир-рорта ҳам банк дош бера олмайди.

Бир банкнинг банкротлиги жамиятда молия бозорига бевосита таъсир этиши ва «домино» самарасини келтириб чиқариши мумкин. Агар бу жараён тўхтатилмаса, бутун банк тизими инқирозга учраши мумкин, бу эса тўловларнинг тўхташига олиб келади, иқтисодий алоқаларга путур етказди ва иқтисодий беқарорликни келтириб чиқаради.

Юқоридаги муаммоларнинг юзага келмаслиги юзасидан назорат олиб бориши ва пул таклифини бошқариш асосида пул муомаласини ташкил этиш ва мустаҳкамлаш, миллий пул бирлигини ҳимоя қилиш ва унинг барқарорлигини таъминлаш, иқтисодда тўловларни уйғунлаштириш, банк тизимига бўлган ишончни ошириш ва мустаҳкамлаш билан боғлиқ махсус орган - Марказий банкнинг бўлиши зарурлигини исботлайди. Мазкур фаолият Марказий банк томонидан асосий вазифаларнинг бажарилиши негизида амалга ошади. Қонунга кўра, Марказий банк:

- мамлакатнинг эмиссия маркази;
- банклар банки;
- мамлакатнинг бош ҳисоб-китоб маркази;
- пул-кредит усуллари билан иқтисодни тартибга солиш органи бўлиб хизмат қилувчи тизимдир.

Бир қатор мамлакатларда Марказий банкларнинг вазифалари қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган бўлиб, у томонидан олиб борилаётган эмиссия сиёсати яна бир асосий вазифани, яъни миллий пул бирлигини қадрсизланишдан ҳимоя қилиш учун шарт-шароитлар яратади. Чунки, айнан миллий валютанинг барқарорлиги бутун иқтисоднинг барқарорлигини акс эттиради. Марказий банк ўзига юклатилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, иқтисодиётдаги пул таклифини бошқаради, шунинг учун ҳам, унинг ихтиёрида иқтисодиётга банк тизими орқали таъсир кўрсатиш усулларининг маълум мажмуи жамланган.

Ҳозирги кунда Марказий банк пул-кредит сиёсатини тартибга солиш воситаларидан фойдаланиш йўли билан иқтисодиётда пул таклифини чеклаши ёки кенгайтириши, банк тизимида ликвидликни бошқариши мумкин. Бутун дунёда Марказий банклар томонидан

қўлланиладиган пул-кредит соҳасини тартибга солиш воситалари мажмуи мамлакат иқтисодий сиёсатининг йўналишига, иқтисоднинг очиқлиги даражасига, мавжуд анъаналарга ва муайян шароитларга боғлиқ.

Минимал захира талабларини ўрнатиш, тижорат банкларини қайта молиялаш, ҳисоб ставкасини тартибга солиш ва очиқ бозорда операцияларни амалга ошириш борасида турли хилдаги чекланмаларни ўрнатиш Марказий банклар томонидан энг кўп қўлланиладиган воситалардир. Шу билан бирга, бир қатор мамлакатларда кўриладиган чора-тадбирлар рўйхати юқорида зикр этилган воситалардан ташқари депозитлар ва кредитлар бўйича фоиз ставкалари даражасига кредит портфель чеклашлари ўрнатиш кўринишида тўғридан-тўғри чеклашлар ўрнатиши мумкин.

Шунинг учун ҳам, тижорат банклари фаолияти аввалам бор Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан назорат қилинади. Бу ерда назорат турлари, асосан тижорат банкларининг умумий ва молиявий кўрсаткичларини масофавий ва бевосита назорат орқали олиб боришлари мумкин. Шу билан бир қаторда, тижорат банклари молиявий ҳисоботлари мустақил ташқи аудиторлар томонидан олиб бориладиган текширув натижасида тасдиқланади.

Бу ўринда шунини айтиб ўтиш жоизки, «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисидаги» қонуннинг қабул қилиниши ва унинг асосида махсус фонднинг ташкил қилиниши ҳам тижорат банклари томонидан аҳоли маблағларини жалб этиш жараёнининг фаоллашган кўриниши бўлиб, 2006 йилнинг 1 январ ҳолатига келиб фонд томонидан кафолатланган омонатлар ҳажми 2620,3 млн. сўмни ташкил этган<sup>26</sup>.

Қонун қабул қилиниши ва фонднинг ташкил этилиши натижасида аҳолининг банкларга бўлган ишончи ошади. Натижада аҳолининг 2006 йил бошидаги 449,5 млрд. сўмдан иборат бўлган тижорат банклардаги омонатлари 39,3 фоизга ортган.<sup>27</sup>

Қонун доирасида кафолатланган омонатлар ўзининг ҳажмига кўра туркумланган бўлиб, энг кам ойлик иш ҳақининг юз баробари миқдорида бўлганида тўлиқ ҳажмда, юз эллик баробардан ортиқ эъланган сумма 90 фоизи миқдорида кафолатланиши белгиланган.

<sup>26</sup> Фуқароларни банклардаги маблағларини ҳимоялаш фонди 2004 йиллик ҳисоботи маълумотлари.

<sup>27</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари.

Тижорат банкларининг мажбуриятларига нисбатан заҳираларни жамғариш талаблари пул-кредит сиёсатини тартибга солишнинг энг фаол қўлланиладиган воситалари жумласига киради. Марказий банк мажбуриятларнинг ҳар хил компонентларига табақалаштирилган талаблар ўрнатиш асосида тижорат банкларига мажбурият тузилишини шакллантиришда таъсир кўрсатиш орқали назорат услубларини йўлга қўйишлари мумкин.

Ҳисоб ставкаси соҳасида сиёсатнинг ўзгариши нафақат пул бозорига, балки молия бозорига ҳам таъсир кўрсатади. Ҳисоб ставкасининг оширилиши, юқорида қайд этиб ўтилганидек, кредитлар ва депозитлар ставкаларининг оширилишига олиб келади, аммо бу чора қимматли қоғозларга бўлган талаб ва таклифга батамом тескари таъсир кўрсатади. Агар бозорда ставкалар ошса, қимматли қоғозларнинг даромадлилиги пасаяди ва бу қимматли қоғозларга бўлган талабнинг камайишига олиб келади. Расмий ҳисоб ставкасининг пасайиши ҳам қарама-қарши оқибатларга олиб келади. Бундан хулоса шуки, Марказий банкнинг бу соҳадаги сиёсати тижорат банкларнинг ликвидлигига, бинобарин, уларнинг ишончлилиги ва барқарорлигига таъсир кўрсатиш механизми, шунингдек, иқтисодга ҳам билвосита таъсир кўрсатади.

Халқаро амалиёт тижорат банклари фаолияти назорати, пул-кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг ҳар хил моделларини намойиш этади. Айрим мамлакатларда бу ҳукумат ёки Марказий банкнинг ёхуд иккала институтнинг ваколати ҳисобланади. Ваколатлар уйғунлигида ҳукумат ва Марказий банк ваколатлари қатъий ажратилишининг аҳамияти каттадир. Бу соҳада мамлакатлар ўртасида жиддий тафовутлар кузатилади. Масалан, Германияда Бундесбанк пул-кредит сиёсати соҳасида қарорлар қабул қилишда тўлиқ эркинликка эга. Ундан кузатилган бош мақсад, миллий валюта барқарорлигини таъминлашда Бундесбанкнинг ҳукуматга ҳам, парламентга ҳам бўйсунмаслиги ва аксинча умуман, жамият олдида жавобгардир.

Англия Банки фақат консултив функцияларни бажаради, чунки мазкур сиёсатни амалга ошириш учун парламент олдида ҳисобдор бўлган Молия вазирлиги жавоб беради.

АҚШда Федерал резерв тизими пул-кредит сиёсати учун АҚШ Конгресси олдида тўлиқ жавобгардир, ваҳоланки, Федерал резерв тизими бу соҳада қабул қилган қарорлар Президент томонидан ҳам, ҳукумат томонидан ҳам тасдиқланмайди. Муолажавий модель (Аме-

рика модели) сиёсат мақсадлари ва воситаларини Федерал резерв тизими ўзи белгилашини ҳамда қўйилган мақсадларга эришиш учун жавоб беришини назарда тутди. Бунда мазкур модель Федерал резерв тизимининг қарорлари турли томонлар иштирокида оммавий ахборот воситаларида муҳокама қилинишига асосланади. Оммавий ахборот воситалари орқали мамлакатдаги жамоатчилик фикри пул-кредит сиёсатини шакллантиришда иштирок этади. Қонунга мувофиқ, Федерал резерв тизими президенти иқтисоднинг ривожланиши ва пул-кредит сиёсатининг сўнги тенденциялари ва қисқа муддатли истиқболлари ҳақида Конгрессга йилда икки марта маълумот беради. Очiq бозордаги операциялар қўмитаси ҳар олти ойда Федерал резерв тизимининг пул ва валюта бозорларидаги сиёсатини муҳокама қилиш ва ишлаб чиқиш учун йиғилади. Мазкур йиғилишлар баённомаларининг очiq матбуотда эълон қилиниши пул-кредит сиёсати соҳасидаги ошкораликнинг ёрқин ифодасидир.

Бир қатор мамлакатларда Марказий банкнинг пул-кредит сиёсатини амалга ошириш усулларига қўшилмаслик юзасидан чиққан низоларни ҳал қилишда парламент ҳакамлик қилади ёки, Марказий банк парламентга бўйсунган тақдирда, маълум қонунчилик муолажалари ўрнатилади.

Бугунги кунда олимлар ва амалиётчилар томонидан кенг муҳокама қилинаётган Марказий банкнинг мустақиллиги ва жавобгарлиги муаммоси ҳам юқорида зикр этилган муаммолар гуруҳи билан узвий боғлиқ.

Одатда, кўпгина мамлакатларда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам Марказий банк бирмунча эркин фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга. Мустақиллик даражаси Марказий банк тўғрисидаги қонунга ўзгартишлар киритиш муолажалари билан аниқланади. Муолажа қанча мураккаб бўлса, мустақиллик даражаси шунча катта бўлади. Масалан, Германияда Бундесбанкнинг мақомини ўзгартириш учун мамлакат конституциясига ўзгартишлар киритиш талаб этилади. Марказий банкнинг мустақиллиги, шунингдек, бош банкир номзодини тавсия этиш ва тасдиқлаш механизмлари билан ҳам боғлиқ.

Бир қатор мамлакатларда Марказий банк бошлиғи президент ва ҳукуматнинг ҳокимият тепасида бўлиши давридан бошлаб, узок муддатга тасдиқланадики, бу сиёсатда ворисийликни таъминлаш ва кўпроқ мустақилликка эришиш имконини беради. Бунда иқтисодий мустақиллик ҳам муҳим ўрин тутди. Америкалик иқтисодчи А. Алесина 1973-1986 йилларда 17 мамлакат Марказий банкларининг мус-

тақиллик даражаси билан улардаги инфляция даражаси ўртасидаги алоқани таҳлилдан ўтказиб, инфляциянинг энг паст ўртача йиллик суръати Марказий банклари нисбатан катта мустақилликка эга бўлган Германия ва АҚШда кузатилган, деган хулосага келди.

Марказий банкларнинг мустақиллиги даражаси нисбатан паст бўлган мамлакатларда эса инфляциянинг энг катта суръатлари қайд этилган. Марказий банк мустақиллигини аниқлашнинг бошқа мезонлари ҳам мавжуд. Банк капиталида давлатнинг иштироки масаласи шулар жумласидан. Бу соҳада ўтказилган тадқиқотлар банк капиталидаги иштирокчилар масаласи Марказий банкнинг мустақиллиги даражасига жиддий таъсир қилмаслигини кўрсатди.

**Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки назорат функцияси ва пул-кредит сиёсатини амалга ошириш чораларини кўришда мустақиллигини таъминланаётганининг аҳамияти катта, деб айтишимиз мумкин.**

Шундай қилиб, банк тизимининг барқарор фаолият кўрсатиши макродаражадаги бир қатор шартлар ва омиллар билан белгиланади. Бунда бир томондан банк фаолиятини тартибга солиш усуллариининг маълум мажмуига эга бўлган Марказий банклар ташқи муҳит шарт-шароитларидан келиб чиқиб, пул-кредит соҳасини тартибга солишнинг муайян воситаларини қўллаш билан уйғунликда комплекс ёндашувдан фойдаланишлари мақсадга мувофиқдир. Бу назорат органига, банк тизимининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиш имконини беради.

**Иккинчидан эса, иқтисодий тартибга солиш усуллари билан бир қаторда, тижорат банклари фаолияти устидан назорат ҳам банк тизими барқарорлигининг муҳим муаммоси ҳисобланади.**

Банк фаолиятини тартибга солиш деганда, давлат беқарорлаштирувчи тенденцияларнинг олдини олиш мақсадида Марказий банк ёки бошқа махсус назорат ташкилотлари орқали бутун банк тизимининг барқарор, хавфсиз фаолият кўрсатишини таъминлашда қўллайдиган чора-тадбирлар тизими тушунилади.

**Шу ўринда қайд этиб ўтиш жоизки, банк назорати деганда, бизнингча, назорат органи ўзига берилган ваколатлар (муолажалар ва нормалар) доирасида амалга оширадиган банк тизимининг барқарорлиги ва яхлитлигини сақлаш, молия бозорлари узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлаш, кредиторлар ва омонатчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган ҳаракатлари мажмуини тушуниш керак.**

Банк мижозларининг ва банкларнинг манфаатларини ҳимоя

қилишга йўналтирилган иқтисодий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар тизими, бизнингча, банк бизнеси хавфсизлигининг муҳим таркибий элементидир. Маълумки, банклар жамият жамғармалари, энг аввало, хусусий омонатчиларнинг жамғармалари сақланадиган жой ҳисобланади. Кредиторларнинг бу энг муҳим қисми тижорат банкларининг ишончилиги даражасини баҳолаш учун етарли тажриба ва ахборотга эга бўлмайди. Бошқача айтганда, банк кредиторлари банкларга ишона олмайдилар, чунки банкротлик рискин баҳолаш имкониятига эга эмаслар.

Бундан хулоса шуки, жамғармаларнинг хавфсизлиги учун жавобгарлик, энг аввало, банкирларнинг зиммасига тушади. Қолаверса, бундай хавфсизлик умуман банк тизимида таъминланиши керак, зотан, банк бизнесида мижозларнинг тўловга лаёқатсизлиги риски мавжуд бўлиб, бунинг юки Марказий банк ҳамда банк омонатларини кафолатлаш фонди зиммасига тушади.

Банк тизими фаолияти хавфсизлигининг олдини олишни ҳимоя қилиш чора-тадбирлари ёрдамида таъминлаш мумкин. Айнан ана шундай чоралардан бири превентив услубдаги бошқариш ҳисобланади. Превентив тартибга солиш – Марказий банк томонидан кўриладиган лицензиялаш асосида банк фаолияти билан шуғулланишга рухсат беришни чеклаш, банклар иштирок этиши мумкин бўлган фаолият соҳаларини чеклаш, банкларни соғломлаштириш, қайта ташкил этиш ёки тугатиш мақсадида муаммоли банкларни уларни рейтинг кўрсаткичларини таҳлил қилиш орқали аниқлашлари мумкин. **Мазкур чора-тадбирлар бизнесни хавфсиз амалга ошириш принципларини рўёбга чиқариш имконини беради, барқарор банк тизимини шакллантиришга кўмаклашади.**

Лицензиялаш превентив чора-тадбирлар тизимининг асосий элементларидан биридир. Ҳар бир мамлакатда банкларни лицензиялашнинг ўз тартиби амал қилади. Бу соҳада бир қатор мамлакатларга оид маълумотлар 2 - иловада келтирилган. Жадвал маълумотлари лицензиялар бериш барча мамлакатларда ҳам Марказий банк томонидан амалга оширилмаслигини кўрсатади. Шу билан бир вақтда бошқарув малакаси, касбий лаёқати ва маънавий фазилатларига қўйиладиган талаблар деярли барча мамлакатларда мавжуд. Рўйхатга олиш учун зарур капиталнинг энг кичик миқдорига, бозорга янги банклар чиқиши муносабати билан рақобат даражаси устидан назоратга қўйиладиган талабларни ҳам муҳим мезонлар жумласига киритиш мумкин.

Маълумки, халқаро бозорларда юзага келган жиддий қийинчиликлар муносабати билан 1974 йилнинг охирида Европанинг 10 та саноати ривожланган мамлакатлари Марказий банкларининг бошқарувчилари томонидан Банкларни назорат қилиш ва тартибга солиш Базель қўмитаси ташкил этилди. Жаҳон миқёсида барқарорликни мустақамлаш йўллари излаш йўналишларидан бири сифатида мазкур орган банк назоратининг пруденциал нормаларини мустақамлаш имкониятларини ўрганди. 1997 йил сентябрда Базель қўмитаси расмий тавсиялар сифатида Самарали банк назорати принципларини эълон қилди, шу йилнинг октябрь ойида эса мазкур принциплар халқаро молия ҳамжамияти томонидан маъқулланди. Мазкур ҳужжатда банк фаолиятини самарали назорат қилишнинг 13 та асосий принциплари қуйидаги беш босқичларда умумлаштирилган ҳолда гуруҳланган:

- бошқарув назорати;
- рискларнинг тан олиниши ва уларни баҳолаш;
- назорат таъминоти ва мажбуриятлар тақсимоти;
- маълумот ва коммуникация
- фаолият назорати ва камчиликларни бартараф этиш таъминотидан иборат.

Мазкур тамойилларга самарали банк назоратининг зарур шартлари деб қаралади. Улар соғлом банк тизимини йўлга қўйиш, назорат қилиниши лозим бўлган муассасалар мажмуини аниқлашга кўмаклашиши зарур <sup>28</sup>.

Банк фаолиятини лицензиялаш тизими янги очилаётган банкларни қатъий назорат қилиш, шунингдек, назорат қилиниши лозим бўлган ҳуқуқий бирликлар мажмуи ҳақида ахборотга эга бўлиш имконини беради. Назорат органи акциядорларнинг молиявий барқарорлиги даражасини, ташкилотнинг ҳуқуқий тузилишини ва ишлаб чиқариш тузилмасига унинг мувофиқлигини, банк бошқаруви ишончли бўлиши ва пруденциал усуллар билан амалга оширилиши учун раҳбариятнинг касбий лаёқати, тажрибаси ва ҳалоллигини аниқлайди.

Шу билан бир қаторда, ушбу таклифлар ўз ичига: банкдаги мулк муносабатларнинг тузилиши; иш режаси, назорат тизими ва ички тузилиши; директорлар ва катта менежерларни тайинлаш ҳамда улар-

---

<sup>28</sup> Базовые принципы эффективного надзора за банковской деятельностью. Документы Базельского... комитета. Принцип 2 / Бизнес и банки, №21-22 (395-396), 1998.



нинг касбга лаёқатини текшириш; молиявий режалаштириш, шу жумладан, капитални режалаштириш; агар банкнинг мўлжалланаётган эгаси чет эл банки бўлса, мазкур банк мансуб бўлган мамлакат назорат органининг рухсати; акциялар ёки пайларнинг ўтказилиши; банкнинг асосий капитал сармоялари ёки инвестициялари каби операцияларига алоҳида эътибор бериб ўтилган.

Базель қўмитаси таклифлари самарали банк назорати тамойиллари Марказий банкга банклар учун рисклар ҳажмини чеклаш мақсадида харидлар ва инвестицияларни қайта баҳолаш мезонларини аниқлаш жараёнида ички назоратни такомиллаштириш борасида таклифлар беради.

Ўзбекистон Республикасида банк фаолияти назорати жараёни «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги қонуннинг моддасида мустақамланган бўлиб, унда мамлакатнинг бош банки ролини ўйнаши қайд этилган. Марказий банк лицензиялар бериб, бозорга янги банкларнинг кириб келишига йўл очади, бундай лицензияларни чақириб олиш йўли билан банкларни «ёпади», банкларни содир бўлиши мумкин бўлган банкротликдан ҳимоя қилиб, қўшилиш ва қўшиб олиш битимлари тузишга рухсат беради.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, сўнгги йилларда республикамизда кичик банкларнинг ихтиёрий қўшилиши ёки йирик банклар томонидан ўз таркибига олинишига оид 7 ҳолат юз берган<sup>29</sup>. Бу эса банк тизимидаги янги йўналиш бўлиб, айна вақтда жаҳон банк тизимида кечаётган жараёнларга ҳамоҳангдир.

Мазкур жараёнларнинг ҳуқуқий асослари қонунлар ва йўриқномаларда белгилаб қўйилган. Жумладан, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунда кредит ташкилотларини рўйхатга олиш ва уларни лицензиялаш тартиби баён этилган. Шу билан бирга Марказий банк қонунда назарда тутилган лицензиялаш тартибини муфассалаштирувчи, тўлдирувчи йўриқнома ва низомлар чиқаради.

**Қонунларнинг асосий қоидалари ва йўриқномалар талабларининг таҳлили лицензиялаш жараёнини ташкил этиш ва унинг мезонларини аниқлашда Марказий банк Базель қўмитаси томонидан ўрнатилган мазкур соҳада самарали банк назорати юртишнинг асосий принципларига яқинлашганини кўрсатади.**

<sup>29</sup> Муллажонов Ф. Ўзбекистон банк тизими: эркинлаштириш ва ривожланиш истиқболлари. // Бозор, пул ва кредит 2003 йил № 8-сон.

Табиийки, лицензиялаш жараёни банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини қўлга киритган банк келажакда нормал бошқарилиши, ўз барқарорлиги ва ишончлилигини сақлаб қолишини кафолатламайди. Аммо, бундай қатъий ёндашув, биринчидан, банк бизнесида беқарор муассасалар пайдо бўлиши рискин камайтириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Лицензиялаш қоидаларини жорий этиш ва кучайтириш, банк ҳамжамиятига ишончсизлиги аён бўлган банклар қўшилишига йўл қўймаслик орқали банкротга учраган банклар сонини ва омонатчилар кўриши мумкин бўлган зарар қўламини чеклаши мумкин. Бундай ёндашув жамоатчилик ишончини қозонган барқарор банк тизимини шакллантириш шарт-шароитларини таъминлайди.

Банк тизими барқарорлигини таъминлаш, олдини олиш чоратадбирларини амалга оширишни талаб этадиган иккинчи сабабдир. Шу билан бир вақтда, банк тизимининг барқарорлиги микродаражада, пруденциал назорат жараёнида сақланиши ҳам мумкин. Кундалик назоратнинг асосий вазифаси тижорат банкларининг молиявий аҳволига таҳдид солаётган рискларни аниқлашдан иборат. Бундай риск менежмент ва атроф-муҳитнинг салбий таъсири билан белгиланади. Мазкур вазифа тижорат банклари фаолиятини текшириш жараёнида ўрнатилган иқтисодий кўрсаткичларга риоя этилишини назорат қилиш асосида ҳал қилинади. Бу соҳада ташқи аудит маълум ёрдам кўрсатади.

Пруденциал назорат усулларининг самарадорлиги банкларнинг ҳисоботи кўринишидаги ахборотнинг ишончлилиги даражасига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бухгалтерия ҳисоби транспарент (шаффоф) ҳисоботнинг муҳим элементи ҳисобланади. Марказий банк томонидан тижорат банклари операцияларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш қоидаларининг ўрнатилиши бежиз эмас. Аммо, тижорат банкларининг активлари аънамага кўра баланс қиймати бўйича ҳисобга олинади, қиймат баҳосини актуаллаштирадиган бозор мавжуд эмаслиги туфайли банкирлар ҳамиша ҳаммаси жойида бўлади, деган умидда баланс қийматини техник усуллар билан сақлаб қолишга ҳаракат қилишлари мумкин. **Бошқача айтганда, тижорат банкининг ички назорат тизими қанчалик такомиллашган бўлишидан қатъий назар, банк раҳбарияти томонидан тақдим қилинаётган ҳисоботлар ҳолис тизим томонидан баҳоланишининг аҳамияти каттадир. Айнан ушбу жараёнда мустақил аудитнинг роли намоён бўлади.**

Э. Крокеттнинг фикрига кўра, халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш жараёнида, пухта ташкил этилмаган бухгалтерия ҳисобидаги тизимли хусусиятга эга бўлган муаммолар ақл бовар қилмайдиган пропорцияларга етмагунча банк раҳбарияти кўзига ташланмаслиги мумкин<sup>30</sup>.

Пруденциал назорат усулларида фойдаланишда заҳираларни таркиб топтириш ҳақида берилган ахборотнинг ишончлилиги ссуда қарзларининг иккиламчи манбалар билан таъминланганлигини баҳолаш асосида аниқланади. Гаров қиймати берилган ссудалар миқдоридан бир неча баравар катта бўлган ва ҳисоботда муддати ўтиб кетган қарздорлик акс этирилган ҳолларда юзага келган вазиятга аниқлик киритиш зарурати туғилади. Бундай тенденциялар бир неча сабаблар: гаров қиймати ошириб кўрсатилганлиги ёки банк ўз қарздорларидан қарзларни қайтаришни талаб қилиш ишини яхши йўлга қўймаганлиги, ёхуд гаровнинг ликвидлилиги шубҳа уйғотиши билан изоҳланади. Пруденциал назорат ташкилотлари миқёсида ҳисоботнинг ишончсизлиги белгиларини аниқлашнинг бошқа усуллари ҳам мавжуд.

Тижорат банкларининг ишончлилиги Марказий банк томонидан ўтказиладиган инспекторлик текширувлари ёки аудиторлик текширувлари жараёнида тасдиқланади. Бундай текширувлар маълум даврийлик билан ўтказилади ва предметли хусусиятга эга бўлади. Банкларнинг сонидан ва улар танлаб текширилишидан келиб чиқилса, текширувлар предмети ва уларни ўтказиш муддатлари назорат ташкилотларининг эҳтиёжига мос келмаслиги мумкин. **Бошқача айтганда, бундай текширувларнинг натижалари тезкор хусусиятга эга бўлмайди ва банклар фақат келгусида улардан фойдаланишлари мумкин бўлади.** Бу соҳада аудиторлик фирмалари назорат ташкилотига маълум ёрдам кўрсатади. Афсуски, фирмаларнинг нуфузи ва касбий лаёқати аудиторнинг шахсига боғлиқ. Банк соҳасида фирибгарлик ҳақида гап борганида, бу айниқса, долзарб аҳамият касб этади. Ань-анага кўра, аудиторлар, вазифаси фирибгарларни фош этишдан иборат бўлган «исковучлар» деб ҳисобланмайди, улар фақат ички назорат, сифат ва ўрнатилган талабларга ҳужжатларнинг мувофиқлиги ҳақидаги маълумотларни шарҳлаш асосида ўз фикрларини ифода этадилар. Компьютерлаштириш даражаси улкан ва бозордаги ўзга-

<sup>30</sup> Крокетт Э. Нуждаются ли рынки в управлении? // Вестник ассоциации российских банков. М., 2000. - №4 С. 47.

ришлар зудлик билан активлар ҳолатига ўз таъсирини ўтказиши ҳамда банкнинг тўловга лаёқатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳозирги замон шароитида аудиторларнинг бундай ёрдамига маълум даражада киноя билан қараш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, аудиторлик текширувлари стандартларини тузиш жараёни-ни тезлатиш лозим, деб ўйлаймиз. Бошқача айтганда, назоратнинг умумий йўналишлари сақланган ҳолда, аудиторлик текширувлари энг аввало, молиявий схемаларни аниқлашга, баланс ҳисоботини улардан тозалашга, нетто-молия ҳисоботини пухта таҳлилдан ўтказишга йўналтирилиши лозим.

Молиявий ҳисобот тузилиши мазкур муаммолар гуруҳи билан узвий боғлиқ. Фойда ва зарарлар ҳақида ҳисоботнинг тузилиши ҳам мукамал бўлмай, у банк ихтиёрида қолган фойдани очиб бермайди ва молиявий схемалар кенг тарқалган шароитларда реал молиявий натижани акс эттирмайдиган бухгалтерия даромади билан яқунланади.

Ҳозирги вақтда йиллик баланс, фойда ва зарарлар ҳақида ҳисобот ҳамда пул маблағларининг ҳаракати ҳақида ҳисобот мажбурий тартибда эълон қилинади. Банкирлар, масалан, капиталнинг етар-лилиги, пул маблағларининг ҳаракати, активлар ҳолати, кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплашга мўлжалланган заҳиралар миқ-дори, консолидация қилинган ҳисобот ҳақида маълумотларни ош-кор этишга мажбур эмаслар. 2002 йилдан бошлаб, пул маблағлари оқими ҳақида ҳисоботнинг эълон қилиниши тижорат банклари ҳисо-ботининг ошкоралигини янада оширди. Мазкур ҳисобот моҳият эъти-бори билан пул маблағлари ҳисобидаги ўзгаришлар юзасидан ту-зилган баланс ҳисобланади, бинобарин, бундай ҳисоботнинг жо-рий этилиши банкнинг ҳисобот давридаги фаолияти натижалари-нинг шаффофлигига эришиш ва унинг муаммоларини аниқлаш имконини беради.

**Бундан ҳулоса шуки, Марказий банк молиявий ҳисобот тузилиши-ни такомиллаштириш, уни халқаро стандартларга яқинлаштириш, кенг жамоатчилик учун бериладиган ахборот доирасини кенгайтириш ишла-рини фаоллаштириши лозим.** Мазкур чора ҳисоботнинг таҳлилийлиги ва ошкоралиги даражасини оширади, уни банк соҳасидан узоқ, фой-даланувчи ҳам янада яхшироқ тушуниши учун имконият яратади.

Шундай қилиб, банк фаолият кўрсатиши билан унинг, ҳисо-ботининг ишончлилиги муаммолари биринчи ўринга чиқади, бун-дай ҳисобот пруденциал назоратнинг негизини ташкил этади.

Назорат ташкилотига тақдим этилувчи ахборотнинг ишончлиги ва ошкоралигини таъминлашда тижорат банклари фаолияти-ни назорат қилувчи бўлинмалар ва ички аудиторлар катта ёрдам кўрсатишлари мақсадга мувофиқдир. Марказий банк аудиторларга банк аудити билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган лицензияловчи орган ҳисобланади. **Шунинг учун ҳам у Молия Вазирлиги ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси шароитларига мос, ички аудит стандартларини ишлаб чиқиш жараёнини тезлашгирса, мақсадга мувофиқ бўлади.**

Тижорат банклари ўз рискларини ҳимоялаш мақсадида, одатда, унинг ҳажмини маълум моддий кўринишдаги активлар ёки бошқа турдаги мажбуриятлар билан кафолатлашга ҳаракат қиладилар. Аммо, унинг ана шу активлардан фойдаланиш жараёни мониторингини олиб бориш жараёнида уларнинг қиймати пасайишини назорат қила олмайдилар.

Тижорат банклари фаолияти доирасининг кенгайиши ва унинг хизмат турларининг кўпайиши, ўз навбатида, фойдалилик кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатади. Аммо, айна вақтда банк раҳбарияти филиаллар тармоғида юзага келиши мумкин бўлган инсоний омил муаммолари билан бир қаторда, риск доирасининг кенгайишини тўғри ҳисобга олмаслик ҳоллари юзага келиши мумкин. Тижорат банкларининг фаолият кўрсатиши жараёнида ўз капиталлари салмоғининг пастлиги, улар томонидан кредит ресурслари билан етарли даражада таъминланмаслик ҳолларини юзага келтиради.

Шу билан бир қаторда, фаолият натижасида юзага келган зарарларни қоплай олмаслик ҳолларида левераж салмоғи катта бўлса, банк сектори заифлашиши мумкин.

Тижорат банклари хусусий кредиторлар маблағларини сақлаш билан бирга, уларнинг даромадлигини таъминлашларининг аҳамияти каттадир. Бу ерда шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, кредиторлар доимо ҳам тижорат банкларининг ишончлилиги даражасини баҳолаш учун етарли тажриба ва ахборотга эга бўлмайдилар.

Тижорат банклари филиаллар тармоғининг кенгайиши, тўлов механизмнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатса, иккинчи томондан, кўп филиалли банкнинг самарадорлиги харажатларни қисқартириш учун олиб борилаётган имкониятлардан фойдалана олиш қобилияти билан белгиланиши, жараёнида банкнинг ишонч-

лилиги ва барқарорлигига бевосита боғлиқлигини тўғри ёритиб беришнинг аҳамияти каттадир.

Тижорат банклари раҳбар ходимлари ўз мижозларининг маблағларини нафақат сақлаб қолишга, балки уларнинг даромадлилигини ошириш лозимлиги тўғрисидаги ўз мажбуриятларини тўғри тушунишлари ва бунинг учун улар жавобгар эканликларини хис қилишлари лозим.

Банк раҳбарияти тақдим этилган молиявий ҳисоботлар банкларнинг асосий кредиторлари ҳамда мижозлари учун етарли даражада тушунарли бўлишини таъминланишнинг аҳамияти каттадир.

Тижорат банклари аудиторлар фаолиятидаги камчиликларни аниқловчи ва уларни бартараф қилувчи тизим сифатида эмас, балки, аксинча, юзага келиши мумкин бўлган камчиликларни режалаштиришга ҳамда уларни биргаликда таҳлил қилиш орқали бошқариш йўллари кўрсатиши мумкин бўлган ҳамкор сифатида қабул қилишлари керак.

Тижорат банкларининг активлари анъанага кўра, баланс қиймати бўйича ҳисобга олинмоқда, аммо, шу билан бирга, уларнинг қиймат баҳосига ташқи омилларнинг таъсирини эътиборга олмаган ҳолда, мавжуд баланс қийматини техник усуллар билан сақлаб қолишга ҳам ҳаракат қилмоқдалар.

Бугунги кунга келиб, фойда ва зарарлар ҳақида ҳисоботнинг тузилиши ҳақиқий фойдани очиб бермайди ва у молиявий схемалар кенг тарқалган шароитларда реал молиявий натижани акс эттирмайдиган бухгалтерия даромади билан яқунланади.

Юқорида келтирилган фикр мулоҳазалардан келиб чиқиб, мавжуд камчиликларни ва тижорат банклари барқарорлигини янада ошириш мақсадида, қуйидаги таклифларни билдиришни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Бугунги кунга келиб, тижорат банклари томонидан турли хизматлар кўрсатиш жараёнида доимо рисклар билан тўқнаш келадилар, шу сабабли улар хизмат кўрсатиш жараёнида диверсификация сиёсатига амал қилишлари лозим.

Активлар ва пасивларни бошқариш жараёнида қабул қилинган қарорлар ва унинг банк фаолиятига таъсири банк ички аудит тизими томонидан ўрганилиши ҳамда унинг иш натижалари банк бошқаруви томонидан таҳлил қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Бизнингча, активлар ва пасивларнинг муддатлари бўйича ўза-

ро мувофиқлиги моделини тузишда динамик ёндашувга асосланиш, яъни талаблар ва мажбуриятларни бажаришгача қолган муддатларни эътиборга олиш, шартномада белгиланган кўрсаткичлардан режа қилинаётган оқимларнинг оғиши даражасини баҳолаш, шунингдек, вақт омили ва риск даражасидан келиб чиқиб, активлар ва мажбуриятларни жорий қиймати бўйича акс эттириш лозим.

Тижорат банки раҳбарияти молия стратегиясида бизнесни ривожлантириш йўналишини банк ихтиёрида мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш орқали, хизмат турларини кўпайтиришга алоҳида эътибор билан, интилишлари мақсадга мувофиқдир.

Активлар ва пасивларнинг муддатлари бўйича ўзаро мувофиқлиги моделини тузишда динамик ёндашувга асосланиш, яъни талаблар ва мажбуриятларни бажаришгача қолган муддатларни эътиборга олиш, шартномада белгиланган кўрсаткичлардан режа қилинаётган оқимларнинг оғиши даражасини баҳолаш, шунингдек, вақт омили ва риск даражасидан келиб чиқиб, активлар ва мажбуриятларни жорий қиймати бўйича акс эттириш лозим.

Марказий банк халқаро стандартлар асосида тайёрланган молиявий ҳисоботларнинг моҳиятини кенг жамоатчилик томонидан талқин қилиниши учун имконият яратиб бериши ва ахборот доирасини кенгайтириш ишларини фаоллаштириши лозим.

## II БОБ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ИЧКИ АУДИТ ФАОЛИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

### 2.1. Аудит назарияси шаклланишининг асосий босқичлари

Иқтисодиётнинг халқаро бозор муносабатларига интеграциялашуви, чет эл банкларининг инвестицияларини олиш ва улардан фойдаланишда, халқаро бозорда ва ҳоказоларда муҳим вазифаларни бажарувчи молия-хўжалик назорати тизимининг моҳияти ва мазмунини аниқлашнинг ягона методологик ечимини топишни тақозо этади. Молия-хўжалик назоратининг янги шакли -- ички аудитнинг пайдо бўлиши махсус адабиётларда ва меъёрий ҳужжатларда даврнинг тарихий ривожланиш имкониятига эга бўлмаган кашфиёти деб тавсифланади.

Бу ерда шуни таъкидлаш ўринлики, Э.М. Аренс, Дж.К. Лоббек аудитнинг моҳияти тўғрисида фикр юритар эканлар, улар «аудит мураккаб жараён бўлиб, маълум ваколатга, мустақил аудиторлик касб малакасига эга бўлган киши томонидан амалга оширилади ва хўжалик тизимидаги рақамлар ифодасига мос келадиган ахборот йиғида, баҳо беради, мамлакатимиздаги тартиб-қоидаларга асосланиб, ўз хулосаларини беради», деган ғояни илгари сурадилар.

Б.Хасановнинг фикрига кўра «Аудиторлик фаолияти -- бухгалтерия (молиявий) ҳисоботини мустақил экспертиза қилиш тadbиркорлик фаолияти бўлиб, у қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ ҳолда иқтисодиёт субъекти фаолиятининг ишончилиги тўғрисида аудиторлик хулосасини бериш, шунингдек унинг молиявий барқарорлиги тўғрисидаги фикрни ифодалаш мақсадида ўтказилади»<sup>11</sup>.

Қайд этиб ўтиш жоизки, аудит фақат баланс ва молиявий ҳисоботнинг тўғрилигини тасдиқлаш, шунингдек, тadbиркорлик фаолияти субъектларига аудиторлик хизматлари кўрсатиш вазифаларини бажаради деб қаралиши, аудитнинг шаклланишига ва молия-хўжалик назорати тизимида унинг мустақил назорат тури сифатида ривожланишига монелик қилади, бошқарувда, маркетингда, банкротликнинг ҳамда банк тизимидаги бошқа салбий ҳодисаларнинг олдини олишда аудитнинг потенциал имкониятларидан фойдаланиш имконини бермайди.

<sup>11</sup> Хасанов Б.А. Ички аудитни автоматлаштириш асослари. - Тошкент. Фан. 2003.



**Илмий изланишимизнинг биринчи бобда айтиб ўтганимиздек, тижорат банклари барқарорлиги таъминланишининг асосий омили, бу унинг фаолиятини тўғри таҳлил қилишдир.** Бизнингча эса, тижорат банклари фаолияти таҳлилини унинг фаолияти натижаларини ўз-ўзида акс эттирувчи молиявий ҳисоботлар маълумотлари ёрдамида амалга ошириш мумкин.

Тижорат банкларида назорат тизими қанчалик такомиллашганлигига қараб, унинг молиявий ҳисоботлари маълумотлари қанчалик ҳаққоний ва ҳолисона тузилганлигига баҳо бериш мумкин. Тижорат банклари ички назорат тизимини ўзининг хусусиятига кўра икки қисмга бўлиш мумкин. Улардан биринчисида банк бошқаруви томонидан йўлга қўйилган назорат тизимини назарда тутадиган бўлсак, иккинчисида, банк кенгаши томонидан ўрнатилган назорат тизими тўғрисида сўз юритишимиз мумкин.

Бу ўринда агар биринчи услуб бўйича тижорат банклари ходимлари томонидан мижозларга хизмат кўрсатиш жараёнидаги назорат тизими назарда тутилаётган бўлса, иккинчи услуб бўйича назорат тизимининг қанчалик такомиллашгани ва бу тизим томонидан олдини олиш ҳамда бошқариш имкони бўлган камчиликлар таҳлили тўғрисида сўз юритилади.

Аҳамиятига кўра, тижорат банклари назорат тизими ходимлар, бўлимлар, департамент, бошқарув раиси ва унинг ёрдамчилари функционал мажбуриятларидан ташкил топса, айнан ана шу тизим фаолиятини таҳлил қилувчи тизим, бу ички аудит хизматидир.

**Аудит ўзининг келиб чиқиши ва моҳиятига кўра, янги йўналиш бўлганлиги сабабли, илмий ишнинг ушбу бобини унинг назариясига, хорижий ва миллий амалиётини ёритиб беришга бағишладик.**

Яъни, биз кўп асрлик молия-хўжалик назорати тизимида аудитнинг ривожланиши ва ундан фойдаланилиши тарихини баён этишни, республикамиз банк тизими фаолиятига аудитнинг жорий этилиши ҳамда унинг ривожланишига кўмаклашишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Я.В.Соколовнинг таъкидлашича, молия-хўжалик назорати тизимида аудит кўп асрлик ривожланиш босқичини босиб ўтган<sup>32</sup>, ҳамда ушбу муаллиф хўжалик фаолияти устидан назоратнинг ривожланиши Нил, Дажла ва Фурот дарёлари воҳаларида жойлашган

<sup>32</sup> Соколов Я.В. Очерки по истории бухгалтерского учета. — М.: Финансы и статистика, 1991.

давлатларда ҳисобнинг юзага келиши билан боғлиқ деган фикрни илгари сурган. Ёки бу ривожланиш одамлар ҳўжалик ҳақидаги маълумотларни муайян ташқи моддий жисмларда қайд этиш имкониятига эга бўлган даврдан бошланган, деган ғояни илгари сурган.

Кейинчалик ушбу ғояни Я.В.Соколов, В.Палий билан биргаликдаги изланишларида янада кенгроқ таҳлил қилган ҳолда, «юридик оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган ҳодисалар ва ҳаракатларнинг юритилиши, янги ҳисобчилик касбини юзага келтирди»<sup>33</sup>, деган фикрни илгари сурганлар.

Шу билан бирга, кейинчалик Афина ва Римда машҳур нотиқлар юридик фаолиятларида (милоддан аввалги 384-322 йилларда Демосфен, милоддан аввалги 196-43 йилларда Цицерон) бухгалтерия ҳужжатларидан фойдаланганлар.

Я.В. Соколовнинг фикрича, «ҳисобни юритиш, унинг устидан назоратни иш ҳужжатларини инвентаризациясини амалга оширишни назарда тутган. Ўз навбатида, инвентаризация ишнинг реал ҳолатини қайд этиш, ҳужжатлар эса уни ёзма асослаш учун хизмат қилган»<sup>34</sup>.

Афинада махсус монахлар ва назоратчилар мавжуд бўлиб, уларнинг зиммасига давлатнинг даромад ва харажатлари тўғрисида ҳисоботлар тузиш ҳамда улар устидан назорат қилиш вазифаси юклатилган эди. Молиявий ҳисоб ва назорат аҳоли томонидан сайланган ўн киши қўлида бўлиб, уларнинг вазифаси давлатнинг барча даромад ва харажатларини ҳисобга олиш ва назорат қилиш, кўчар ва кўчмас мулк инвентаризациясини ўтказишдан иборат эди.

Ўрта асрларда ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши билан ҳўжалик фаолиятини ҳисобга олиш ва назорат қилиш ҳам такомиллашиб борди, ҳозирда аудит, деб аталувчи ҳисоб ва ҳисобот устидан назорат тўғрисида махсус асарлар пайдо бўлди.

Шу нарса диққатга сазоворки, бухгалтерия ҳисоби дастлаб иқтисодий эмас, балки юридик фан сифатида талқин қилинган. 1797 йилда Эдмонд Дегранж бухгалтерия ҳисобини юридик фан деб, таърифлади, 1840 йилда эса француз олими Ипполит Ванье кейинчалик барча юридик назариялар негизига айланган ғояни илгари сурди: ҳисоб мулкдор номидан эмас, балки юридик шахс — ҳўжалик

<sup>33</sup> Палий В.Ф., Соколов Я.В. Введение в теорию бухгалтерского учета. М.: Финансы, 1979. С. 6.

<sup>34</sup> Соколов Я.В. бухгалтерский учет, аудит "судебная экспертиза". Аудиторские ведомост. № 4 2000 г.

номидан юритилади. Бунда, Франческо Вилл назариясига мувофиқ, шартнома ёки хўжалик фаолияти субъектларининг мажбуриятлари ҳисоб предметини ташкил этар эди.

Бухгалтерия ҳисобининг юридик талқини яна шу билан ҳам боғлиқки, ўша даврда судларда ҳужжатлар юристлар томонидан кўриб чиқилар ва талқин қилинарди. Фақат XIX асрга келиб, бухгалтерия ҳисоби иқтисодий билим соҳасига тааллуқли, деб талқин қилина бошланди. Бу ҳақда Людовик Жузеппе Криппа (1838), Фабио Беста (1891), У.И. Арнольд (1809), И. Ахматов (1809) ва бошқаларнинг асарларида ўқиш мумкин. XX асрда иқтисодий йўналиш ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Лекин, шунга қарамай, бухгалтерия ҳисобини ўқитишда юридик назария ҳам сақланиб қолди. Зотан, у бухгалтерияни ўрганувчиларни оддий ҳисоб техникаси билан тез ва осон таништириш имконини берар эди.

XIV-XV асрларда бухгалтерлар суд мажлисларида эксперт сифатида иштирок эта бошладилар. Бунда «эксперт in testes – ҳолис далиллар йиғувчи билан эксперт boni instructores iudicis - қарор қабул қилишда судья ёрдамчиси фарқланар эди»<sup>35</sup>. Кейинчалик бу йўналиш суд бухгалтериясининг юзага келишига сабаб бўлди.

Бундан хулоса қилган ҳолда айтиш мумкинки, хўжалик жараёнлари устидан назорат қадимданок бевосита ижрочиларга боғлиқ бўлмаган, хўжалик жараёнларини ҳужжатлаштиришга асосланган тадбир сифатида шаклланган эди.

Аудиторлар пул маблағлари қандай сарфланишини назорат қилишлари лозим эди. Уларнинг иши текширилувчиларни тинглаш ва сўроқлашни назарда тугарди. Тайинланган мансабдор шахсларни белгилаш учун айнан «аудит» атамаси танлангани бежиз эмас. Ўша даврда мансабдор шахсларнинг аксарияти саводсиз бўлганлиги туфайли, ҳужжатлардан ҳам кўра, кўпроқ текширилувчиларнинг оғзаки кўрсатмалари текширилар, текширув хулосаси эса: «Куйида имзо чекувчи аудиторлар томонидан тингланди» сўзлари билан бошланар эди.

Бутун ўрта асрлар мобайнида аудиторлар фаол иш олиб борганини тасдиқловчи тарихий далиллар бисёр. Чунончи, аудиторлар, хусусан, вакиллик ҳокимияти ташкилоти ҳисоб палаталарининг аудиторлари ижро этувчи ҳокимият ташкилоти фаолияти устидан давлат молиявий назоратини амалга оширганлар.

<sup>35</sup> Соколов Я.В. Бухгалтерский учет, аудит и судебная бухгалтерия // Аудиторские ведомости. 2000. №4 С. 12.

Доминикан черкови монахларидан бири Валтер Хенлининг асарида қайд этилишича, аудиторлик фаолияти шаклланишининг дастлабки босқичида аудиторлар қуйидаги ҳаракатларни амалга оширишлари шарт бўлган:

- ҳисоботларни пухта текширувдан ўтказиш;
- бойликларнинг ҳисоботдаги ва амалдаги қолдиқларини текшириш учун ҳар йили инвентаризация ўтказиш;
- дебиторлик қарзини инвентаризация қилиш;
- ҳисоботда кўрсатилган нархларнинг тўғрилигини тасдиқлаш, чунки товарлар ва хизматларни сотишдан келган тушумни ҳисоботларда атайлаб камайтириб кўрсатиш ҳолатлари мавжудлигини таҳлил қилиш.

Ю.Ю. Кочинев фикрига кўра, «XX асрга келиб, ишлаб чиқариш ва товар айланмаларининг жадал суръатлар билан ривожланиши, турли фаолият турларининг, жумладан, бухгалтерия ҳисоботлари компьютерлаштирилиши натижасида аудиторларнинг текширув ҳажми кескин ўсиб кетди»<sup>36</sup>. Бунинг натижасида ҳўжалик фаолиятининг ривожланиши ҳисобнинг сифати ва ҳисоботнинг тўғрилигини назорат қилишнинг янги прогрессив аудит методикаларини ишлаб чиқишга талаб ўсди ва аудит соҳасида кенг маънода изланишлар олиб борилди.

Ҳозирги аудит институти Англияда вужудга келган бўлиб, XIX асрнинг ўрталарида бу давлат иқтисодий ривожланган мамлакатлардан бирига айланди. Бу ерда темир йўл, суғурта компаниялари, акциядорлик жамиятлари фаол иш олиб борар эди. Қрим урушидан кейин акциядорлик жамиятларида жуда кўп фирибгарликлар ва банкротлик ҳолатлари содир бўлди.

Таниқли немис ҳуқуқшуноси Р. Иеринг таъбири билан айтганда, «жамият урушдан ҳам кўра, акциядорлик жамиятларидан кўпроқ зарар кўрди. Шу даврда Эдинбургда бухгалтерлар ва аудиторларни бирлаштирувчи институт вужудга келди»<sup>37</sup>. Аудиторлар молиявий ҳисоботни экспертиза қилиш ва унинг объективлиги тўғрисида фикр билдиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйдилар. Шундай қилиб, улар мижозлар муайян зарар кўрган ҳолларда ҳам жавобгарликнинг маълум қисмини ўз зиммаларига олар эдилар.

<sup>36</sup> Кочинев Ю.Ю. Аудит -2 –е изд.- СПб.:Питер,2004.-2004.-304 с (Серия «Бухгалтеру и аудитору»).

<sup>37</sup> Соколов Я.В. Бухгалтерский учет, аудит и судебная бухгалтерия // Аудиторские ведомости. 2000. №4. С. 12

1844 йили Англияда акциядорлик жамиятларининг бошқаруларига бухгалтерия ҳисобини текшириш ва акциядорлар олдида ҳисобот бериш учун (одатда ҳар йили бир марта) мустақил бухгалтер (аудитор)ни таклиф қилиш мажбуриятини юкловчи қонунлар, 1862 йилда эса – мажбурий аудит тўғрисида қонун қабул қилинди. 1867 йилда худди шундай қонун Францияда ҳам қабул қилинди. Германияда аудитни жорий этишга бўлган биринчи уриниш 1870 йилда қайд этилди – акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги қонунга киритилган қўшимча мазкур жамиятларнинг кузатув кенгашлари зиммасига асосий ҳисобот шакллари – баланс ҳамда даромадни тақсимлаш тўғрисидаги ҳисоботни текшириш ва текширув натижалари тўғрисида акциядорларнинг умумий йиғилишларида маълумот бериш мажбуриятини юклади.

Инглиз темир йўлчилари ва бошқа инвесторлар Шимолий Америкага йўл олганида, бу ерга улар билан бирга йирик инглиз кредиторларининг манфаатларини ҳимоя қилиш учун мустақил аудиторлар ҳам келди. Айнан АҚШда аудиторлик фаолияти жадал ривожлана бошлади. 1896 йили Нью-Йоркда аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи қонун лойиҳаси қабул қилинди.

XX аср бошигача АҚШда мустақил аудит баланс маълумотларини муфассал тадқиқ қилишни назарда тутувчи инглиз моделига кўра тузилди. Шу муносабат билан Р. Монтгомери АҚШ аудитининг илк босқичини «ҳисобчилик аудити», деб таърифлайди. Бунда, у «аудитор иш вақтининг учдан икки қисми ҳисоб-китоб қилиш ва бухгалтерия дафтарлари тузишга сарфланганини қайд этади»<sup>38</sup>. АҚШда аудит тўғрисидаги биринчи расмий қарор 1917 йилда эълон қилинган бўлиб, у «баланслар аудити»га бағишланади. Бу қарор АҚШ бухгалтер-экспертлар институти (ҳозирда АҚШ дипломли бухгалтер институти – АICPA) томонидан тайёрланган эди. 1937 йилда АҚШда мажбурий аудит институти жорий этилди.

«Ўша даврнинг нуфузли мутахассислари Буюк Британияда Л.Р. Дикси (1864-1932) ва АҚШда Р.Х. Монтгомери (1872-1953) аудитнинг биринчи назарийчиларидир. 1892 йилда Дикси аудитга бухгалтерия балансининг тўғрилиги ва объективлигини тасдиқлаш билан боғлиқ иш, деб таъриф берди. У аудитнинг мақсади ҳисобни ташкил этишдаги сохтакорликлар, тасодифий хатолар ва камчи-

---

<sup>38</sup> Аудит Монтгомери: Пер. с англ. / Ф.Л. Дефлис, Г.Р. Дженик, В.М. Орейли, М.Б. Хирш Под ред. Я.В. Соколова М.: Аудит, ЮНИТИ, 1997.

ликларни аниқлашдан иборат деб кўрсатди. Монтгомери Диксининг «бухгалтерия аудити» тўғрисидаги ғояларини ривожлантирди ва ҳозирги «тестга асосланган аудит» доктринасини яратди. Лекин, бу мутахассислар фақат аудиторлик фаолиятини тавсифлаб, аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқдилар. Аудит тўғрисидаги фан Р.К. Маутц ва Х.А. Шараф аудит қоидаларини биринчи бўлиб таърифлаб берган пайтдан бошланди»<sup>39</sup>.

Аудиторлар ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги ўз билимларидан фойдаланардилар, бунда муайян масалаларни кўриб чиқишга нисбатан ягона ёндашув мавжуд эмас эди. Аудитни ўтказиш жараёнида ягона ёндашувнинг йўқлиги аудиторлар томонидан айни бир масала юзасидан ҳар хил фикр билдирилишига олиб келарди. Шу боис, 1939 йили АҚШда аудитни стандартлаштириш бошланди.

АҚШ дипломи бухгалтерлар институти томонидан таъсис этилган Аудиторлик тартиб-таомиллари кўмитаси Аудиторлик тартиб-таомиллари тўғрисида Низом эълон қилди. 1972 йилгача 54 та Низом эълон қилинди. Кейинчалик мазкур Кўмита Аудиторлик стандартлари бўйича ижроия кўмитасига, сўнгра – Аудиторлик стандартлари Кенгашига айлантирилди. Кенгаш барча Низомларни умумлаштириб, ҳозирги вақтда амал қилаётган Аудиторлик тартиб-таомиллари тўғрисида 1-сон Низом (SAS)ни эълон қилди.

Бунга жавобан, Англияда аудиторлар институти пайдо бўлди. 1880 йилда Англия ва Уэльсда бухгалтерлар институтига асос солинди. Орадан юз йил ўтиб, унинг аъзолари сони 76 мингга етди. Бу институт катта методик ишларни амалга оширмақда, ҳисоб ва аудиторлик стандартларини ишлаб чиқмақда, аудитга оид ранг-баранг материаллар эълон қилинувчи «Accountants» журналинини нашр этмақда<sup>40</sup>.

Аудит юзага келишининг асосий негизи ҳисоботларнинг тўғрилигини кафолатлаш зарурияти билан боғлиқдир. Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, аудитнинг шаклланиши ҳозирги кунда ҳам давом этаётган анча узоқ жараён, деб айтиш мумкин. Бинобарин, аудитнинг таърифи ҳам кенгайиб бориши, у текширувнинг турли-туман типлари ва мақсадларини қамраб олиши лозим.

Аудиторлар ҳақидаги илк маълумот 1299 йилга тааллуқли. 1324 йил 24 мартда Эдуард II уч давлат аудиторини тайинлади. Тайинлаш

<sup>39</sup> Соколов Я.В. Бухгалтерский учет: от истоков до наших дней.

<sup>40</sup> Аудит / Под ред. В.И. Подольского. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001.

тўғрисидаги фармонда аудиторлар вилоятларда жорий этилган ва жорий этиладиган барча ҳисобларни сўраб олишлари ва текширишлари лозимлиги ҳақида сўз юритилади.

1862 йилда қабул қилинган Британия компаниялари тўғрисидаги қонун аудитнинг ривожланишига туртки берди. Мазкур қонунда компанияларнинг ҳисоб ва ҳисобоглари аудиторлар томонидан йилда камида бир марта текширилиши шартлиги белгиланди. Корхонанинг амалдаги молиявий ҳолати ва унинг муайян даврда хўжалик юритиш натижалари тўғрисида ишончли маълумотларга эга бўлиш учун акциядорлик жамиятининг ҳисоботиغا объектив баҳо бериш зарурияти шунга тақозо этди.

Англияда мажбурий аудит тўғрисида қонун қабул қилинганидан кейин, шундай қонун Францияда ҳам қабул қилинди. Ҳозирда бозор иқтисодиёти амал қилувчи мамлакатларнинг деярли барчасида ўз ҳуқуқий ва ташкилий инфратузилмасига эга бўлган аудиторларнинг жамоат ташкилотлари мавжуд.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда мустақил аудит молиявий назоратнинг асосий шакли ҳисобланади. Турли мамлакатларнинг аудиторлик фаолиятига оид қонун ҳужжатларини солиштирадиган бўлсак, уларда муайян ўхшашликка дуч келишимиз мумкин. Бу ўхшашлик шунда намоён бўладики, маълум тадбиркорлик субъектларининг йиллик молиявий ҳисоботининг мажбурий аудити тўғрисида меъерий ҳужжатлар барча мамлакатларда мавжуд, аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга аудиторларнинг малакасига қўйиладиган талаблар белгилаб қўйилган.

Сўнгги йилларда аудиторлик фаолияти МДҲ мамлакатларида ҳам ривожланмоқда. Лекин, аудит соҳасида назарий манбалар бу ерда жуда кам. Шу боис, аудиторлик назоратининг мазмуни ва вазифалари турли қўлланмалар, мақолалар ва ҳатто дарсликларда ҳар хил талқин қилинмоқда, бу аудитнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, бугунги кунга қадар амалиётда «тафтиш»ни «аудит»нинг синоними, деган тушунча кенг тарқалган бўлиб, унинг мазмуни, функциялари ва вазифаларини тўлиқ аудитга ўтказилмоқда. Илмий доираларда аудитни молиявий назоратнинг алоҳида тури сифатида молия-хўжалик назорати тизимига киритмоқдаларки, бу мантиққа кўпроқ мос келади, шу боис, мазкур йўналишни янада мувофиқлаштириш ва ривожлантириш лозим.

Зотан, бу АҚШ бухгалтерлар уюшмаси аудитга берган таърифга ҳам мос келади. Мазкур таъриф аудит жараёнини ҳам, унинг мақсадларини ҳам ўз ичига олади: «Иқтисодий фаолият ва ҳодисалар тўғрисида объектив маълумотлар тўплаш ва уларни баҳолаш, мазкур далиллар белгиланган мезонларга қай даражада мувофиқлигини аниқлаш ва текширув натижаларини манфаатдор фойдаланувчиларга тақдим этиш изчил жараёни аудит деб аталади».<sup>41</sup>

Моҳият эътибори билан, аудит амалий фаолиятдир, шу боис, аудит назарияси мавжуд деб уқтириш, фикримизча, мақсадга мувофиқ эмас. Зотан, назария — «билимнинг бирор соҳасига оид асосий ғоялар тизими; воқелик қонуниятлари ва ундаги муҳим алоқалар ҳақида бир бутун тасаввур берадиган билим шакли».<sup>42</sup> **Шу боис, аудит назариясини очиб беришда биз мустақил текширув жараёнини тушунишга ва молиявий ҳисобот тўғрисида объектив қарашни шакллантиришга кўмаклашамиз.**

Банкни бевосита бошқармайдиган мулкдорлар ўз бошқарувчиларининг ҳалоллиги ва пухта ишлашига, шунингдек, вақти-вақти билан тузилиб, уларга тақдим этилувчи молиявий ҳисоботда сохтакорликлар йўқлигига ишончи комил бўлиши лозим. Бу аудитнинг моҳияти ёки назариясини очиб беришни тақозо этади.

Аудит учун мулкдорлар ёки молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар ўртасида фарқ мавжуд эмас. Яъни, ҳукумат ва маҳаллий ҳокимият ташкилоти ҳам банклар ёки ташкилотлар фаолиятини тўғри ва эгри солиқлар ёрдамида бошқарадилар. Бунда улар ҳам молиявий ҳисобот кўрсаткичларининг тўғрилигига ишонч ҳосил қилишга эҳтиёж сезадилар.

Лекин, ҳар бир мамлакатда молиявий ва бошқа ахборот аудити маҳаллий меъёрий ҳужжатлар — алоҳида қонунлар ва низомлар билан тартибга солинади. Бунда ҳар хил талқин ва англашилмовчиликларга йўл қўймаслик учун мазкур меъёрий ҳужжатлар умумэтироф этилган халқаро қоидаларга асосланиши лозим, деб ўйлаймиз.

Ушбу параграфда биз аудитнинг назарий жиҳатларини кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз. Ҳар қандай назария замирида муайян

---

<sup>41</sup> Положение об основных концепциях аудита. — Комитет по основным концепциям аудита, 1973

<sup>42</sup> Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Тошкент: ЎЗМЭ Давлат илмий нашриёти. 6-жилд.



постулатлар<sup>43</sup> ётади, шу боис, бу ерда энг аввало, аудит постулатларини очиб бериш зарур, деб ўйлаймиз. Юқорида қайд этиб ўтилганидек, аудит постулатлари илк бор Мауц ва Шараф томонидан ишлаб чиқилган ва кейинчалик бошқа олимлар томонидан ривожлантирилган.

Бу постулатлар шу қадар машҳур эдики, улар бир неча йил мобайнида Бухгалтерлар уюшмаси томонидан ўтказилган тадқиқотларда назарий асос бўлиб хизмат қилди. Мауц ва Шараф нуқтаи назаридан, аудит постулатлари:

- 1) илмий назарияларни ривожлантириш учун зарур;
- 2) улар ҳақиқат эмас, балки фараз ҳисобланади;
- 3) мантиқий мушоҳадаларни давом эттириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Фундаментал қарашларни асос қилиб олиб, янада мураккаб масалаларни тушуниб етиш, бинобарин, аудиторлик фаолияти ва унинг вазифалари ҳақида янада тўлиқроқ ахборот олиш мумкин;
- 4) у ҳар қандай назариянинг асоси бўлиб хизмат қилади;
- 5) билимнинг ривожланиши жараёнида ўзгариб боради<sup>44</sup>.

Мауц ва Шараф томонидан аудитнинг саккиз постулати илгари сурилган, жумладан:

**1. Молиявий ҳисобот ва молиявий маълумотлар текширилиши мумкин.** Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига\* мувофиқ, ҳўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан, банкларнинг молиявий ҳисоботлари мустақил аудитор томонидан тасдиқланиши лозим. Шу боис, биз мазкур постулатнинг тўғрилигини инкор эта олмаймиз, чунки молиявий ҳисобот ва молиявий маълумотлар текширилмаса, аудит ўз мазмунини йўқотади.

Ҳўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан, банклар фаолиятининг натижалари молиявий ҳисоботларда акс эттирилади. Бунда ҳар йили тузилиб, тақдим этилувчи молиявий ҳисобот кенг фойдаланувчилар доирасининг ахборотга бўлган умумий эҳтиёжларини

<sup>43</sup> Постулат – исботсиз ҳам қабул қилинаверадиган дастлабки қоида, фараз.

\* R.K. Mautz, H.A. Sharaf. The Philosophy of Auditing – American Accounting Association, 1961.

\* Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги (2000 йил 26 май), «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги (1995 йил 21 декабрь), «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги (1996 йил 25 апрел), «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (1996 йил 26 апрел) қонунлари.

қондириши лозим. Кўпгина фойдаланувчилар ишончли ахборот манбаи сифатида молиявий ҳисоботга таянадилар, чунки улар ўзларининг муайян ахборотга бўлган эҳтиёжини қондирувчи қўшимча ахборот олиш ваколатига эга эмас. Бу ўринда шуни қайд этиб ўтиш керакки, акциядорлар ва бошқа кредиторлар, шу жумладан, омонатчилар ҳисоботларнинг ҳамда мустақил орган мазкур кўрсаткичлар ҳақида берган хулосанинг ошкоралигидан манфаатдордирлар.

**2. Аудитор билан маъмурият манфаатларининг тўқнашуви муқаррар эмас.** Раҳбарият билан аудитор умумий мақсадларга эришиш учун баҳамжиҳат иш олиб боради. Бунда тақдим этилувчи ахборотнинг ишончлилиги учун жавобгарлик раҳбарият зиммасига юкланади. Аудиторлар тақдим этилган ахборотнинг ишончлилигини тасдиқловчи далилларни етарли миқдорда олишлари лозим.

Манфаатлар тўқнашуви қуйидаги ҳолларда: 1) раҳбарият ташқи акциядорлар ва кредиторларни алдаш сиёсатини олиб борганида; 2) раҳбарият ўзи оладиган ҳақ миқдорини ошириш учун даромад суммаси ёки бошқа маълумотларни атайлаб ўзгартириб кўрсатганида; 3) аудитор билан раҳбарият бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги сиёсат ёки стандартларни танлаш ёки қўллаш юзасидан бир фикрга кела олмаганида юзага келади.

Манфаатлар тўқнашуви юзага келган ҳолларда аудиторлар тақдим этилган ахборотнинг ишончлилигини тасдиқлай олмайдилар. Бу аудиторлар молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги ва объективлиги тўғрисида фикр билдиришдан бош тортишларига олиб келиши мумкин.

**3. Молиявий ҳисобот ва текширилиши лозим бўлган бошқа ахборот яширин келишув билан боғлиқ ёки бошқа гайритабiiий нуқсонларга эга бўлмаслиги лозим.** Аудиторлар ўз фикрини билдиришда молиявий ҳисобот кўрсаткичларининг тўғрилигига ишончлари комил бўлиши керак.

Халқаро аудит стандартларига мувофиқ, «аудит кўриб чиқилган молиявий ҳисобот жиддий камчиликларга эга эмаслигига ишонч ҳосил қилиш имконини бериши лозим»<sup>45</sup>.

Одатда, ундан аудиторлик текшируви пайтида аудиторнинг вақтини тежаш учун фойдаланилади. У хўжалик юритувчи субъектнинг ички назорат тизимига асосланади. Ички назорат тизимини таҳлил қилиш аудиторга ўз ишида танлаб, тадқиқ қилиш усулларида фойдаланиш,

---

<sup>45</sup> Международные стандарты аудита и Кодекс этики профессиональных бухгалтеров. – М.: МЦРСБУ, 2000. 699 стр.

репрезентатив маълумотларнинг нисбатан кичик ҳажмидан фойдаланиб, операцияларни текшириш тестларини бажариш имконини беради.

Бу ўринда яна шуни ҳам қайд этиб ўтиш керакки, «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ, «аудиторлик ташкилотлари аудиторлик текшируви буюртмачилари, хўжалик юритувчи субъект ва молиявий ҳисоботдан бошқа фойдаланувчилар олдида молиявий ҳисобот ҳамда хўжалик юритувчи субъектнинг бошқа молиявий ахбороти тўғрисида нотўғри яқундан иборат бўлган аудиторлик хулосасини тузиш оқибатида уларга етказилган зарар учун жавобгар бўлади. Аудиторлик текширувини сифатсиз ўтказганлик ёки лозим даражада ўтказмаганлик оқибатида хўжалик юритувчи субъектга ва (ёки) аудиторлик текширувининг буюртмачисига етказилган зарар, шу жумладан, бой берилган фойда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланиши шарт»<sup>46</sup>.

**4. Қониқарли ички назорат тизими номувофиқликларни бартараф этади.** Бу қараш назарий жиҳатдан бенуқсондир, чунки яхши ички назорат тизими хизмат мавқеини суистеъмол қилиш, назорат тизимидан ташқарида бошқариш, тасодифий зарар кўриш, кредиторлик қарзларини атайлаб камайтириш имкониятини истисно этиши лозим.

Шу билан бирга, шуни қайд этиб ўтиш жоизки, «Таваккалчиликни баҳолаш ва Ички назорат» халқаро аудит стандартларида умумий назорат сиёсати ва назорат тартиб-таомиллари мажмуи – ички назорат тизимини белгилайди», - деб таъкидлаб ўтилган<sup>47</sup>. У компания раҳбарияти бизнесни имкон қадар тартибли ва самарали амалга ошириш мақсадида қўллайдиган сиёсат ва тартиб-таомилларни, шу жумладан, раҳбарият сиёсатига риоя этиш, активларнинг бутлигини таъминлаш, фирибгарлик ҳолатлари ва хатоларнинг олдини олиш ва аниқлаш, ҳисоб ҳужжатлари аниқ ва тўлиқ юритилишини таъминлаш, шунингдек, ишончли молиявий ахборотни ўз вақтида тайёрлашни ўз ичига олади.

Умумий назорат сиёсати ўзининг моҳиятига кўра, директорлар ва раҳбариятнинг ички назорат тизимидан ва унинг корхонада қандай йўлга қўйилганлигидан хабардорлигини англатади. У раҳбарлик услуги, ишлаб чиқариш маданияти, кадриятлар тизими, иш фалсафаси ва услуги, ташкилий тузилма, кадрлар сиёсати ва тартиб-тао-

<sup>46</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги 2000 йил 26 май Қонуни.

<sup>47</sup> Международные стандарты аудита и Кодексе этики профессиональных бухгалтеров. – М.: МЦРСБУ, 2000. 699 стр.

миллар сингари тушунчаларни қамраб олади.

Кадрлар сиёсати ва тартиб-таомиллари, масалан, кадрлар мажмуини, лавозимга тайинлаш ва ундан четлатишни ўз ичига олади. Ташкилий тузилмада ички назорат тобелиги ҳамда унинг функцияларини қўллаб-қувватлашнинг аниқ схемаси бўлиши, аудиторлар қўмитаси юксак даражадаги назоратни таъминлаш ниятида эканлигини намойиш этиши лозим.

Умумий назорат сиёсати назорат тартиб-таомилларини муфассал амалга ошириш учун маълумот беради. Табиийки, у ўз ҳолича бутун ички назорат тизимининг самарадорлигини кафолатламайди.

Назорат тартиб-таомиллари банкнинг муайян мақсадларга эришиши учун ўрнатилади. Бухгалтерия ҳисоби соҳасида бу мақсадлар тегишли даврдаги операцияларни мувофиқ тарзда тасдиқлаш, ўз вақтида, аниқ ҳисобга олиш, активларнинг бутлигини таъминлаш ва ҳисобга олинган активларнинг амалда мавжудлигини кафолатлаш, шунингдек, хатоларни топиш, тузатиш ва бартараф этишга йўналтирилган муайян тартиб-таомилларни ўз ичига олади. Бир банкнинг назорат тартиб-таомиллари бошқа банкнинг назорат тартиб-таомилларидан фарқ қилади ва банкнинг катта-кичиклигига боғлиқ бўлади.

Амалда назоратни танлаш муайян назоратни жорий этиш харажатлари билан уни қўллашдан кўриш мумкин бўлган наф ўртасидаги тафовутга боғлиқдир.

Йирик банклардаги кўпгина ички назорат воситалари кичик банклар учун мақсадга мувофиқ, мос ва зарур эмас. Кичик банклар раҳбарияти ёзувлар ва бошқа ахборотнинг ишончлилигини таъминлаш учун расмий ички назоратга муҳтож бўлмайди, чунки у банк фаолиятида шахсан иштирок этади.

**5. Умумэътироф этилган ҳисоб қоидаларига муттасил риоя қилиш молиявий ҳолат ҳамда хўжалик фаолияти натижалари ҳақида объектив тасаввурга эга бўлиш имконини беради.**

Аудит харажатларини камайтириш ва иш сифатини яхшилаш имконини берувчи стандартларнинг мавжудлиги ички аудит тизимининг самарали фаолият кўрсатиши ва унинг олдида турган вазифаларни муваффақиятли ҳал қилишнинг асосий шартидир.

Аудиторлик фаолияти стандартлари<sup>48</sup> деганда, аудитни амалга ошириш ва расмийлаштириш ҳамда аудит билан боғлиқ хизматлар

---

<sup>48</sup> «Стандарт» атамасини махсус маънода тушунмоқ керак. «Аудит стандартлари» атамасининг ўрнига чет эл амалиётида «Code of Ethics for Auditors» атамаси қўлланилади. Бу атамани «хулқ-атвор стандартлари», «ахлоқ кодекси» ёки «аудиторлар қоидалари» деб таржима қилиш мумкин.

кўрсатиш, шунингдек, аудит сифатини баҳолаш, аудиторлар тайёрлаш ва уларнинг малакасига баҳо бериш тартибига қўйиладиган ягона талабларни тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар тушунилади.

Бу ҳужжатлар ички аудитнинг ҳуқуқий ва ташкилий мақомига мос келиши, аудиторларга услубий ёрдам кўрсатиши лозим.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда ички аудит муаммоларига катта эътибор берилди. Халқаро ташкилотлар томонидан қўлланилувчи ички аудит стандартлари<sup>49</sup> уч гуруҳдан, яъни умумий, амалий ва ҳисобот стандартларидан иборат бўлиб, уларни миллий амалиётга жорий этиш учун асос қилиб олишимиз мумкин.

Яъни, юқоридагидан келиб чиққан ҳолда шуни айтишимиз мумкинки, молиявий ҳисоботнинг объективлигига баҳо бериш учун аудитор муайян иш стандарти ёки андозасига эга бўлиши лозим. Мазкур стандарт ёки андоза текширувни олиб бориш тартиб-таомилларини ва ҳисоботларни тайёрлаш сиёсатининг таркибий қисмларини ўз ичига олиши мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга эътиборга олиш керакки, бугунги кунга келиб аудитор учун кенг маънода профессионал даражада қўлланма бўлиб хизмат қилувчи ташқи ва ички аудит стандартлари мавжуддир. АҚШ дипломли бухгалтерлар институти, Ички аудиторлар институти ва Бухгалтерлар бош бошқармаси ўз аъзолари учун алоҳида аудит стандартлари ишлаб чиққанлар.

**6. Корхона ҳақида ўтмишда чиқарилган хулоса, башарти бунинг тескарисисиботланган бўлмаса, келажак учун ҳам ўринли бўлади.**

«Корхона фаолиятининг узлуксизлиги тўғрисида»ги аудит стандартларига мувофиқ, аудиторлик текширувларини режалаштириш ва ўтказишда ҳамда уларнинг натижаларига баҳо беришда аудитор молиявий ҳисобот замирида ётган корхона фаолиятининг узлуксизлиги принципига раҳбарият тўғри риюя этганини кўриб чиқиши лозим<sup>50</sup>.

Корхона фаолиятининг узлуксизлиги принципи молиявий ҳисобот тайёрлашнинг фундаментал принциpidир. Бу принципига биноан, субъектга ўз фаолиятини яқин келажакда давом эттириш ниятида, деб қаралади. Бинобарин, унинг активлари ва мажбуриятларини ҳисобга олишда корхона одатдаги тижорат фаолияти жараёнида ўз мажбуриятларини қай даражада бажара олиши ва активла-

<sup>49</sup> Ички аудиторлар институти ички аудитнинг тегишли стандартларини ишлаб чиқиш учун масъул махсус бўлимга эга.

<sup>50</sup> Международные стандарты аудита и Кодекс этики профессиональных бухгалтеров. - М: МЦРСБУ, 2000.

ридан қандай фойдаланишга қодирлиги аниқланади.

Молиявий ҳисобот халқаро стандартларига мувофиқ, «молиявий ҳисоботни тайёрлашда корхона ўз узлуксиз фаолиятини давом эттиришга қай даражада қодирлигига раҳбарият баҳо бериши лозим»<sup>51</sup>. Яъни, молиявий ҳисобот корхона фаолиятининг узлуксизлигини эҳтимол тутиш орқали тайёрланиши керак, раҳбарият корхонани тугатиш, савдо операцияларини тўхтатиш ниятида бўлган ёки раҳбарият оқилона муқобил йўқлиги туфайли шундай иш тутишга мажбур бўлган ҳоллар бундан мустасно.

Агар баҳо қўйишда раҳбарият, корхонанинг ўз фаолиятини узлуксиз амалга ошириш қобилиятига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳодисалар ёки шарт-шароитлар билан боғлиқ ноаниқлик омилларидан хабардор бўлса, бундай омиллар тўғрисидаги ахборотни очиб бериши лозим.

Ҳисоб концепциясига мувофиқ, барча ҳолатларни, қабул қилинган бошқарув қарорларининг кетма-кетлигини ёки келгуси йиллар учун қилинган прогнозларни текшириб кўриш лозим. Агар мазкур талаблар бажарилган бўлмаса, чиқарилган хулоса ишончли бўлиши, кўпгина аналитик муолажалар, масалан, регрессион таҳлил ўз фойдали жиҳатларининг катта қисмини йўқотади. Бу ҳолда балансда кўрсатилган суммаларнинг тўғрилигини тасдиқлаш учун аудитор баланс санасидан кейинги фаолиятга баҳо бериш учун кўпроқ вақт сарфлашига тўғри келади.

**7. Молиявий ахборотни текшириш, мустақил фикр билдириш мақсадида амалга оширилган ҳолларда, аудитор фаолияти фақат унинг ваколатлари билан тартибга солинади.** Бу қарашнинг тўғрилигига шубҳа билдирилиши мумкин, чунки аудиторнинг мустақиллиги молиявий ҳисоботни фойдали қилиш имконини берувчи муҳим шартлардан биридир.

Аммо, бу қоида қанчалик муҳим бўлмасин, унга лозим даражада риоя этилмаётганига ишонч ҳосил қилиш учун ҳаётимизга юзаки назар ташлашнинг ўзи кифоядир.

Банк раҳбарияти ички аудит бўлимини тузишда унинг эркинлиги даражасига катта эътибор берилиши лозим. Бунда мазкур вазифани ҳал қилиш жуда қийинлигини, ички аудиторларнинг иш самарадорлиги бунга кўп жиҳатдан боғлиқлигини эътиборга олиш зарур. Биринчидан, ички аудитнинг мутлақ эркинлигига эришиш мум-

<sup>51</sup> Международные стандарты финансовой отчетности, №1.

кин эмас, чунки ички аудиторлар банк ходимлари ҳисобланади, уларнинг касбий ўсиши банк раҳбариятига бевосита боғлиқ бўлади. Иккинчидан, ички аудит бўлимининг ташкилий мустақиллиги даражаси ички аудиторларнинг объективлигига бевосита таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, ички аудит бўлимининг ташкилий жиҳатдан банк Кенгашига бўйсунуши, турли даражадаги раҳбарларнинг унинг тавсияларига муносабатига таъсир қилади.

Ички аудит стандартларига мувофиқ, ички аудиторнинг мустақиллиги унинг ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни эркин ва холис бажариш ҳамда ўз фикрини объектив ифода этиш имкониятини назарда тутати. Ички аудит бўлимининг тегишли ташкилий мақомини белгилаш орқали мустақилликка эришилади. Бунда ички аудит хизматининг раҳбари банк Кенгаши Раисига бўйсунуши лозим. Банк Кенгаши Раиси аудиторлар фаолиятининг мустақиллигини таъминлайди ва аудиторларнинг тавсияларини бажариш бўйича мувофиқ чоралар кўради. Объективлик деганда, аудиторнинг ўз ишини виждонан ва холисона бажариш, ўз фикрини аниқ ифода этиш ва ҳимоя қилиш қобилияти тушунилади.

Шундай қилиб, «мустақиллик» ва «объективлик» тушунчалари ички аудитнинг маъно жиҳатидан бир-бирига анча яқин хусусиятларидир. Уларнинг фарқи шундаки, биринчи тушунча ташкилий нуқтаи назардан таърифланса, иккинчи тушунча ички аудиторнинг касбий фахлати сифатида таърифланади. Иккала тушунча бир-бири билан боғлиқ, чунки ички аудит бўлимининг структуравий мустақиллиги даражаси ички аудиторларнинг объективлигига жиддий таъсир кўрсатади. Лекин, ички аудиторлар ўзларининг банкдаги ролини қандай тушуниши, ўз ишини омилкорона, маҳорат билан бажаришга тайёрлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ички аудитнинг ташкилий жиҳатдан эркинлигига қай даражада эришиш мумкинлиги юзасидан яқдил фикр мавжуд эмас, лекин ички аудиторнинг объективлигини таъминлаш мумкинлигини, бу банкка катта фойда келтиришини аксарият раҳбарлар эътироф этади. Аммо, кўпинча, уларнинг буни амалга ошириш усуллари ҳақидаги қарашлари ҳар хил бўлади. Республикамиз банкларида ҳам, хорижий давлатлар банкларида ҳам аудитнинг мустақиллиги масаласи ҳам турличадир.

Ҳарб банкларида иккита асосий ёндашув мавжуд:

1. Ички аудит банкда ишончли ва самарали ички назорат тизимини яратиш ва сақлашга, банк учун ҳар хил хавф-хатарларни аниқ-

лаш ва уларни камайтиришга йўналтирилган. Бунда ички аудит хизматини, қоида тариқасида, директор бошқаради. Директор, Банк Президенти ёки Бошқаруви ҳамда Аудит қўмитаси олдида ҳисобдор бўлади. Айрим ҳолларда ички аудит бўлимининг директори вице-президент лавозимини эгаллаши, ички аудит эса, масалан, молия ёки маркетинг сингари корпоратив функция бўлиши мумкин. Бундай ёндашувда ички аудит ташкилий жиҳатдан компаниянинг функционал раҳбариятидан мустақил бўлади.

2. Ички аудит компаниянинг молия ҳисоботи, бухгалтерия тартиб-гаомиллари ва активларнинг бутлигини текширишга йўналтирилади. Бунда ички аудит бўлими молия бўлимининг бўлинмаси ҳисобланади, ички аудит бўйича менежер компания ёки бўлим молиявий директориға бўйсунди. Аудит компаниянинг ички назорат ҳолати учун жавобгар бўлган юқори мартабали функционал раҳбарига расман тобе бўлади.

Биринчи ҳолда, аудит компания олий раҳбариятининг «кўз-қулоғи» бўлса, иккинчи ҳолда, компания молиявий раҳбариятининг «кўз-қулоғи» бўлади.

**8. Мустақил аудиторнинг касбий мақоми унинг касбий мажбуриятларига мувофиқдир.**

Мауц ва Шараф қайд этишича, «ишни пухта амалга ошириш концепцияси, мижоз билан ишлашни ўз шахсий манфаатларидан устун қўйиш ва касб қоидаларига риоя этиш талаби мана шу принципга асосланади»<sup>52</sup>.

Аудиторнинг ахлоқ кодексига қуйидаги қоида алоҳида қайд этилади: «Профессионал аудитор ўз касбий мажбуриятларини жуда пухта ва мукамал бажариши, шунингдек, ўз касбий билим ва кўникмаларини муттасил ошириб бориши, уларни мижозга ёки иш берувчига амалиёт, қонунчилик ва методологиянинг охириги ютуқларига асосланган хизматлар кўрсатишни кафолатловчи даражада сақлаши шарт»<sup>53</sup>.

Бунда аудиторнинг касбий маҳорати мавзусида узоқ баҳслашиш ва ягона фикрга келмаслик мумкинлигини қайд этиб ўтиш жоиз.

Аудитор касбий лаёқатининг шаклланиши жараёнини икки босқичга ажратиш мумкин:

<sup>52</sup> Адамс Р. Основы аудита: Пер. с англ / Под ред Я.В. Соколова. – М.: Аудит, ЮНИТИ, 1995. – 398 с.

<sup>53</sup> Кодекс профессиональной этики аудиторов Узбекистана. Палата аудиторов Узбекистана, 2000 г.



а) Касбий лаёқатни эгаллаш, яъни касбий лаёқатни дастлабки гарзда эгаллаш умумий таълим даражаси юқори бўлишини, сўнгра махсус таълим олиш, кўникмалар ҳосил қилиш ва тегишли фанлар бўйича имтиҳон топширишни, кўрсатмаларга қараб, ихтисослик бўйича маълум иш стажига эга бўлишни тақозо этади. Бу профессионал аудитор ривожланишининг стандарт моделидир.

б) Касбий лаёқатни қўллаб-қувватлаш, яъни аудитор ўз касби соҳасидаги барча ютуқлардан, шу жумладан, бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг тегишли миллий ва халқаро стандартларидан ҳамда бошқа қоидалар ва қонун талабларидан хабардор бўлиши лозим.

Профессионал аудитор касбий хизматлар кўрсатиш вақтида назоратнинг сифатини таъминлаш учун миллий ва халқаро принципларга мувофиқ дастур қабул қилиши керак.

1985 йилда Робертсон шундай деб ёзган эди: «Мауц ва Шараф таърифлаб берган аудит фалсафаси мукаммал эмаслигига қарамай, у кейинги тадқиқотлар учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин». Робертсон мазкур фалсафани бойитиши мумкин бўлган бир қанча йўналишларни келтиради ва уларни махсус тадқиқ қилиш зарурлигини кўрсатади. Мауц ва Шараф постулатларига у ўз постулатини қўшимча қилади ва уни «иқтисодий самарадорлик максимаси», деб номлайди. Фикримизча, бу бош постулат бўлиши лозим.

Бу ўринда шуни қайд этиб ўтишимиз лозимки, постулатларга асосланган соф назария аудитор амалий вазифаларининг барча моҳиятини ёритиб бера олмайди. У бошқарув қарорлари қабул қилиш жараёнларини, ҳужжатлаштирилган далилларнинг ўринлилигини тушунтирмайди ва тушунтиришга ҳаракат ҳам қилмайди.

Ҳатто, аудиторлик текшируви кўмитаси ҳам аудит назарияси юзасидан аниқ бир мулоҳозалар билдирмаган, лекин у қабул қилган стандартлар ва кўрсатмалар «аудитор далиллари»нинг релевантлиги, ишончлилиги ва етарлилигини эътироф этиш текширилган ахборот ҳажмига ва самарали ички назорат тизимини ташкил этишга корхона маъмуриятининг тайёрлигига боғлиқлигини назарда тутлади.

Ҳозирги вақтгача барча илмий тадқиқотларда аудитнинг молиявий, операцион хусусиятига асосий эътибор берилди.

Фикримизча, аудит назариясини амалий иш учун етарли, деб бўлмайди. Аудитор мазкур назарияга ташқи муносабатларни, бошқа фанлардан олинган услубий қоидаларни жалб қилиши лозим. Бўлиб улар жумласига қуйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқдир..

1) Математик назария (танланма, регрессион ва кластерли таҳлил).

2) Иқтисодий назария (пулнинг даврий қиймати, капитални баҳолаш назарияси).

3) Бухгалтерия ҳисоби ва молия назарияси (манфаатлар назарияси/аудиторнинг ижобий назарияси, банкротликни молиявий таҳлил ва прогноз қилиш).

4) Ахборот ва коммуникация назарияси (аудиторнинг учинчи шахслар билан алоқа қилиш, хулоса тузиш қобилияти).

5) Ахборот технологиялари (эксперт тизимлар ва компьютер тизимлари, маълумот базалари, технологиялари).

6) Бошқарув (режалаштириш ва назорат, ташкилий назариялар ва рағбатлантириш назариялари).

Ҳуқуқ ва солиқ соҳасида маслаҳат хизматлари кўрсатиш, шунингдек, назоратни, банк хизматларини, ишчиларга ҳақ тўлашни таъминлаш бўйича бошқа хизматлар кўрсатиш жараёнида аудиторнинг роли масалалари бу рўйхатга киритилмаган, чунки буларнинг барчаси аудит назариясига эмас, балки аудитни амалга ошириш техникасига тааллуқлидир.

**Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки, Робертсоннинг юқорида муҳокама қилинган постулатлари агентлар назарияси билан Мауц ва Шарафнинг аудит фалсафаси ўртасида алоқа ўрнатишни таъминлайди. Бунда уларнинг заминида ётган мантиқий асослаш барчага маълум ва умум эътироф этилган, деган тенденция кузатилади.**

Шу билан бирга, бизнинг фикримизча, аудит назарияси яна қуйидаги:

1) Нима сабабдан акциядорлар зарур ахборотни ўзлари олишга ҳаракат қилмасдан, аудиторларга мурожаат этадилар?

2) Нима сабабли қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий бўлган аудит, ихтиёрий аудитдан жадалроқ ривожланмоқда?

3) Аудитор фаолиятининг мустақиллиги ҳал қилувчи омил ҳисобланиши сабабли ва аудиторлар бу талабларга қай даражада жавоб берадилар?

4) Ҳисоботда хато ва камчиликларни топмаганлиги учун аудитор қандай жавобгарликка тортилади?

5) Аудит ривожланишининг ҳозирги босқичида унга қўйиладиган асосий талаблар нималардан иборат каби саволларга жавоб топиш учун зарур бўлади.

Шу муносабат билан аудитнинг ривожланиш босқичларини, шунингдек, чет мамлакатларда ва Ўзбекистон Республикасида ички аудит ўтказиш тажрибасини ишнинг кейинги параграфларида кўриб чиқамиз.

## **2.2. Тижорат банкларида ички аудит фаолиятининг хориж тажрибаси ва ундан республикада фойдаланиш имкониятлари**

Сўнги вақтда молиявий назорат масалаларига ҳокимият тизимларида ҳам, илмий доираларда ҳам тобора кўпроқ эътибор берилмоқда. Чунончи, молиявий назоратнинг ягона концепцияси-ни ишлаб чиқиш борасидаги саъй-ҳаракатлар, ҳокимият ва молиявий-иқтисодий фаолиятнинг барча даражаларида кенг қамровли ва ҳаққори самарали молиявий назорат тизимининг иш механизмининг йўлга қўйиш мақсадида назорат фаолиятини тизимга солишга интилиш янада фаоллашди.

Ўз-ўзидан аёнки, муайян назорат фаолияти доимо банк раҳбарияти даражасида амалга оширилади, лекин бу ерда мазкур ишнинг сифати, унинг ташкил этилиши даражаси бозор иқтисодиёти шароитларида самарали хўжалик юритиш талабларига, қабул қилинган халқаро стандартларга ва ҳозирги замон бошқарув фани ютуқларига мувофиқлиги тўғрисида сўз юритилмоқда.

Ҳар қандай назорат органи ўзи текширувчи ташкилотларда ички хўжалик назорати яхши йўлга қўйилишидан бевосита манфаатдордир, чунки бу унинг ўз асосий функциялари — молиявий ва моддий ресурсларидан фойдаланилишининг қонунийлиги, оқилоналиги ва самарадорлиги устидан назорат қилишни анча енгиллаштиради.

Халқаро олий молиявий назорат ташкилоти (ИНТОСАИ)нинг IX Конгресси томонидан 1977 йилда қабул қилинган Лима декларациясининг принципларида олий назорат органи ташқи назорат хизмати сифатида ички назорат хизматининг самарадорлигини текширувчи лозимлиги тўғридан-тўғри кўрсатилган. Агар ички назорат хизмати самарали, деб эътироф этилган бўлса, олий назорат органи ҳуқуқларини камситмасдан, олий назорат органи билан ички назорат хизмати ўртасида вазифаларни зарур даражада тақсимлаш ва ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали, кенг қамровли текширув ўтказиш мумкин.

Кредит ташкилотларида ички назоратни ташкил этиш ўзига хос хусусиятларга эга. Шу боис, мазкур масала ҳуқуқий жиҳатдан алоҳида тартибга солингандир.

Банк назорати бўйича Базель қўмитасининг тавсиялари бу соҳадаги асосий халқаро ҳужжатдир<sup>54</sup>. Унинг тавсиялари Қўмитага аъзо давлатлар банк тизимлари фаолиятининг кўп йиллик тажрибасига асосан ишлаб чиқилгандир.

Бу ерда самарали ички назорат тизими банкларнинг ишончли фаолиятини ҳамда бутун молия тизими барқарорлигини таъминлашнинг зарур шarti ҳисобланиши Қўмита ҳужжатларида қайд этилади.

Шу билан бир қаторда, алоҳида таркибий бўлим ҳамда махсус тайёрланган ходимлар томонидан ўтказилувчи самарали ва кенг қамровли ички аудитнинг бўлишининг зарурлиги Қўмитанинг ички назорат тизимини баҳолашнинг асосий принципларидан бири деб эътироф этилгандир. **Бундан келиб чиққан ҳолда, айтиш мумкинки, ички аудит хизмати банк кенгаши ва менежментига ҳисобдор бўлиши, бу банк бошқарув ташкилоти тузилмасида ва ваколатларида ўз аксини топши лозим.**

Ички назоратни ташкил этиш каби талаблар Лима декларациясининг назорат бошқариш принципларида ҳам ўз аксини топган. Хусусан, мазкур декларация қоидаларига биноан, ички назорат хизмати ўзини тузган ташкилот раҳбарига бўйсунishi шартлиги алоҳида қайд этиб ўтилган. Лекин, у тегишли ташкилий тузилма доирасида функционал ва ташкилий жиҳатдан мумкин қадар мустақил бўлиши лозим.

Базель қўмитасининг фикрига кўра, ички аудит хизмати банк фаолияти устидан муттасил назоратнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. У белгиланган қоидалар ва тартиб-таомилларнинг мувофиқлигини, шунингдек, уларга риоя этилишини баҳолашни таъминлайди. Ички аудит хизмати банкнинг кундалик ишидан мустақил бўлиши, унга барча турдаги операцияларни назорат қилиш имкониятининг берилиши муҳимдир.

Ички аудиторлар банк кенгашига бевосита ҳисобдорлиги уларга банк фаолияти тўғрисида объектив ахборот тақдим этиш имконини беради. Ички аудит хизмати томонидан ўтказиладиган текширувларнинг даврийлиги ва чуқурлиги банк фаолияти хусусияти, мураккаблиги ва хавф-хатарларига мос келиши лозим. Ички аудит хизмати томонидан аниқланган банк ишидаги камчиликлар тегишли даражадаги раҳбарларга ўз вақтида билдирилиши ва зудлик билан бартараф этилиши эса унинг фаолияти натижалари билан кўпчи-

<sup>54</sup> Базель қўмитаси 1975 йилда Бельгия, Канада, Франция, Германия, Италия, Япония, Люксембург, Нидерландия, Швеция, Швейцария, Буюк Британия ва АҚШ марказий банклари бошқарувчилари томонидан тузилган.

ликни хабардор қилиш имкониятини яратади. Бу эса ўз навбатида ички аудиторлар навбатдаги текширувларни ўтказиш ёки бошқа назорат турларини амалга ошириш жараёнида бартараф этилмаган барча камчиликлар тўғрисида маълумотларни ҳам банк раҳбариятига тақдим этиши учун асос яратади.

Хуллас, ички аудит корпоратив бошқарув, назорат ҳамда рискларни бошқаришни баҳолаш ва уларнинг самарадорлигини оширишга нисбатан тизимга солинган ва пухта ташкил этилган ёндашув орқали қўйилган мақсадларга эришишга ёрдам беради. Б.Хасанов ҳам «ҳалқаро амалиётга мувофиқ ҳолда ички аудиторлар хўжалик субъектлари (тизими) хизматчилари ҳисобландилар. Шу муносабат билан ички аудитни ички хўжалик аудити деб аташ мумкин», деган фикрни илгари сурган<sup>51</sup>.

Ташкилотдаги ички аудит органи ҳақида яхшироқ тасаввур ҳосил қилиш учун тижорат банкларида мажбуриятлар тақсимланишининг умумий схемасини билиш лозим. Қуйида бу борадаги умумий кузатишларимиз билан ўртоқлашамиз.

Банк бошқаруви бизнесни ривожлантириш стратегиясини маъқуллайди, раҳбарият фаолиятини назорат қилади, акциядорлар ва бошқа манфаатдор томонлар олдида жавобгар бўлади. Раҳбарият бизнес стратегиясини тузиш ва бажариш, кундалик операцияларнинг бажарилишини таъминлаш, назорат тартиб-таомиллари ва ички қоидаларнинг белгиланиши учун, шунингдек, у банк фаолиятининг натижалари учун жавобгар бўлади.

Бугунги кунга келиб, банк бошқаруви билан акциядорлар ўртасидаги алоқани таъминлашда, айниқса, ташқи фойдаланувчилар учун молиявий ҳисоботни тайёрлашда ва ички назорат тизимида мустақил бошқарувнинг роли тобора кенг эътироф этилмоқда. Мазкур масалаларни ҳал қилиш учун асосий масъулиятни ўз зиммасига олган аудит қўмитасининг мавжудлиги банк раҳбарияти ва кенгаши юкини анча енгиллаштириши мумкин. Бундан ташқари, қўмитанинг мавжудлиги ички ва ташқи аудиторлар ўртасидаги алоқани изчил йўлга солиш имконини беради.

Чунки, малакали мутахассислардан ташкил топган аудит қўмитаси банк бошқаруви ёрдамида банк тўғрисидаги мавжуд ахборотга нисбатан ҳамкорлар ва бугун бозорнинг ишончини оширишга, шунингдек, самарали ички назорат тизимини ташкил этишга қўмаклашади.

<sup>51</sup> Хасанов Б.А. Ички аудитни автоматлаштириш асослари. —Тошкент: ФАН, 2003.

Бошқарув тизими банк кенгаши олдида ҳисобдордир. Ички аудит хизмати банк кенгаши ва раҳбарият томонидан белгиланган назорат тартиб-таомиллари бажарилаётгани, хавф-хатарлар эса мувофиқ равишда бошқарилаётгани ҳақида маълумот билан таъминлаш учун мустақил текширувлар ўтказилади.

**Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкин-ки, ички аудит хизматини тузиш зарурияти банк фаолияти билан боғлиқ хавф-хатарларнинг мавжудлиги билан белгиланади.** Бизнинг тажрибамиз бу ерда икки муҳим фикрдан келиб чиқиш лозимлигини кўрсатади.

Яъни, ички аудит хизмати ташкилот вазифаларини ҳал қилишга кўмаклаша оладиган тарзда тузилиши лозим. Бу нафақат бизнес-жараёнлар фаолиятининг таъминланишини, балки уларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан берилган тавсиялар бажарилишининг таъминланишини ҳам билдиради. Корпоратив бошқарувнинг сифати, хавф-хатарларни бошқариш ва бизнеснинг ошкоралиги даражаси банк раҳбариятига боғлиқ бўлади. Раҳбарият бизнеснинг мазкур таркибий қисмларига мустақил баҳо бериш учун ички аудит хизматидан фойдаланиши мумкин.

Айрим мамлакатларда аудит кўмиталари узоқ йиллардан бери мавжуд бўлса-да, улар инвесторларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи ва банкларнинг бозор билан ахборот алмашиш жараёнига кўмаклашувчи асосий куч сифатида бугунги кунда тобора кенгроқ эътироф этилмоқда.

Шу билан бир қаторда, ички аудит хизмати узоқ муддатли истиқболда банк учун бўлажак раҳбар ходимларнинг манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин, чунки истиқболли ходимларини тижорат банки фаолиятининг барча жиҳатлари билан таништириш учун қулай «полигон» ҳисобланади.

Ғарб амалиётида ички аудит бир неча ўн йиллардан бери фаолият кўрсатиши натижасида, бизнинг фикримизча, аудит кўмиталари изчил ва самарали назорат орқали сифатли молиявий ҳисоботни таъминлаш, шунингдек, самарали ички назорат тизимини ташкил этишга кўмаклашиш йўли билан муҳим рол ўйнайдилар. Бунинг учун эса, тижорат банклари ушбу рисолада баён этилган илғор тажрибани ўз аудит кўмитаси фаолияти умумлаштириши негизида тузилган хусусиятларга эга бўлиши лозим.

Акциядорлар ўз сармояларини жойлаштирган банкларни бошқарув тизими билан жиддий қизиқишлари натижасида аудит қўмитаси ёки шунга ўхшаш бошқа кучли ва мустақил орган бўлмаган банкларда инвесторлар бошқарув тизимининг лаёқатлилиги тўғрисидаги масалага танқидий ёндашишлари лозим. Агар аудит қўмитаси мавжуд бўлса, унинг фаолияти қўйилган вазифага мувофиқлигига ишонч ҳосил қилиш керак.

Лекин, сўнгги йилларда ички аудитнинг роли ўзгарди: у фақат назорат функцияларини бажарибгина қолмасдан, балки акциядорларга бизнес хавф-хатарлари ва банк ишининг самарадорлиги ҳақида ахборот беришга йўналтирила бошланди.

Европанинг йирик компанияларидаги аудит қўмиталари иш амалиётининг таҳлили аксарият мамлакатларда тегишли юридик ёки биржавий талаблар мавжуд эмаслигига қарамай, деярли барча мамлакатларда аудит қўмиталари мавжуд банклар фоизи анча катта эканлигини кўрсатди. Прайвотерхаус компанияси олиб борган таҳлилга киритилган компанияларнинг 60% дан кўпроғида шундай қўмиталар тузилганлиги аниқланди. Энг катта кўрсаткич Буюк Британия, Франция ва Швейцарияда қайд этилди<sup>56</sup>.

Буюк Бриганияда амал қилувчи машҳур Кэдбери ишбилармонлик кодекси ҳамда бошқа мамлакатларнинг шунга ўхшаш кодексларида аудит қўмиталари тузиш юзасидан тавсиялар берилган. Бу мамлакатларнинг етакчи компаниялари мазкур тавсияларга риоя этади. Мазкур иш тажрибаси тез орада бундай амалиётга ўтмаган мамлакатлардаги компанияларга ҳам тарқалишини кутиш мумкин.

Ҳукумат ташкилотлари, тартибга солувчи ташкилот ва халқаро ташкилотлар (масалан, Европа Комиссияси)нинг расмий баёнотлари улар аудит қўмиталарига ташқи аудиторларнинг мустақиллигини мустаҳкамлаши мумкин бўлган кучли қурол деб қарашларидан далолат беради. Корпоратив банк бошқарувининг ривожланаётган халқаро принциплари, чунончи, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (OECD), Корпоратив бошқарув халқаро тармоғи, шунингдек, Америка корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ташкилоти ҳам молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва ички назорат масалаларини ҳал қилишда мустақил директорлар қатнашишини тавсия этади.

---

<sup>56</sup> Прайвотерхаус компаниясининг 2002 йил олиб борган таҳлил натижалари ҳисоботи.

Ички аудит тузилмалари ўзининг ташкил топиши ва фаолият кўрсатиши жиҳатидан мажбурий ёки ихтиёрий кўринишда бўлиши мумкин.

**Бошқа давлатлар тажрибасини таҳлил қилиш натижасида қуйидаги ҳолатни кўриш мумкин:**

Австралия - фонд биржаси листинг қоидаларига мувофиқ, компаниялар ҳисобот даврида амалда бўлган корпоратив бошқарув асосий принциплари тўғрисида декларация тақдим этишлари, айниқса, директорлар ҳисоботи имзоланган санагача компанияда аудит қўмитаси фаолият юритганини кўрсатишлари шарт. Агар компанияда бундай қўмита тузилган бўлмаса, бунинг сабаблари тушунтирилиши лозим. Оралиқ ёки дастлабки натижаларни эълон қилиш билан бир вақтда, компанияда расмий тузилган аудит қўмитаси мавжудлиги ҳам тасдиқланиши лозим.

Канада - Қонунга мувофиқ, Канададаги акциядорлик жамиятлари камида уч аъзодан иборат аудит қўмитаси тузиши шарт. Торонго фонд биржаси ҳам, Монреаль фонд биржаси ҳам рўйхатга олинган компаниялардан йиллик ҳисоботга ёки ахборотномаларга «корпоратив бошқарув амалиёти тўғрисида декларация»ни киритишни талаб қилади. Қоида тариқасида, бундай декларацияда банк кенгаши кичик қўмиталари, шу жумладан, аудит қўмитаси, уларнинг ваколатлари ва фаолияти тўғрисида маълумот берилиши лозим. Аэй қўмитасининг 1994 йилги «Канадада корпоратив бошқарувнинг асосий йўналишлари» ҳисоботида муфассалроқ тавсиялар берилган.

Франция - 1995 йил июнда Франциядаги иккита етакчи иш берувчилар федерацияси ҳомийлигида «Акциядорлик жамиятларининг банк кенгаши тўғрисида»ги Виено ҳисоботини эълон қилди. Бу ишбилармонларнинг амал қилиш мажбурий бўлмаган ўзига хос ахлоқ кодексидир. Ҳисобот ҳар бир компаниянинг банк кенгашига аудит қўмитаси тузишни тавсия қилди. Бундай қўмита ички назорат тизимига ва ҳисоб сиёсатининг тўғрилигига алоҳида эътибор бериши лозимлиги қайд этилди.

Виено тавсиялари Париж биржасининг листинг қоидаларига киритилмади. Бу тавсиялардан фойдаланиш ихтиёрий бўлиб қолмоқда.

Германия - корпоратив бошқарувга қўйиладиган талаблар қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган. Назорат ва ошкоралик тўғрисидаги қонун 1998 йил май ойида кучга кирган. Қонунда ташқи аудитор-



ларни тайинлаш учун кузатув кенгашининг жавобгарлиги белги-ланган. Ташқи аудиторлар кузатув кенгаши йиғилишида иштирок этишлари шарт. Бу йиғилишда йиллик молиявий ҳисобот муҳокама қилинади. Ташқи аудиторлар текширув вақтида аниқланган хато ва камчиликлар ҳақида кенгашга ахборот беришлари керак. Илгари аудиторлар асосан ижро этувчи ташкилот билан ҳамкорлик қилар эди.

Япония - бу мамлакатда фонд биржаси томонидан расман қабул қилинган корпоратив бошқарув кодекси мавжуд эмас. Лекин, 1998 йил май ойида Япония корпоратив бошқарув форуми тавсиявий хусусиятга эга бўлган корпоратив бошқарув қоидалари кодексини эълон қилди. Форум компанияларнинг банк кенгашида мустақил директорлар сони кўпчилигига қараб банк кенгаши аъзоларидан аудит кўмиталари тузишни тавсия этди. Кўмита вазифаларига компания таваккалчиликларини бошқариш жараёнларини таҳлил қилиш ва қонун ҳужжатларига риоя этилиши масалалари киради.

Нидерландия - 1997 йил июнда Амстердам фонд биржасининг ёрдамида ишбилармонларнинг мажбурий бўлмаган ахлоқ кодекси – Петерс кўмитаси ҳисоботи эълон қилинди. Унда компания кузатув кенгашига ёки банк кенгашининг аудит бўйича кичик кўмитасига ташқи фойдаланувчилар учун мўлжалланган молиявий ҳисоботнинг сифати, қонунларга ва ички назорат муолажаларига риоя этилиши, шунингдек, ташқи аудиторлар билан ҳамкорлик устидан назоратни амалга ошириш тавсия этилди.

Компаниялар Петерс кўмитаси тавсияларига амал қилишлари шарт эмас. Шунга қарамай, бозор иштирокчилари, компаниялар ўз йиллик ҳисоботларида мазкур тавсияларнинг бажарилишини ёритадилар, деб тахмин қилмоқдалар.

Буюк Британия - 1998 йил июнда Кэдбери кўмитасининг корпоратив бошқарув бўйича 1992 йилги ҳисоботи Хампель кўмитасининг Кўшма (бирлаштирилган) кодекси билан алмаштирилди. Бажариш мажбурий бўлмаган иккала кодекс ҳам камида учта аъзодан иборат аудит кўмитаси тузишни тавсия этади.

Лондон фонд биржаси рўйхатга олинган Британия компанияларидан йиллик ҳисоботга Кўшма кодекс қоидаларига риоя этилиши тўғрисидаги декларацияни киритишни талаб қилади. Кодексга амал қилиш ихтиёрий эканлигига қарамай, рўйхатга олинган Британия компаниялари аудит кўмитаси йўқлигини асослаб беришлари лозим.

Америка Қўшма Штатлари - Америка ва Нью-Йорк фонд биржаларининг талабларига биноан, биржада рўйхатга олинган компаниялар аудит қўмитаси тузишлари шарт. Қимматли қоғозлар дилерлари миллий уюшмаси ҳам шундай талабни қўяди. Депозит суғурталаш федерал корпорацияси фаолиятини тартибга солувчи қоидаларга мувофиқ, 1991 йилдан банкларда ва омонат муассасаларида ҳам аудит қўмиталари тузилиши лозим. Фаолияти ушбу ҳужжат билан тартибга солинувчи, Нью-Йорк фонд биржасида рўйхатга олинган компанияларда қўмиталар тўлиқ мустақил директорлардан таркиб топиши керак. Бошқа ҳолларда қўмита аъзоларининг кўпчилиги мустақил мақомга эга бўлишлари шарт.

Кўриниб турибдики, ҳар бир мамлакатда аудит қўмиталари тузишга ҳар хил талаблар қўйилади: айрим мамлакатларда акциялари фонд биржасида котировка қилинадиган компанияларнинг бундай қўмиталар тузиши мажбурий бўлса, бошқа мамлакатларда ихтиёрийдир. Бундан ташқари, ҳар бир аудит қўмитасининг мажбуриятлари ҳам маҳаллий хусусиятларга, банк кенгаши ва раҳбариятнинг эҳтиёжларига қараб фарқ қилади.

Масалан, баъзи мамлакатларда компанияларни бошқаришнинг икки даражали тузилмаси умумий қабул қилинган (масалан, Германия ва Нидерландияда). Компанияни операцион фаолият учун жавоб берувчи Бошқарув ҳамда умумий назорат ваколатларига эга Кузатув кенгаши бошқаради. Бу мамлакатларда аудит қўмитаси аъзолари Кузатув кенгаши аъзолари орасидан танлаб олинади. Молиявий ҳисоботни тузиш ва ички назорат тизими фаолияти жараёнларини таҳлил қилишда тегишли мустақил директорларнинг қатнашиши асосий шарт ҳисобланади.

Германия амалиётида аудит қўмиталари қандай ташкил этилишидан қатъи назар, компаниялар ўз иш самарадорлигини ошириш учун бажаришлари шарт бўлган бир қанча вазифалар мавжуд бўлиб, улар жумласига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

ёзма устав (ёки низом) қабул қилиш;

қўмитага тегишли билим ва кўникмага эга аъзоларни олиш;

қўмита аъзоларининг эркинлиги ва объективлигига баҳо бериш;

қўмита аъзоларининг ваколат муддатини белгилаш;

қўмита мажлислари графигини тузиш;

етарли маблағлар ажратиш;

қўмитанинг янги аъзоларини унинг фаолияти билан таништириш.

«PricewaterhouseCoopers компанияси 1997 йилда ўтказган тадқиқоти Европадаги йирик компанияларнинг 88% ички аудит бўлимига эга эканлигини, аксарият ҳолларда, аудит қўмиталари ички аудиторлар фаолияти ва иш ҳажмини таҳлил қилгани ва маъқуллаганини кўрсатди»<sup>57</sup>.

Ушбу тадқиқот натижаларига кўра, ички аудит бўлими аудит қўмитасига унинг вазифаларини бажаришда, хусусан, ички назорат соҳасида, фирибгарлик ва бошқа шунга ўхшаш ҳолатларни текширишда кўмаклашади.

Шу билан бирга, самарали ишлаш учун ички аудит бўлими раҳбарият ва директорлар томонидан қўллаб-қувватланиши лозимлиги айтиб ўтилган. Бу қўмита ҳар доим аудит қўмитаси билан очиқ ахборот алмашиши ва у билан ҳамкорлик қилишининг аҳамияти каттадир.

Агар компанияда ички аудит хизмати ёки бўлими бўлмаса, аудит қўмитаси банк кенгаши ёки олий раҳбарият билан ҳамкорликда бундай бўлимни тузиш компанияга фойда келтириш-келтирмаслигини аниқлаши мақсадга мувофиқ.

Аудит қўмитасининг таклифга кўра, ички аудит бўлими директори унинг мажлисларида иштирок этиши мумкин. Аммо ички аудит бўлими директори йилда камида бир марта аудит қўмитасининг вакиллари билан шахсан учрашиши лозим.

Шунини айтиб ўтиш жоизки, «бу ерда ички аудит қўмитасининг ҳам алоҳида мажбуриятлари бўлиб, улар:

- ички аудит хизмати фаолиятини ва ташкилий тузилмасини таҳлил қилиш;

- ички аудит хизмати раҳбари ва бошқа ходимлари ишининг сифатига баҳо бериш;

- ички аудит хизматининг самарадорлигини таҳлил қилишдан иборатдир;

- ички аудит стандартлари ва этика кодекси талабларига кўра, аудит қўмитаси энг аввало, ички аудит бўлими ходимларининг ўз ишига мувофиқлиги, малакаси ва қобилиятига эътибор бериши лозим»<sup>58</sup>.

---

<sup>57</sup> Прайсвотерхаус компаниясининг 2002 йил олиб борган ташлил натижалари ҳисоботи.

<sup>58</sup> Ички аудиторлар институти «Ички аудит стандартлари ва этик кодекси» принциплари, 2003 йил.

Кўмита ички аудит бўлими ходимларига қуйидаги талабларни қўйиш орқали мазкур бўлимнинг иш сифатини ошириши мумкин:

- объективлик.

- тегишли билим ва кўникмаларга эгалик — компания ички аудиторлари ишдан ажралмаган ҳолда узлуксиз касбий таълим олишлари учун зарур шарт-шароит яратиб бериши лозим;

- жорий масалалардан ва энг сўнгги технологиялардан хабардорлик — масалан, компания операциялари компьютерлаштирилган ёки электрон савдо билан боғлиқ бўлса, ички аудиторлар ички назорат тизимининг ишлашини тушуниш учун зарур билим ва кўникмаларга эга бўлишлари керак;

- тегишли касбий малакага эгалик — компания касаба уюшмаларига ва малакавий сертификатлар олишга ички аудиторларни рағбатлантириши лозим.

Россия - Россиянинг меъёрий ҳужжатлари акциядорлик жамиятларида тафтиш комиссияси тузишни ёки жамият тафтишчисини тайинланишини тақозо этади. Тафтиш комиссиясига сайланган шахслар жамиятни бошқариш ташкилотида лавозимларни эгаллашлари ёки банк кенгаши, кузатув кенгашига аъзо бўлишлари мумкин эмас. Тафтиш комиссияси йилда камида бир марта акциядорлик жамиятининг молия-хўжалик фаолиятини текшириши шарт. Тафтиш комиссиясининг ваколатлари жамият устави билан кенгайтирилиши мумкин.

Айни вақтда тижорат банки ички аудит кўмитаси банкнинг энг юқори назорат тизими ҳисобланиб, унинг асосий мақсади банк фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган рискларнинг олдини олишга қаратилгандир.

Ўз олдига қўйилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида ички аудит тизими банкнинг жами операцияларини назорат қилиш имконига эга бўлишининг аҳамияти катталига борасида ҳам алоҳида тўхталиб ўтилган.

Шу билан бирга, ички аудит тизими фаолияти:

- таркибий тузилиши;

- ички аудит тизимининг текширув объекти;

- ички аудит фаолиятининг мажбуриятлари;

- мустақиллик даражаси;

- аудитни ўткази олиш қобилияти;

- тасдиқлаш ва маълумотлардан фойдалана олиш қобилиятлари даражасига кўра баҳоланади.

Россия Федерацияси банк тизими йўриқномаларига мувофиқ, ички аудит тизими низомига мувофиқ, ички назоратнинг асосий мақсади, банк ходимлари қонун ҳужжатлари, меъёрий ҳужжатлар ва касбий фаолият стандартларига риоя этишини назорат қилиш, манфаатлар тўқнашувларини тартибга солиш, банк томонидан амалга оширилувчи операциялар мазмуни ва кўламига мувофиқ, унинг ишончлилигини таъминлаш, банк фаолияти хавф-хатарларини камайтириш орқали инвесторлар, банклар ва уларнинг мижозларини ҳимоя қилишдан иборатдир. Бу ерда ички назорат хизмати, уни ташкил этиш тартиби ва унинг ваколатлари ҳақида маълумотлар банк уставида акс эттирилишининг аҳамияти каттадир.

Россия федерациясининг қонун ҳужжатларида ҳам кредит ташкилотларида ички назорат масалаларини тартибга солувчи бир қанча нормалар белгиланган. Чунончи, «Банклар ва банк фаолияти» тўғрисидаги қонунга 1996 йилнинг 3 февралда киритилган ўзгаришларга<sup>59</sup> мувофиқ, банкнинг таъсис ҳужжатларида тижорат банкларида ички назорат тартиби, банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминловчи назорат тизимини ташкил қилиш ва унинг мажбуриятларини аниқ белгилаш, ҳамда унинг тузилиш таркибини кўрсатилаётган хизмат тури ва ҳажмига кўра белгилашнинг аҳамияти каттадир.

Ички назоратнинг асосий вазифалари банк томонидан федерал қонун ҳужжатлари ва Россия банк талабларининг бажарилишини таъминлаш; банк манфаатларига даҳлдор қарорларни қабул қилишда белгиланган тартиб-таомиллар ва ваколатларга риоя этилишини, банк операциялари ҳисоб ва ҳисоботга мувофиқ тарзда акс эттирилишини назорат қилиш; банк ички аудитининг самарали фаолиятини таъминлаш; ташқи аудиторлар, давлат назорат ташкилоти билан пруденциал фаолият масалалари юзасидан самарали ҳамкорлик қилиш, ҳисоб ва ҳисоботнинг ишончлилигини таъминлашдан иборатдир.

Ички назорат тизими банк таъсис ҳужжатларида белгиланган банк бошқарув ташкилоти томонидан ташкил этилади ва унга амал қилиниши таъминланиши талаб қилинади. Ички назорат тизими фаолиятини кузатиш, мазкур тизим фаолияти билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва уларни таҳлил қилиш, шунингдек, тизимни такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш мақсадида, банкларда ички аудит хизмати

<sup>59</sup> Ҳазратиришлар 1998 йил 31 июлда, 1999 йил 19 июнда, 2001 йил 7 август ва 2002 йил 21 мартларда киритилган.

тузилади. Ички аудит хизмати банк уставига ҳамда банк кенгаши томонидан тасдиқланган ички назорат хизмати тўғрисидаги низомга мувофиқ фаолият кўрсатади.

Шу билан бир қаторда, ташқи аудиторлар мажбурий аудит ўтказиш жараёнида ички назорат тизимига алоҳида эътибор беришлари ҳамда у тўғрисида ўз хулосаларида қайд этишлари лозимдир.

Ички аудит тизими фаолияти билан боғлиқ бўлган, Федерал қонуннинг янада ойдинлаштирувчи ҳужжатларининг нормалари «Банкларда ички аудитни ташкил этиш тўғрисида»ги Низомда муфассаллаштирилган. Мазкур Низом «Россия Федерациясининг Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида», «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, барча банклар учун умумий бўлган ички назоратни ташкил этиш тартибини ўз ичига қамраб олган.

Россия Марказий банки ички аудит ва тафтиш департаменти банкнинг ички аудити бўйича бевосита иш олиб боради. Департамент тўғрисидаги низом ҳам Банк кенгаши томонидан тасдиқланади. Департамент Россия Марказий банки муассасалари ва ташкилотлари молия-хўжалик фаолиятининг комплекс тафтишларини ўтказиш орқали, мазкур муассаса ва ташкилотларда амалга оширилган молиявий операциялар ва хўжалик операциялари қонун ҳужжатлари ҳамда Россия банк меъёрий ҳужжатларига мувофиқлигини назорат қилиб боради.

Департамент, шунингдек Россия Марказий банки муассасалари ва ташкилотлари ўз фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатларга амал қилишни қандай ташкил этганини Россия Марказий банки фаолиятининг алоҳида йўналишлари (жабҳалари)да аудиторлик текширувлари ўтказиш орқали текширади. Бундан ташқари, у бутун Россия Марказий банкининг ҳамда унинг алоҳида муассаса ва ташкилотларининг молиявий ҳолати тўғрисидаги ахборотга мустақил баҳо беради.

Департамент Россия Марказий банклари муассасалари ва ташкилотларининг алоҳида иш жабҳаларида тафтишлар ўтказиш тартиби ва қоидаларини белгилайди, банк муассасаларида назорат-тафтиш ишларини амалда ташкил этишни такомиллаштириш чораларини кўради. Асосий ташкил этувчи бўгин сифатида, у Россия Марказий банкининг мустақил балансга эга муассасалари ишини тафтиш қилишни режалаштириш ва бундай тафтишларни ўтказиш учун жавоб беради, тафтишлар жараёнида аниқланган камчиликларнинг бартараф этилишини назорат қилади.

Худди шунингдек, Департамент Россия Марказий банкининг алоҳида операциялари ва иш йўналишларида аудиторлик текширувларини режалаштириш, ташкил этиш ва ўтказишни амалга оширади, шунингдек, Россия Марказий банки муассасалари ва ташкилотлари тегишли қонун ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатларга риоя этилишини текширади. Департамент бутун Россия Марказий банк ҳамда унинг алоҳида муассасалари молиявий ҳолати тўғрисидаги ахборотни таҳлилдан ўтказди ва таҳлил натижаларига кўра Россия Марказий банки раҳбарияти учун тегишли материалларни тайёрлайди. У шунингдек, Россия Марказий банки бош бошқармалари ва бошқа муассасалари тафтиш бўлимларининг ишини ички аудит тизимининг самарадорлигини таъминлаш манфаатларида мувофиқлаштиради.

Россия Марказий банки ички аудитни ташкил этиш ва ўтказишда банк назорати бўйича Базель қўмитасининг тавсиялари - «Банкларда ички назорат тизими: ташкил этиш асослари»дан фаол фойдаланади. Умуман олганда, Россия Федерацияси Марказий банкида ички назорат ва аудитнинг ташкил этилиши банк назорати бўйича Базель қўмитасининг тавсияларига ҳамда ИНТОСАИ томонидан қабул қилинган назорат раҳбар принциплари Лима декларацияси қоидаларига асосида тузилган, деган хулосага келиш мумкин.

Банкнинг уставига биноан, Россия Марказий банкининг бош аудитори унинг муассасаларида муайян аудиторлик текширувлари ўтказиш дастурларини тасдиқлаш ва унинг таркибий бўлимлари томонидан текшириш дастурларни бажарилишини таъминлаш, тегишли равишда, Россия Марказий банки ҳудудий муассасалари ва барча аудиторлик текширувларининг материалларини кўриб чиқиш, тафтишлар ва аудиторлик текширувлари жараёнида аниқланган камчиликларнинг баргараф этилиши жараёни устидан назоратни ташкил этади.

Бош аудитор хизматиغا кирувчи бўлимларнинг ходимлари ўз касбий фаолиятида иши тафтиш қилинувчи ёки аудиторлик текширувдидан ўтказилувчи Россия Марказий банки муассасалари ва таркибий бўлимлари маъмуриятидан мустақилдирлар. Улар ўз фаолиятида фақат Федерация қонуний ҳужжатлари қоидаларига, шунингдек, Россия Марказий банкининг тегишли фаолият йўналишига оид меъёрий ҳужжатларига риоя қиладилар.

Россия Марказий банк бош аудиторлик хизмати бўлимларининг асосий вазифаси Россия банк муассасалари ва ташкилотлари ишини қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши нуқтаи назардан, операцияларни ҳужжатлаштириш, бухгалтерия - статистика

ҳисоби ва ҳисоботининг тўғрилигини таъминлаш нуқтаи назаридан текширишдан иборатдир.

Бош аудиторлик хизматига кирувчи бўлимларнинг ходимлари ўз вазифалари ва функцияларини лозим даражада бажариши учун қуйидаги:

- тафтиш ва ички аудит ўтказиш топшириғига мувофиқ, Россия банкнинг текширилаётган муассасаларидаги барча хизмат хоналарига монеликсиз (белгиланган тартибга риоя этган ҳолда) кириш;

- бойликлар ва ҳужжатларнинг бутлигини текшириш даврида текширилаётган муассаса ва ташкилотларнинг пуллар, моддий бойликлар сақланувчи омборлари, архивлари ва бошқа хизмат хоналарини муҳрлаш;

- асосий топшириқни бажариш вақтида тафтиш масалалари доирасини кенгайтириш зарурлиги аён бўлиб қолса, бундай кенгайтиришни амалга ошириш;

- агар тафтиш жараёнида сохталаштириш, қалбакилаштириш ҳолатлари ёки хизмат мавқеини суистеъмол қилиш билан боғлиқ бошқа ҳолатлар аниқланган бўлса, ишлардан алоҳида ҳужжатларни олиш;

- Россия Марказий банкининг текширилаётган муассасалари масъул ходимларидан тафтиш ва аудит ўтказиш жараёнида юзага келган масалалар юзасидан ёзма тушунтиришлар олиш;

- Россия банкнинг текширилаётган муассасалари раҳбарларига аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун зарур чоралар кўриш тўғрисида фармойишлар бериш ҳуқуқларига эгадир.

Меъёрий ҳужжатларга кўра, Россия Марказий банки ҳудудий муассасалари ҳамда мустақил балансга эга бўлган бошқа ташкилотлари фаолиятини комплекс тафтиш қилиш кўзда тутилган бўлиб, заруратга қараб ҳар уч йилда камида бир марта ўтказилиши лозим. Комплекс тафтишлар оралиғидаги даврда Россия Марказий банки тизимидаги муассасалар ва ташкилотларнинг иши Россия банк бош аудитор хизмати бўлимлари томонидан жорий аудиторлик текширувидан ўтказилади.

Россия Марказий банкида ички аудит доирасида аудиторлик текширувлари банк Раисининг махсус топшириқларига, Банк кенгашининг қарорларига биноан ёки Россия Марказий банки бош аудиторининг ташаббусига кўра ўтказилади. Муайян сабабларга кўра, текшириш зарурияти туғилган алоҳида иш жабҳалари ва алоҳида операциялар ҳам аудиторлик текширувидан ўтказилиши мумкин.

Аудиторлик текшируви тегишли меъёрий-ҳуқуқий негиз ва дастурий-техник таъминот воситаларини, бухгалтерия - статистика



ҳисоботи кўрсаткичларини ҳамда Россия Марказий банкининг текширилаётган иш жабҳасига тегишли бошқа ахборотни йиғиш ва таҳлил қилиш орқали ўтказилади.

Аудиторлар тегишли операцияларни бажариш вақтида ёки иш жабҳаларида йўл қўйилган хатолар, камчиликлар ва ноқонуний ҳаракатларни, Россия Марказий банки фаолиятининг натижаларига улар қай даражада таъсир кўрсатиши мумкинлигини аниқлашлари лозим. Аудиторлик текшируви якунланганидан кейин аудитор хулосаси (ҳисоботи) тузилиб, мазкур ҳужжатда аудиторлик текширувининг мазмуни, тақдим этилган молиявий ва бошқа ахборот банк муассасасининг амалдаги ҳолатига қай даражада мувофиқлиги кўрсатилади.

Ички аудит фаолиятининг хориж тажрибасини ўрганиш натижасида тижорат банкларида унинг босқичлардан иборат бўлган назорат тизими жорий этилганлигига амин бўлдик. Шу билан бирга қайд этиб ўтиш жоизки, бу ерда биринчи босқич банк кенгаши, молия, кредит ва технология қўмиталари томонидан амалга оширилувчи бошқарув назоратидан иборатдир.

Иккинчи босқич банк бўлимларида амалга оширилувчи кундалик назорат. У алоҳида ходимлар томонидан бўлим раҳбариятининг топшириғига биноан ҳамда банк бўлимлари доирасида махсус тузилган таркибий бирликлар томонидан амалга оширилади. Банкнинг операцион бўлимларида махсус тузилган гуруҳлар томонидан амалга оширилувчи кейинги ички назорат иккинчи босқичининг муҳим таркибий қисмидир.

Учинчи босқич банк ҳўжалик фаолиятини холисона назоратини олиб борувчи ички аудит тизимидир. Бу ерда қайд этиб ўтиш жоизки, ушбу босқичнинг олдингилардан фарқи, унинг текширув объектидир. Хорижий давлатлар тижорат банклари ички аудит тизими текширув объекти нафақат банк ҳўжалик фаолияти, балки, унинг меъёрий ҳужжатлар тўпламини ҳам ўз ичига қамраб олгандир.

Ички аудит хизмати нафақат камчиликларни аниқлаши, балки банк ички назорати билан боғлиқ бўлган меъёрий ҳужжатлардаги номутаносибликларни таҳлил қилиш ва уларни такомиллаштириш борасида таклифлар ишлаб чиқиш орқали бошқарув тизими самардорлигини оширишга эришадилар.

Чунки, самарали ички назорат тизими банкни бошқаришнинг муҳим таркибий қисмидир. У банк операцияларининг хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш омили бўлиб хизмат қилади.

Бундан ташқари, мазкур тизим қонунлар ва меъёрий ҳужжат-

рағга, шунингдек, турли фаолият соҳаларидаги банк сиёсатиға, қабул қилинган режалар, ички қоидалар ва тартиб-таомилларға риоя этилишиға қўмақлашади ва қутилмаган зарарлар кўриш ёки банк обрўсига путур етиши билан боғлиқ хавф-хатарларни камайтиради.

Банк фаолиятининг барча йўналишларида ва қарорлар қабул қилишнинг барча босқичларида назорат механизмлари ва функциялари узлуксиз амал қилишини таъминловчи принциплар ички назорат тизимининг ташкилий негизини ташкил этади. Улар қаториға, жумладан, қуйидаги принциплар киради:

- мажбуриятларни тақсимлаш;
- узлуксизлик;
- предметлилик ва муайянлик;
- объективлик;
- кенг қамровлилик;
- қарорлар қабул қилиш учун ахборотнинг етарлилиги ҳамда муайян операцияни ўтказишға тааллуқли бўлмаган ахборотдан фойдаланиш имкониятини чеклаш;

• назорат объектларининг функционал мансублигига, жорий заруриятға ва қўйилган вазифаларнинг комплекслилигига қараб, назоратнинг ҳар хил турларидан фойдаланиш.

Мазкур принциплар банк операцияларини ўтказиш тартиб-таомиллари, тартиби ва қоидаларида, ходимларнинг лавозим йўриқномаларида, банк фаолиятини тартибға солувчи меъёрий ҳужжатларда белгиланган назорат функциялари ва ҳаракатларининг мажбурий тартибда бажарилиши ҳисобига амалға оширилади.

Ички аудит бошқармаси ўз фаолияти банкнинг бўлимлари ва филиалларида ҳужжатли тафтишлар ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномаға, шунингдек, ички аудит бўйича халқаро стандартлари талабларига кўра, фаолият кўрсатишларини қайд этиб ўтишларининг аҳамияти каттадир.

Ушбу стандартларға кўра, ички аудит тизими фаолияти йиллик режаға асосланган бўлиб, у ўз ичига иш графиги ва бюджети тўғрисидаги маълумотларни қамраб олган.

Бу ерда қайд этиб ўтиш жоизки, ички аудит тизими ходимлари ҳар бир текширув жараёнини режалаштириш билан бир қаторда иш жараёнини ҳужжатлаштириш, олиб бориш ва текширув натижасида қутилаётган хулоса турлари борасида олдиндан тайёргарлик кўрадилар.

Ушбу текширув натижасида ички аудит корпоратив бошқарув, назорат ҳамда хавф-хатарларни бошқаришни баҳолаш ва уларнинг са-

марадорлигини оширишга нисбатан тизимга солинган, пухта ташкил этилган ёндашув орқали қўйилган мақсадларга эришишга ёрдам беради.

Бу эса ўз навбатида, ички аудитни тузиш банк раҳбариятининг ўз хоҳиши эмас, балки, банк фаолияти билан боғлиқ хавф-хатарларни бошқаришнинг яна бир ҳолисона тизимини ташкил қилишнинг замонавий талаби билан белгиланган.

Тижорат банкларида ташкил этилган назорат тизими икки қисмдан иборат бўлиб, бу ерда ички назорат маъмурий ва молиявий назорат йўналишида амалга оширилиши қайд этиб ўтилган. Яна шуни таъкидлаш жоизки, маъмурий ва молиявий назорат дастлабки, кундалик ва навбатдаги тартибларда амалга оширилган. Маъмурий назорат операцияларнинг фақат ваколатли шахслар томонидан, банк томонидан белгиланган тартиб-таомилларга қатъий амал қилган ҳолда ўтказилишини таъминлашдан иборат.

Банкларнинг ички аудит департаменти катта методик ишни ҳам амалга ошириб, унинг фаолияти соҳасига банкдаги ички аудит ва тафтишларни амалда ташкил этишга оид меъёрий-методик ҳужжатларни тайёрлаш, уларни кодификациялаш ва вақти-вақти билан янгилаб туриш, шунингдек, Марказий банкнинг департамент ваколатларига тегишли масалалар бўйича меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқишда иштирок этиш ва Марказий банк бош аудитори хизматининг бўлимларини тафтиш ва аудиторлик текширувлари ўтказишга оид методик ҳужжатлар билан таъминлаш киради.

Банк фаолиятининг барча йўналишларида ва қарорлар қабул қилишнинг барча босқичларида назорат механизмлари ва функциялари узлуксиз амал қилишини таъминловчи принциплар ички назорат тизимининг ташкилий негизини ташкил этади. Улар қаторига, жумладан, қўйдаги принциплар киради:

Халқаро ташкилотларнинг тавсияларига ва миллий қонунчилик талабларига мувофиқ, ички назорат тўғрисидаги қоидалар Банкнинг акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган Уставида мустаҳкамланган. Мижозларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун Банкда Ички назорат хизмати ташкил этилиши Уставада назарда тутилган. Ички назорат хизмати Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига, ушбу Уставга ҳамда Банк Қўзғатув кенгаши томонидан тасдиқланган ички назорат хизмати тўғрисидаги Низомга мувофиқ тузилади ва иш олиб боради.

Самарали ишлаш учун ички аудит бўлими фаолияти банк кенгаши ва раҳбарияти томонидан қўллаб-қувватланилаётганлининг аҳами-

яти каттадир. Бу ерда қайд этиб ўтиш жоизки, аудит қўмитаси энг аввало ички аудит бўлими ходимларининг ўз касбига мувофиқлиги, малакаси ва қобилиятига катта эътибор беришлари мақсадга мувофиқ<sup>60</sup>.

Шу билан бир қаторда, ташқи аудиторлар мажбурий аудит ўтказиш жараёнида ички назорат тизими фаолиятини таҳлил қилишлари ҳамда у тўғрисида ўз хулосаларида алоҳида ёритиб ўтишнинг аҳамияти катта.

Ривожланган мамлакатлар тижорат банкларининг ички аудит тизими фаолияти асосан Базель қўмитасининг талаблари асосида ташкил этиши ва у банк фаолиятидаги муттасил назоратнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланиши лозим.

Шу билан бирга, ички аудит тизими белгиланган қоидалар ва тартиб-таомилларнинг мувофиқлигини, шунингдек, уларга риоя этилишини баҳолашни таъминлаш билан бир қаторда, банкнинг кундалик ишидан мустақил бўлиши керак.

Ички аудит корпоратив бошқарув, назорат ҳамда хавф-хатарларни бошқаришни баҳолаш ва уларнинг самарадорлигини оширишга нисбатан тизимга солинган ва пухта ташкил этилган ёндашув орқали қўйилган мақсадларга эришишга учун кўмакдош бўлиши мақсадга мувофиқ.

Ички аудит роли такомиллашган бўлиб, у нафақат назорат функцияларини бажарибгина қолмасдан, балки банк акциядорларига бизнес хавф-хатарлари ва банк ишининг самарадорлиги ҳақида ахборот бериш борасида иш олиб боришлари лозим.

Тижорат банклари ички аудит тизими ўзининг иш фаолиятини ташкил этиш жараёнида ички аудитнинг халқаро стандартларидан фойдаланишлари мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон банклар тизимида ҳам ички аудит иш фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштиришда халқаро стандартлардан фойдаланилганда мақсадга мувофиқ бўлади, деган фикрдамиз.

### **2.3. Республика тижорат банкларида ички аудит тизими фаолиятининг ҳозирги ҳолати**

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари ўзларининг эволюцион тараққиётдан келиб чиққан ҳолда, жаҳон андозаларига аста-секинлик билан интилишлари ҳамда Марказий банк томони-

---

<sup>60</sup> Ички аудиторлар институти «Ички аудит стандартлари ва этик кодекси» принциплари, 2003 й.

дан айнан ана шундай сиёсатнинг қўллаб-қувватланиши натижасида банкларда ички аудит тизими 1998 йилдан бошлаб фаолият кўрсата бошлади<sup>61</sup>.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, республикада аудитнинг ривожланиш босқичлари жаҳон амалиёти тажрибасидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилмоқда. Ушбу босқичларнинг асосий негизи ташқи аудитнинг ривожланиш тарихи билан боғлиқ бўлиб, тижорат банклари ички аудит тизими ташкил топишини ҳам ушбу жараённинг якуний бўғини, деб айтишимиз мумкин.

Бугунги кунда Ўзбекистонда аудиторлик фаолияти шаклланиш жараёнида бўлиб, 1992 йил «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши, унинг мамлакатда ривожланишига сабаб бўлган. Қонунга асосан мамлакатимизда аудиторлик фаолияти Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан берилган лицензия асосида олиб борилади.

Шу билан бир қаторда, адлия вазирлиги томонидан тасдиқланаётган аудиторлик фаолияти стандартлари, молия вазирлиги қошида ташкил этилган гуруҳ томонидан ишлаб чиқилмоқда. Бу ерда шуни қайд этиш жоизки, айнан ана шу гуруҳда нодавлат, нотижорат ташкилотлар Ўзбекистон аудиторлар палатаси, Ўзбекистон профессионал бухгалтерлар ва аудиторлар ассоциацияси вакилларининг фаол иштирок этишлари аудитнинг жаҳон стандартлари талаблари асосида ривожланишига ижобий туртки бўлмоқда.

Ҳозирги даврга келиб, республикада аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи ташкилотнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш, давлат ва жамоат аудиторлик ташкилотларининг роли ва функцияларини аниқлаш жараёни содир бўлаётир.

Аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар тизими ўзининг аҳамиятига кўра, бир неча поғонадан иборат бўлиб, биз уларни қуйидагича кўринишда келтиришимиз мумкин (2.3.1-жадвал).

---

<sup>61</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1998 йил 4 июлдаги «Тижорат банкларининг ички аудитига қўйиладиган талаблар» тўғрисидаги 405-сонли низом.

## Аудиторлик фаолиятининг ҳуқуқий базаси

Меъёрий ҳужжатлар тури ва номи	Назорат қилиш доираси	Тайёргарлик даражаси
Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун	Молиявий иқтисодиёт тизимида аудитнинг аҳамияти ва вазифаларини белгилаб беради	1992 йилда қабул қилинган ва 2000 йилда янги таҳрири қабул қилинган
Қонуний ва меъёрий ҳужжатлар	Ҳамма учун ўрнатилган аудиторлик фаолиятини назорат ва бошқариш учун хизмат қилади	Аудиторлик фаолияти билан боғлиқ бўлган лицензия бериш ва сертификация бўйича умумий меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган
Аудиторлик фаолияти стандартлари	Аудиторлик фирмалари томонидан риоя қилиниш лозим бўлган талабларни ўз ичига қамраб олган	Халқаро аудиторлик стандартларини амалиётга татбиқ этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда
Махсус аудиторлик фаолияти стандартлари, вазирликлар ва ташкилотлар ички меъёрий ҳужжатлари	Аудиторлик фаолияти бўйича махсус саволларни бошқаришни ўз ичига олган	Ҳозирги кунда стандартларни ишлаб чиқиш бўйича иш олиб борилмоқда.
Ички аудит стандартлари	Ташкилотлар ва фирмаларда махсус аудит ўтказиш жараёнида ишлатилади	Аудиторлик фирмалари томонидан қонунчилик доирасида ишлаб чиқилмоқда.

Биринчи поғона аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонунни ўз ичига олади. 1992 йилда «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши республикада аудиторлик фаолиятининг ривожланишига туртки берди. Мазкур қонунга мувофиқ, «аудит деганда, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботини ваколатли шахслар — аудиторлар (аудиторлик фирмалари) томонидан мазкур ҳисоботнинг тўғрилигини ҳамда молиявий ва хўжалик операцияларининг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва бошқа меъёрий ҳужжатларига мувофиқлигини, шунингдек, тўлиқлиги, реаллиги, бухгалтерия ҳисоби ёки бошқа молиявий ҳисоботни юритишга қўйилган талабларга мувофиқлигини аниқлаш мақсадида мустақил экспертга ва таҳлилдан ўтказиш тушунилади». Шу билан бирга Е.Индинанинг таъкидлашича: «Аудиторлик фаолияти

тўғрисидаги» қонун Ўзбекистон Республикасида хўжалик ҳуқуқини тартибга солувчи, асосий қонунчилик ҳужжатларига тегишли бўлиб, аудиторлик фаолиятини меъёрий тартибга солинишининг олий даражасини белгилайди»<sup>62</sup>.

Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи иккинчи поғонаси ҳужжатларида аудиторлик фаолиятини тартибга солишнинг бозор субъектлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган умумий масалалари белгилаб берилган бўлиб, улар низом кўринишидадир<sup>63</sup>.

Аудиторлик фаолиятини меъёрий жиҳатдан тартибга солиш тизимининг учинчи поғонасини аудиторлик фаолияти стандартлари ташкил этиб, уларнинг асосий вазифалари молия-хўжалик фаолиятининг барча субъектлари ва бошқа ташкилотлар томонидан бир хил талқин қилинувчи аудит меъёрлари ва улардан фойдаланиш услубларини қамраб олгандир. Б.Хасановнинг фикрича «...аудит стандартлари аудит ўтказилиши сифати бўйича судда исботлаш учун ва аудиторлик ташкилотининг жавобгарлик меъёрини аниқлашда асос бўлиб хизмат қилади»<sup>64</sup>.

Тўртинчи поғона — вазирлик ва идоралар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг аудиторлик фаолиятини ташкил этиш ҳамда муайян соҳалар, ташкилотларга татбиқан солиққа тортиш, молия, бухгалтерия ҳисоби, хўжалик ҳуқуқининг алоҳида масалалари бўйича аудит ўтказиш қоидаларини ўрнатувчи меъёрий ҳужжатлардан ташкил топгандир.

Аудиторлик фаолиятининг бешинчи поғонаси ўз ичига фирма ички стандартларини қамраб олган бўлиб, мазкур ҳужжатлар тўплами аудиторлик ташкилотлари аудит стандартлари ва амалиёти негизида ишлаб чиқилишининг аҳамияти каттадир.

Тижорат банклари ички аудит тизими ҳам ўзининг келиб чиқишига кўра, айнан ушбу босқичга тегишлидир. Тижорат банклари ички

---

<sup>62</sup> Индина Е. Роль внутрифирменных стандартов аудита в системе нормативного регулирования аудиторской деятельности.-Ташкент.://Рынок ценных бумаг.2002 г. № 7

<sup>63</sup> «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ҳамда аудиторлик текширувларининг ролини ошириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сон қарори, «Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисида» Низом, «Аудиторлик ташкилотларига аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш учун лицензиялар бериш тартиби тўғрисида» Низом киради.

<sup>64</sup> Хасанов Б А Ички аудитни автоматлаштириш асослари. -Тошкент: ФАН. 2003

аудит тизими фаолияти меъёрий ҳужжатлари бугунги кунга келиб ауди-горлик фаолиятининг халқаро стандартлари текширувни олиб бориш-да бошқа меъёрий ҳужжатларга ҳам асосланади.

Шу билан бирга, қайд этиб ўтиш жоизки, нобанк ташкилотла-ридаги аудиторлик текшируви «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонун талабларига кўра миллий аудиторлик фаолияти стандартла-рига асосланган бўлиши, ҳамда уларнинг молиявий ҳисоботлари бухгалтерия ҳисоботлари миллий стандартларига мувофиқлиги тек-ширилса, «Ўзбекистон Республикасида банклар аудити тўғрисида Низом»га мувофиқ<sup>65</sup>, ташқи аудитининг халқаро аудит стандартла-ри талабларидан фойдаланган ҳолда, бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари асосида тузилган банкнинг молиявий ҳисоботлари тўғрилиги ҳақида мустақил аудиторлар фикрини объектив ифода-лашдан иборатдир. Б.Хасановнинг фикрича «ички аудитор яна кор-хонанинг меҳнат унумдорлигини ва самарадорлигини ошириш бўйи-ча маслаҳатлар бериши керак»<sup>66</sup>.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, низомга асосан, тижорат бан-ки ички аудит хизматининг ажралмас қисми ҳисобланган банк ички назорат тузилмасини баҳолаш ва ундаги камчиликлар тўғрисида алоҳида ҳисобот тақдим этиш алоҳида эътиборга молик объект та-риқасида юзага келади.

Шунинг учун ҳам, ички аудитнинг назорат функцияси бугунги кунда ҳам асосий функциялардан бири бўлиб қолаётир. Асосий мақ-сад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, ички аудит хизмати ўзи-нинг фаолиятини олиб бориш жараёнида юқорида айтиб ўтилган амалдаги қонунчилик, меъёрий ҳужжатлар ва Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига таянмоқда.

**Шуни айтиб ўтиш жоизки, банк тизимида Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мос бўлган йўриқномаларни жорий қилиш жараёни жадаллаштирилаётгани сабабли, банкларда ички аудит ўтка-зиш фалсафаси ва методларини ўзгартиришга бўлган эҳтиёж ҳам юзага келмоқда. Бу эса яқиний фойдаланувчилар ва бошқа манфаатдор шахсларга ҳам таъсир кўрсатади.**

Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, тижорат банкларида ички аудит фаолияти даставвал 1998 йил 4 июлда қабул қилинган «Ти-

<sup>65</sup> «Ўзбекистон Республикаси банкларини аудит қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1998 йил 24 июндаги 403-сон Низоми.

<sup>66</sup> Хасанов Б.А. Ички аудитни автоматлаштириш асослари. -Тошкент: ФАН. 2003



жорат банклари ички аудитига қўйилган талаблари» тўғрисидаги тавсиялари асосида ташкил қилинган бўлиб, кейинчалик ушбу низомга<sup>67</sup> ўзгартиришлар киритилган. Ушбу низомда ички аудит тизимининг асосий мақсади, банк фаолиятдан келиб чиққан ҳолда тижорат банкларининг кенгаши ва бошқарувига кўмак беришдан иборат, деб кўрсатилган.

Шу билан бир қаторда, ички аудит хизмати ўзининг мақсадига эришиши учун қуйидаги асосий функцияларни бажариш, яъни:

- банк кенгашини ўтказилган ички аудит натижалари асосида банкдаги реал аҳвол ва ички назоратнинг самарадорлигига доир тўғри ва объектив маълумотлар билан таъминлаш;

- банк фаолияти мақсадларига эришиш учун маъмурий ва операцион муолажаларнинг самарадорлигини шарҳлаш;

- рискларни бошқариш муолажалари ва рискларни баҳолаш методларининг қўлланиши ва самарадорлигини шарҳлаш;

- бухгалтерия ҳисоблари ва молиявий ҳисоботларнинг ишончлилигини, банк капитали рискларини баҳолаш билан боғлиқ бўлган капитални баҳолаш тизимини шарҳлаш;

- банк фаолиятининг амалдаги қонунчилик ва Марказий банк меъёрий ҳужжатларига мувофиқлигини баҳолаш;

- мунтазам ҳисоботларнинг тўлиқлиги, ишончлилиги, бухгалтерия китоблари ва молиявий ҳисоботларининг тўғрилиги ва ишончлилигини ўрганиш;

- банк фаолиятини ташқи аудитга тайёрлаш;

- банк Кенгаши сўровига кўра, махсус текширувлар ўтказиш ёки ўтказишда ёрдам бериш каби вазифалар кўзда тутилган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, юқорида келтирилган вазифалар доираси чекланмаган бўлиб, тижорат банклари ички аудит хизмати ўзининг вазифасидан келиб чиққан ҳолда уни кенгайтириш имконига эга. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ички аудит бош бошқармаси тўғрисидаги низом, ўз олдига қўшимча равишда қуйидаги:

- «банк олиб бораётган фаолият амалдаги қонунларга ҳамда Марказий банк меъёрий ҳужжатларига мувофиқлигини баҳолаш;

- банк олиб бораётган фаолият у қабул қилган сиёсат, низомлар ва муолажаларга мувофиқлигини баҳолаш;

<sup>67</sup> «Тижорат банкларининг ички аудитига Марказий банк томонидан қўйиладиган талаблар тўғрисида» 571-сонли низом, 2004 йил 13 март.

- бухгалтерия, операцион ва маъмурий назорат тизимлари адекватлигини баҳолаш;

- мунтазам топшириладиган ҳисоботлар тўлиқ, ишончли ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлашни ўрганишни мақсад қилиб қўйган»<sup>68</sup>.

Бу ерда қайд этиб ўтиш жоизки, ички аудит хизматининг фаолияти авваламбор тармоқлашган филиаллар, ваколатхоналар ва ҳоказо тизимларга эга бўлган йирик ёки ўрта банкларда самарали бўлиб, унинг асосий мақсадларидан бири, филиалларнинг самарали фаолият кўрсатишларини баҳолашнинг аҳамияти каттадир.

Ички аудит тизими ўз моҳиятига кўра, фаолият кўрсатиш жараёнида банк тузилмасида ўзининг мустақиллигини таъминлаш билан бир қаторда, ўз вазифаларини объективлик ва холислиқ тамойиллари асосида амалга ошириши мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун ҳам, ички аудит хизматининг бошлиғини тайинлаш ёки лавозимдан олиниши банк кенгаши раисининг розилиги билан амалга оширилиб, аудитор банк кенгашига бўйсунуши ва банкнинг бошқа юқори раҳбарияти фаолиятини назорат қилишга эришиши мумкин.

Тижорат банклари тизимида юқори назорат тизими икки бўлимдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисми аудит қўмитаси бўлса, иккинчиси ички аудит хизмати тизимидан иборатдир. Шунинг учун ҳам, айнан ички аудит тизимининг мустақиллик мавқеини сақлаб қолишнинг аҳамияти каттадир.

Ички аудит ўз ҳисоботларини аудит қўмитасига ва банк бошқарувига тақдим этиши, ҳамда ушбу ҳисоботларни бошқарув томонидан таҳлил қилиш натижасида текширув давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш борасидаги қарорлар ижроси таъминланишини текширишлари мақсадга мувофиқдир

**Шунга қарамасдан, ички аудит хизмати ходимлари ўзлари текшириладиган бўлинмаларга нисбатан мустақиллик мақомини сақлаб қола олишлари ва банк бўлинмалари раҳбарларининг хизмат томонидан ўтказиладиган текширувлар мазмуни ва ҳажмига таъсир кўрсатишдан ўзларини ҳимоя қилишлари лозимдир.**

Бундан ташқари, банк раҳбарлари ҳам аудиторлик текширувларининг мазмуни ва ҳажмини қай тарздадир чегаралаш ҳуқуқига эга эмаслар. Шуни қайд этиш жоизки, банк кенгаши ички аудит

---

<sup>68</sup> Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ички аудит бош бошқармаси тўғрисидаги низом.

хизмати фаолият дастурининг умумий йўналишлари ва текшириш лозим бўлган банк фаолияти турларини белгилаши ҳамда ички аудит хизматиغا махсус текширувлар ўтказиш ҳақида сўров билан мурожаат қилиши мумкин.

Бу эса ўз навбатида, ички аудит хизмати ходимлари томонидан аудиторлик текширувларини ҳолисона олиб бориш имкониятини яратади, шунинг учун ҳам аудиторлар ўз ишларига объектив ва ҳолисона ёндашишлари лозим.

Ички аудит бўлими ходимлари барча бухгалтерия ҳужжатлари, активлар, бўлимларга киришга чекланмаган ҳуқуққа эга бўлиб, агар бу уларга юкланган мажбуриятларни самарали бажариш учун зарур бўлса, банкнинг исталган ходимиغا саволлар билан мурожаат қила олишлари ва уларга тўлиқ жавоблар олишлари аудит ҳулосаларига бевосита таъсир қилади.

Ўзининг фаолият кўрсатиш жараёнида мустақиллигини таъминлаш мақсадида ички аудит хизмати ходимлари текширилиши лозим бўлган фаолият турларини бажариш ёки бошқаришда, ички муолажаларни ишлаб чиқиш ва жорий қилишда, ҳужжатларни тайёрлаш ёки аудиторлар сифатини текшириши ва баҳолаши лозим бўлган ҳамда хизмат мақоми, мустақиллик ва объективлик функцияларининг бузилиши сифатида талқин қилиниши мумкин бўлган бошқа ишларни бажаришдан ўзларини ҳоли қила олиш имкониятига эга бўлишларини аҳамияти каттадир.

Банк кенгашига ёки бошқа юқори даражали раҳбар учун ички аудит хизматиغا ички назоратнинг маълум тизимлари ҳақида фикр билдиришни сўраб мурожаат қилишган ҳолларда эса, аудит объективлик тамойилларига риоя қилган ҳолда ўзининг ҳолисона фикрини билдириши мумкин.

Масалан, юқори раҳбарият амалга оширилиши режалаштирилаётган ўзгаришларни ишлаб чиқиш, банк фаолиятининг муҳим ёки янги турларини жорий қилиш, рискли фаолият билан шуғулланувчи янги бўлинмалар ташкил қилиш, рискларни назорат қилиш тизимлари ва бошқарув маълумотлари тизимларини яратиш ёки қайта ташкил қилиш, янги технологияларни жорий қилиш ёки мавжудларини такомиллаштириш ва бошқа шу каби ишларни амалга оширишда ички аудит хизматиغا тавсиялар беришни сўраб мурожаат қилиши мумкин.

Шу билан бир қаторда, кўрсатилган жараёнларни узил-кесил ишлаб чиқиш ва жорий қилишни фақат раҳбариятгина амалга оши-

риши мумкин. Аслида бу маслаҳат бериш функцияси иккинчи даражали вазифа бўлиб, у асосий вазифалар ёки мажбуриятларни бажаришга ёхуд ички аудит хизматининг мустақил мақомига тўсқинлик қилмаслиги керак. Ички аудиторларнинг кейинги ҳисоботлари камчиликларни бартараф этиш ва ички назорат тизимларини такомиллаштириш бўйича тавсияларни ўз ичига олиши мумкин.

Ички аудит хизмати ходимларининг асосий техник билимларига қўшимча равишда уларнинг иш олиб бориш жараёнида фойдаланишлари мумкин ва жоиз бўлган касбий малакаларининг ҳам аҳамияти каттадир. Чунки, тижорат банклари томонидан кўрсатиллаётган турли хилдаги хизматлар жараёнини ички аудит хизмати ходимлари назорат қила олишлари лозим. Бу эса, аудит хизмати ходимлари ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар, Марказий банк йўриқномалари, банк раҳбарияти томонидан қабул қилинган ички ҳужжатларнинг моҳияти билан танишишлари зарурлигини англатади.

Шу билан бир қаторда, бухгалтерия ҳисоби қоидалари ва халқаро молиявий ҳисобот стандартларини билиш ва қўллай олишнинг ҳам аҳамияти улкандир.

Иш фаолиятини олиб бориш жараёнида асосий қўлланма бўлиб хизмат қилиши лозим бўлган аудит ўтказиш бўйича махсус кўникмаларни билиш ва қўллай олиш, улардан ички назорат муолажа ва тизимларини баҳолаш учун фойдалана билиш аудит хизматининг салоҳиятини оширади.

**Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, аудит хизматининг асосий техник билимлари негизда аудит ва банк фаолияти билан боғлиқ бўлган халқаро стандартларнинг замонавий методикаларини билиш ва улардан фойдалана олиш ётади.**

Ички аудит хизмати ходимлари ўз ишларини олиб бориш жараёнида банкнинг турли бўлимларида ишлаётган банк ходимлари билан мулоқатда бўладилар, бу эса аудиторлар учун одамлар билан муомала қилиш борасидаги асосий кўникмаларнинг ҳам аҳамиятини оширади.

Бу масалада шуни айтиб ўтиш жоизки, ички аудит хизмати ходимлари ўз мулоқотларини нафақат моҳирона олиб боришлари, балки, шу билан бир қаторда, объективликни таъминлашга, суҳбатлар ўтказиш чоғида зарур маълумотларни тўплашга, аудит ва аудиторлик хулосалари натижалари бўйича келишувга эриша олишга, ҳисоботларни тўғри туза билишга катта эътибор қаратишлари лозимдир.

Ички аудит хизмати ходимларининг касбий малакасини оширишнинг ҳам аҳамияти жуда катта бўлиб, ходимлар узлуксиз равишда касбий тайёргарлик курсларида ўз малакаларини оширишлари, техник ўқув семинарлар, курслар, конференция ва лекцияларга қатнаб, мақола ва иш ҳужжатларини ёзишда қатнашиб, ўз билим ва касбий маҳоратларини мунтазам ошириб боришлари уларнинг иш жараёнида ижобий самара беради.

Ички аудит хизмати ўзининг фаолиятини ташқи аудиторлар, Марказий банк ва банкнинг бошқа бўлим ёки бошқармалари билан ўзаро ҳамкорликда олиб боради.

Ички ёки ташқи тафтиш гуруҳлари билан ҳамкорлик ўзаро қизиқиш туғдирган масалаларни муҳокама қилиш, аудиторлик ҳисоботлари ва раҳбарият хатларини алмашиш ҳамда аудит ўтказиш муолажалари, методлари ва терминологиясини умумий тушунишга эришиш мақсадида вақти-вақти билан ўтказиладиган учрашувларни ўз ичига олиши мумкин.

**Юқоридагилардан хулоса қилиб шунни айтиш мумкинки, республикада банк тизимида ички аудит хизмати ўзининг фаолият кўрсатиш жараёнида назорат тизимининг бир тури, шу билан бир қаторда олиб борилган текширувлар натижасида банк фаолиятидаги назорат тизимини такомиллаштириш ҳуқуқига эга бўлган бир бўлинмадир.** Ички аудит хизмати банкларда жорий этилган ички назорат тизимининг бир тури бўлиши билан бир қаторда банк акциядорларининг ишончли вакили бўлиб ҳисобланади, ҳамда молиявий ҳисоботларнинг кўрсаткичларини тўғрилигини тасдиқлаши мумкин.

Ўз олдига қўйилган асосий вазифаларни бажариш учун, ҳамда тижорат банклари раҳбарияти томонидан олиб борилаётган сиёсатга ҳолисона баҳо бериш мақсадида ички аудит хизмати мустақил тузилма эканлигига катта эътибор берилмоқда.

Шунинг учун ҳам, ички аудит хизмати бошлиғи тайинланиши ва унинг умумий иш режаси тасдиқланиши банк кенгаши томонидан амалга оширилади, ҳамда ўзининг иш фаолиятини олиб бориш жараёнида ички аудит хизмати ходимлари банкнинг одатдаги фаолияти, бошқармалар ёки тобе бўлинмаларнинг фаолияти учун жавоб бермайди.

Ички аудит хизматининг асосий мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

- амалга оширилаётган муолажалар ва бўлинмалар устидан жорий назоратни таъминлаш.

- аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

- олинган аудит натижалари асосида барча фактлар ва натижаларни ҳужжатлаштириш.

- тижорат банклари ички аудит хизматининг яна бир асосий вазифаларидан бири — ички назорат тизими фаолиятига ҳам баҳо беришдан иборат бўлиб, бу тўғрисида биз монографиянинг кейинги бобида алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Умуман олганда, ички аудит тизими молиявий-хўжалик назоратининг таркибий қисми сифатида хўжалик юритувчи субъектларнинг тадбиркорлик фаолиятида янги ҳодисаларни очиб беради, мазкур фаолиятни илмий асосларда такомиллаштириш мақсадида уларнинг қонуниятларини ўрнатади.

**Шу билан бир қаторда, аудиторлик назорати меҳнат, меҳнат предметлари ва воситаларининг, амалдаги қонун ҳужжатларига, меъёрий ҳужжатларга мувофиқлигини ҳамда инсоннинг мақсадга мувофиқ фаолияти сифатида меҳнатдан фойдаланишнинг самарадорлигини аниқлайди.**

Юқорида айтиб ўтганимиздек, ички аудит хизмати ўз фаолиятини ички аудит хизмати низоми асосида олиб боради ҳамда унинг стратегик иш режаси ва амалга ошириладиган аудиторлик текширувлари банк кенгаши томонидан тасдиқланган ички аудит хизмати тўғрисидаги низомга мувофиқ белгиланади. Вазифаларнинг бажарилиши учун жавобгарлик ички аудит хизмати бошлиғи зиммасига юкланади.

Ички аудит хизмати тўғрисидаги Низом ва юкланган вазифалардан келиб чиқиб, ички аудит хизмати иш режаси ва дастурининг ишлаб чиқилиши ва у Кенгаш томонидан тасдиқланиши лозим. Ўз ишида ички аудит хизмати Марказий банк меъёрий ҳужжатлари, банкнинг ички аудит хизмати тўғрисидаги Низоми ва бошқа ички қоидалар ёки вақти-вақти билан жорий қилиниши мумкин бўлган бошқа низомларга амал қилиши лозим. Банк ички аудиторлари шунингдек, халқаро меъёрлар асосида умумий қабул қилинган аудит амалиётига ҳам риоя қилишларининг аҳамияти каттадир.

Умуман олганда, ички аудиторлар амалга оширадиган иш ҳажми қуйидагиларни ўз ичига олиши мақсадга мувофиқдир:

- ички назорат тизимларининг мувофиқлиги ва самарадорлигини текшириш ва баҳолаш;

- рискни бошқариш муолажалари ва рискни баҳолаш методларининг қўлланиши ва самарадорлигини таҳлил қилиш;

• бошқарув ва молиявий ахборот тизимлари, шу жумладан, электрон ахборот ва банк электрон хизматлари тизимини таҳлил қилиш;

• ҳисоб ёзувлари ва молиявий ҳисобот, шу жумладан, эълон қилинувчи ҳисоботларнинг тўғрилиги ва ишончлилигини таҳлил қилиш;

• капитални старлилик жиҳатидан баҳолаш бўйича банк тизимини таҳлил қилиш;

• операциялар ва маълум ички назорат муолажалари, масалан, манфаатлар зиддияти соҳасини тестдан ўтказиш;

• қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар, этика-эстетик сиёсати, қоида ва муолажалар талабларига риоя қилинишини текшириш;

• ҳисоботларнинг қонунчилик талабларига мувофиқ яхлит, тўғри ва ўз вақтида тузилишини текшириш;

• махсус текширувлар, масалан, қалбаки пулларни расмийлаштириш соҳасида текширувлар ўтказиш.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, ички аудит хизматининг мажбуриятлари катта бўлишига қарамай, у банк ички назорат сиёсатидан ташқаридир. Бу масала операцияларни эҳтиёткорлик билан ўтказиш нуқтаи назаридан ҳам муҳим бўлиб, эҳтиётсиз сиёсат омонатчилар ва бошқа кредиторларнинг манфаатларига, акциядорларнинг манфаатларига зарар етказиши, кредит тизимининг ишини ёмонлаштириши мумкин. Шунга қарамай, бу банк раҳбарияти банк қоидалари ёки муолажаларида белгиланган ҳуқуқий ёки меъёрий қоидаларга зид қарорлар қабул қилган ҳолларда, ички аудит хизматининг бунга муносабат билдириши, бу ҳақда банк кенгаши ёки аудиторлик кўмитасига хабар беришига тўсқинлик қилмайди.

Банкнинг ҳар бир фаолият тури ва ҳар бир бўлими ички аудит объекти ҳисобланади. Яъни банк ёки унинг бўлимлари шу жумладан, филиаллари ва шўъба корхоналари амалга оширадиган бирон-бир фаолият тури, шунингдек, бошқа банклар билан боғлиқ фаолияти ички аудит хизмати текшируви соҳасидан чиқарилиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам ички аудит хизматига бухгалтерия ҳисоб ёзувлари, банк электрон маълумотлар базасидаги маълумотлар, шу жумладан, бошқарув маълумотлари ҳамда аудиторлик текширувини ўтказиш учун керак бўлган ҳолларда, маслаҳат берувчи ва қарор қабул қилувчи ташкилотнинг баённомалари билан танишиш имконияти берилиши керак.

**Умуман олганда, ички аудит хизматининг иш кўлами ички назорат тизимининг ўринлилиги ва самарадорлиги ҳамда аудиторлик так-**

**лифларини бажарилишини текшириш ва баҳолашни ўз ичига олиши лозим ва кўп жиҳатдан бу ички назорат тизимини банк ўз ишида дуч келадиган рисклар нуктаи назаридан таҳлил қилишни назарда тутиди.**

Жумладан, ички аудит хизмати ўз ишини ташкил қилиш ва олиб бориш жараёнида қуйидагиларни баҳолашининг аҳамияти каттадир:

- банк томонидан рискларни назорат қилиш қоида ва воситаларига амал қилиниши (миқдорий хусусиятга эга бўлган ва эга бўлмаган кўрсаткичлар);

- молиявий ва бошқарув маълумотлари, шу жумладан, ташқи фойдаланувчиларга берилган ҳисоботларнинг ишончлилиги (шунингдек, яхлитлиги, аниқлиги ва кенглиги);

- электрон ахборот тизимларининг барқарор ишлаши ва ишончлилиги, шунингдек, бўлим ходимларининг иши.

Шунинг учун ҳам ички аудит хизмати банк операцияларига тааллуқли ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар, шу жумладан, тартибга солувчи орган чиқарган банк ташкилоти ва бошқарувига доир йўриқномалар, тамойиллар, қоидалар ва қўлланмаларга зарур даражада эътибор бериши лозим.

Фаолият олиб бориш жараёнида ички аудит хизмати ходимлари ўз мажбуриятлари билан бир қаторда қуйидаги ҳуқуқларга ҳам эгадирлар:

- аудиторлик текшируви ўтказилаётган объект текширув ўтказиш учун зарур бўлган текширилаётган даврга оид ва агар бу аудиторлик текшируви доирасида барча ҳолатлар ва масалаларни аниқлаш учун зарур бўлса, бошқа ҳар қандай даврга оид маълумотларни тақдим этиш ҳақида сўров юбориш;

- текширилаётган даврда, шунингдек, олдинги даврларда амалга оширилган операциялар билан боғлиқ барча ҳужжатлар билан таъминлаш имкониятига эга бўлиш;

- текширув ўтказилаётган объектга биносида пул маблағлари, бошқа пул ҳужжатлари, қимматбаҳо қоғозлар, қатъий ҳисобот бланкалари, омборлардаги материаллар, асосий воситалар ва бошқа активларни кўздан кечириш ва уларнинг мавжудлигини текшириш;

- лизинг асосида олинган активлар, техник фойдаланиш ҳақидаги битимлар, сотишга мўлжалланган активлар ҳамда ҳуқуқий ва jisмоний шахсларга берилган бошқа активларни текшириш;

- текширув ўтказилаётган департамент фаолиятига тегишли



бўлган, қоғоз ва электрон ташувчиларда сақланаётган компьютер маълумотларига кириш ва уларни текшириш имкониятига эга бўлиш;

- ҳар қандай операциянинг моҳияти ва ҳисоб хусусиятлари ҳақида банк хизматчиларидан барча зарур тушунтиришларни сўраб олиш;

- банк ходимлари томонидан амалга оширилган ҳаражатлар ва операциялар амалдаги қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар талабларига қай даражада мувофиқлигини аниқлаш;
- банкнинг ички сиёсати ва стратегияси, қарор қабул қилиш муолажалари, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисоботлар тайёрлаш стандартларини белгилловчи Кенгаш қарорларига тегишли ёзма ҳужжатлар билан танишиш имкониятига эга бўлиш.

Иш жараёнида ички аудит хизмати банкнинг махфий ҳужжатларини таҳлил қилиши ва текшириши лозим. Ушбу муносабат билан ички аудит хизмати бошлиғи ва текширувда қатнашувчи аудиторлар:

- қонунчилик ва Марказий банк меъёрий ҳужжатлари талаблари ҳамда бошқа қонунлар ва банкнинг ички талабларини бажаришлари шарт. Ходимлар аудит жараёнида қоғозда ва электрон кўринишда бўлган барча махфий ҳужжатлардаги маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлашлари ва ушбу маълумотларни учинчи шахсларга ошкор этилишига йўл қўймасликлари лозим;

- ички аудиторлар ўз хизмат мавқеига кўра танишган махфий ҳужжатларни ҳимоя қилиш учун жавоб берадилар. Шунинг учун ҳам, махфий маълумотлар ваколатли раҳбарнинг тегишли рухсатсиз учинчи шахсга ошкор этилган тақдирда, ички аудиторни жавобгарликка тортиш ва (ёки) ишдан бўшатиш ҳақида қарор қабул қилиниши мумкин.

Одатда, қуйидаги маълумотлар махфий ҳисобланади:

- меҳнатга ҳақ тўлаш даражаси ва шартлари ҳақидаги маълумотлар;

- кредит портфели ва қимматли қоғозлар портфелининг аҳволи ҳақидаги маълумотлар;

- аудит ўтказилаётган филиалнинг молиявий аҳволи ҳақидаги маълумотлар;

- банк раҳбарияти томонидан махфий, деб ҳисобланиши мумкин бўлган бошқа маълумотлар.

Банк Кенгаши ёки бошқа раҳбар органнинг қарорига кўра, ички аудит хизмати, одатда ноаудиторлик вазифалари, деб ҳисобланувчи

топшириқларни бажаришга жалб қилиниши мумкин. Бундай топшириқларга қуйидагилар мисол бўла олади:

- банк ишбилармонлик алоқалари ўрнатган корхоналарнинг активлари қийматини баҳолаш;
- бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботини таҳлил қилиш;
- банк сотиб олишдан манфаатдор бўлган корхоналарни таҳлил қилиш ва текшириш.

Бундай топшириқларни бажариш, банк раҳбариятининг ёзма қарори билан ички аудит хизмати зиммасига юкланиши мумкин. Ички аудит хизмати экспертларнинг зарур ваколат даражасини таъминлаши ва вақт ажратиши лозим. Бундай турдаги топшириқларни аудиторлик фаолияти учун хос бўлган иш сифатини таъминлаган ҳолда режалаштириш ва бажариш зарур.

Ички аудит хизмати ўз фаолиятини олиб бориш жараёнида манфаатлар зиддият билан қаршилашишлари мумкин.

Тижорат банклари ички аудит хизмати самарали фаолият кўрсатиши ташқи аудиторлар билан ҳамкорлик доирасида бир қатор қулайликлар яратади, яъни банк фаолияти ва операцияларини яхшироқ тушуниш ҳамда ташқи аудит жараёнида қайта ўтказиладиган тестлар сонини минималлаштириш имконини беради. Бундан ташқари, ташқи аудиторларнинг ички аудиторлар иш натижалари тўғрилигига бўлган ишончи уларга банк фаолияти масалаларининг янада кенг доирасини қамраб олиш имконини беради. **Бундай амалиёт банк филиаллари тизими янада кенгайганида, молиявий хизматларнинг мураккаблиги ортиб, бунинг оқибатида аудитга бўлган эҳтиёж ошишига олиб келади.**

Шу билан бир қаторда, банкнинг ички ва ташқи аудиторлари ҳамкорлиги ўзаро бир-бирини тушуниш ва маълум аудиторлик текширувларини ўтказиш тажрибасига асосланиши лозим.

Бу жараённинг ривожланишига йўл очиш учун халқаро аудит стандарти<sup>69</sup> ишлаб чиқилган бўлиб, унда ички аудит хизматига ташқи аудитор томонидан қўйиладиган талаблар ёритиб берилган ва у ўз ичига қуйидагиларни қамраб олган:

- 1) Ходимлар ишининг сифати:
  - банк фаолиятини тушуниш;

---

<sup>69</sup> “Ички аудит хизматининг фаолиятини кўриб чиқиш” 610 - сонли халқаро аудит стандарти, 2000.

- банкнинг тегишли фаолият йўналишлари бўйича иш тажрибасининг мавжудлиги;
- ички аудит соҳасидаги иш тажрибаси;
- қонун талабларига мувофиқ амалга оширилувчи бухгалтерия ҳисоби ва аудит масалаларини билиш;
- иш тажрибаси ва касбий малака;
- ходимларни ишга олиш ва уларнинг техник тайёргарлиги соҳасидаги сиёсат.

## 2) Ҳисобот тизими:

- ички аудит хизмати раҳбари бевосита ташкилотнинг юқори раҳбарияти олдида ҳисобот беради;
- раҳбарият ички аудит хизмати фаолиятига бирон-бир чекловлар ўрнатади;
- ички аудит хизмати аудиторлик муолажаларининг ҳажми ва турларини мустақил режалаштириш ҳамда текширув натижалари бўйича ҳисоботлар тайёрлаш имкониятига эга бўлади;
- аудиторлик ҳисоботларида кўтариладиган масалаларга раҳбариятнинг муносабати қандай ва бу масалалар бўйича у қандай чоралар кўради.

## 3) Иш ҳажми ва касбий эҳтиёткорлик:

- ички сиёсат ва муолажалар бўйича ҳужжатлар тайёрлашнинг мавжудлиги ва ёки мувофиқлиги;
- аудиторлик текширувлари жараёнида рискни таҳлил қилиш ва суиистеъмолчилик ҳолатларини аниқлаш;
- иш ҳужжатларининг аҳволи, маълумотларнинг тушунарлилиги ва мантиқий тузилиши;
- аудиторлик далилларини ҳужжатлаштириш.

Ташқи аудиторлар банк фаолиятини баҳолаганларидан кейин, ташқи ва ички аудиторларнинг ҳамкорлиги уч йўналишдан бирида амалга оширилиши мумкин. Яъни, ташқи аудитор томонидан ички аудит хизмати фаолиятини дастлабки баҳолаш унинг хулосаларига ва иш натижаларига қай даражада таянишлари мумкинлигини аниқлаш ҳамда бу натижалардан фойдаланиш имкониятини беради, шу билан бир қаторда, аудиторлик муолажаларининг хусусияти, муддатлари ва ҳажмини модификация қилиш имконини беради.

Ташқи аудиторлар учун ички аудит хизмати иш натижаларининг ишончлилиги даражаси ортиши билан бу ҳамкорлик иккала томонга ҳам жиддий фойда келтира бошлайди. Қуйида ҳамкорликнинг учала йўналиши тавсифи келтирилган бўлиб, улар ташқи ауди-

торлар таяниши мумкин бўлган ички аудит хизмати томонидан олинган маълумотларнинг ишончлилиқ даражаси ортиб бориши тартибида жойлаштирилган:

1-даража: Ишнинг ташқи аудиторлар назорати ва бошқарувида бажарилиши. Ички аудит хизмати ходимлари аудиторлик текширувлари жараёнида ташқи аудиторлар билан ташқи аудиторларнинг иш дастурларига мувофиқ ва ташқи аудиторлар гуруҳи раҳбарининг назорати остида иш олиб борадилар. Сўнгра ташқи аудиторлар гуруҳи аъзолари олинган натижалардан банкнинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган маълумотларнинг тўлиқлиги, ишончлилиги ва аниқлигини тасдиқлаш мақсадида фойдаланишлари мумкин.

2-даража: Ишнинг ташқи аудиторлар раҳбарлигида бажарилиши. Бу босқичда ички аудит хизмати ходимлари ташқи аудиторлар гуруҳи билан ҳамкорликда ташқи аудиторлар тайёрлаган иш дастурларида кўрсатилган ишни бажарадилар. Ички аудиторларнинг фаолияти ташқи аудиторлар томонидан назорат қилинмайди. Бу усулни ташқи аудиторлар бевосита банк биносида иш олиб бормаган ҳолларда қўллашлари мумкин. Бу ҳолда, одатда, ташқи аудиторлар ишни бажариш муддатини кўрсатадилар ва унинг молиявий ҳисоботида баён этилган маълумотларнинг тўлиқлиги, ишончлилиги ва аниқлигини тасдиқлаш учун мувофиқ эканлигига ишонч ҳосил қилиш мақсадида назорат олиб борадилар. Ушбу ҳамкорлик даражасига ўтишдан олдин ташқи аудиторлар гуруҳи ички аудит хизмати ходимларининг иш сифатини юқорида тавсифланган Халқаро аудит стандартларига мувофиқ баҳолаши лозим.

3-даража: Ташқи аудиторларнинг стандарт ички аудиторлик муолажаларининг ишонччилигига бўлган ишончи. Ички аудит хизмати аудитни режалаштиради ва ўтказди ҳамда йиллик ички аудиторлик текширувлари натижалари бўйича ҳисобот тайёрлайди. Жорий амалиётга кўра, бундай ҳисоботлар банк Бошқаруви Раисига кўриб чиқиш учун тақдим этилади. Ташқи аудиторлар ички аудиторларнинг айрим иш натижаларидан фойдаланиш ҳақида қарор қабул қилишлари ва шу йўл билан амалга оширилиши лозим бўлган иш ҳажмини камайтиришлари мумкин. Масалан, йил мобайнида ички аудиторлар энг йирик филиаллардан бирини текширадилар. Бажарилган ишнинг сифати ва натижаларидан келиб чиқиб, ташқи аудиторлар ё аудиторлик муолажаларини минимал ҳажмда ўтказадилар, ёки йил якунигача бўлган ҳолатга кўра, умуман аудит ўтказмайдилар. Агар ташқи аудитор ички аудиторнинг иш натижаларига

шу даражада таяна олса, бу унинг иш ҳажмини ва тегишли равишда аудиторлик хизмати қийматини камайтириш имконини беради.

**Ташқи аудиторлар билан банк ички аудит хизмати ходимлари ўртасидаги ҳамкорликни юқорида баён этилган босқичларга мувофиқ давом эттириш тавсия қилинади. Ташқи аудиторлар билан ўзаро алоқалардан ички аудит хизмати ходимлари максимал даражада фойда олишлари жуда муҳим.**

**Шундай қилиб, тижорат банклари ички аудит хизматининг предмети, биринчидан, банкнинг фаолият натижаси бўлмиш молиявий ҳисобот, ҳамда унинг ташкил этувчи ҳужжатлар тўплами; иккинчидан, банкнинг хўжалик фаолиятини олиб бориш жараёнида бевосита ёки билвосита турли бўғинлардаги банк тизимини ташкил этувчи назорат тизимидан ташкил топади.**

Шу билан бир қаторда, юқорида айтиб ўтганимиздек, тижорат банклари ички аудит тизими ички назоратнинг бир қисми бўлиб, ўзининг моҳиятига кўра, бу тизим қанча мукамал бўлса молиявий ҳисоботларнинг ҳаққонийлик даражаси ошиб боради.

Бу ерда шуни айтиб ўтиш жоизки, ички аудит назорат тизимининг бир қисми бўлиши билан бир қаторда, банкларда жорий қилинган тизим ҳам унинг аудит объекти бўлиб юзага келади. Ва бу ерда аудитнинг мақсади айнан ана шу тизим фаолиятидаги камчиликларни аниқлаш, уларни бартараф этиш борасида ўз таклифларини беришдан иборат бўлади.

**Фикримизча, ички аудит хизмати фаолиятини такомиллаштириш ва тузиш бир қанча сабабларга кўра мақсадга мувофиқдир.**

**Биринчидан,** аудиторлар ички назоратнинг бир қисми ўлароқ активларнинг мавжудлиги ва бутлиги устидан назоратни амалга ошириб, тизим сифатида фаолият кўрсатадилар.

**Иккинчидан,** ички аудит нафақат камчилик ва нуқсонларни топишга, балки тижорат банкнинг ички заҳираларини аниқлаш ва улардан самарали фойдаланиш йўлларини белгилашга ҳам йўналтирилган. Ички аудиторлик текшируви жараёнида камчиликни кўрсатибгина қолмасдан, балки зарур маълумотлар олиш имконини берувчи ҳисоб тартибини ишлаб чиқадилар ва тавсия этадилар.

**Учинчидан,** аудиторлар лавозим йўриқномалари ва ички тартибқоидалар тижорат банкларининг хизмат кўрсатиш жараёни талабларига мувофиқлигини таҳлилдан ўтказадилар, уларни амалда бажаралишини назорат қиладилар. Чунки, аксарият ҳолларда ходимлар мажбуриятларнинг нотўғри тақсимланиши ёки аниқ тақсимланмаганли-

ги катта иқтисодий зарарларнинг бош сабаби ҳисобланади.

**Тўртинчидан**, ички аудит бўлимини тузишга эҳтиёж ҳар хил фаолият турлари билан шуғулланувчи, мураккаб, сергармоқ тузилмага эга, ҳудудий жиҳатдан узоқда жойлашган филиаллари, шўъба ва тобе бўлимлари кўп бўлган йирик банкларда туғилади.

Бундай йирик банкларда ички аудит бўлими мутахассисларининг иши умумлашган ва (ёки) бирлаштирилган ҳисоботни тўғри тузиш учун ҳисоб жараёнларини бирхиллаштириш ва стандартлаштиришдан бошланади. Ишни айнан мана шу йўналишда амалга ошириш зарурати шу билан изоҳланадики, ҳудудий жиҳатдан алоҳида жойлашган таркибий бўлимлар, шунингдек, шўъба ва қарам корхоналарнинг ходимлари бухгалтерия ҳисобининг ягона методикасига доим ҳам риоя этавермайдилар. Ягона методологик ёндашувнинг йўқлиги натижасида айни бир операциялар ҳар хил акс эттириладики, бу йиғма ва (ёки) бирлаштирилган ҳисоботнинг нотўғри тузилишига олиб келиши мумкин. Ҳисоботнинг нотўғрилиги эса, ўз навбатида, раҳбариятга йирик банкларнинг молиявий ҳолатини баҳолаш ва ривожланиш йўналишларини тўғри белгилаш имконини бермайди.

**Бешинчидан**, ички аудит бўлими мутахассислари амалдаги қонун ҳужжатлари билан боғлиқ масалалар юзасидан маслаҳатлар беришлари мумкин. Масалан, иш жараёнида банк ходимлари ва раҳбариятида ҳал қилиш учун қонун ҳужжатлари ва йўриқномаларни, махсус адабиётларни таҳлил қилишни талаб этувчи масалалар юзага келади. Аксарият меъёрий ҳужжатлар солиққа тортиш, бухгалтерия ҳисоби ва бошқа соҳалардаги мураккаб масалаларга аниқ жавоб бермайди. Шу боис, тўғри қарорни ишлаб чиқишга жуда кўп вақт сарфланиши, натижасида, бу жорий иш маромини бузилиши, ахборот тақдим этиш муддатлари кечикиши, иш самарадорлиги пасайиши мумкин. Ўз хизмат мажбуриятларига кўра, қонун ҳужжатларини билувчи ички аудиторлар бундай масалаларни тез ва самарали ҳал қилишга ёрдам берадилар.

**Шу билан бир қаторда, тижорат банклари ички аудит тизими фаолиятини такомиллаштириш мақсадида, кўшимча равишда қуйидаги йўналишлар бўйича иш олиб боришни мақсадга мувофиқ деб билдик.**

**Тижорат банклари ички аудит хизмати ходимларининг малакасини Халқаро стандартлар талабларидан келиб чиққан ҳолда давомли ошириб бориш.** Бунинг учун эса ички аудиторларнинг раҳбарияти, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, ташқи аудиторлик компаниялари, солиқ идораларининг етакчи мутахассисларини жалб

этан ҳолда бухгалтерия семинарларини ўтказиш амалиётини тағбиқ этиш мумкин. Яъни, бу тадбир орқали янги қонунлар ва йўриқномалар, бухгалтерия ҳисоби стандартлари, ҳисобот тузиш тартиби билан таништириш бундай семинарлар мавзусини ташкил этиши мумкин. Бухгалтерия ходимлари ва ички аудиторлар иштирокида давра суҳбатлари ўтказиш ҳам ижобий натижа бериши мумкин. Бундай давра суҳбатлари жараёнида бухгалтерия ходимлари ва ички аудиторлар ўзларини қизиқтирган масалаларни муҳокама қилишлари ва улар юзасидан фикр алмашишлари мумкин. Амалиёт ички аудиторларнинг кучлари билан ходимларга таълим ва маслаҳатлар беришни ташкил этиш четдан маслаҳатчилар жалб этишга қараганда анча қулай ва гежамли эканлигини кўрсатади.

**Банк даромадлари ва харажатларини таҳлил қилиш, солиқ тўловларини ҳисобланиши ва тўловларни режалаштириш** ички аудиторлар ишининг яна бир муҳим жабҳасидир. Даромадлар нотўғри режалаштирилиши ва тўловларнинг устуворлигига риоя этилмаслиги натижасида банкнинг контрагентлари билан муносабатлари ёмонлашган ёки у бюджетга солиқларни ўз вақтида ўтказмаганлиги учун боқиманда тўлаш ҳоллари билан қаршилашишлари мумкин. Аудиторлар пул оқимларини таҳлил қилиш орқали қарзларнинг юзага келиши сабабини аниқлашга кўмаклашишлари, пул маблағлари нотўғри тақсимланишининг олдини олиш имконини берувчи тавсиялар ишлаб чиқишлари мумкин.

Ички текширувлар жараёнида аудиторлар **шартнома муносабатларини таҳлил қиладилар, амалдаги қонун ҳужжатларига уларнинг мувофиқлигини текширадилар.**

Маълумки, ҳозирда Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисобининг ривожланиши мавжуд ҳисобот тузиш тартибини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари билан мувофиқ ҳолатга келтириш йўлидан бормоқда. Шундай қилиб, **халқаро стандартларга ўтишдан келиб чиқиб, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисобот тузиш услубиётини ишлаб чиқиш ва амалга жорий этиш** ички аудиторлар ишининг янги йўналиши ҳисобланади.

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда шуни хулоса қилишимиз мумкинки, ички аудит хизматининг назорат функцияси бугунги кунда ҳам асосий назорат функциялардан бири бўлиб қолаётир. Ўзининг асосий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, ички аудит хизмати ўз фаолиятини олиб бориш жараёнида қонунчилик,

меъёрий ҳужжатлар ва Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига таянмоқда.

Шу билан бирга халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мос бўлган йўриқномаларни жорий қилиш жараёни жадаллаштирилади-ганлиги сабабли, банкларда ички аудит текширувини ўтказиш фалсафаси ва усулларини ўзгартиришга бўлган эҳтиёж ҳам актуаллашмоқда. Бу эса якуний фойдаланувчилар ва бошқа манфаатдор шахсларга ҳам таъсир кўрсатади.

### 2.3.1-чизма.



Тижорат банклари ички аудит хизмати ўзининг вазифасидан келиб чиққан ҳолда, ўз мавқеларини кенгайтириш имконига эга бўлиб, унинг фаолияти авваламбор тармоқлашган филиаллар, ваколатхоналар ва ҳоказо тизимларга эга бўлган йирик ёки ўрта банкларда самаралидир.

Юқоридаги чизмада кўрсатилганидек ички аудит тизими ўз олдига қўйилган асосий вазифаларни бажариш жараёнида тижорат банклари раҳбарияти томонидан олиб борилаётган сиёсатга ҳолисона баҳо бериш мақсадиди ички аудит хизмати мустақил тузилма эканлигига Марказий банк низомига мувофиқ катта эътибор берилмоқда.

Шунинг учун ҳам айнан ички аудит тизимининг мустақиллик



мавқеини сақлаб қолишнинг аҳамияти катта бўлиб, бу ерда банк кенгаши ва бошқарувининг тугган сиёсатининг аҳамияти каттадир.

Юқорида айтиб ўтганимиздек тижорат банклари ички аудит тизими ички назоратнинг бир тури бўлиб, ўзининг моҳиятига кўра, бу тизим қанча мукамал бўлса молиявий ҳисоботларнинг ҳаққонийлик даражаси ошиб боради, шунга кўра айтишимиз мумкинки, ички аудит хизматини тузиш бир қанча сабабларга кўра мақсадга мувофиқдир.

Ички аудит хизмати ходимлари ўзлари текширадиган бўлинмаларга нисбатан мустақиллик мақомини сақлаб қола олишлари ва банк бўлинмалари раҳбарларининг хизмат томонидан ўтказиладиган текширувлар мазмуни ва ҳажмига таъсир кўрсатишларидан ўзларини ҳимоя қилишлари лозимдир.

Ички аудит хизмати ходимлари ўз мулоқатларини нафақат ус-талик билан олиб боришлари балки, шу билан бир қаторда объективликни таъминлашга, суҳбатлар ўтказиш чоғида зарур маълумотларни тўплашга, аудиторлик текшируви хулосалари натижалари бўйича келишувга эриша билишга, аудиторлик ҳисоботлар ва аудиторлик хулосасини тўғри туза билишга катта эътибор қаратишлари лозимдир.

Ички аудит хизмати ходимларининг касбий малакасини оширишнинг ҳам аҳамияти жуда катта бўлиб, ходимлар давомли равишда касбий тайёргарлик курсларида ўз малакаларини оширишлари натижасида ўз билим ва касбий маҳоратларини мунтазам ошириб боришлари уларнинг иш жараёнида ижобий самара беради.

Ички аудит хизматига бухгалтерия ҳисоби ёзувлари, банк файлларидаги маълумотлар, шу жумладан, бошқарув маълумотлари ҳамда аудиторлик текширувини ўтказиш учун керак бўлган ҳолларда, мас-лаҳат берувчи ва қарор қабул қилувчи ташкилотнинг баённомалари билан танишиш имконияти берилиши керак.

Ташқи аудиторлар билан банк ички аудит хизмати ходимлари ўртасидаги ҳамкорлик доимий равишда бўлиши керак, бу ҳамкорлик бир томондан, ички аудит фаолиятига халқаро стандартларнинг татбиқ этиш жараёнини тезлаштиради, иккинчи томондан, ташқи аудиторларнинг тижорат банклари ички назорат тизимига бўлган ишончини оширишга ёрдам беради.

Ички аудит хизмати ўз фаолиятини ташкил қилиш жараёнида, асосан фақатгина Марказий банк томонидан қабул қилинган йўриқ-номаларга асосланмоқда, бунинг натижасида эса тижорат банки

раҳбарияти ички аудит хизмати фаолиятини фақатгина назорат тизимининг бир қисми сифатида қабул қилмоқдалар.

Ички аудит тизими томонидан ишлаб чиқилган ҳамда банк Кенгаши томонидан қабул қилинган йўриқномалар текширув жараёнини босқичма-босқич ташкил қилишга эмас, балки умумий тамойилларига риоя қилишга асослангандир. Аудит назариясини амалиётда қўллаш жараёнида бошқа фанлардан олинган услубий қоидаларни жалб қилиш мақсадга мувофиқдир.

Тижорат банқлари ички аудит тизими ўзининг структураси ва вазифаларига, банк кенгаши ва раҳбарияти билан яқиндан ҳамкорликда фаолият кўрсатишлари билан бирга, ўз мустақиллигини таъминлаши ҳам алоҳида эътибор қаратишлари лозим.

Тижорат банки раҳбарияти ички аудит хизмати фаолиятини фақатгина назорат тизимининг бир қисми сифатида эмас, балки банкнинг назорат тизимини такомиллаштирувчи ва молиявий ҳолатини яхшилашга кўмаклашувчи тизим деб қабул қилинлари.

Шу билан бирга ички аудит тизими фақат назорат функцияларини бажарибгина қолмасдан, балки акциядорларга бизнес хавфхатарлари ва банк ишининг самарадорлиги ҳақида ахборот берувчи тизимга айланишининг ҳам аҳамияти каттадир.

Ички аудит хизмати умумий йўриқномаларини қайта кўриб чиқиши ва аудит олиб бориш жараёнининг ҳар бир босқичини меъёрий ҳужжатларда ёритиб боришлари ва методларини амалиётга татбиқ этишлари мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бирга қайд этиб ўтиш жоизки, ушбу йўриқномалар ўзининг моҳияти ва мазмунига кўра аудит стандартлари талаблари асосида ташкил қилиниши, бунинг учун эса халқаро ички аудит стандартларини республика тижорат банқлари тизимида жорий этилиши мақсадга мувофиқ, деган фикрга келдик.

Ушбу стандартлар аудит бўлинмасининг мустақиллиги ва ички аудиторларнинг объективлиги, аудиторларнинг профессионализи, бажарадиган ишлар ҳажми ва сифати, унинг функциялари ва мажбуриятларини қамраб олиши лозим.

### III БОБ

## ТИЖОРАТ БАНКИНИ БОШҚАРУВ ТИЗИМИДА ИЧКИ НАЗОРАТ МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИНГ АУДИТИ

### 3.1. Тижорат банкини бошқарув тизимини такомиллаштиришда назорат муаммолари

Бутун жаҳонда кўпгина банкларнинг бошқарув тизими ҳар хил ресурслар: меҳнат, молиявий, моддий ресурслардан самарасиз фойдаланишдан, тўғри қарорлар қабул қилиш учун зарур ахборотларнинг тақчиллигидан, ҳисоботларни бузиб кўрсатилишидан, хизматчилар ва бошқарувчиларнинг тўғридан-тўғри фирибгарлигидан қийналади. Бундай муаммоларни ҳал этиш, асосан тижорат банкларида жорий этилган ички назорат тизими зиммасига юклатилган бўлиб, унинг самарали фаолият кўрсатиши банкнинг молиявий ҳолатига бевосита таъсир кўрсатади.

Бунга мисол тариқасида тижорат банклари томонидан корхоналарнинг молиявий аҳволини нотўғри таҳлил қилиш натижасида кредитлар берилганлиги ва маблағларни ўз вақтида қайтмаслик муаммоларига дуч келиши ҳолатларини келтиришимиз мумкин.

Бу салбий ҳодисалар авваламбор, етарли даражада самарали ички назорат тизимининг ёки унга моҳиятан яқин сифатни назорат қилиш тизимининг йўқлиги натижасида содир бўлади.

Банклар фаолиятида ҳар қандай фаолият икки тизим доирасида амалга ошади:

Биринчиси - қўйилган мақсадларга эришиш учун тузилган *операцион (ташкилий) тизим*.

Иккинчиси — операцион (ташкилий) тизимга кириб борувчи назорат тизими.

Умумий кўринишда, у ҳисоб ва ҳисобот сиёсатга, муолажаларига, қоидаларига, йўриқномаларга асосланади. Ички назоратнинг асосий мақсади, якуний ҳисоботда қўйилган мақсадларга эришиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш ва бунинг эҳтимолини оширишдан иборат бўлади.

Ички назорат тушунчаси ўзининг келиб чиқишига кўра, янги тушунча эмас. XVIII асрда муомалага киритилган бу атама вақт ўтиши билан ривожланиб борди. Банк фаолияти *назорат тизими* сифатида бу тушунча илк бор XX асрнинг бошига келиб, уч элемент: ваколатларнинг бўлиниши, ходимлар ротацияси, ҳисоб ёзувларидан фойдаланиш ва уларни таҳлилдан ўтказиш мажмуи тарзида

шаклланди. Кейинчалик, ички назорат функциялари анча кенгайди ва активларнинг бутлигини таъминлаш, ҳисоб маълумотларининг ишончлилигини текшириш, операцияларнинг самарадорлигини ошириш, банкларда белгиланган сиёсатга ва муолажаларга амал қилишга йўналтирилган фаолиятни ташкил этиш ва мувофиқлаштиришга айланган. Бу эса ўз навбатида, янги функциялар ички назорат тушунчасининг оддий бухгалтерия ҳисобига тааллуқли масалалар доирасидан чиқишига олиб келди. Ички назорат ривожланиб, амал қилиш доирасини кенгайтириб бориб, XX асрнинг охирида рисклар устидан назорат ўрнатиш воситасига айландики, бу ерда унинг функциялари рискларни бошқариш функцияси – риск-менежмент билан чамбарчас боғланишига олиб келди.

Бизнинг фикримизча, ички назорат тижорат банки акциядорлари томонидан мақсадларига эришишга йўналтирилган ҳамда раҳбариятнинг, умуман, банкнинг ва унинг алоҳида бўлинмаларининг фаолиятини режалаштириш, ташкил этиш ва назорат қилиш бора-сидаги ҳаракатларининг натижаси ҳисобланган жараёндир. Бунинг учун банк раҳбарияти:

биринчидан, банкнинг ва унинг алоҳида бўлинмаларининг мақсад ва вазифаларини аниқлашлари, бунга мувофиқ бўлган ташкилот тузилмасини тузишлари лозим.

иккинчидан, қўйилган мақсадларга эришиш ва вазифаларни ҳал қилиш учун самарали ҳужжатлаштириш ва ҳисобот тизимининг фаолият кўрсатишини, ваколатлар, авторизация ва мониторингининг ажратилишини таъминлашлари керак.

Бухгалтерия нуқтаи назаридан ички назоратга шундай таъриф бериш мумкин: ички назорат банк активларининг бутлигини ва бухгалтерия ёзувларининг ишончлилигини таъминлаш тузилмаси, сиёсати, қоидалари ва муолажалари бўлиб, у:

1) транзакциялар мувофиқ тарзда авторизация қилинганлигига,

2) транзакциялар ҳисоб стандартларига мувофиқ ҳисоботда ўз вақтида ва аниқ акс эттириляётганига,

3) банк активларидан тегишли авторизацияга мувофиқ фойдаланиляётганига,

4) активларнинг жисмонан мавжудлиги вақти-вақти билан бухгалтерия ёзувлари солиштириб турилишига етарлича ишонч ҳосил қилиш имконини беради.

**Ички назорат — бу, назоратнинг ташқи турлари, жумладан, қонун билан тартибга солиш, ташқи назорат ташкилотлари томонидан назорат қилиш ва шу кабилардан фарқли равишда, банк фаолиятини ичидан назорат қилиш, демакдир. Бу нуқтаи назардан ички назорат тушунчаси бошқарув назорати, операцион назорат тушунчаларига мос келади.**

Ички назорат ҳақида гапирганда, у фақат муайян мақсадларга эришишга йўналтирилган тақдирда фойдали бўлишини тушуниш, назорат натижаларини баҳолашдан олдин бу мақсадларни белгилаб олиш муҳимдир. **Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, ички назорат тизимини текшириш жараёнида ички аудит хизмати ходимлари: ахборотнинг ишончлилиги ва тўлиқлиги, сиёсат, режалар, муолажалар ва қонун ҳужжатларига мувофиқлиги, активларнинг бутлигини таъминлаш, ресурслардан тежамли ва самарали фойдаланиш ва банк бўлинмаларининг қўйилган мақсад ва вазифаларга эришиши каби асосий йўналишларга ўз эътиборларини қаратишлари керак.**

Ички назорат концепцияси бир нечта компонентлардан иборат бўлиб, у ўз ичига:

биринчидан, бу банкнинг ички муҳити, яъни одоб ахлоқ этик қадриятлари, бошқарув услуги, қарорлар қабул қилиш жараёни, ваколатларни ўтказиш ва масъулиятни қабул қилиш, ходимларга нисбатан сиёсат, ходимларнинг ўз ишини билиши ва энг муҳими, ички назоратга нисбатан банк бошқаруви аппаратининг муносабати;

иккинчидан, бу банк ўз олдига қўйган мақсадларга эришиш йўлидаги рискларни аниқлаш, таҳлилдан ўтказиш ва бошқариш;

учинчидан, кундалик назорат қилиш ҳисоб ва ҳисобот, ваколатларининг ажратилиши, активлар билан ишлаш ҳуқуқи, мониторинг;

тўртинчидан, ахборотдан рухсат билан фойдаланиш тизими — тегишли ахборот ўзига юкланган функциялар (ёки мажбуриятлар) туфайли унга муҳтож бўлган одамга берилиши лозим.

бешинчидан, ички назорат тизимининг самарадорлигини аниқлаш учун унинг ўзини назорат қилиш кабиларни қамраб олади.

Яъни, ички назорат тизими деганда, қатъий асосдан иборат бўлган тизимли ташкилот, ваколатлар доирасида жавобгарлик, юқори раҳбарлар олдидан ҳисобдорлик, танқидий функцияларнинг

ажратилганлиги, ички ва ташқи омиллар ўзгаришига тез мослашиш имконияти, ҳар бир бўлимнинг роли ва жавобгарлигини қатъий белгилаш, ходимлар фаолиятини мувофиқ тарзда назорат қилиш ва уларнинг ишини даврий баҳолашни тушуниш мумкин. Бу эса ўз ичига қуйидаги бир неча йўналишларни қамраб олади:

- сиёсат: ташкилот мақсад ва вазифаларига мувофиқ раҳбарият миқёсида тасдиқланади ва ёзма кўринишда эълон қилинади, ходимлар эътиборига етказилади, вақти-вақти билан кўриб чиқилади ва зарур ҳолда янгиланади;

- тартиблар: танқидий функцияларнинг ажратилишини таъминлайди, жуда содда ва тушунарли бўлади, бир-бирига зид келмайди ва бир-бирини такрорламайди, вақти-вақти билан кўриб чиқилади ва зарур ҳолда янгиланади;

- ходимлар: улар билан ишлаш жараёни, ишга қабул қилишда номзодларнинг шахсий сифатларини баҳолаш, касбий тренинглар ва курслар, ҳар бир ходимнинг роли ва жавобгарлигини қатъий белгилаш;

- ҳисоб: самарали қарорлар қабул қилиш учун зарур, банкнинг ташкилий бўлинмалари бўйича юритилади;

- ҳисобот: ўз вақтида тузилади, мазмунан содда ва изчил бўлади;

- бюджетлар: бўлинмалар олдига қўйилган мақсадларга эришилишини таҳлилдан ўтказиш воситаси бўлиб хизмат қилади ва турли бўлимлар фаолиятини мувофиқлаштиришни яхшилашга ёрдам беради.

Шу билан бир қаторда қайд этиб ўтиш жоизки, банклар бошқарув тизимининг мақсади ишда хатолар, нуқсонлар ва самарасизлик бўлмаслигини тўла кафолатловчи назорат тизимини ташкил этиш эмас, балки юқорида зикр этилган камчилик ва нуқсонларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда ишнинг самарадорлигини оширишга ёрдам берувчи тизимни ташкил этишдан иборатдир. Ваҳоланки, ортиқча назоратни ташкил этишга йўналтирилган ресурслардан банк бошқа мақсад ва вазифаларини ҳал қилиш учун фойдаланиши ҳам мумкин эди. Аммо, пухта ташкил этилган ички назорат тизими қўйилган мақсадларга эришиш нуқтаи назаридан, тежамкорлик нуқтаи назаридан ҳам ўз самарадорлигини баҳолашга муҳтождир.

Бу эса ўз навбатида ички аудит хизмати ва унинг объекти юзага келишига сабаб бўлади.

Ички аудит мавжуд ички назорат тизимининг ишончлилиги ва самарадорлигини баҳолаш, ички аудиторлар эса бундай баҳолашни холис ва профессионал амалга ошириши лозим бўлган шахслардир. Б.Хасанов «ички назорат тизимини, биринчи навбатда, ички хўжалик молия назорати (бошқарув молия назорати) тақдим этиб, биринчидан корхонанинг барча таркибий бўлинмалари томонидан амалга оширилади, иккинчидан алоҳида, ҳисоб молия хизматидан мустақил, ихтисослашган ички аудит бўлинмалари амалга оширади»<sup>70</sup>, деган ғояни илгари суради.

Бошқача айтганда, ички аудит хизмати тижорат банки фаолиятининг барча жиҳатларини мустақил баҳолаш тизимидир. Ички аудит ўз фаолиятини банк доирасида амалга ошириб, унинг мақсади банк раҳбарларида мавжуд назорат тизими ишончли ва самарали эканлигига ишонч уйғотишдан иборат.

**Шу билан бир қаторда, юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда шуни айтишимиз мумкинки, ишончли ва самарали ички назорат тизимини ташкил этиш ва сақлаш учун ички аудиторлар эмас, балки банк раҳбарияти жавобгардир. Ички аудитнинг асосий мақсади — банк раҳбариятини зиммасига юкланган мажбуриятларни самарали бажаришга ёрдам бериш, ходимларда банк ва унинг алоҳида бўлинмаларининг мақсад ва вазифаларига эришиш учун банк активларидан самарали фойдаланилаётганига ишонч уйғотишдан иборат.**

Банк тизими сўнгги йилларда анча жадал ривожланди ва маълум даражада барқарор фаолият кўрсатмоқда, бунинг сабабларидан бири эса Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан тижорат банкларининг даромад солиғи ва бошқа айрим солиқларни тўлаш бўйича берилган имтиёзи натижасида банклар ўзларининг моддий-техник базаларини яхшилашга, ҳамда ходимларнинг малакасини ошириш имконига эга бўлгандир, бу эса ўз навбатида, тизимнинг сифат жиҳатидан бозор муносабатлари субъектларига хос бўлган янги поғонага кўтарилишига олиб келди.

Ҳозирги банк тизимини барпо этишнинг биринчи босқичида тижорат банклари инфляция суръати баланд бўлган, пул массаси фаол ўсиб борган, берилувчи кредитлар бўйича фоиз ставкалари катта бўлган шароитларда фаолият кўрсатди. **Буларнинг барчаси банкларга қулай шароит яратди, уларда бундан буюн ҳам катта харажат-**

<sup>70</sup> Хасанов Б.А. Ички аудитни автоматлаштириш асослари. - Тошкент: ФАН. 2003.

**ларсиз ва етарли даражадаги касбий билимларга эга бўлмасдан муваффақиятли фаолият юритиш ва катта даромад олиш мумкин, деган янглиш фикр уйғотди.**

Инфляция суръатининг баландлиги билан бир қаторда, банклар сонининг жадал кўпайишига жаҳонда авж олган мислсиз мулкни қайта тақсимлаш жараёни ҳам таъсир кўрсатди, у қудратли хизмат кўрсатиш тузилмалари орқали тижорат банкларини таъминлаб турди.

Банк соҳасида юқорида зикр этилган катта даромад олиш манбаларининг мавжудлиги банкларнинг ишончлилигини ошириш. уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, ликвидиликни юқори даражада сақлаш заруратини ортга сурди. Шунинг учун ҳам, тижорат банкларини бошқариш самарадорлигини ошириш муаммоси банк мулкдорлари учун ҳам, банк раҳбарлари учун ҳам долзарб аҳамиятга эга бўлмади, чунки ўз фаолиятидаги нуқсонларни улар ҳар хил тактик юришлар, махсус молиявий схемалардан фойдаланиш, спекулятив битимлардан катта даромадлар олиш ҳисобига қоплаш имкониятига эга бўлдилар.

**Банк тизимида бошқарув сифати, унинг фаолияти самарадорлиги, мувофиқлиги масалаларига доимий равишда эътибор берилишининг аҳамияти катта бўлиб ушбу кўрсаткичлар банк фаолиятига тўғридан-тўғри ўз таъсирини кўрсатиши мумкин.**

Тижорат банкларини бошқариш савиясининг пасайиб кетишига бошқа сабаблар ҳам таъсир кўрсатди. Ҳозирги замон банк тизимини шакллантиришнинг биринчи босқичида Марказий банк асосий эътиборини тижорат банкларини ташкил этишга қаратди. Янги ташкил этилаётган хусусий банклар устав капиталларининг энг кам миқдори Марказий банкнинг рўйхатдан ўтказиш санасигача бўлган курсига кўра дастлаб 300 минг сўмни ташкил қилган бўлса бугунги кунга келиб ушбу кўрсаткич 2,0 млн. АҚШ долларини ташкил этмоқда<sup>71</sup>, шу билан бир қаторда тижорат банкларини рўйхатдан ўтказиш муолажалари соддалаштирилди.

Шу муносабат билан сўнгги 14 йил ичида банклар сони 28 тага кўпайди, тижорат банкларининг бундай жадал суръатларда ўсиши мамлакатда банк иши, айниқса, банк бошқаруви соҳасида зарур билимларга эга бўлган малакали кадрларни тайёрлашни долзарб

<sup>71</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори « О мсрах по ограничению роста денежной массы и повышению ответственности за соблюдение финансовой дисциплины» 30 марта 2002 г. N УП-3047



масалалардан бирига айлантирди. Ўзбекистон Республикаси банк тизими шаклланиш босқичларида малакали кадрлар танқислиги шароитларида собиқ давлат ихтисослашган банкларида ишлаш тажрибасига эга бўлган мутахассисларга талаб кескин ортди. Ўша вақтда улар меҳнат бозоридаги энг яхши банк мутахассислари ҳисобланар эди. Аммо, уларнинг сони етарли эмасди, бунинг устига, улар бошқа ижтимоий-иқтисодий шароитларда ишлашлари талаб этиларди. Шунинг учун ҳам, банк кадрларига бўлган эҳтиёж халқ хўжалигининг бошқа соҳаларидаги мутахассислар, жумладан, тижорат фаолиятида илк муваффақиятли тажрибага эга бўлиб, ўзини янги ишда синаб кўришга қобилиятига эга бўлган мутахассисларни қайта малакасини ошириш орқали ушбу муаммо ҳал қилинди.

Малакали кадрлар танқислигини ўша даврда банк молия соҳасидаги ўқув-таълим муассасалари ҳам ҳал қила олмасди, чунки банк соҳаси шитоб билан ўзгариб, банклар сони жадал кўпайиб бормоқда эди. Ўша даврда мавжуд мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими жиддий ислоҳ қилишни талаб этар ва ўз навбатида, малакали ўқитувчи кадрларга катта муҳтожлик сезарди. Банк таълими соҳасидаги аҳволни яхши томонга ўзгартириш учун йиллар керак эди.

Бугунги кунда фаол шаклланаётган, банкларни бошқариш жараёнларидан четда қолишни истамаётган, уларнинг фаолиятини стратегик бошқариш, қамровли ва самарали назорат қилиш масалаларини ҳал қилишга фаол қўл ураётган банк мулкдорлари психологиясини ўзгартириш ҳам, тижорат банкларини бошқариш ишини такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Иш тажрибасининг ортиши билан банкларнинг фаолиятида кўп нарса банк мулкдорлари, уларнинг манфаатларини ифодаловчи банк Кенгаши билан банк бошқаруви, раҳбарияти ўртасида тўғри муносабатлар ўрнатишга боғлиқ эканлигини англаб етаётган банк муносабатлари субъектлари сони ортиб борди. Амалиётда банк кенгаши томонидан банк ишларига бефарқлик ҳам, банкни оператив бошқариш масалаларига акциядорлар вакилларининг ортиқча, асоссиз аралashiши, банкнинг кредит, инвестиция сиёсатини банкнинг ишончилиги, банк мижозларининг манфаатларидан фарқли мулкдорларнинг тор манфаатларига бўйсундириш ҳам бир хилда хавфли эканлигини, банк эгалари билан унинг менежерлари ўртасидаги можаролар банк молиявий аҳволининг кескин ёмонлашишигагина эмас, унинг банкротлигига ҳам олиб келиши мумкин эди.

Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мустақиллик йилларининг илк кунларидан бошлаб, тижорат банклари молиявий фаолиятини меъёрий коэффицентлар ўрнатиш орқали назоратини олиб бориш услугиётини қўллашни мақсадага мувофиқ деб топилди.

**Нарх-навонинг эркинлаштирилиши қандай оқибатларга олиб келганини мамлакат аҳолиси ҳали яхши эслайди. Собиқ иттифокнинг жамғарма банкида сақлаган омонатлари қисқа вақт ичида бир неча юз бараварга қадрсизланиши оқибатида аҳоли жамғармаларининг қадрсизланишига олиб келди.**

Ваҳоланки, бу вазият ўша кунларда банк тизими фаолиятига жиддий таъсир кўрсатди, чунки аҳоли тижорат банкларига нисбатан даъволарини маълум шарт-шароитларда ҳукуматга қаратиши ҳам мумкин эди. Бунга Албанияни мисол қилиб келтириш мумкин, Маълумки, 1998 йилда Албания банк тизимининг инқироzi даврида аҳоли оммавий тартибсизлик уюштирган, бу ҳукумат алмашишига, шунингдек, мамлакатни бошқа жиддий оқибатларга олиб келган эди.

Шунинг учун ҳам республика президенти томонидан аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини ошириш борасида йиллар давомида турли хилдаги фармон ва қарорлари қабул қилинмоқдаги бу албатда ижобий омилдир.

Бу банк тизимининг ишончлиги масалалари ўта долзарблигини, муҳимлик жиҳатидан эса мамлакат хавфсизлиги масалалари қаторидан ўрин олишини кўрсатади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш натижасида шунни айтиш мумкинки, самарали бошқарувни йўлга қўйган тижорат тузилмаларигина муваффақиятли фаолият кўрсатиши, бу уларга қаттиқ рақобат курашида ғалаба қозониш имконини бериши мумкин. Бошқарувнинг самарадорлиги иқтисодий муносабатларнинг ҳар қандай субъекти учун туб аҳамиятга эга, аммо банкларнинг фаолият кўрсатиш механизмида унинг аҳамияти янада катта, чунки тижорат банкларига хос шароитларда бошқарувдаги ҳар қандай хато йирик зарар кўришга, ликвидликнинг пасайишига, тўлов лаёқатининг йўқолишига, якуний ҳисобда эса – банкротликка олиб келиши мумкин.

Республикада бозор муносабатларининг шаклланиши шароитларида тижорат банкларини бошқаришни такомиллаштиришнинг зарурлиги масаласи долзарб қилиб қўйилди, бу эса мазкур йўна-

лишдаги тадқиқотларнинг амалий аҳамиятини янада оширди.

Ўзбекистон банк тизимини мустаҳкамлаш масаласига ҳукумат томонидан эътиборнинг кучайгани ҳам тижорат банкларини бошқариш масаласининг долзарблигини тасдиқлайди. Сўнгги вақтларда республикамизда тижорат банклари тизимига бўлган ишончни ошириш, аҳоли омонатларини кафолатлаш, кредит ташкилотларининг банкротлиги муолажаларини такомиллаштириш, банк тизими фаолиятининг бошқа масалаларига доир бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

**Чунки, бизнингча, банк тизимини мустаҳкамлаш, шу жумладан, тижорат банкларини бошқариш ишини такомиллаштириш билангина миллий валюта «сўм»нинг барқарорлигини таъминлаш, жамиятнинг банкларга муносабатини ўзгартириш орқали банклараро очик бозорни тиклаш мумкин.**

Ниҳоят, мамлакатнинг миллий манфаатлари, унинг иқтисодий хавфсизлигини мустаҳкамлаш зарурлигини ҳам қайд этиб ўтиш лозим. **Республикада йирик банк тузилмаларини озлиги банк соҳасида мамлакатни жаҳон иқтисодий жараёнларидан четга чиқиб қолганига олиб келиши мумкин, чунки бундай шароитларда биз халқаро ва маҳаллий молия бозорларида мамлакатнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишга қодир рақобатбардош банк тизимини вужудга келтира олмаймиз.**

Юқорида айтилганлар тижорат банкларини бошқарув тизимини яқин вақт ичида тубдан такомиллаштириш объектив зарурат эканини кўрсатади.

Тижорат банкни бошқарув тизимини такомиллаштириш турли йўналишларда, шу жумладан, бошқарув функцияларини бошқарув объектларининг ҳар бир турига татбиқан тўлиқ амалга ошириш лозим. (3.1.1- чизмага қаранг).

Бошқарувни такомиллаштириш жараёнида, асосан, унинг вазифаларини тўғри белгилаш билан бир қаторда, унинг функциялари, объектини аниқлаш ҳамда назорат тизимига эътибор қаратиш муҳимдир.


Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, тижорат банклари тизимида бошқарув функцияларининг асосий қисми бўлган *режалаштириш* масалаларига етарли эътибор берилмаяпти. Бунинг натижасида кўпгина банклар қатъий ривожлантириш дастурларига эга эмас, молиявий режалаштириш, ташкилий тузилма, банк операцияларини амалга

ошириш муолажалари мукамаллиги, ички назорат савияларига етарли даражада эътибор берилмаяпти.

Кўпгина банклар ўз фаолиятида стратегик режалаштириш тизimini ишлаб чиқишга етарли эътибор бермаслиги натижасида банк бўлинмалари стратегия ҳақидаги ўз тасаввурларига мувофиқ ишламоқдаларки, бунинг оқибатида ҳатто вазифалар ва устуворликларни аниқлашда ҳам низолар келиб чиқмоқда. Бундай банклар учун ишнинг самарасизлиги, банк бошқарув ташкилоти ишлаб чиқилган стратегияни амалга оширишга жамоа кучларини йўналтира олмаслиги билан изоҳланади. Рақобат муҳити шароитларида исталган ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги хўжалик юритувчи субъектнинг муваффақиятли ривожланиши асосланган ва чуқур анланган стратегияларнинг ишлаб чиқилишига кўп даражада боғлиқ бўлиб, мазкур стратегиялар пухта ишлаб чиқилган бошқарув муолажалари орқали ҳаётга татбиқ этилиши лозимдир.

### 3.1.1-чизма.

#### Тижорат банкни бошқарув тизimini



Банк фаолиятини режалаштириш масалаларини ҳал қилишда ташқи муҳитнинг, молия бозорлари конъюктурасининг чуқур таҳлилига, шунингдек, банкнинг потенциал имкониятларини ўрганиш учун унинг молиявий аҳволининг ҳар томонлама таҳлилига таяниш лозим. Бунда режалаштириш жараёнига бошқарувнинг барча поғо-

налари -- алоҳида функционал бўлинмаларнинг менежерларидан тортиб банк бошқаруви олий ташкилотги, шу жумладан, банк кенгашигача жалб этилиши мақсадга мувофиқдир.

*Банк ўз хизматларини амалга ошириш жараёнида иш функцияларини тақсимлаш ва мувофиқлаштириш бошқарув тизимининг ўта муҳим функциясидир. Банк фаолиятининг самарадорлиги у қандай ташкил этилганлигига, бошқарувнинг ташкилий тузилмасига ҳамда раҳбарлар билан хизматчилар ўртасидаги муносабатларга кўп жиҳатдан боғлиқ.*

Бозор шароитларининг тинимсиз ўзгариши, рақобатнинг кучайиши, банк технологияларининг мураккаблашиши, банк муассасаларининг йириклашиши мослашувчан ташкилий тузилмаларни жорий этишни талаб этади, зотан бундай тузилмалар ташқи муҳитнинг беқарор шароитларига функционал тузилмаларга қараганда осон мослашади. Мослашувчан ташкилий тузилмаларнинг муҳим хусусияти шундаки, улар меҳнатни функционал белгига кўра эмас, балки банк маҳсулотлари турларига мувофиқ тақсимлашга асосланади. Бундай тарзда уюштирилган банк маълум миқдорлар гуруҳларига асосий эътиборни қаратади, бу эса банкка уларнинг мақсадли талабларини самарали қондириш имконини беради.

Тижорат банкининг ривожланиши, унинг йириклашиши, кўрсатилаётган банк хизматлари сонининг кўпайишига қараб банкнинг бошқарилувчанлигини таъминлаш учун бошқарув қарорлари қабул қилишда қатъий марказлаштиришдан бош тортиш, ҳуқуқ ва ваколатларни қуйи бўғин ходимларига ўтказишнинг аҳамияти каттадир. Бошқарув функциясини марказдан қуйи бошқарув бўғинларига ўтказиш уларнинг самарадорлигини анча ошириш имконини беради, шу билан бирга, бошқарув жараёнини ташкил этишга, айниқса, ички назоратни кучайтиришга нисбатан талабларни анча оширади.

Ҳар қандай банкнинг, айниқса, йирик банкнинг ташкилий тузилмасини ўзгартириш анча мураккаб жараён эканлигига қарамай, бу янги, янада прогрессив ташкилий тузилмаларга ўтиш учун тўсиқ бўлмаслиги керак. Эскирган ташкилий моделлардан фойдаланиш муқаррар равишда самарадорликнинг йўқолишига, оқибатда эса банкротликка олиб келиши ҳам мумкин.

Банкни бошқарув тизимини такомиллаштириш вазифаларини ҳал қилиш ҳар бир бошқарув объекти фаолиятининг самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор беришни ҳам талаб этади. Бу молия (банк капитали, актив ва пассивлари, ликвидлилик, банк риск-

лари ва ш.к.), банк персонали, ахборот оқимлари ва ҳоказоларни бошқаришни такомиллаштириш ҳисобига амалга оширилиши лозим. Шу билан бирга, бунда банк капитали, ресурсларни жалб этиш ва жойлаштириш операцияларини бошқаришга бир ёқлама ёндашиш хавfli эканлигини ҳам англаб этиш муҳимдир. Шунинг учун ҳам банк фаолиятининг барча жабҳаларида ҳаракатларни қатъий мувофиқлаштиришга алоҳида эътибор беришнинг аҳамияти каттадир.

Тижорат банклари томонидан хизмат кўрсатиш жарёнида ресурслар базасини ошириш, янги мижозлар жалб этиш, рақобат муҳитида мустаҳкам марраларни сақлаш имконини берувчи банк хизматлари турлари кенгайтирилмаса, у муваффақиятли ривожлана олмайди. Бунда янги хизмат турларини яратиш иқтисодий самарадорликни, ташкилий масалалар ва кадрлар таъминотини чуқур, тизимли ишлаб чиқишни талаб этишини ёдда тутиш керак.

Риск омилини бошқариш имконини берувчи қарорлар қабул қилиш механизмларини ривожлантирмасдан катта рискка хос бўлган банк фаолиятини бошқариш ишини такомиллаштириш мумкин эмас. Банк рискларини бошқарув тизими ана шундай механизм бўлиб, у банк раҳбариятига уларни аниқлаш, баҳолаш, кутилаётган даромадлилик билан таққослаш ҳамда мақбул даражага пасайтириш имконини беради.

Ходимларни бошқариш доирасида малакали кадрларни танлаш, уларнинг иш сифатини баҳолаш, меҳнатни рағбатлантириш, банк менежерлари ва хизматчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масалаларини ҳал қилишга алоҳида эътибор бериш керак.

Манфаатлар зиддияти юзага келиши муносабати билан бошқарувнинг паст сифати ёки суиистеъмолчилик ҳолатлари учун менежерларни лавозимдан четлатиш зарурлиги банклар ўз вақтида ҳал қилиши лозим бўлган муаммолардан биридир. Хизматчиларнинг ўз мансабларини суиистеъмол қилишлари банкни инқирозга олиб келувчи асосий сабаблардан биридир. Шунинг учун ҳам, кредит ташкилотида манфаатлар зиддияти соҳасида сиёсат ишлаб чиқирилиши, у банк билан унинг ходимлари ўртасидаги муносабатларни самарали тартибга солиш имконини бериши лозим. Бу сиёсат доирасида, жумладан, банк ходимларининг истеъмол кредитлари олиши, махфий ахборот билан ишлаш муолажалари, қимматбаҳо қоғозлар билан операцияларни амалга оширишда ички ахборотдан фойдаланишга тақиқлар, банк мижозлари ёки ҳамкорларидан совғалар ва бошқа қимматликлар олишга чеклашлар қатъий белгилаб қўйили-

ши мақсадга мувофиқ. Хизматчиларни ёллаш шартномаларида банк ижро этувчи ташкилотининг ваколатлари аниқ таърифлаб қўйилиши, бу ваколатларга мувофиқ, уларга манфаатлар зиддияти юзага келиши муносабати билан жавобгар шахсларни лавозимидан четлатиш ҳуқуқи берилиши лозим.

Банкда унинг ходимларига касбий ўсиш имконини берувчи ходимлар малакасини оширишнинг самарали тизими ишлаб чиқилиши лозим. Банк хизматчиларининг малакасини ошириш дастурлари амалий фаолият билан уйғунликда мажбурий назарий таълимни, ишдан ажралган ҳолда таълим олиш ва келгусида банкка қайтиб келиш имкониятини, банкнинг турли хизматларида, филиалларида мутахассислар сифатида мажбурий малака ошириш даврларини ўз ичига олиши керак.

Банк фаолиятини самарали бошқариш учун зарур ахборотни бошқариш жараёнини таъминловчи ахборот тизимларини ривожлантиришга жиддий эътибор беришнинг ҳам аҳамияти катта. Бошқарув ахборот тизимлари банкдаги пароканда жараёнларни ягона, мантиқан изчил тизимга бирлаштириш вазифасини сифат жиҳатидан янги интеллектуал ва техникавий савияда ҳал қилиш имконини бериши лозим.

Шу билан бир қаторда, банкни бошқарув тизимини такомиллаштириш – назорат тизими орқали амалга оширилиши керак. Иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси «контроллинг» корхоналар фаолиятини бошқаришнинг самарали воситаси эканлигини кўрсатмоқда. Контроллинг бозорнинг муайян шароитларига асосланади ҳамда унинг ноаниқлиги, стихияли хусусиятини, ундаги кескин ўзгаришларни эътиборга олади, ҳисоб, режалаштириш, маркетингни бошқарув мақсадлари ва принциплари ҳамда уларни амалга ошириш усуллари қатъий белгиланган ўзини-ўзи бошқарувчи ягона тизимга бирлаштиради.

**Ниҳоят, тижорат банкни бошқарув тизими ҳақида гапирганда, бошқарувни тизимли ёндашув нуқтаи назаридан такомиллаштириш лозимлигини алоҳида қайд этиб ўтиш керак.** Бу ёндашувга мувофиқ, бошқарувга маълум хоссаларга эга бўлган қўплаб ўзаро боғланган ва ўзаро алоқадор элементларнинг ўзаро таъсири, деб қаралади. Алоҳида ҳолатда бошқарув тизим сифатида бошқарув субъекти билан унинг гоялари рўёбга чиқувчи бошқарув объектининг ўзаро таъсирга киришиш жараёни кўринишида ифодаланади.

### **3.2. Тижорат банки назорат тизимида ички назорат ва аудитнинг мазмуни ҳамда уни такомиллаштириш йўллари**

Назоратни ўрганишга нисбатан ёндашувлар бу соҳадаги илмий тафаккурнинг аҳволига ҳам, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволига ҳам боғлиқдир. Зотан назорат жамият эҳтиёжларини қондиради ва у билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун ҳам, назорат деганда турли фан соҳаларида, авваламбор, бухгалтерия ҳисоби, молия, бошқарув, иқтисодий таҳлил, информатикада ифодаланган назарий билимлар ва амалий тажрибанинг уйғунлиги тушуниш мақсадга мувофиқдир.

Илмий адабиётларда назоратга ҳар хил таъриф берилган бўлиб, улар асосан назоратни ўрганишга нисбатан ёндашувлар билан фарқ қилади. Иқтисод, бошқарув, социологияга доир махсус адабиётларда назоратга бошқарув функциялари ва бошқарув фаолиятининг турлари нуқтаи назаридангина эмас, бошқарувнинг ташкилий шакллари ва усуллари, бошқарув жараёнлари ва бошқарув қарорлари қабул қилиш, бошқарув жараёни технологияси, бошқарувнинг умумий назарияси, шунингдек, давлат тузилмалари ва бошқа тузилмаларни бошқариш, молиявий ва иқтисодий таҳлил, кибернетика, бошқарувни ахборот билан таъминлаш махсус назариялари нуқтаи назаридан ҳам қаралади. Санаб ўтилган ёндашувларнинг кенглиги назоратнинг мураккаблиги ва кўп қирралилигидан далолат берадики, бу назоратни ўрганишда тизимли ёндашувдан фойдаланиш зарурлигини кўрсатади.

Ўз навбатида, мутахассислар «тизимли ёндашув» тушунчасига ҳар хил маъно юклайди, аммо ўрганиш объектига ҳамма кўглаб ички ва ташқи ўзаро алоқалар ва ўзаро боғлиқликлар билан таърифланувчи мураккаб ҳодиса, деб қарайди. Тизимли ёндашув асосида тадқиқот предмети уни таърифловчи элементлар билан улар ўртасидаги алоқалар мажмуи сифатида ишлаб чиқилади. Бунда тизим уни ташкил этувчи хоссаларга эга бўлиб қолмай, сифат жиҳатидан янги хоссаларга эга бўлиши мумкинлигини ҳам эътиборга олиш лозим. Тизимли ёндашув нуқтаи назаридан иқтисод, банк, бошқарув, назорат, ахборот сингари муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий субстанциялар «иқтисодий тизим», «банк тизими», «бошқарув тизими», «назорат тизими», «ахборот тизими» сингари кенг тушунчалар касб этади.

**Бизнингча, ҳар қандай тизимнинг тузилмаси тадқиқот мақсадлари ва предметларига, шунингдек, муаммони ўрганишда амал қилувчи кўрсатмаларга қараб, объектив ва субъектив шарт-шароитлардан**



**келиб чиқиб шакллантириш мумкин. Чунки, ҳар қандай тизимга бошқа мураккаб тизимнинг кичик тизими (ёки элементи) деб қараш ёки у ўзининг алоҳида элементлари сифатида бошқа тизимларни ўз ичига олиши мумкин.**

Ички назоратни тизим сифатида кўриб чиқишга ўтишдан олдин тижорат банкидаги ички назоратнинг асосий мақсадлари ва вазифаларини аниқлаб олиш муҳимдир.

Тижорат банкини бошқарув тизимида ички назоратнинг ўрни ва ролини уни амалга оширишга нисбатан илмий ёндашувларга таяниб ўрганиш лозим.

Менежмент соҳасидаги таниқли мутахассис В.И. Кнорринг «бошқарув — бу энг кам вақт ва ресурслар сарфи билан бошқарув объектига узлуксиз ва изчил таъсир кўрсатиш жараёни»<sup>72</sup>, деб қайд этади. Ваҳоланки, бизнингча, бошқарув объекти сифатида шахс, жамоа, технологик жараён, корхона ёки давлат иштирок этиши мумкин. Шу билан бир қаторда, айнан бошқарувнинг тўғри йўлга қўйилиши натижасида фаолият кўрсатаётган юридик шахслар молиявий хўжалик фаолиятларининг муайян қисми бўлган харажатларни тўғри бошқариш натижасида ўз фойдаларини оширишга эришишлари мумкин.

Бу ерда шунини алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, бошқарув жараёнида нафақат юқори бошқарув тизими балки, ўрта тизимнинг ҳам тугган ўрни юқори бўлиб, қабул қилинган йўриқномаларга қанчалик амал қилиниши ва фаолият давомида такомиллашиши уларнинг малакаларига бевосита боғлиқдир.

Банк бошқаруви тизимида назорат ким томонидан ўтказилишига қараб, сиртдан амалга оширилувчи *ташқи* назоратга ва бошқарув жараёнида банкларнинг ўзи амалга оширувчи *ички* назоратга бўлинади. Шунинг учун ҳам, тижорат банкини бошқарув тизимида ички назоратнинг ўрни ва ролини ўрганишга киришишдан олдин, юқорида санаб ўтилган ёндашувларга таяниб, ички ва ташқи назорат ўртасида чегара ўтказиш лозим.

Ташқи назоратнинг зарурлиги тижорат банклари устидан назоратнинг мавжудлиги билан белгиланади. У банк фаолиятини амалга оширишга доир махсус қоидалар ва йўриқномаларни таърифлаш ва қўллашни, шу жумладан, мазкур қоидаларга риоя этилишини назорат қилишни назарда тутати. Масалан, Ўзбекистон Республикаси

---

<sup>72</sup> Кнорринг В.И. Теория, практика и искусство управления. М.: НОРМА-ИНФРА, 1999.С. 7.

Марказий банки тижорат банкларининг умумий фаолиятини қонунчилик доирасида у томондан берилган лицензия талабларини бажаралишини назорат қилса, банклар солиқларни тўғри ҳисоблашлари ва тўлашларининг назорати Давлат солиқ идоралари томонидан олиб борилади. Шу билан бир қаторда, мустақил аудиторлар ҳам тижорат банкларининг молиявий ҳисоботларининг тўғри тузилганлигини тасдиқлаш жараёнида ҳам текширув ўтказиш билан бир қаторда, банкнинг ички назорат тизимига ҳам баҳо берадилар.

Бу ерда шуни айтиб ўтиш жоизки, ташқи назорат ва текширув, одатда навбатдаги ревизия шаклида ўтказилиб, у эпизодик хусусиятга эга, ҳамда ички ахборот базасидан фойдаланишдан чекланган бўлиб, текширув объекти билан боғлиқ бўлмаган шахслар томонидан амалга оширилади.

Ташқи аудит аудиторлик фирмаси томонидан иқтисодий субъект билан тузилган шартнома асосида, мазкур субъектнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрилигини эркин, малакали баҳолаш, шунингдек, иқтисодий субъектнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш, унинг иш самарадорлигини ошириш юзасидан тавсиялар бериш мақсадида амалга оширилади.

Ички назорат эса тижорат банкнинг барча хизматчилари томонидан узлуксиз амалга оширилади. Бунинг учун жами ички ахборотлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлиш лозим. Ички назорат авваламбор банк, унинг акциядорлари ва мижозлари манфаатларига даҳлдор бошқарув қарорларини қабул қилишда белгиланган муолажа ва ваколатларга риоя қилинишига; қонун ҳужжатлари, Марказий банк ва бошқа давлат ташкилотининг меъёрий ҳужжатлари, шунингдек, касбий фаолият стандартларининг банк томонидан бажарилишига; банк фаолиятида юзага келувчи рисклар устидан назорат қилишга; банк фаолиятида аниқланган камчиликлар ва қоидабузарликларни бартараф этишга ёрдам берувчи самарали чораларни ўз вақтида қабул қилишга йўналтирилган бўлиши керак.

Банкни бошқарув тизимида ички назоратнинг ўрни ва ролини бошқарувга нисбатан туб ёндашувдан ажралган ҳолда ўрганиш мумкин эмас, шунинг учун ҳам биз ўз тадқиқотимизни бошқарув принципларини кўриб чиқишдан бошлаймиз. Бошқарувнинг муҳим принциплари жумласига мутахассислар қуйидагиларни киритади: ваколатларни ўтказиш принципи, мақсадлар принципи, иерархия принципи, бошқарувни рационализация қилиш принципи, назоратни таъминлаш принципи.

*Ваколатларни ўтказиш принципининг* моҳияти раҳбарнинг ўзига берилган ваколатлар, ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг бир қисмини ходимларнинг зиммасига ўтказишидан иборат, зотан меҳнат жараёнини айнан жамоанинг кучи билан уюштиришни таъминлаш ҳар қандай раҳбарнинг бош вазифасидир. Ўз ваколатларини бошқаларга ўтказиш билан раҳбар ўзини ортиқча ишлардан халос қилади ва ўз ваколатлари даражасига мос келувчи мураккаб бошқарув вазифаларини ҳал қилишга асосий эътиборини қаратиш имкониятига эга бўлади. Бу, шунингдек, бошқарув қарорларини қабул қилишда тезкорликни ошириш имконини ҳам беради. Бундан ташқари, мазкур принципга риоя қилиш ходимларнинг малакасини ошириш, уларни мустақиллик ва ташаббускорликка даъват этишга ёрдам беради, уларни меҳнатга рағбатлантиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

*Мақсадлар принципини* амалга ошириш бошқарувда катта аҳамиятга эга. Тижорат банкининг мақсади даромад олишдир, бу эса банкда даромад олишни таъминлайдиган тузилмалар, яъни молиявий маблағларни жалб этиш, жойлаштириш, банк хизматлари кўрсатиш бўлинмалари фаолият кўрсатиши лозимлигини билдиради. Банк даромадини бошқариш учун даромадлар ва харажатларни режалаштириш ҳамда таҳлилдан ўтказиш функцияларини бажарувчи бўлинмалар бўлиши лозим. Тижорат банкининг мазкур функционал бўлинмалари ўзаро келишиб фаолият кўрсатган тақдирдагина қўйилган мақсадларга эришиш мумкин.

*Иерархия принципига* мувофиқ, банк бўлинмалари бошқарувнинг олий бўғинига яқинлигига қараб табақалаштирилади, бунинг натижасида қатъий бошқарув тузилмаси вужудга келади. Мазкур принципга кўра банк менежерларининг раҳбарлик ваколатлари аниқланади.


*Бошқарувни рационализация қилиш принципи* банк менежерлари шу жумладан, янги банк маҳсулотлари ва хизматлари кўрсатиш, янги бозорларни ўзлаштириш, ахборот технологияларини жорий этиш, харажатларни қисқартириш ҳисобига банкни мунтазам ривожлантиришини талаб этади. Мазкур принципни бажариш учун яхлитликни ва ташқи муҳит шароитларига мувофиқликни таъминлаш зарур. Бунга банкнинг алоҳида бўлинмалари фаолиятини ҳам, уларнинг ўзаро фаолиятини ҳам улар ўртасида яқин ҳамкорлик ўрнатиш ҳисобига такомиллаштириш орқали эришилади.

*Назоратни таъминлаш принципи* бошқарувнинг муҳим принципи бўлиб, усиз банкни бошқариш жараёнини амалга ошириш мумкин эмас. Мазкур принцип ҳар хил қоидабузарликлар, потенциал

хатолар ва қўрилиши мумкин бўлган зиёнларнинг олдини олиш, банк фаолиятининг қонунийлиги, ишончлилиги ва самарадорлигини таъминлашга қодир бўлган банк ички назоратини ташкил этишни талаб этади.

### 3.2.1-чизма.

#### Бошқарув жараёнининг умумий схемаси



Бошқарув жараёнини 3.2.1 - чизмада тасвирланган схема ёрдамида ифодалаш мумкин. Бу ерда *бошқарув субъекти*, деганда бошқарув таъсирларини ишлаб чиқиш тизими (ёки бошқарувчи тизим), *бошқарув объекти*, деганда эса – мазкур таъсирлар йўналтирилган тизим (ёки бошқарилувчи тизим) тушунилади.

Бошқарув жараёни умумий ҳолатда муттасил ўзгарувчи *ташқи ва ички муҳит* шароитларида кечади ва бу муносабат ҳар хил даражадаги ноаниқлик билан таърифланади. Ташқи муҳитга бошқарув объекти ва субъектига сирдан таъсир кўрсатувчи кўпгина омиллар: иқтисодий ва сиёсий муҳит, ижтимоий, маданий, табиий ва бошқа шароитлар киради. Корхонани бошқариш нуқтаи назаридан ички муҳит омилларига унинг молиявий аҳволи, техникавий аҳволи, менежерлар ва оддий хизматчиларнинг касбий маҳорат даражаси, жамоадаги маънавий-психологик муҳит ва бошқалар киради.

Бошқарув жараёни таркибий қисмларининг бирлиги ва ўзаро алоқаси тизимнинг муҳим элементи – *тесқари алоқа* орқали таъминланади. Бошқарилувчи объектнинг аҳволи ҳақида ахборот тесқари алоқа канали орқали бошқарув тизимга келиб тушади ва унга мўлжалланган натижадан четлашишни аниқлаш, бошқарув жараёнига зарур тузатишлар киритиш имконини беради.

Шундай қилиб, тескари алоқа қўйилган мақсадларга эришилганини аниқлаш ва тузатувчи бошқарув таъсирлари кўрсатиш имконини беради. Тижорат банкини бошқарув тизимида назорат функциялари айнан тескари алоқа орқали амалга оширилади ва унинг фаолияти натижаларини ҳисобга олиш, қабул қилинувчи бошқарув қарорларининг самарадорлигини сон ва сифат жиҳатидан баҳолаш таъминланади.

**Бошқарув жараёнининг умумий схемасига асосланиб муҳим ҳу-доса чиқариш мумкин.**

**Биринчидан, назорат узлуксиз, бутун бошқарув фаолияти давомида, шу жумладан, унинг якуний босқичида ҳам амалга оширилади.**

**Иккинчидан, назорат мақсад ва вазифаларни қўйишдан бошланган бошқарув жараёнини мантиқан яқунлабгина қолмай, янги бошқарув қарорларини қабул қилишга тўртки ҳам беради.**

Йирик менежмент назариётчиси ва амалиётчиси Анри Файоль<sup>73</sup> (1841-1925 йиллар) ўзаро боғлиқ функциялар билан таърифланувчи бошқарув жараёнининг узлуксизлиги концепциясини 1914 йилдаёқ асослаб берган. Мазкур функциялар қаторида у режалаштириш, ташкил этиш, раҳбарлик, мувофиқлаштириш ва назоратни ҳам тилга олган. Шундан буён ўтган давр ичида мутахассислар таянувчи бошқарувнинг асосий функциялари рўйхатида жиддий ўзгаришлар содир бўлмади. Бугунги кунда бошқарув соҳасидаги кўпгина олимлар режалаштириш, ташкил этиш, мувофиқлаштириш, тартибга солиш, рағбатлантириш, ҳисоб ва назоратни бошқаришнинг асосий функциялари, деб қайд этмоқдалар.

Профессор Тихомиров А.В. эса «Назорат бошқарувининг асосий функцияларидан бири, бошқарилаётган объектининг аҳволи ва фаолияти ҳақидаги ахборотни шакллантириш (ҳисоб), фаолият жараёнлари ва натижалари ҳақидаги ахборотни ўрганиш (таҳлил), ривожланиш ва мақсадларга эришиш жараёнларини, стратегияларнинг самарадорлигини, бошқарув восита ва усулларидан фойдаланишда ютуқ ва камчиликларни ўрганиш ва баҳолаш билан боғлиқ»<sup>74</sup>, деган фикрни илгари сурмоқда. **Бу фикрга қўшилган ҳолда, бизнингча назоратга бирмунча, кенгроқ қараш мақсадга мувофиқ бўлади.**

<sup>73</sup> Кнорринг В.И. Теория, практика и искусство управления. М.: НОРМА-ИНФРА, М, 1999.

<sup>74</sup> Менеджмент (Современный российский менеджмент): Учебник / Под ред. Ф.М. Русинова и М.Л. Разу - М.: ФБК-ПРЕСС, 1998.

Бизнингча, бошқарувнинг исталган функциясини классик бошқарув фаолиятининг маълум даражада мустақил бўлган бир неча турлари — режалаштириш, ташкил этиш, мувофиқлаштириш, рағбатлантириш ва назоратдан иборат функция сифатида ифодалаш мумкин. Бунда мазкур фаолият турларининг ҳар бирини кетма кетликда бажариш жараёнига амал қилишнинг зарур шarti ҳисобланади, яъни уларнинг ўртасида узвий алоқа мавжуд. Бинобарин, бошқарув фаолиятининг юқориди санаб ўтилган барча турларини амалга ошириш орқалигина бошқарувнинг ҳар бир функциясини тўла амалга ошириш мумкин.

Айтилган фикрларни банк маҳсулотининг янги турини режалаштириш ҳамда амалиётга татбиқ этиш жараёни мисолида кўриб чиқамиз. Мазкур вазифани ҳал қилишни бошқарувнинг режалаштириш функциясини амалга оширишдан бошлаймиз. **Уни ўзаро боғлиқ бошқарув ҳаракатларининг мажмуи деб олган ҳолда, бизнинг фикримизча, кўйилган мақсадга эришиш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим:**

- мазкур тадбирларни ўтказишни режалаштириш, яъни вақт ва ресурсларга белгиланган чеклашларда қутилаётган натижани аниқлаб олиш (бошқача айтганда, ким қачон, қанча ва нима иш қилиши керак, деган саволларга жавоб бериш);

- ҳал қилиш жараёнини ташкил этиш ёки қўйилган мақсадларга эришиш йўли, усуллари ва воситаларини аниқлаш;

- режалаштирилаётган жараён иштирокчиларининг ҳаракатларини мувофиқлаштириш, уларнинг ўзаро меҳнат муносабатларини уйғунлаштириш;

- уларнинг ҳаракатларини рағбатлантириш, яъни ҳар бир қўйилган мақсадга эришиш учун бор кучи билан меҳнат қилиши учун шарт-шароит яратиш;

- ўтказилаётган реклама компаниясининг барча иштирокчилари фаолияти устидан тўлақонли назоратни амалга ошириш.

Ташкилий тузилма бошқарув иерархиясини белгилайди. Бошқа ташкилотлар сингари, банклар ҳам бошқарувнинг қатъий иерархик тузилмасига эгадир. Уни иерархик пирамида кўринишида ифодалаш мумкин. Пирамиданинг пастидан оддий ходимлар поғонаси ўрин олади. Кейинги поғона — менежерлар поғонаси. Уларни уч бўғинга ажратиш мумкин: биринчи бўғин менежерлари, ўрта бўғин менежерлари ва олий бўғин менежерлари. Пирамиданинг учидан банкнинг бошқарув ташкилоти ўрин олади: яккабошчилик асосидаги ижро этувчи орган (бошқарув раиси ёки президент), бошқарувнинг

коллегиал органи (бошқарув), ниҳоят, банк мулкдорлари вакилларининг органи (банк кенгаши ёки кузатув кенгаши).

Оддий ходимлар бошқа ходимлар фаолияти устидан назорат функцияларини назарда тутмайдиган ишларни бажаради. Шу билан бирга, улар олинувчи ҳужжатлар, бошқа ахборот турларининг сифатини назорат қилиши, қатор ҳолларда уларнинг функцияларига ҳисоблаш техникаси, бошқа машиналар ва асбоб-ускуналарнинг ишлашини назорат қилиш ҳам киритилиши мумкин. Бу тоифа ходимларга татбиқан ўзини ўзи назорат қилишга муҳим ўрин ажратилиши, буни ривожлантириш учун ташкилотда тегишли шарт-шароитлар яратилиши лозим.

Менежерлар ўз фаолият турига кўра, асосан қўл остидагиларнинг ишини назорат қилиш билан шуғулланади. Шунинг учун ҳам барча бўғин менежерлари назорат функцияларини амалга ошириш кўникмаларига эга бўлишлари лозим. Биринчи бўғин менежерлари оддий ходимлар фаолиятини, олий бўғин менежерлари эса — ўрта бўғин менежерларининг фаолиятини назорат қилади. Олий бўғин менежерлари (бош директорлар, уларнинг ўринбосарлари, президентлар, вице-президентлар, бошқарув раислари), ўз навбатида, ташкилот мулкдорлари — банк кенгаши (кузатув кенгаши) олдида жавобгар бўлади ва уларнинг вакиллари томонидан назорат қилинади.

**Шундай қилиб, бошқарув ташкилоти, унинг иерархик тузилиши нуктаи назаридан назорат бошқарувнинг барча босқичлари ва поғоналарида амалга оширилиши лозим.**

Тижорат банкидаги ички назоратнинг асосий мақсадлари, авваламбор, банкни ва унинг таркибий бўлинмаларини бошқаришнинг самарадорлигини оширишдан, банк фаолиятининг рискларини минималлаштириш, қонун ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатлар, банк фаолияти стандартлари ва касбий этика меъёрлари, банк сиёсатини белгиловчи ва унинг фаолиятини тартибга солувчи ички меъёрий ҳужжатларининг талабларига банк ходимлари томонидан риоя этилишини таъминлашдан иборат.

Бизнинг фикримизча, ички назорат ҳал қилиши лозим бўлган муҳим вазифалар жумласига қуйидаги:

- банк, унинг мулкдорлари (акциядорлари, пайчилари) ва мижозларининг манфаатларига тааллуқли қарорлар қабул қилиш ёколатлари, қоидалари ва муолажаларини белгиловчи ички меъёрий ҳужжатлар тизимини такомиллаштириш;
- қонун ҳужжатлари ва Марказий банк меъёрий ҳужжатларининг, шунингдек, банк сиёсатини белгиловчи ва унинг фаолияти-

ни тартибга солувчи ички меъёрий ҳужжатлари талабларининг банк томонидан бажарилиши;

- бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот тизимини такомиллаштириш;
- банк мол-мулкининг бутлигини таъминлаш;
- банк фаолиятининг рискларини самарали бошқаришни таъминлаш;
- самарали банк ички хўжалик ҳисоби тизимини таъминлаш;
- бошқариш ва назорат жараёнларини ахборот ва таҳлилий таъминлашни такомиллаштириш;
- банк фаолиятида аниқланган қоидабузарликлар ва камчиликларни бартараф этишнинг самарали чораларини ўз вақтида кўриш;
- банкнинг мижозлар билан ўзаро муносабатларини такомиллаштириш;
- банк ходимларини юксак касбий савиясини сақлаш каби вазифаларни киритиш мумкин.

Тижорат банкида ички назоратни ташкил этишга сўнгги вақтда назарияда ҳам, амалиётда ҳам ички назорат тизимини яратиш нуқтаи назаридан ҳам қаралмоқда. Шу билан бирга, бу муаммо бугунги кунда яхши ўрганилмаган муаммолардан бўлиб қолаётир.

Тижорат банкида ички назоратга доир салмоқли ишлар орасида россиялик олимлар Г.В. Чай<sup>75</sup> ва Ж.В. Закарайнинг<sup>76</sup> ишларини қайд этиш мумкин. Шу билан бирга, бу ишларда тижорат банкидаги ички назорат тизимининг яхлит, мантиқан изчил тизими эмас, балки унинг алоҳида парчаларигина кўрсатиб берилган. Корхоналардаги ички назорат масаласига келсак, ташкилотга тағбиқан бундай тизимни яратишга В.В. Бурцев<sup>77</sup> ҳаракат қилиб кўрди. Аммо, унинг умуман олганда этиборга лойиқ бўлган ёндашувида бошқарувнинг умумий схемаси ички назорат тизимига асос қилиб олинганки, (3.2.1-расм), уни мазкур муаммонинг ечимини топишга дастлабки уриниш, деб баҳолаш лозим.

Бизнингча, тижорат банкидаги ички назорат тизими қуйидаги элементларни мажбурий тартибда ўз ичига олиши лозим (3.2.2-чизма):

- назорат муҳити;
- ички назорат турларининг таркиби;
- ички назорат субъектлари ва объектларининг таърифи.


<sup>75</sup> Чай Г.В. Внутренний контроль в коммерческом банке // Автореф. дисс. канд. экон. наук - М.: МГУ, 1996.

<sup>76</sup> Закарая Ж.В. Внутренний контроль в коммерческом банке // Автореф. дисс. канд. экон. наук. - М.: МГУ, 1998.

<sup>77</sup> Бурцев В.В. Система внутреннего контроля организации в современных условиях хозяйствования // Аудиторские ведомости, 1998. - № 8.



Тижорат банкидаги ички назорат тизимининг муҳим элементлари



Назорат муҳити деганда, ички назорат муҳитининг муҳим элементларидан бири тушунилади. «Назорат муҳити» тушунчаси ўз маъносига кўра «банк инфратузилмаси» тушунчасига яқин туради. Банк инфратузилмаси деганда О.И. Лаврушин банкларнинг ҳаётий фаолиятини таъминловчи элементларнинг мажмуини тушунади<sup>78</sup>. Банк инфратузилмаси нисбатан умумий тузилма – банк тизимининг муҳим элементиدير. Шунинг учун ҳам, унинг баъзи бир таркибий қисмлари (масалан, ахборот, метёрий-ҳуқуқий, кадрлар таъминоти) бошқарув тизимининг ҳам, тижорат банкидаги ички назорат тизимининг ҳам элементлари ҳисобланади.

Халқаро қўмита тасдиқлаган Аудиторлик фаолияти стандартлари – Аудит жараёнида бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимларини ўрганиш ва баҳолашда назорат муҳити тушунчаси кенг қўллангани бежиз эмас. Мазкур стандартларга мувофиқ, назорат муҳити деганда, иқтисодий субъект раҳбариятининг хабардорлиги ҳамда ички назорат тизимини ўрнатиш ва мустаҳкамлашга йўналтирилган амалий фаолияти тушунилади. Бизнингча, назорат муҳити тушунчаси анча кенгайтирилиши керак.

Назорат муҳити қуйидаги асосий элементлардан таркиб топиши лозим:

- ахборот таъминоти;
- таҳлилий таъминот;
- техникавий таъминот;
- кадрлар таъминоти;
- банкни ривожлантириш стратегияси ва тактикаси;
- бошқарувнинг ташкилий тузилмаси;
- бошқарув шакллари ва усуллари;
- бошқарув функциялари, ваколатлар ва жавобгарликни тақсимлаш;
- банк рискларини сон ва сифат жиҳатидан чеклаш;
- корпоратив маданият.

Назорат муҳитининг муҳим таркибий қисми – ахборот таъминотини (у метёрий-ҳуқуқий таъминот, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи, автоматлаштирилган банк тизими ва бошқаларни ўз ичига олади) ушбу ишнинг иккинчи қисмида кўриб чиқдик.

Назария ва амалиётда назоратнинг кўпгина турлари тафовут этилади. Бизнингча, тижорат банкларидаги ички назоратни қуйидаги йўналишлар бўйича туркумлаш лозим (3.2.3-чизма):

- ҳал қилинаётган вазифаларнинг хусусиятига қараб маъмурий, бухгалтерия, молиявий, ҳуқуқий, технологик ва бошқарув назоратини;
- назорат ҳажмлари ва қамровига қараб тўлиқ ёки қисман, ком-

<sup>78</sup> Банковское дело: Учебник // Под ред. О.И. Лаврушина - М.: Финансы и статистика, 1999

плекс ёки мавзули, яхлит ёки танлаш асосида назоратни;


- назорат ҳаракатларини амалга ошириш вақтига қараб дастлабки, жорий ва навбатдаги назоратни;

- назорат учун асос қилиб олинган ахборот манбаларига қараб ҳужжатли, фактларга асосланган ва компьютер назоратини;

- ички назоратни амалга оширишда қўлланилувчи усуллар ва муолажаларга қараб умумуслубий усуллар: аудит, таҳлил, тафтиш, мониторинг ва бошқаларни; ҳужжатли назорат усуллари: юридик баҳолаш, мантиқий назорат, режадан ташқари текширув, расмий текширув, тескари ҳисоблаш усули ва бошқаларни; амалий назорат усуллари: инвентаризация, экспертиза, визуал кузатиш, назорат тарзида ўлчаш, лаборатория таҳлили ва бошқаларни тафовут этиш лозим.

### 3.2.3-чизма.

#### Тижорат банкидаги ички назорат турларини туркумлаш



Мазкур иш ҳажмининг чекланганлиги ички назоратнинг барча турларини кўриб чиқиш имконини бермайди, шунинг учун биз қуйида фақат ҳал қилинувчи вазифалар хусусиятига қараб ички назоратнинг турларига тўхталиб ўтамиз. Чунки айнан ана шу ички назорат тизимининг фаолияти ички аудит хизмати текширув объектининг асосий қисми бўлиб, ушбу тизим қанчалик такомиллашган бўлса, банкка берилаётган молиявий ҳисоботларнинг маълумотлари шунчалик ҳаққонийдир.

Бу ерда шуни қайд этиб ўтиш жоизки, ушбу назорат тизими ўзининг моҳиятига кўра, умумий хусусиятга эга бўлиб, маълум бир маҳсус қўшимчаларни киритиш орқали иқтисодийнинг турли соҳаларида фаолият кўрсатаётган ташкилотларнинг тизимига мослаштириш мумкин.

*Маъмурий назорат:* стратегик ва жорий режаларнинг бажарилиши; операцияларни амалга ошириш алгоритмларини очиб берувчи қоидалар, йўриқномалар ва муолажаларни, шунингдек, банк бошқарув ташкилотининг фаолиятини тартибга солувчи қоидаларни тўлиқ, мувофиқ даражада ва ўз вақтида ишлаб чиқишни таъминлаш; банк ички жараёнларининг стандартлаштирилишини таъминлаш; банк бошқаруви ташкилоти ва барча бўғин раҳбарлари ҳаракатларининг тўғрилиги ва мақсадга мувофиқлиги; банк ички бўлинмаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш; банкнинг техникавий даражаси, иқтисодий ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш; мижозлар билан ўзаро муносабатларни такомиллаштириш; таклиф этилаётган хизматларнинг сифати устидан назоратни ўз ичига олади.

*Бухгалтерия назорати,* авваламбор: банкнинг жалб этилган маблағлари, унинг активлари ва мол-мулкининг сақланганлиги; ҳисоб ахбороти ва ҳисоботнинг тўлиқлиги ва тўғрилиги; бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги сиёсатга риоя қилиниши, банк принципларига мувофиқ активларнинг тўғри баҳоланиши; банк харажатларининг асослиги, мижозларнинг тўловлари ва банк тўловларини амалга ошириш; Марказий банк ва солиқ ташкилоти меъёрий талабларининг бажарилиши устидан назоратни таъминлаши лозим.

Банк соҳасида рақобатнинг кучайиши шароитларида *банк харажатлари устидан* назорат бухгалтерия назоратининг долзарб вазифаларидан бирига айланади. Уни амалга оширишда операцион ва нооперацион харажатлар тафовут этилишини ёдда тутиш муҳимдир. Опера-

цион харажатлар кўп жиҳатдан банкнинг жорий ликвидлиги, молия бозори конъюнктураси, Марказий банк ҳисоб ставкасининг миқдори билан белгиланади ва ўзгарувчан хусусиятга эга бўлади. Нооперацион харажатлар молиявий-хўжалик фаолиятига хизмат кўрсатиш соҳаси билан тартибга солинади ва шартли-ўзгармас хусусиятга эга бўлади.

*Молиявий назорат* деганда банк молиявий сиёсатининг бажарилиши; банкнинг молиявий оқимларини бошқариш сифати; банк ресурсларининг вужудга келтирилиши, унинг барча бўлинмалари ўртасида тақсимланиши ва улар томонидан ишлатилиши; белгиланган лимитларга риоя этилиши; ликвидликни, банк рискларини самарали бошқариш; банкнинг, унинг бўлинмаларининг фаолиятини комплекс иқтисодий ва молиявий таҳлилдан ўтказиш; банк ички хўжалик ҳисобини ташкил этиш ва унинг самарадорлиги; бюджетларни шакллантириш ва уларга тузатиш киритиш; молиявий меъёрларга риоя қилиниши устидан назорат тушунилади.

Банк ўз моҳиятига кўра, молия-кредит муассасаси бўлгани туфайли, унга тағбиқан молиявий назорат алоҳида аҳамиятга эга бўлади ва ўзига хос ўрин тутади. У даромадлар ва харажатларни, банк бюджет жараёнини ҳамда унинг ликвидлигини бошқаришнинг самарадорлигини оширишдан иборат. Молиявий назоратни ташкил этиш савияси банк мавқеининг барқарорлигига бевосита таъсир этади, банкни бошқарув тизимини такомиллаштиришга, банкни марказлаштириш ва унинг бўлинмаларини банк раҳбарияти амалга ошираётган сиёсатга бўйсундиришга ёрдам беради.

Банкнинг ички бўлинмалари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш банкдаги молиявий назоратнинг муҳим жабҳасидир. Шунинг учун ҳам, *ички хўжалик ҳисоби тизимининг* мавжудлиги сифатли ички назоратни амалга оширишда катта аҳамиятга эга.

Ички хўжалик ҳисобини ташкил этишда: банк бўлинмаларининг оператив мустақиллигини ўрнатишга; унинг бўлинмалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик тартибини белгилашга; бўлинмаларнинг ўз харажатларини оқлашини назорат қилишга; банк бўлинмалари ҳисоботини ишлаб чиқишга; банк ликвидлиги суғурта фондидини ва фондга маблағлар ажратиш тартибини белгилашга; банк бўлинмалари раҳбарларининг моддий жавобгарлигини ўрнатишга; бюджетни режалаштириш, оператив ҳисоб ва иқтисодий таҳлилни ташкил этишга; банк бўлинмалари фаолиятини иқтисодий таҳлил қилиш комплекс тизимини ишлаб чиқишга; дастурий таъминлашга алоҳида эътибор бериш керак.

Банкларда ички хўжалик ҳисобидан фойдаланиш филиаллар тармоғини бошқаришда назорат функцияларини тўлақонли амалга ошириш имконини беради.

*Ҳуқуқий назорат* банк томонидан амалга оширилувчи барча операциялар ва тузилувчи битимлар устидан назорат қилиш, умуман банк фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш, суд, арбитраж ишларини мувофиқ даражада юритиш воситаси бўлиб хизмат қилади.

*Технологик назорат* барча банк операцияларини, ишларни, лавозим йўриқномаларини бажариш муолажалари устидан назорат функцияларини амалга оширишни назарда тутди.

*Бошқарув назорати* деганда, банк бошқарув ташкилоти ва барча бўғин раҳбарлари фаолиятининг тўғрилиги ва мақсадга мувофиқлиги устидан назорат қилиш тизими тушунилади.

Назоратнинг ҳар бир тури ўзига хос усуллар ва муолажаларга эга. Жумладан, *дастлабки назорат* таҳлил, юридик баҳолаш ва мантиқий назорат; *жорий назорат* — мониторинг, таҳлил, юридик баҳолаш, расмий ва арифметик текшириш, мантиқий назорат ва визуал кузатиш; *навбатдаги назорат* эса — тафтиш, аудит, таҳлил, чапараста текширув, инвентаризация ва экспертиза сингари муолажалардан фойдаланади.

Бунда *аудитга* назоратнинг муҳим усулларида бири, деб қаралади. Бундан ташқари, аудитга назорат субъекти — банкнинг мустақил ихтисослашган таркибий бўлинмаси, деб ҳам қаралади.

*Мониторинг* банк назорати соҳасидаги нисбатан янги тушунчадир. Мониторинг, деганда содир бўлаётган жараёнларни мунтазам кузатиб бориш ва уларга зудлик билан таъсир кўрсатишдан иборат алоҳида назорат муолажаси тушунилади. Бошқарув жараёни нуқтаи назаридан бу бошқарув жараёнини амалга ошириш давомида тузатиш киритувчи қарорлар қабул қилиш мақсадида тескари алоқа жараёнини бевосита ва узлуксиз амалга ошириш демакдир. Амалий фаолиятда мониторингни юритиш мураккаб вазифа бўлиб, ҳозирги замон ахборот тизимларидан фойдаланишни талаб этади.

Назоратнинг у ёки бу турлари ўртасидаги чегара амалда кўринмас бўлиб қолаётир. Шу билан бирга, назорат турларини туркумлаш, унинг мазмун жиҳатини чуқурроқ тушуниш имконини беради, банк таркибий бўлинмалари ўртасида назорат функцияларини тақсимлашга нисбатан ёндашувларни ишлаб чиқишда банк менежерлари учун ўзига хос амалий мўлжал бўлиб хизмат қилади.

Тижорат банкидаги ички назорат субъектларини қуйидагича туркумлаш мумкин:

- банк мулкдорларининг вакиллик ташкилоти (банк кенгаши ёки кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси);
- бошқарувнинг олий коллегиял ташкилоти (бошқарув, қўмиталар, шу жумладан, кредит қўмитаси, активлар ва пассивларни бошқариш қўмитаси);
- банкнинг олий менежерлари (бошқарув раиси ёки президенти, унинг ўринбосарлари);
- банкнинг назорат функцияларини амалга оширувчи махсус хизматлари (ички назорат, ички аудит, хавфсизлик хизмати ва бошқалар);
- инвентаризация, тафтиш, мавзули текширувлар, хизмат текширувлари ўтказиш учун одатда муваққат асосда ташкил этилувчи махсус комиссиялар;
- ўзлавозим мажбуриятлари ва ваколатларига мувофиқ назорат функцияларини амалга оширувчи банк менежерлари ва оддий ходимлари.

Ички назорат субъектлари рўйхатининг ўзиёқ, назорат иерархик пирамиданинг барча поғоналарида — оддий хизматчилардан олий бўгин менежерларигача — амалга оширилиши ва банк мулкдорларининг ваколатлари томонидан бошқарилиши лозимлигидан далолат беради.

Назорат функцияларини амалга оширувчи *махсус хизматлар*, шу жумладан, ички назорат ва ички аудит хизмати ички назоратнинг муҳим субъектларидир. Бундай хизматларга зарурат амалда бўлмағларда намоён бўлиши кераклигини кўриб чиқамиз.

Тижорат банкини бошқаришда ички назоратнинг ўрни ва аҳамиятини ўрганиш ички назорат бошқарувнинг барча босқичлари ва поғоналарида объектив зарур ҳамда авваламбор, бевосита банкнинг таркибий бўлинмаларини бошқариш жараёнида амалга оширилиши лозим, тасвирланган хулоса чиқариш имконини беради. Шу билан бирга, банк бўлинмалари томонидан амалга оширилувчи ички назорат бир қатор объектив ва субъектив сабабларга кўра тўлақонли бўлиши мумкин эмас.

Биринчидан, менежерлар банкнинг муайян бўлинмаларида амалга оширилувчи операциялар мажмуини ўтказиш технологиялари ва ташкилотининг барча нозик жиҳатларини доим ҳам пухта назорат қиливвермайди, чунки, у ёки бу иш жабҳаларига баъзан мазкур бўлинмаларнинг иш хусусиятлари билан яхши таниш бўлмаган раҳбарлар таъинланади. Бошқа томондан, банк маҳсулотларининг жадал ризиқ қиланиши шунга олиб келадикки, ҳатто тажрибали менежерлар ҳам баъқўл остидаги бўлинмалар иш технологияси ва ташкилотнинг барча

нозик жиҳатлари ҳақидаги билимларини йўқотади.

Иккинчидан, менежерлар ўз иш жабҳаларида назорат функцияларини амалга оширадилар, уларнинг бевосита фаолиятидаги камчилик ва нуқсонларни очиб берадилар, бу эса бошқарув сифати ва бинобарин, уларнинг меҳнати натижаларини баҳолашга таъсир кўрсатадилар. Табиийки, менежерлар ўз фаолиятига салбий баҳо беришни истамайди. Бу эса менежерлар билан банк эгалари ўртасида зиддиятлар келиб чиқишига сабаб бўлади.

Учинчидан, ички назорат тизимида банкнинг алоҳида таркибидан бўлинмалари ўзаро ҳамкорлиги «туташувчи» жойлар ҳамиша қолиб қолмай қолади. Бунинг натижасида банкнинг алоҳида бўлинмаларида ички назорат сифатли йўлга қўйилган тақдирда ҳам, умуман, ички назоратнинг аҳволини четдан қўшимча баҳолаш зарур. Буни мазкур бўлинмаларга боғлиқ бўлмаган, яъни ички аудитнинг юқори малакали мутахассислари амалга оширишлари мақсадга мувофиқдир.

Тижорат банкни бошқарув тизимида ички аудит хизматининг вазифаси, авваламбор, яхши ишлайдиган ички назорат тизимини яна ишлаб чиқишдан, уни аниқ услубий ва ташкилий таъминлашдан иборат. Ички назоратнинг аҳволини даврий баҳолашдан, у ёки бу жабҳада ички назорат етарли бўлмаган ҳолларда эса, уни бевосита амалга оширишдан, банк фаолиятининг самарадорлигини ошириш юзасидан хулоса ва таклифлар тайёрлашдан иборат.

Ички назорат банклардаги назорат тизимининг муҳим таркибий қисмидир. Аудит бизга мулкчилик шакллари ўзгараётган даврда келди ва бугунги кунда мустақил назоратнинг кенг қўлланилаётган турларидан бири ҳисобланади.

Фарбда юз йил олдин, мулкчиликнинг акциядорлик шакллари пайдо бўлиши билан бирга вужудга келган аудит бозор муносабатларининг ажралмас атрибути бўлиб қолаётир. Мамлакатимизда аудит кўп йиллар ҳукм сурган давлат назорати ва идоравий назорат тизимлари ўрнига келди ҳамда сўнгги йилларда ўзининг амал қилиш доирасини анча кенгайтирди. Аудит тadbиркорлик фаолиятининг мустақил турига айланди.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда аудитнинг шаклланиш жараёни бозор иқтисоди талабига кўра, бирмунча суст кечаётганини ҳам қайд этиб ўтиш лозим.

Ҳозирги замон менежерлари аудит билан тафтиш ўртасидан яна туб тафовутларни яхши тушунмаслиги ҳам аудитдан амалда кенг фойдаланишга жиддий тўсиқ бўлиб келди. Ваҳоланки, кўпгина раҳ-



барларда тафтишга нисбатан, маъмурий-буйруқбозлик бошқаруви тизимининг жазоловчи воситаларидан бири сифатида қаратилиши каби салбий муносабат сақланиб қолаётир.

Аудит билан тафтишнинг мазмуни ва вазифаси ҳар хил бўлиб, уларни бир-бирига тенглаштириш нотўғри. Тафтишнинг асосий мақсади, камчиликлар ва қоидабузарликларни аниқлаш бўлса, аудитнинг мақсади, ички назоратнинг аҳволини баҳолашдан иборат; тафтишнинг ўрганиш объекти амалдаги қонун ҳужжатлари, корхонанинг бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги сиёсатининг бузилишини аниқлаш бўлса, аудит ташкилотнинг тўлов қобилиятига нутур етказувчи, унинг молиявий аҳволини ёмонлаштирувчи ҳолатларни ўрганади; тафтиш талон-тарождларни олдини олиш ва ҳар хил суиистеъ-молчиликларни тўхтатиш вазифасини ҳал қилса, аудит, бундан ташқари, қўшимча камчиликларни юзага келиб сабабларини аниқлайди ва уларни бартараф этиш борасида ўз тавсияларини беради; тафтиш ўтказишда етказилган зиён миқдорини имкон қадар тўлиқ аниқлаш принципи амал қилса, аудитда харажатлар ва натижалар нисбатининг ақлга мувофиқ мувозанати принципи амал қилади.

Ички назорат объектлари деганда, тижорат банки тизимининг назорат таъсири доирасига кирувчи элементлари, яъни:

- банкнинг, унинг шўъба тузилмаларининг молиявий-хўжалик фаолияти;
- банк ва унинг филиаллари таркибий бўлинмаларининг фаолияти;
- алоҳида банк маҳсуллари, банк томонидан амалга оширилувчи операциялар ва битимлар;
- молиявий оқимлар ва ахборот оқимлари;
- банкнинг алоҳида менежерлари ва оддий хизматчиларининг фаолияти тушунилади.

Банк ички назорат тизимининг самарадорлиги банкда ички назоратнинг мавжуд принципларига қай даражада тўла амал қилишларига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Ички назорат тизимининг фаолиятида улар муҳим ўрин тутати. Назоратнинг муҳим принциплари жумласига қуйидагилар киради:

*Жавобгарлик принципи* банкнинг ҳар бир хизматчиси ўз функцияларини мувофиқ тарзда бажарганлиги учун иқтисодий, маъмурий ва интизомий жавобгар бўлиши лозимлигини назарда тутати. Бунда ҳар бир муайян функцияни бажарганлик учун жавобгарлик

Ўрнатилиши ва банкнинг муайян хизматчисига юкланиши лозим.

*Мувозийлик принципи* ҳар бир назорат субъектининг мажбуриятларини белгилашда унга тегишли ҳуқуқ ва имкониятлар ҳажми юкланиши лозимлигини назарда тутлади.

*Бирлаштириш, ўзаро ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш принципи* назоратга бошқарув тизимининг барча элементлари билан узвий алоқада қарайди ҳамда банкнинг барча бўлинмалари ва хизматчиларининг ўзаро қатъий ҳамкорлигини назарда тутлади.

*Маъмуриятнинг манфаатдорлиги принципи* деганда, банк олий бўғин менежерларининг манфаатдорлигисиз ички назорат тизимининг фаолияти самарали бўлмаслигини назарда тутлади.

*Мувофиқлик принципи* банкда ички назорат тизими бошқарув тизимига мувофиқ, банкнинг катталигига, ташкилий тузилмасининг мураккаблигига, амалга оширилувчи операцияларнинг ҳажми ва турларига боғлиқ бўлиши лозимлигини кўрсатади.

*Турғунлик принципи* ички назорат тизими мугтасил фаолият кўрсатишини назарда тутлади.

*Устуворлик принципи* деганда, назорат функцияларини амалга оширишда мавжуд кучларни ақлга мувофиқ равишда тақсимлаш, банк фаолиятининг мураккаб жабҳаларига асосий эътиборни қаратиш лозимлиги тушунилади.


*Комплекслилик принципи* барча объектларни мувофиқ равишда назорат билан қамраб олишни назарда тутлади, чунки банк фаолиятининг алоҳида жиҳатлари назорат доирасидан чегда қолса, назоратнинг умумий самарадорлигига эришиб бўлмайди.

*Якка жавобгарлик принципи* масъулиятсизликка йўл қўймаслик учун ҳар бир алоҳида назорат функциясини фақат битта назорат субъектига юклашни назарда тутлади (бунда битта назорат субъектига бир нечта назорат функцияларини юкланиши ҳам мумкин).

Ниҳоят, *тартибга солиш принципи* ички назорат тизимининг самарали фаолияти бутун банк фаолияти (унинг барча жабҳалари) қай даражада тартибга солинганлигига бевосита боғлиқ эканлигини кўрсатади.

Тижорат банкида ички назоратнинг ташкил этилиши унинг самарали фаолият кўрсатишида муҳим ўрин тутлади. Ички назоратни ташкил этиш деганда, банкдаги барча назорат хизматларини умуман банкнинг ташкилий тузилмаси билан яқин алоқада ташкил этиш тушунилади (3.1.1 - расм).

## Тижорат банки ташкилий тузилмасининг схемаси



Ички назорат ва ички аудит хизмати банкнинг асосий назорат хизматларидир. Мазкур хизматлар ҳал қилувчи вазифаларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, улар олий ижро этувчи орган мақомига эга бўлиши ёки акциядорлик жамиятини бошқаришни кузатувчи органига бўйсунishi лозим. Бунда ички аудит хизмати мазкур бошқарув ташкилотининг биринчи раҳбарларига бўйсунishининг аҳамияти каттадир.

Расмда қуйидаги шартли белгилар қабул қилинган:  
 узлуксиз чизиқ - тобелик;  
 пунктир чизиқ - назорат.

Бугунги кунга келиб, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида ички назорат ва ички аудит тизими фаолият кўрсатаётганлигига қарамай, улар қуйидаги камчиликлардан холис эмас:

- мазкур тизимлар илмий ва услубий жиҳатдан етарли даражада талқин қилинмаган;
- ушбу тизимларнинг фарқларини етарли даражада назарий жиҳатдан ёритилмаган;
- олий банк менежерлари ўз фаолиятида аудит хулосаларидан етарли даражада фойдаланмайди;
- тижорат банкларида ички назорат тизимини шакллантиришда банк назорати органи, Марказий банк томонидан ташкилий ва услубий йўриқномалар фақатгина тавсия сифатида қабул қилинмоқда.

Шундай қилиб, тижорат банкидаги нафақат ички назорат тизимини балки ички аудит тизимини фаолияти ҳам назоратнинг асосий қисмларидан бири эканлигини, ҳамда банкнинг бошқарув тизимининг таркибий қисми ҳисобланган тизим сифатида тушунилиши мақсадга мувофиқдир.

Мазкур тизимнинг асосий вазифалари тижорат банклари томонидан турли хилдаги хизматларни амалга ошириш жараёнида риск даражасини чеклаш, қонун, меъёрий ҳужжатлар ва банкнинг сифатини белгиловчи стандартлар асосида унинг фаолиятини тартибга солувчи ички меъёрий ҳужжатлар талабларига банк ходимларининг риоя этишларини киритиш мумкин.

Шу билан бирга, мазкур тизим бошқарув жараёнининг барча босқичлари ва погоналарида юзага келиши мумкин бўлган камчиликларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш ва келгусида уларга йўл қўймаслик учун тегишли чоралар кўриш зарурлиги ҳақида бошқарувнинг барча кичик тизимларига зудлик билан ахборот бериш орқали, бошқарув самарадорлигини ошириш мақсадида ташкил этилади.

### **3.3. Тижорат банклари ички назорат тизимининг аудити**

Тижорат банкларининг ички назорат тизими тўғрисида, унинг банк фаолиятида тутган ўрни, аҳамияти тўғрисида олдинги парagraфларда батафсил ёритиб беришга эришдик. Шу билан бир қаторда, ҳар бир тизимнинг қанчалик фойдалилиги ёки зарурлигини унга қўйилган талаблар ва эришилган натижаларни таҳлил қилиш орқали баҳолаш мумкин. Марказий банк ҳам тижорат банклари фаолиятини CAMEL системаси ёрдамида назорат қилиш жараёнида ички назорат тизими фаолияти ташкил этилганлигига алоҳида эътибор қаратади.

Яъни, CAMEL баҳолаш тизимининг алоҳида бўлими тижорат банклари ички назорат тизимига бағишланган бўлиб, у ерда банк раҳбарияти ва жорий қилинган ички назорат тизимига катта эътибор берилади.

Шунинг учун, ички аудит хизматининг асосий вазифаларидан бири тижорат банклари ички назорат тизимини таҳлил қилиш ҳисобланади. Ички аудит тизими фаолиятини текшириш ва унинг натижаларини аудит текшируви билан бевосита боғлаш халқаро аудит стандартлари талабларидан биридир. Ички назорат рисклари ва ички аудит тизимини баҳолашга бағишланган аудиторлик стандартига кўра, «Аудитор аудиторлик текширувини самарали олиб бориш учун бухгалтерия ҳисоби ва назорат тўғрисида умумий тушунчага эга бўлиши, унинг натижаларига кўра, ўз ишини тўғри режалаштириши керак. Шу билан бир қаторда, аудитор текширув жараёнида юзага келиши мумкин бўлган аудиторлик рискини ҳисоблашда ўзининг профессионал фикрига эга бўлиши, ҳамда аудиторлик рискини камайтириш учун маълум бир тадбирлар ишлаб чиқиши лозимдир».<sup>79</sup>

Ю.Ю. Кочиневнинг фикрига кўра, ички аудит тизимини баҳолашга аудит назарияси ва амалиётида катта эътибор берилмоқда. Бу ерда шуни қайд этиб ўтиш жоизки, ички назорат тизимининг самарали фаолият кўрсатиши орқали назорат rischi ( $H_p$ ) даражасини камайтиришга эришиш мумкин. Назорат rischi ( $H_p$ ) даражаси пастлиги ички риск даражасини ва аниқлаш rischi кўрсаткичлари юқори бўлганда ҳам аудит rischi ( $A_p$ ) даражаси паст бўлади<sup>80</sup>.

Шунинг учун ҳам, тижорат банки ички назорат тизимининг аудитини муайян йўналишда амалга ошириши зарур, чунки ташкилий тузилмага мувофиқ, назорат иерархиясининг мавжудлиги яхши назорат тизимини доим ҳам назарда тутавермайди.

Тижорат банклари фаолиятида хатоликлар ва қоидабузарликлар, асосан банк операцияларини амалга ошириш жараёнида юзага келиши мумкин. Масалан, тижорат банклари миқозларига кредит беришдан олдин уларнинг молиявий ахволини таҳлил қилиш ва унинг натижаларини кредит қўмитасига тақдим этиш жараёнида, қисман ҳулоса тайёрлаш, умумий таҳлил кўрсаткичларидан тўлиқ фойдаланилмаслик каби камчиликларни айнан шулар жумласига киритишимиз мумкин.

<sup>79</sup> Халқаро аудит стандартлари ва бухгалтерлар профессионал этик кодекси. Халқаро бухгалтерлар федерацияси. – М.: МЦРСБУ, 2000.

<sup>80</sup> Кочинев Ю.Ю. Аудит 2-е изд.-СПб.:Питер, 2004.-304 с.: ил – (Серия «Бухгалтеру и аудитору»).

Йўл қўйилган бундай камчилик оқибатида эса, кредит қўмитаси томонидан нотўғри қарорлар қабул қилиниши мумкин. Ўз навбатида, тижорат банки олиши мумкин бўлган фойдадан ёки кредит берилган тақдирда маблағларнинг қайтмаслигидан зарар кўриши мумкин.

Бу ўринда шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, тижорат банклари ўз мижозларига хизмат кўрсатишлари жараёнида қабул қилинган қонун ва меъёрий ҳужжатлардан фойдаланиш билан бир қаторда, банкнинг сиёсатига тўғри келадиган ички қоидаларини ҳам ишлаб чиқишлари ва унга кўра, ўз хизматларининг турларини оширган ҳолда фаолият кўрсатишларининг аҳамияти каттадир.

Ф.Л. Дефлиз, Г.Р. Дженик, В.М.О'Рейли, М.Б.Хиршларнинг фикрига кўра «ички назорат тизимини текшириш натижасида аудитор томонидан амалга оширилган операцияларнинг ҳаққонийлигини ва уни амалга ошириш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган камчиликларни молиявий ҳужжатларда аниқланиши имконига мумкинлигига баҳо беришдан иборатдир»<sup>41</sup>.

Шунинг учун ҳам тижорат банкларининг айнан ана шу камчиликларни аниқлашга қаратилган ва ишлаб чиқилган ички ҳужжатлар тўплами биринчи навбатда, ички аудит тизимининг алоҳида эътиборида бўлади. Аудитор ички назорат тизимини текширганида, у ёки бу қоидаларни Ўзбекистон Республикасининг қонуний ҳужжатларига ва тижорат банкининг сиёсатига мувофиқлигини ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Шу билан бир қаторда, тижорат банклари томонидан мижозларга хизмат кўрсатиш сиёсатининг қонунчилик доирасида кўриб чиқиш ички аудит хизмати фаолиятининг назарий қисми бўлиб, амалиётда қабул қилинган банк ички меъёрий ҳужжатларига қанчалик риоя қилинаётганини баҳолаш эса, аудитнинг асосий вазифаларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тижорат банкларининг ички аудитига қўйган талабларига кўра, ички аудит хизмати:

- тижорат банки кенгаши олиб борилган аудиторлик текшируви натижасида банкнинг ҳақиқий молиявий аҳволига ҳамда ички назорат тизимининг самарадорлигига одилона баҳо бериши;

- административ ва операцион тизимнинг фаолияти банкнинг

<sup>41</sup> Аудит Монтомери/Ф.Л. Дефлиз, Г.Р. Дженик, В.М.О'Рейли, М.Б.Хирш; Пер. С англ под ред. Я.В.Соколова. - М.: Аудит, ЮНИТИ, 1997.

олдинга қўйган асосий мақсадларга мос келиши тўғрисидаги ҳисоботларни доимий равишда тақдим этиши лозимдир.

Шу билан бир қаторда, шуни айтиш лозимки, айнан ана шу метёрий ҳужжат асосида «ички аудит тизими ўзининг фаолияти тўғрисида ҳам банк кенгашига ҳисоботларни тақдим этиши лозимлиги айтиб ўтилган».<sup>82</sup>

Бу ерда шуни айтиб ўтиш жоизки, ички назорат тизиминини ишончлилигига банкнинг назорат ташкилоти, Базель комитети ҳам алоҳида эътибор қаратадилар.

Ички назоратга қизиқишнинг катталиги қисман шу билан изоҳланадики, бундай тизимлар банк ташкилотларида зарар қўрилишига олиб келиши мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олиш ёки уларни ўз вақтида аниқлашга ёрдам беради.

Базель қўмитасининг банк назоратига доир тавсияларида ички назорат тизимларини баҳолаш принципларига алоҳида эътибор берилган. Мазкур принципларни ишлаб чиқишда Қўмита айрим мамлакатларда банк соҳасида юзага келган муаммоли вазиятларнинг таҳлилидан олинган сабоқларга таянган.

Мазкур принципларнинг умумий хусусияти банк назорат ташкилотига банкларда ички назоратнинг ташкил этилишини назорат қилиш учун қўлланиладиган ўз усуллари ва назорат муолажаларини баҳолашда юқорида зикр этилган принциплардан фойдаланиш имконини беради. Алоҳида назорат ташкилоти томонидан қўлланиладиган муайян усуллар бир қатор омилларга, шу жумладан, жойларда назорат текширувлари ўтказиш ва масофадан туриб назорат қилиш техникасига ҳамда назорат мақсадида ташқи аудиторлардан фойдаланилиши даражасига боғлиқ эканлигига қарамай, **Базель қўмитасининг барча аъзолари банк ички назорат тизимларини баҳолашда тасдиқланган принциплар қўлланилиши керак, деб ҳисоблайдилар.**

Базель қўмитаси банк назорати ташкилотига ички назорат тизимлари устидан самарали назоратнинг негизини ташкил этувчи принциплардан фойдаланишни тавсия қилади.

Марказий банкнинг тижорат банкларида ички назоратни ташкил этиш юзасидан тавсияларида қуйидагилар қайд этилган:

Ички назорат тизими деганда, банкнинг кундалик фаолияти устидан назоратни амалга ошириш мақсадида, бошқариш механизми тушунилади. Бу механизм:

---

<sup>82</sup> «Тижорат банкларининг ички аудитига Марказий банк томонидан қўйиладиган талаблар тўғрисида» 571-сонли нгзом, 2004 йил 13 март

- бошқарув сиёсати ва муолажаларини;
- мажбуриятларнинг тақсимланишини;
- ваколатларни;
- текширув муолажаларини;
- кундалик операциялар устидан назорат ва уларни ҳисобга олишни;

- сарф-харажатлар устидан назоратни ўз ичига олади.

Раҳбарларнинг вазифаси, ички назорат тизимини мунтазам назорат қилиш ва уни такомиллаштириб боришдан иборат эканлиги ҳам тавсияларда қайд этилган. Назорат муолажалари учун жавоб берувчи ходимлар раҳбарият олдида бевосита ҳисобот беришлари тўғрисида фикрлар бирдирилган.

Тавсия этилган принципларнинг барча жиҳатларини ҳамма банк муассасалари ҳам қўллаш олмасалар-да, умуман олганда, банклар уларни қўллаш йўналишида ҳаракат қилмоқдалар. Натижада, тижорат банкларининг ишончли фаолият кўрсатиши ва умуман, молия тизимининг барқарорлигини таъминлашнинг зарур шарти ҳисобланган самарали ички назорат тизими вужудга келмоқда.

Юқорида айтилганларга мувофиқ, ички назорат тизимини баҳолаш принципларини, бизнингча, олти туркумга ажратиш мумкин:

- 1) бошқарув ва назорат тизими;
- 2) рискларни эътироф этиш ва баҳолаш;
- 3) назорат қилиш ва ваколатларни тақсимлаш фаолияти;
- 4) ахборот ва уни узатиш тизими;
- 5) фаолиятни назорат қилиш ва камчиликларни бартараф этиш;
- 6) ички назорат тизимининг назорат ташкилоти томонидан баҳоланиши.

*Бошқарув ва назорат тизими* банк Кенгаши, ижро этувчи раҳбариятнинг ваколатларини аниқлашни ўз ичига олади. Банк кенгаши ва ижро этувчи раҳбарият банк стратегиясини ва банк сиёсатининг турли жиҳатларига доир ҳужжатларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва вақти-вақти билан қайта кўриб чиқиш, банклар ўз фаолиятида тўқнаш келадиган рискларнинг мақбул даражаларини тушуниш ва белгилаш учун жавобгардир.

Бу ўринда назорат тизимининг сифати персоналга ички назоратнинг муҳимлигини намойиш этувчи касбий фаолиятнинг этик нормалари ва стандартларига риоя қилинишига қараб баҳоланишини қайд этиб ўтиш керак.



*Рискларни эътироф этиш ва баҳолаш.* Ички назорат тизимининг самарадорлигини ошириш мақсадида тизим мунтазам равишда банк операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ жиддий рискларни аниқлаб, уларга баҳо бериб бориши керак. Тегишли баҳо ҳам биргалликда, ҳам алоҳида қабул қилинадиган рискларни қамраб олиши мақсадга мувофиқ.

*Назорат қилиш ва ваколатларни тақсимлаш фаолияти.* Юқорида айтиб ўтилганидек, банклар фаолияти ҳар бир босқичининг назорат функциялари белгиланган тартибда аниқланади ва тасдиқланади.

*Ахборот ва уни узатиш тизими.* Самарали ички назорат тизими банк фаолиятининг барча асосий турларини қамраб олувчи ишончли ахборот тизимларининг бўлишини талаб этади. Улар, банк сиёсатини ва персоналнинг мажбуриятларини тартибга солувчи муолажаларни ходимлар тўлиқ тушуниши ва уларга риоя қилишини, шунингдек, тегишли ходимларга зарур ахборотларнинг етказилишини таъминлаши лозим.

*Фаолиятни назорат қилиш ва камчиликларни бартараф этиш.* Ички назорат тизимининг фаолияти банк раҳбарияти томонидан ҳам, ички аудит хизмати томонидан ҳам муттасил назорат қилиб борилиши керак. Ички аудит хизмати назорат тизимининг бир қисми сифатида тизимнинг мувофиқлигини, самарадорлигини текширади ва ходимларнинг касбий лаёқатини баҳолайди. Назорат натижаларига кўра, тавсиялар тузилади ва улар тегишли бўғин раҳбарларига маълум қилинади. Аниқланган камчиликларни зудлик билан бартараф этиш талаб этилади. Жиддий нуқсонлар ҳақида менежментга ва банк кенгашига хабар берилиши зарур.

*Ички назорат тизимининг назорат ташкилати томонидан баҳоланиши.* Марказий банк фаолиятининг хусусияти ва мураккаблигига кўра, банк баланс ва балансдан ташқари операцияларни амалга ошириш жараёнида қабул қиладиган рискларга мос, самарали ички назорат тизимининг мавжудлигини таъминлайдиган тегишли назорат тизимини бўлишини талаб этади.

Ички назорат тизими ташқи муҳит ва банкнинг ўз фаолиятини амалга ошириш шароитларидаги ўзгаришларга мослашувчан бўлиши керак. Назорат ташкилоти банкнинг ички назорат тизими мазкур банк ўз зиммасига олган рискларнинг ўзига хос хусусиятига номувофиқ ёки самарасиз (масалан, ушбу ҳужжатда ифодаланган барча принципларга мувофиқ эмас) деб топсалар, тегишли чоралар

кўришлари шарт.

Ички назорат тизими фаолиятини ўрганиш объектининг баён этилган вазифаларини бажаришни, бизнингча, ички аудит хизматининг таҳлилдан ўтказиш, баҳолаш ва маслаҳат бериш-тузатиш функцияларига тақсимлаш мумкин.

**Таҳлил қилиш функцияси** деганда, алоҳида филиалларда ва бутун банк тизимида муаммоларнинг юзага келишини илк босқичларда олдини олишга йўналтирилган вазифалар мажмуи тушунилади.

Таҳлил қилиш функциясини бажариш юзага келаётган муаммоларни ўз вақтида аниқлаш, уларнинг олдини олиш механизмини ишлаб чиқиш ва банк раҳбариятига зарарларнинг олдини олиш чораларини кўриш юзасидан тавсиялар бериш имконини беради.

Таҳлил қилиш функциясини бажариш учун ички аудит хизматининг ходимлари бошқа банкларнинг рискларни қисқартириш ва бошқариш борасидаги илғор иш усулларини таҳлилдан ўтказишлари ва банк учун умумий бўлган бир қатор тавсиялар ишлаб чиқиши лозим.

Ички аудит хизмати ишининг натижаларидан Марказий банк ўз фаолияти меъёрий ҳужжатларга мувофиқлигини, шунингдек, активлар сифатини ва банк ишини CAMEL рейтинг тизимига мувофиқ баҳолашда ҳам фойдаланиши мумкин.

Ички аудит хизматининг **баҳолаш функцияси** амалдаги қонун ҳужжатларига ва меъёрий ҳужжатларга тижорат банки ишининг мувофиқлиги даражасини аниқлаш билан боғлиқ.

Банкда текширув ўтказилганлиги ҳақидаги ҳисобот баҳолаш функциясини амалга оширишнинг натижаси бўлиб, унда юқорида санаб ўтилган баҳолар берилади.

Ички аудит хизмати функцияларини кўриб чиқишда маслаҳат ёрдами кўрсатишга зарурат туғилиши ҳам мумкин. Мазкур талаб Марказий банкнинг ички аудит хизмати фаолиятини амалга оширишга доир меъёрий ҳужжатларига киритилмаган. Аудиторлик фаолияти соҳасида жаҳон тажрибасини ўрганиш, кўпгина мамлакатларда банкларнинг аудиторлари маслаҳат ёрдами кўрсатишларидан далолат беради. Бу, биринчидан, тизимда банк қонуний ҳужжатлари меъёрлари ва назорат ташкилоти талабларининг яхши тушунилмаслиги билан боғлиқ қоидабузарликларнинг умумий сонини қисқартиради. Иккинчидан, тижорат банклари банк кўрсаткичларини умумлаштираётганда ва унинг ривожланиш тенденцияларини кузатиб, банк филиалларига

жорий ҳолагга жавоб берувчи бир қатор тавсияларни ишлаб чиқаётганда ички аудиторларнинг маслаҳатлари талаб этилади.

Ички аудит хизматининг **маслаҳат бериш-тузатиш функцияси** банк фаолияти жараёнида аниқланган майда камчиликларни бартараф этишни назарда тутати. Мазкур функцияни бажариш банкдан ёки филиалдан ўз ишига тузатиш киритиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш талаб этади. Агар аниқланган камчиликлар тизимли хусусиятга эга бўлмаса ва банк филиалининг фаолиятига жиддий таҳдид солмаса, ички аудит хизмати банк раҳбарияти билан маслаҳатлар ўтказиш ва тузатиш тадбирларининг хусусиятини келишиши билан кифояланиши мумкин.

Тижорат банкларининг ички назорат тизимини баҳолаш жараёнини юқорида қайд этиб ўтилганидек, бир неча босқичлардан иборат бўлган муолажалар ёрдамида амалга ошириш, чунончи уларни умумлаштирган ҳолда уч қисмга ажратиш мумкин.

Биринчидан бу, умумий танишиш қисми, яъни аудиторлар иш бошлашдан олдин банк бошқаруви ёки филиалининг иш кўлами ва хусусиятлари ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилиш натижасида, ўз фаолиятини олиб бориш жараёнида аудитор банк бошқаруви ёки ички назорат тизимига қай даражада имконига эга бўлишини назарда тутати. Айнан ана шу хулосага кўра, ички аудитор ўз иш режасининг ҳажмини аниқлайди, шуни айтиб ўтиш жоизки, ички назорат тизими қанчалик ишончли бўлмасин, аудиторлар дастлабки баҳолаш амалиётидан фойдланишлари ва тизимнинг маълум бир қисмини текшириб кўришлари, бунинг натижасида ўрганиш жараёнидаги олдинги хулосаларини тўғрилигига амин бўлишлари керак.

Ички назорат тизимини баҳолаш жараёнининг иккинчи қисми, дастлабки баҳолаш - ички назорат тизимининг ишончилигини баҳолаш аудитор мустақил ишлаб чиққан методика ва усулларга асосан амалга оширилади. Баҳолаш жараёнида аудитор қуйидагиларни эътиборга олиши шарт:

- ҳисобот даврида банкнинг актив операцияларини юритишга доир бухгалтерия ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларни назорат қилиш воситаларининг ишончилиги юзасидан текшириш;

- текшириш жараёнида, умуман, жами даврга хос бўлган фаолиятга қараганда алоҳида хусусиятлар ёки тафовутларга эга бўлган фаолият даврларига катта эътибор бериш;

- ички назорат тизими ва алоҳида назорат воситаларининг ишончилигини «қониқарсиз», деб баҳолаш бошқа алоҳида назорат восита-

ларини «қониқарли» ёки «якши», деб баҳолашни истисно этмайди.

Дастлабки баҳолаш яқунларига кўра, аудитор ички назорат тизими билан бир қаторда, алоҳида назорат воситаларининг ишончлилигини «қониқарсиз», «қониқарли» ёки «якши», деб баҳолаши мумкин. Бу ҳолда аудитор аудиторлик муолажаларини мана шу фарздан келиб чиқиб режалаштириши лозим.

Бу ерда шуни қайд этиб ўтиш керакки, ички аудит тизимига қўйилган ҳар қандай баҳо, ўзининг тасдиғини топиши лозим бўлиб, бу жараёни биз учинчи қисм тариқасида изоҳ бериб ўтсак, мақсадга мувофиқ бўлади. Баҳонинг тўғрилигини тасдиқлаш учун аудитор бир неча муолажаларни амалга ошириши лозим бўлиб, айнан ана шу ички назорат тизимига ишонч ҳақида қарор қабул қилиш натижаси аудиторлик текшируви жараёнига таъсир кўрсатади.

Ички назорат тизими тўғрисида дастлабки берилган хулосаларнинг тасдиғини топиш мақсадида, аудитор томонидан назорат тизими ёки унинг алоҳида назорат воситаларининг ишончлилиги ўрганилиши ва унга берилган дастлабки баҳодан паст, деган хулосага келинган тақдирда, у аудит натижалари бўйича хулосаларининг тўғрилигини ошириш учун бошқа аудиторлик муолажаларини амалга ошириш тартибига тегишли ўзгартиришлар киритиши керак.

Ички назорат тизимининг ва алоҳида назорат воситаларининг ишончлилиги ва ишлаш қобилиятини текшириш учун ўтказилувчи аудиторлик муолажалари назорат воситаларини тестдан ўтказиш деб аталади.

Аудит жараёнида ички назоратни ўрганиш ва баҳолаш тартиби Халқаро Кенгаш томонидан қабул қилинган халқаро аудит стандартлари билан ҳам белгилаб қўйилган<sup>83</sup>.

Мазкур стандартнинг талабларига риоя қилиш, аудиторлик текширувини олиб бориш жараёнига бевосита боғлиқ бўлиб, бу боғлиқликни биз монографиянинг тижорат банклари фаолиятини аудит қилиш бўлимида батафсил кўриб чиқамиз, чунки айнан ички назорат тизимига бўлган ишончлилик даражаси текширишдаги танлов услубларига бевосита таъсир кўрсатади.

Ички назорат тизими билан дастлабки танишишда аудитор банк ёки унинг бўлинмасининг иш кўлами ва хусусиятини, бухгалтерия ҳисоби тизими ва назорат муҳитининг аҳволини тушуниб этиши лозим.

<sup>83</sup> 400 – Оценка рисков и система внутреннего контроля”. Международные стандарты аудита и Кодекс этики профессиональных бухгалтеров. – М.: МЦРСБУ, 2000.

Аудиторлик текшируви жараёнида аудитор бухгалтерия ҳисобни тизими банк ёки унинг бўлинмалари фаолиятини тўғри акс эттиришига етарли даражада ишонч ҳосил қилиши керак бўлиб, унга кўра ички назорат тизимининг хусусиятлари бундай ишонч ҳосил қилиш имконини яратиши керак. Ижобий натижаларга эришган тақдирда аудитор тегишли назорат воситаларига таяниши ва:

- аудиторлик муолажалари ҳажмини қисқартириш;
- қўлланилаётган аудиторлик муолажалари мазмунига ўзгартишлар киритиш имкониятига эга бўлиши мумкин.

Ички назорат тизимини ўрганиш жараёнида аудитор ички назорат тизимининг тавсифини тайёрлаши, зарур блок-схемалар ва диаграммалар тузишининг аҳамияти каттадир (3 -илова). Бу тавсиф, блок-схема ва диаграммалар ҳам текширув жараёнида банкнинг ички назорат тизими ҳақидаги билимлардан фойдаланишнинг мумкинлиги ва мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса чиқариш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Умуман, ички назорат тизимининг, назорат муҳитининг ёки алоҳида назорат воситаларининг ишончлилиги ва самаралилигини баҳолашда аудитор камида қуйидаги уч, яъни яхши; қониқарли; қониқарсиз каби градациядан фойдаланиши мақсадга мувофиқдир.

Аудитор текширув ўтказиш жараёнида ички назорат тизимининг хусусиятларини ўрганиш ва баҳолаш натижаларини ҳужжатлаштиришнинг аҳамияти катта бўлиб, айнан ана шу ҳужжатлар асосида текширув режасининг тўғри тузилганлиги ва олиб борилганлиги тўғрисида маълумот олиш мумкин бўлади. Текширув жараёнида аудиторлар зарур ахборотни олишнинг асосий, яъни махсус сўровномалар, тестлар, блок-схемалардан фойдаланиш, ҳужжатларни ўрганиш, хизматчилар ва бошқа шахсларни оғзаки сўровдан ўтказиш, ёзма сўровлар юбориш каби воситалар ёрдамида олишлари мумкин, улар эса ўз навбатида, ички назорат тизимига бўлган баҳоларни тўғри ёки нотўғри эканлигига далил-исбот бўлиб хизмат қиладилар.

Агар банкларда алоҳида назорат воситаларини ёки назорат муҳитининг маълум элементларини қўллаш тартиби қайд этилган ҳужжатлар бўлмаса, керакли далил-исботлар кузатиш йўли билан олиниши мумкин. Лекин, амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, ички назорат тизими фаолиятини кузатиш услуби орқали баҳолаш, сўровлар ўтказиш усулига қараганда ишончлироқдир. Бунда аудитор кузатилаётган ҳолатлар банкка қай даражада хос эканлигини баҳолаши лозим, чунки аудитор бўлмаган ҳолларда муолажалар бошқача тарзда бажарилиши мумкин.

Одатда, кузатиш, сўровлар ўтказиш, ҳужжатларни ўрганиш натижасида олинган ахборот ички назорат тизимининг ишончлилигини баҳолаш учун етарли далиллар беради. Ички назорат тизимининг ишончлилигини дастлабки баҳолаш муолажалари назорат муҳитини баҳолашга мўлжалланган методикалар асосида амалга оширилади (4-илова).

Бунда баҳоланувчи назорат воситаларининг рўйхатлари ҳар хил эканлигини қайд этиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Шунинг учун ҳам, энг аввало, операцияларга рухсат бериш, бошланғич ҳужжатларни, бухгалтерия ҳисоби регистрлари ва бухгалтерия ёзувларини, актив операциялар ўтказилишига доир ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши ва ахборот бериш тартиблари таҳлил этилиши керак.

Бундан келиб чиққан ҳолда ва аудиторнинг фикрини тасдиқлаш мақсадида, бланкаларга зарур маълумотлар, графиклар, блок-схемалар ва ҳоказолар ифодаланган иш ҳужжатларини илова қилиш лозим. Улар бир неча йўналишда олиб борилган ишларни умумлаштириш учун хизмат қилиши мумкин. Аудитор ўз фаолиятида банк филиали бош банкнинг йўриқномалари ва низомларига қай даражада амал қилаётганига йиллик аудит ўтказиш йўли билан ишонч ҳосил қилиши керак.

**Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, аудитор назорат воситаларини текшириш якунлари юзасидан хулосаларни тайёрлашда бир қатор омилларни эътиборга олиши лозим, деган хулосага келишимиз мумкин. Шу билан бирга, биринчидан, муайян назорат воситасини ҳисобот даврида эмас, балки турли даврларда текшириш мақсадга мувофиқдир. Чунки, назорат воситалари бир даврда самарали ишлаша, бошқа даврда самарасиз ишлаши мумкин.**

Иккинчидан, банк филиали ҳисобот даври мобайнида ҳар хил хусусиятга эга бўлган фаолиятни амалга оширади. Шу билан бирга бизнингча, бу ҳолда ички назорат тизимини баҳолашда фаолиятнинг ўзига хос бўлмаган даврларига алоҳида эътибор беришнинг аҳамияти кагга.

Учинчидан, ички назорат тизимининг қониқарсиз деб баҳоланиши бошқа назорат воситаларининг қониқарли ёки яхши, деб баҳоланишини истисно этмаслиги керак. Бу, масалан, муайян назорат чора-тадбирларини амалга оширувчи ходимларнинг тажрибаси, малакаси ва жавобгарлигидаги тафовутлар туфайли содир бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам аудитор ҳар бир назорат воситасини мустақил баҳолаши керак.

**Юқорида айтиб ўтилганидек, назоратнинг асосий мақсади, маълумотларнинг тўлиқ, аниқ ва тўғри акс эттирилишини таъминлашдан иборат.**

**рат. Бу эса аудиторлик текширувининг мақсадлари билан узвий боғлиқ.**


Шунинг учун ҳам аудитор ички назорат тизимини баҳолашда:

- банк раҳбариятининг бухгалтерия тизимини тушуниб етиши ва текширувнинг самарали концепциясини ишлаб чиқиши;
- текширув таваккалчилиги модели доирасида ички назорат таваккалчилигини баҳолаши лозим.

Ишга лаёқатли ички назорат тизими текширувни амалга ошириш жараёнида муҳим аҳамият касб этади. У текширув мақсадларига эришилишини таъминлаши лозим бўлиб, улар йиллик ҳисоботнинг молиявий кўрсаткичларига тааллуқли тарзда қуйидагича аниқланади(3.3.1 - чизма):

### 3.3.1 – чизма.

**Ички назорат тизими баҳолашда фойдаланувчи омилар**



Бу ерда шуни қайд этиб ўтиш керакки, келтирилган ички назорат тизимининг функциялари бир бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларни алоҳида ўрганиш самарасиздир. Улар ўз ҳолича ички назорат бўла олмасда, у ички назорат тизими фаолиятининг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Бундай кўринишдаги иш тақсимооти эса, ўз навбатида, икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг ўзаро алоқасида қоидабузарликлар содир бўлишини истисно этмайди.

Ички аудитор тижорат банкининг ички назорат тизимига раҳбариятнинг бўлган таъсири билан боғлиқ рискларни ҳам аниқлаши мақсадга мувофиқдир. Чунки, молиявий ҳужжатлар билан ишлаш методикалари ва сиёсатлари бўлгани ҳолда, банк раҳбарияти у ёки бу вазифаларни муолажалар ҳамда қонун ҳужжатлари талабларини эътиборга олмасдан бажаришни талаб этиши мумкин.

Шунинг учун ҳам ички аудитор ички назорат тизими ишини мунтазам баҳолаб бориши лозим. Бу жараённи амалга оширишда сўрономалардан фойдаланиш мумкин. Компьютер технологияларидан фойдаланишга доир саволлар компьютер тизими ҳақида асолий ахборот олиш ва мавжуд компьютер назоратига таяниш имко-

ниятини дастлабки баҳолаш учун мўлжалланган. Ниҳоят, сўровнома таклиф этилувчи саволларга жавоб олиш учун компьютер технологиялари бўйича мутахассисни жалб этиш керакми ёки интервью олиш ва тегишли ҳужжатларни мукамал кўриб чиқишнинг ўзи кифоя қиладими, деган масалани ҳал қилишга ёрдам бериши мумкин.

Тижорат банклари бухгалтерия ва назорат тизими фаолияти бири бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб ички назорат тизими самарадорлигига таъсир этиши мумкин бўлган умумий шароитларда ишлайди. Бу умумий шароитлар бирон-бир маълум қолдиқ ёки ахборот оқими билан боғлиқ эмас ва бухгалтерия китобларининг юритилиши ва йиллик ҳисоботнинг тўғрилигига бевосита таъсир кўрсатмайди. Аммо, назорат тизими китоблар ва ҳисоботларнинг тўғрилигига бевосита таъсир кўрсатувчи махсус назорат шакли, унинг ўтказилиши ва самарадорлигига таъсир этиши мумкин. Аудитни режалаштириш босқичида назоратнинг умумий шароитларини баҳолаш, авваламбор, текширувнинг умумий концепцияси юзасидан дастлабки қарор қабул қилиш учун негиз яратишга хизмат қилади.

Бу дастлабки баҳолаш текширув концепцияси узил-кесил аниқланганини билдирмайди, аммо самарали концепцияни ишлаб чиқиш учун зарур, чунки ички назорат тизимининг фаолиятини текширишга катта харажатлар қилинади.

Тижорат банклари фаолиятини ўрганиш натижалари ички назорат тизимида мавжуд муаммоларни беш туркумга ажратиш мумкинлигини кўрсатди:

1) Мувофиқ бошқарув назорати ва ҳисобдорлик тизимининг мавжуд эмаслиги, банкда юксак назорат маданиятини шакллантиришга лаёқатсизлик. Яъни, барча ҳолларда қўрилган йирик зарарлар банкда назорат маданиятини шакллантириш масалаларига раҳбариятнинг эътиборсизлиги ва лоқайдлигини, банк кенгаши ва менежмент томонидан яхши раҳбарлик ва назорат қилинмаслигини, вазифалар ва мажбуриятларнинг тақсимланишига асосланган қатъий бошқарув ҳисобдорлиги тизими мавжуд эмаслигини акс эттиради. Бундай ҳолатлар шунингдек, банк раҳбарияти мувофиқ «чизиқли» назоратни амалга ошириш ва банк бўлинмаларида назоратнинг муҳимлиги тушунчасини юксак даражада сақлаш учун етарлича рағбатлантириш тизимининг мавжуд эмаслиги сабаб бўлиши мумкин.

2) Банкнинг баланс ва балансдан ташқари операцияларининг айрим турлари билан боғлиқ рисклар етарли даражада самарали аниқланмаслиги ва баҳоланмаслиги. Катта зарар қўрган кўпгина банк муассаса-



лари янги банк маҳсулотлари ёки операциялари билан боғлиқ рискларни аниқламаганлар ва баҳоламаганлар ёхуд банк фаолиятини амалга ошириш шартларида жиддий ўзгаришлар содир бўлганига қарамай, рискларни баҳолаш тизимини такомиллаштирмаганлар. Сўнгги даврда содир бўлган кўпгина ҳолатлар анъанавий ёки оддий банк маҳсулотларига мос келадиган назорат тизимлари ноанъанавий ёки нисбатан мураккаб банк маҳсулотларига таъбиқан самара бермаслигини кўрсатади.

3) Асосий назорат тузилмалари ва мажбуриятларни тақсимлаш, операцияларга рухсат бериш, ҳисобварақларни текшириш, режадан ташқари текширувлар, операцион фаолиятни текшириш сингари фаолият турларининг мавжуд эмаслиги ёки заифлиги. Ваконатларнинг тақсимланмаганлиги банклар катта зарар кўрган ҳолларда айниқса, муҳим ўрин тутган.

4) Банкда раҳбарликнинг турли бўғинлари ўртасида, айниқса, муаммолар ҳақида юқори бўғинга хабар беришда ахборот алмашишнинг қониқарсизлиги. Банк сиёсатини ва ички муолажаларини белгилайдиган ҳужжатлар мазкур фаолиятда иштирок этувчи барча ходимлар эътиборига етказилган тақдирдагина самарали бўлиши мумкин. Банклар томонидан кўрилган айрим зарарлар тегишли ходимлар банк сиёсатидан беҳабарлиги ёки уни тушунмаслиги билан боғлиқ. Айрим ҳолларда юқори раҳбариятга етказилиши лозим бўлган қоидабузарликлар ҳақида маълумотлар муаммолар таҳдид солувчи даражага етмагунича банк кенгаши ёки менежментга маълум қилинмаган. Бошқа ҳолларда раҳбариятга ҳисоботларда ифодаланган ахборот мукамал ёки аниқ бўлмаган, уларда банкдаги аҳвол яхшидек қилиб кўрсатилган.

5) Номақбул ёки самарасиз аудит (ёхуд) камчиликларнинг баргараф этилиши устидан назорат. Кўпгина ҳолларда етарли даражада пухта ўтказилмаган аудиторлик текширувлари ички назоратда муаммоли банкларга хос камчиликларни аниқлаб, кўрсата олмаган. Бошқа ҳолларда эса, аудиторлар мавжуд муаммолар ҳақида хабар беришларига қарамай, банк раҳбариятининг кучи билан камчиликларнинг тузатилишини таъминлайдиган механизм мавжуд бўлмаган.

Илмий ишимизнинг ушбу бўлимида биз тижорат банкларининг бошқарув тизимини таҳлил қилган ҳолда, ички назоратнинг аҳамияти ва унинг тутган ўрни тўғрисида сўз юритишимиздан асосий мақсад, айнан ички назоратнинг аудиторлик текшируви билан узвий боғлиқлигини ёритиб беришдир. Чунки, тижорат банкларида аудиторлик текшируви мавсумлилик кўринишга эга бўлганлиги учун аудиторлик текширувининг режалаштириш жараёнида ички назорат

ратнинг тўғри йўлга қўйилганлигига алоҳида эътибор берилиши лозим. Ҳеч кимга сир эмаски, тижорат банклари ўз хизматларини кўрсатиш жараёнида рисклар билан тўқнаш келадилар, тўғри йўлга қўйилган назорат эса айнан ана шу рисклардан ҳимояланишнинг асосларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Ички назорат тизимининг мавжудлиги ҳамда унинг самарали фаолият кўрсатаётгани ўз навбатида, аудиторлик текширувининг бюджетига бевосита таъсир кўрсатиб, унинг сифат даражасига кўра аудиторлар ялпи ёки танлов асосида текширув олиб боришлари мумкин.

Шундай қилиб, юқоридагилардан хулоса сифатида шуни айтишимиз мумкинки:

- тижорат банкларида ички назорат тизимининг мавжудлиги унинг самарали фаолият кўрсатаётганлигининг далили бўла олмайди;

- тижорат банклари ходимлари ўз миждоғларига хизмат кўрсатиш жараёнида ички назорат тизими фаолияти бўйича ўз жавобгарликларини ҳис қилмаяптилар;

- ички назорат тизими бевосита банк ходимларининг малакасига боғлиқ эканлиги, ҳамда малакали кадрларнинг сон жиҳатдан озлиги муаммо бўлиб қолмоқда;

- тижорат банклари фаолияти жараёнида ички назоратни баҳоловчи ҳолисона тизимнинг йўқлиги ва унинг фаолиятини такомиллаштириш борасида амалиётда иш олиб борилмаяпти.

- ташқи ва ички назорат ўртасида чегара тушунчасининг мавжумлиги, ўз навбатида, назоратнинг моҳиятини бузилган ҳолда талқин этилишига олиб келмоқда.

- тижорат банкларининг ички назорат тизими Марказий банк ва ташқи аудитор томонидан текширилишига қарамасдан ҳамда тижорат банклари раҳбарияти томонидан аудит билан тафтиш ўртасидаги туб тафовутларга яхши тушунмаслик, аудит имкониятларидан кенг фойдаланишга тўсқинлик қилмоқда.

- тижорат банклари раҳбарияти ички аудитнинг асосий вазифаларидан бири ички назорат тизимига ҳолисона баҳо бериш ва керак бўлган тақдирда уни такомиллаштириш борасида ўзининг таклифларини бериш зарурлиги тўғрисида тушунчага эмаслар. (ички аудит тизимини банк операцион структурасининг бир қисми эмас, балки, ушбу тизимда ички назоратнинг қандай фаолият кўрсатаётганини баҳоловчи ҳамда ҳолисона фикр берувчи орган сифатида тан олмайтдилар).

- қабул қилинган қарорларнинг сифати ва унинг натижасида эришилган ютуқлар ёки юзага келган муаммолар таҳлили етарли даражада чуқур ўрганилмайди.

- тижорат банклари ҳар бир бўлимларининг йўриқномалари бўлишига қарамасдан, у ўз ичига ички назоратнинг олиб борилиш тартибини тўлиқ қамраб олмаган бўлиб, жумладан, ички назоратнинг чизма кўриниши ҳамда ҳужжатларни тасдиқлаш жараёнини яққол кўриш мумкин эмас.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари тизими фаолиятида ички назоратни такомиллаштириш учун қўйдаги ишларни амалга ошириш, яъни:

- тижорат банклари тизимида ички назоратнинг негизини ташкил этувчи режалаштириш ҳамда уни амалиётга татбиқ этишга эътибор қаратиш;

- тижорат банклари ички назорат тизимини баҳоловчи, шу билан бир қаторда, уни такомиллаштириш борасида мустақил нодавлат тузилмаларини ташкил этиш;

- банк хизматлари турларини ошириш жараёнида у билан боғлиқ бўлган рисклардан ҳимоя воситасининг бир қисми бўлган назорат тизимини яратиш;

- ички назорат тизимининг бевосита қисми бўлган ходимлар малакасини давомли равишда ошириб бориш лозим;

- тижорат банкларида ички назорат нафақат бошқарув тизимида балки барча бўлимларда амалга оширилиши керак;

- тижорат банклари ўз хизматлари доирасини кенгайтириш жараёнида қонунчиликдаги тафовутларни ҳисобга олган ҳолда, уларни бартараф этиш ҳамда рискларни минималлаштириш мақсадида назоратнинг янги турларини ишлаб чиқишлари лозим;

- тижорат банклари ички назорат фаолиятини ташкил қилиш жараёнида фақатгина Марказий банкнинг йўриқномаларига асосланмасдан, қонунчилик асосида ички йўриқномаларни ишлаб чиқишлари ҳамда ўрнатилган тартибда тасдиқлаган ҳолда улардан фойдаланишни йўлга қўйишлари лозим;

- ички йўриқномаларни тузиш жараёнида ҳар бир лавозимдаги хизматчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ёритиб ўтиш билан бир қаторда, ички назорат тизими тўғрисида алоҳида айтиб ўтиш, шу билан бир қаторда ҳужжатларнинг тасдиқланиш жараёнини чизма блок схемалар ёрдамида ёритиб бериш керак.

## IV БОБ

### ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ИЧКИ АУДИТ ТИЗИМИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

#### 4.1. Тижорат банкларида ички аудит текширувини режалаштириш жараёнини такомиллаштириш

Аудитни оқилона бошқариш текширув жараёнини назорат қилишнинг муҳим таркибий қисмларидан биридир. Аудиторлар иш жараёнини тўғри ташкил этиш, яъни аудитни режалаштириш, уни олиб бориш ва хулоса тайёрлаш босқичларини ўрнатилган тартибда, ҳамда қабул қилинган стандартлар асосида ҳужжатлаштириш орқали текширув сифатли ва самарали бўлганини исботлаб беришлари мумкин.

Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари тавсифига кўра «Режалаштириш аудитни ўтказишнинг даслабки босқичи бўлиб, аудиторлик ташкилоти томонидан аудитни ўтказишнинг кутилаётган ҳажми, графиклари ва муддатлари кўрсатилган аудит умумий режасининг ишлаб чиқилишидан, шунингдек, аудиторлик ташкилоти хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи ҳақида объектив ва асосли хулоса чиқариши учун зарур аудиторлик муолажаларининг ҳажми, турлари ва кетма-кетлигини белгиловчи аудиторлик дастурини ишлаб чиқишдан ташкил топади»<sup>84</sup> деб белгиланган.

Республикамик тижорат банклари ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ишлаб чиқилган Йўриқнома<sup>85</sup> ҳамда ички аудит низомига кўра олиб борадилар.

Марказий банк йўриқномасида ва ички аудит низомида ҳам аудит жараёнини режалаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Унга кўра банк филиаллари йил давомида камида бир мартаба аудиторлик текширувидан ўтказилиши кераклиги қайд этиб ўтилган.

Ю.Ю.Кочиневнинг фикрига кўра «Аудит жараёнини режалаштириш умумий мақсадга етишиш учун ҳаракатларнинг йиғиндиси бўлиб, асосий мақсадга эришиш учун текширув стратегиясини ва тактикасини танлаш, текширув тури, ҳажми ва ҳаракатлар кетма-кетлигини таъминлашдир»<sup>86</sup>.

<sup>84</sup> «Аудитни режалаштириш» номли 3 - сонли Аудиторлик миллий стандартлари, 1999 йил 14 июнь

<sup>85</sup> «Тижорат банкларининг ички аудитига Марказий банк томонидан қўйилган талаблар туғрисида» 571-сонли низом, 2004 йил 13 март

<sup>86</sup> Кочинев Ю.Ю. Аудит . 2-е изд. (Серия «Бухгалтеру и аудитору») - СПб.: Питер, 2004

Ички аудит хизмати томонидан филиалларни текшириш режаси йиллик умумий ички аудит фаолияти режасининг таркибий қисми ҳисобланади. Бу режани тузишнинг таклиф этилаётган методикасини тузиш жараёнида қуйидаги тафтиш ва ташқи аудитни режалашгириш методикасини таққослашга асосланиш мумкин. (4.1.1 - жадвал).

#### 4.1.1 - жадвал

#### Тафтиш, ташқи ва ички аудитни режалаштириш методикаларини таққослаш

Тайёргарлик ишининг даврийлиги, муддатлари, муолажалари ва бошқа ўзига хосликлари	Ҳужжатли тафтиш ўтказиш юзасидан методик кўрсатмалар	Аудиторлик фаолиятининг стандартлари	Ички аудитни режалаштириш методикасига доир таклифлар
Режада камраб олинадиган давр	Календарь йили	Шартномага мувофиқ текшириш даври	Календар йили
Тасодифийлик	Мўлжалланади	Мўлжалланмайди	Мўлжалланади
Режадан ташқари текширувлар ўтказиш имконияти	Назарда тутилади	Назарда тутилмайди	Назарда тутилади
Аввалги текширув даври	Акс эттирилади	Акс эттирилмайди	Акс эттирилади
Танлаш муолажаси	Фойдаланилади	Фойдаланилади	Фойдаланилади
Мухимликни аниқлаш муолажалари	Фойдаланилмайди	Фойдаланилади	Қисман фойдаланилади
Аудиторлик хавфхатарини баҳолаш муолажалари	Фойдаланилмайди	Фойдаланилади	Қисман фойдаланилади

Келтирилган жадвал маълумотларига кўра, назорат, ички ва ташқи аудит тузилмаларининг текширувига тайёргарлик кўриш ўзининг даврийлиги, муддатлари ва муолажалари билан бир биридан оз бўлсада фарқлидир.

Жадвал маълумотларидан фойдаланган ҳолда АТ «Пахта банки» ички аудит тизими фаолиятини таҳлил қилсак, у ўз фаолиятини йиллик режага кўра олиб бораётган бир пайтда, ташқи аудитор текширув даврини тузилган шартномаларнинг шартларига кўра режалаштиради, - деб айтишимиз мумкин.

Яъни, АТ «Пахта банк» иш режаси ички аудит тизими низоми талабларига кўра уч босқичдан иборат бўлиб, банк Кенгаши томонидан қабул қилинган йиллик режа аудит жараёнининг биринчи босқичи ҳисобланади.

Йиллик режа асосида Аудит қўмитаси томонидан дастур ишлаб чиқилиши ва ички аудит хизмати раҳбарига текширув саволномалари тузиш учун тақдим қилиниши аудитни режалаштиришнинг иккинчи босқичини ташкил қилади.

Дастур талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳамда олдинги йилларда аниқланган камчиликлар қўламадан келиб чиққан ҳолда текширув саволномаларининг ишлаб чиқилиши аудит жараёнини режалаштиришнинг учинчи босқичи ҳисобланади.

Бу ерда шуни қайд этиб ўтиш жоизки, Марказий банкнинг йўриқномалари талабларидан келиб чиққан ҳолда, АТ «Пахта банки» Кенгаши томонидан тасдиқланган йиллик иш режасида ҳам йил давомида ҳар бир филиалнинг фаолияти текширувдан ўтказилиши кўзда тутилган.

Яъни, хулоса қиладиган бўлсак, йиллик режага кўра қандай йўналиш текширилишидан қатъий назар, банкнинг ҳар бир вилоят филиаллари учун ўртача 22 иш куни ташкил қилганини кўришимиз мумкин.

Бундай қисқа вақт ичида банк филиали фаолиятини текшириш ва камчиликларни аниқлаш учун аудиторлар томонидан кўпроқ иш кучи жалб этишни талаб қилинади. Шу билан бир қаторда, камчиликларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш ва таҳлил қилиш учун етарлича вақт ажрата олмасликлари натижасида аудит самарадорлиги пасайиши мумкин. Бу эса ўз ўзидан филиалда ички назорат тизими фаолиятини такомиллаштиришга асосланган ва филиал фаолиятига ижобий таъсир этиши мумкин бўлган тақлифларни тайёрлаш борасида қийинчиликларни юзага келтириши мумкин.

Худди шундай АТ «Пахта банк»ида аввалги текширув натижалари ички аудит тизими ҳисоботларида акс эттирилса, ташқи аудит учун бунинг аҳамияти катта эмас. Муҳимлилик кўрсаткичларини аниқлаш ва улардан фойдаланиш ички аудит ва назорат тизими учун актуал бўлмаса, ташқи аудит учун аксинча, айтина шу кўрсаткич ишнинг ҳажминини белгилловчи омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Шу билан бир қаторда, АТ «Пахта банки» ички аудит хизмати саволномаларини ўрганиш натижасида муҳимлилик ва рискларни баҳолаш масалалари етарлича ёригилмаганлигини кўришимиз мумкин.

Оқорида қайд этиб ўтганимиздек, аудиторлик текширувининг саволномасини тузиш ва тасдиқлаш банк Аудит қўмитаси томонидан ички аудит тизими раҳбари зиммасига юклатилгандир<sup>87</sup>.

Ушбу низомга кўра ички аудит хизмати раҳбари томонидан ҳар

<sup>87</sup> Ўзбекистон Республикаси АК «Пахта банк» ички аудит тизими низоми

бир текширув олдидан батафсил саволнома тайёрланиб, унда ҳисоботда ёритилиши мумкин бўлган масалалар кўрилган. Қайд этиб ўтиш жоизки, аудиторлик саволномаси ҳар бир текширув олдидан, қонуinchиликдаги янги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, қайта кўриб чиқилган ва тасдиқланган.

Текширув саволномалари ички аудит хизмати ходимларининг билимлари ва малакаларига асосланган ҳолда тузилган бўлиб, унинг негизи банклар фаолияти билан боғлиқ бўлган меъёрий ҳужжатларга асослангандир.

АТ «Пахта банки» мисолида ҳам аудит саволномаси ўз ичига текширув объекти ва ўрганилиши керак бўлган саволлар кетма – кетлигини қамраб олган бўлиб, у ерда асосан қилиниши керак бўлган ишлар ёритилган. **Шу билан бирга, у ерда нима учун айнан ана шу саволлар ўрганилиши қандай оқибатларга олиб келиши ва кўтилаётган хулосаларни олдидан режалаштирилишининг аҳамияти каттадир.**

Бизнинг фикримизча, текширув саволномалари тижорат банклари фаолияти билан боғлиқ меъёрий ҳужжатларга асосланган ҳолда ҳар бир йўналишни ўрганишнинг асосий мақсади ва услублари батафсил ёритилган бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бирга, ички аудит хизмати фаолиятини режалаштириш ишларини амалга ошириш чоғида филиалларнинг молиявий хўжалик фаолиятини текшириш билан бир қаторда, ички назорат тизимини таҳлил қилиш мазкур хизмат олдида турган вазифалардан бири эканлигидан келиб чиқиш лозим. **Филиаллар ишини текшириш режалари ва дастурлари тузишда асосий эътибор, камчиликлар сонини кўнайтириш эмас, балки, бу камчиликларнинг юзга келиши сабабларини аниқлашга қаратилиши керак.**

Яъни, ички аудит хизмати текширувга тайёргарлик кўриш жараёнида, ташқи аудитда бўлгани сингари, режа билан бир қаторда аудиторлик муолажаларининг турлари ва вазифаларини, текширув ҳажмлари ва кетма-кетлигини белгилловчи дастурлар ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бир қаторда, аудиторлик текшируви режалаштири-лаётганда, бизнинг фикримизча, жаҳон амалиёти стандартларида<sup>88</sup> тавсия этилганидек қуйидаги:

<sup>88</sup> Стандарты профессиональной практики проведения внутреннего аудита №410 Институт внутренних аудиторов 1992 год

Комплекслилик - режалаштиришнинг дастлабки босқичидан аудитнинг умумий режаси ва дастурини тузишгача бўлган барча босқичларини ўзаро боғлаш ва мувофиқлаштириш;

Узлуксизлик - филиалларга эга бўлган ташкилотларнинг ички аудитига татбиқан ички аудит хизматининг олдида турган барча вазифаларни ҳал қилиш учун мазкур хизмат ходимларига режалаштираётган давр мобайнида бир хилда иш юкланишини таъминлаш;

Оқилоналик - филиалларга эга бўлган банкларнинг ички аудитига татбиқан ички аудит хизматининг дастурини тузишда мазкур хизмат низомида белгиланган мезонларга амал қилиш ва аудиторларнинг фикрини эътиборга олиш каби алоҳида принципларга алоҳида эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Шундай қилиб, тижорат банкларида ички аудиторлик хизмати ходимлари текширув жараёнига тайёргарлик кўриш жараёнида, асосий эътиборни дастурда белгиланган йўналишдан келиб чиққан ҳолда ўз ишларини режалаштиришлари лозим. Бунда асосан аудиторлик муолажалари ишлаб чиқилиши, текширув учун танлаб олинган филиал географик жойлашганлигига эмас, балки унинг молиявий хўжалик фаолиятини таҳлил қилган ҳолда банк фаолиятида тутган мавқеига кўра танлаб олиниши мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу билан бир қаторда банк филиаллари фаолияти текширувини режалаштириш жараёнида муҳимлик кўрсаткичлари ва аудиторлар текширув жараёнида қарши олишлари мумкин бўлган риск ҳам таҳлил қилиниши керак.

Бу ерда шуни қайд этиб ўтиш жоизки, ҳар бир аудиторнинг текширув участкаси белгиланиши ва уни олиб бориш жараёнида қандай мезонлардан фойдаланиш аудит жараёнига тайёргарлик кўришда энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, режалаштиришни тўғри амалга ошириш эса ички аудит хизмати томонидан олиб борилаётган текширувлар самарасининг ошишига олиб келади.

Ички аудит стандартларида<sup>89</sup> ҳам, текширув жараёнининг режалаштирилиши ва уни бажарилганлигини текшириш ички аудит хизмати раҳбариятининг асосий вазифаларидан бири эканлиги ва унинг бажарилиши учун шахсан жавобгар эканлиги қайд этиб ўтилган.

---

<sup>89</sup> Стандарты профессиональной практики проведения внутреннего аудита №410 Институт внутренних аудиторов. 2003 год.




Ички аудит тўғрисида фикр юритган баъзи бир муаллифлар ҳам бизнинг фикримизни тасдиқлаган ҳолда, бошқариш назариясини аудиторлик текшируви билан боғлашга ҳаракат қиладилар. Масалан, Чамберс аудит жараёнини режалаштириш ёки бошқаришга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган Файоль ва Кунцнинг бошқариш фаолияти моделларини асос қилиб олган (4.1.1-чизма).

Кунц ва О'Доннел умуман олганда Файолнинг фикрига қўшилган, фақат «раҳбарлик» функциясини «ходимларни бошқариш», «мувофиқлаштириш» функциясини эса — «бошқариш ва раҳбарлик» деб ўзгартирган<sup>90</sup>.

#### 4.1.1-чизма

##### Файоль моделида аудит жараёнини бошқариш



Режалаштириш жараёнини биз таркибий қисмларга бўлиб кўрсатган ҳолда 5-иловада ёритишга ҳаракат қилдик. Мазкур илова ўз мазмунига кўра юқорида зикр этилган муаллифлар фикридан унча фарқ қилмайди. Биз ҳам мазкур иловадан келиб чиққан ҳолда, аудитни режалаштириш беш босқичдан иборат бўлишига қарамасдан аудит турига қараб уларга тўлаликча ёки қисман риюя қилиш мумкин. Масалан тўлиқ стандарт аудит жараёни 5-иловада кўрсатилганидек беш босқични ўз ичига олса, ҳисобот ёзиш учун назорат воситаларини баҳолаш кифоя бўлганда тўрт босқич, назорат воситалари бўлмайдиган ва бошқа аудиторлик процедуралари натижа бермайдиган тематик аудиторлик текширувида уч босқични ўз ичига олади.

Мазкур иловада кўрсатилганидек аудитни режалаштириш бўлиши тўрт босқич босқичдан иборат, деб қабул қилиб, унинг биринчи босқичи текширув объекти билан танишув деган фикрга қўшилаемиз.

Бу ерда мазкур бўлимда текширув объекти бўйича умумий ва молиявий маълумотлар, кадрлар таркиби ёки тизимлардаги ўзгаришларни ўз ичига олиши керак деб лозим деб топдик. Шу билан бирга

<sup>90</sup> Адамс Р Основы аудита: Пер с англ / Под ред Я.В. Соколова. — М.: Аудит, ЮНИТИ, 1995

текширув учун аниқ фаолият турларини танлаш иккинчи босқичида операциялар ёки рискларни хусусиятини таҳлил қилиш, муҳимлик кўрсаткичларини аниқлаш, тизимдаги ўзгаришлар ва назоратдаги маълум камчиликларга баҳо беришларининг аҳамияти каттадир.

Аудит услубиётини танлаш аудитни режалаштиришни учинчи босқичи бўлиб у ерда тизимлар ёки маълумотлар аудитига ёки бошқа услубларга аниқликлар киритилади. Аудиторлик ресурсларига бўлган талабларни аниқлаш аудитни режалаштиришни сўнгги босқичи бўлиб ушбу жараён текширув объектининг маълумотларисиз ҳам амалга оширилиши мумкин.

Назорат муҳитини ўрганиш ва таснифлаш аудитни режалаштирини ҳақиқий текширув бошладан олдинги сўнгги босқичидир.

Режалаштиришнинг зарурлигини кўрсатувчи навбатдаги муҳим босқич – **аудиторлик рискларини минималлаштириш босқичидир.**

**Айтиш мумкинки, режалаштириш – аудит текширувини оқилона ўтказиш ва айни вақтда муҳим ҳолатларнинг аниқланмаслик рискини камайтириш имконини берувчи жараёндир.** Шунинг учун ҳам, режалаштириш самарали бўлиши учун, у: биринчидан, текширувнинг биринчи кунидан бошлаб аудитни назорат қилиш, иккинчидан, ба- жарилган ишлар, олинган гувоҳликлар ва чиқарилган хулосаларни рўйхатдан ўтказиш билан тўлдирилиши лозим.

Шунинг учун ҳам аудитор томонидан иш ҳужжатларининг тўғри юритилиши аудитни ўтказиш вақтида риск даражасини камайтирибгина қолмасдан, аудитни режалаштиришга ҳам кўмаклашади ва барча назорат тизимига хос бўлган қарорлар қабул қилиш жараёни- ни енгиллаштиради. Шу боис, биз иш ҳужжатлари ҳақида кейинги параграфда муфассалроқ тўхталамиз.

**Шу билан бир қаторда, юқорида айтилганлардан хулоса қилиши- миз мумкинки, режалаштириш – аудитни мумкин қадар оқилона ба- жарииш ва айни вақтда муҳим ҳолатларнинг аниқланмаслик рискини камайтириш имконини берувчи жараён. Бунга яна шунини қўшимча қилиш мумкинки, аудитни режалаштириш аудиторлик текширувини ўз вақти- да ва самарали ўтказишга йўналтирилган тадбирлар тизимидир.**

Мазкур тизим аудит стратегияси ва тактикасини, аудиторлик текшируви ҳажмини белгилашни, аудитнинг умумий режасини ту- зишни, аудиторлик дастури, муайян аудиторлик муолажалари ва методларини ишлаб чиқишни назарда тутати.

Аудит жараёнида иш ҳажмларининг тўғри аниқланиши нати- жасида у вақт ва маблағлардан оқилона фойдаланишга эришиши

мумкин. Зарур иш ҳажмини белгилашда аудитор назорат тадбирларининг вазифалари ва ҳолатларидан келиб чиқади.

**Бу ерда аудиторлик текширувининг ҳажми деганда, ўтказилиши лозим бўлган аудиторлик муолажалари сони ва даражасига, тўлақонли аудиторлик текшируви ўтказиш, аудиторлик хулосаси тузиш учун зарур вақт сарфига ҳамда мутахассислар сони ва таркибига аудитор томонидан баҳо берилишини назарда тутамиз.** Бинобарин, аудиторлик текширувининг ҳажмини аудитор текширилиши лозим бўлган объект ҳақида олган маълумотларидан, мўлжалланаётган иш ҳажми режасидан, аудитта олинган топшириқдан келиб чиққан ҳолда мустақил белгилайди.

Бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмини белгилашда аудитор ўз фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар талабларидан ҳам келиб чиқиши, назорат тадбирларининг ўзига хос хусусиятларини, шунингдек, дастлабки ўрганиш натижаларини эътиборга олиши мақсадга мувофиқдир.

Текширилаётган объект фаолиятининг асосларини ўрганиш жараёни аудит ҳажмини белгилашда ташланган биринчи қадами ҳисобланади. Фаолият асослари эса аудитор томонидан текширув объектининг асосий молиявий фаолияти таҳлили, фаолият дастури ёки функцияларини ўрганиш жараёнида аниқланади.

Аудит ҳажмини белгилаш аудитни режалаштиришнинг иккинчи босқичидир. Бунда бошланғич ўрганиш чоғида тўпланган ахборотдан объект фаолиятига дастлабки баҳо бериш мақсадида фойдаланилади ёки текширув объектининг амалдаги фаолияти қуйидаги:

- текширув объекти ҳужжатларини кўриб чиқиш;
- расмий саволлар рўйхати ёрдамида раҳбарлар ва хизматчилар билан суҳбатлашиш;
- текширув объектининг кўриб чиқилаётган жиҳатларига нисбатан аудит мезонларининг турларига баҳо бериш услублари орқали амалга оширилади.

Бу ерда шуни қайд этиб ўтиш жоизки, текшириш методлари қисқача бошланғич ўрганиш жараёнида қўлланиладиган методларга ўхшаш бўлганлиги учун кўпинча бу икки босқични фарқлаш қийин. Қисқача бошланғич ўрганиш жараёнида тадқиқот қилишга ўтиш аудит хизмати раҳбари томонидан обзор ҳақидаги ҳисоботни муҳокама қилиш чоғида белгиланади.

Биз томондан ишлаб чиқилган, ҳамда текширув жараёнида аудит ҳажмини аниқлаш учун фойдаланилиши мумкин бўлган саволлар рўйхати 6-иловада келтирилган.

Иловада келтирилганидек, аудит ҳажмини белгилашда муҳимлик масалаларига оидинлик киритиш, рискларга баҳо бериш, текширувни айнан шу йўналишда ўтказиш зарурлигини асослаш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, биз мазкур масалаларга қуйида батафсил тўхталамиз, чунки улар, бизнинг назаримизда, аудит ҳажмини белгилашга таъсир кўрсатувчи асосий омиллардан биридир.

Текширилаётган объектда аудит ҳажмини тўғри аниқлашнинг асосий вазифаларидан бири банк операцияларни амалга ошириш жараёнида йўл қўйилган қонунбузарликларни аниқлашдир.

Аудит ҳажмини белгилаш ички аудит хизмати олдига қўйилган мақсад ва вазифаларга эришилишига катта таъсир кўрсатиш билан бир қаторда, бу жараён ички аудит хизматининг фаолиятига баҳо бериш имконини ҳам беради.

**Текширув ҳажмини белгилаш текширув ҳажмини унинг моҳиятига тегишли бўлган бир неча масалагача муайянлаштиришни назарда тутати.** У текширув объекти функцияларини ва аудит даврини тавсифлайди. Бунда қуйидаги жиҳатлар эътиборга олинishi лозим:

**Муҳимлик** — аудиторлар ўз эътиборини банк Кенгаши учун аҳамиятли бўлган муҳим масалаларга қаратишлари лозим.

АТ «Пахта банк» ички аудит тизимининг текширув олиб бориш жараёнида муҳимлик кўрсаткичлари филиал томонидан амалга оширилган катта маблағдаги транзакцияларни ўз ичига олади. Аудит қўмитаси томонидан махсус топшириқлар олинганда эса бу кўрсаткичлар етарли даражада инобатга олинмайди.

Ваҳоланки, муҳимлик концепциясидан бухгалтерия ҳисобида ҳам, аудитда ҳам фойдаланилади. Бу ерда муҳимлик аудитнинг асосий тушунчаларидан бири бўлиб, у филиал молиявий ҳисоботининг ишончлилигига жиддий таъсир кўрсатувчи ҳолатлар, аудитда муҳим ҳолатлар деб эътироф этилади.

Ҳозирда аудиторлик текширувини режалаштириш чоғида муҳимлик<sup>91</sup> даражасини аниқлаш муаммоси аудит миллий стандартларининг қўлланилиши муносабати билан янада долзарб аҳамият касб этди.

Аудиторлар алоҳида эътибор бериши лозим бўлган муҳим, нотипик, хатоли моддалар ва ҳисобварақларни аниқлаш, тўпланган

<sup>91</sup> Муҳимлик тушунчаси деганда молиявий ҳисоботни бузишнинг энг юқори қиймати тушунилади, ундан бошлаб ана шу ҳисоботнинг малакали фойдаланувчиси унинг асосида тўғри хулосалар чиқариш ва тўғри қарорлар қабул қилишига қодир бўлмай қолади

аудиторлик далилларига баҳо бериш, аудиторлик хулосасининг тури ҳақида қарор қабул қилишда муҳимлик концепциясидан текширувни режалаштириш негизи сифатида фойдаланадилар.

Муҳимлик тушунчаси аудиторлар молиявий ҳисоботларни тийин тийинигача тўғрилигини кафолатлай олмасликлари нуқтаи назаридан жуда катта эътиборни талаб қилади.

АҚШ молиявий ҳисобот стандартлари Кенгашининг таърифи-га кўра, муҳимлик<sup>92</sup> бу ҳисобот маълумотларидаги хато ва камчиликлар салмоғи бўлиб, уларнинг таъсирида муайян ҳолатларда мазкур маълумотлар билан ишлаш тажрибасига эга бўлган шахс ўзининг уларга нисбатан ишончга асосланган дастлабки фикрини ўзгартириши мумкин.

Буюк Британия бухгалтерия стандартлари Кенгашининг фикрига кўра, мавжуд эмаслиги ёки нотўғрилиги натижасида фойдаланувчининг молиявий ҳисоботга асосланган иқтисодий қарорига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ахборот муҳим ахборот ҳисобланади<sup>93</sup> ёки бошқача қилиб айтганда, муҳимлик муайян ҳолатларда кўриб чиқиладиган ахборотнинг ёритилмаганлиги ёки нотўғри акс эттирилгани даражасига боғлиқ бўлади.

Молиявий ҳисобот халқаро стандартлари кўмитасининг талқинига кўра, келтирилмаганлиги ёки нотўғрилиги натижасида фойдаланувчининг молиявий ҳисоботга асосланган иқтисодий қарорига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ахборот муҳим ахборот ҳисобланади<sup>94</sup>. Ўзининг келиб чиқишига кўра, муҳимлик муайян шароитда йўл қўйилган хато ёки камчилик миқдорига боғлиқ бўлади. Хуллас, муҳимлик муайян бўсага миқдорни ёки таянч нуқтасини белгилайди ва ахборот фойдали бўлиши учун зарур асосий сифат мезони ҳисобланмайди.

АҚШ қимматли қоғозлар ва биржалар бўйича комиссияси муҳимлик тушунчасига шундай таъриф беради: «Муҳимлик» атамаси ҳар қандай ҳолат юзасидан ахборот тақдим этиш талаби қўйилган ҳолларда ўртача омонатчи хабардор қилиниши лозим бўлган масалалар ҳақида зарур ахборотни чеклайди». АҚШ суд амалиётида «акцияларнинг ўртача эгаси» тушунчаси, АҚШ аудиторлар уюшмаси-

<sup>92</sup> FASB, Изложение финансовых концепций № 2 «Количественные характеристики бухгалтерской информации»

<sup>93</sup> Совет по бухгалтерским стандартам Великобритании ACCA

<sup>94</sup> Международные стандарты аудита и кодекс этики профессиональных бухгалтеров – М., МЦРСБУ, 2000

нинг нашрларида эса — «хабардор омонатчи» тушунчаси қўлланилади. Россияда ишлаб чиқилган «Муҳимлик ва аудит rischi» стандартида «малакали ҳисоботдан фойдаланувчи» атамаси қўлланилган<sup>95</sup>. Умуман олганда, малакали ҳисоботдан фойдаланувчи деганда, тегишли маълумотлардан хабардор бўлиши лозим бўлган, лекин молиявий ҳисоботларни яхши тушуниши шарт бўлмаган акциялар эгаси тушунилади.

Хуллас, иқтисодий субъект молиявий ҳисоботнинг ишончлилигига жиддий таъсир кўрсатувчи ҳолатлар аудитда муҳим ҳолатлар, деб эътироф этилади.

**Бизнинг фикримизча, муҳимликни текшириладиган банк филиали молиявий ҳисоботнинг ишончилигини тасдиқлашга аудиторнинг тайёрлиги мезони, деб таърифлаш мумкин. Муҳимлик принципи текшириладиган ахборот кўрсаткичлари ҳажми ёки ҳужалик операцияларини акс эттиришда йўл қўйилган хатолар хусусияти билан ҳам белгиланган бўлиши мумкин.**

Муҳимлик принципи аудит жараёнида жуда кўп масалаларни ҳал қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бу принцип аудит босқичлари, аудиторлик муолажалари ҳажми ва мазмуни, тўпланган аудиторлик далилларига баҳо бериш ва аудиторлик хулосаси шакли ўртасидаги алоқаларни ва уларнинг мантиқий изчиллигини таъминлайди. Муҳимлик йўл қўйилган хато миқдорини ва бунинг натижаси ўлароқ, аудиторлик хулосаси тузиш шаклини белгилайди.

Бизнинг назаримизда, муҳимлик принципнинг аудитдаги аҳамияти ва долзарблиги бир неча сабаблар билан изоҳланади:

- биринчидан, аҳамиятсиз тафсилотларни эътиборга олмасликка йўл қўяди, аммо барча муҳим ахборот тўла ёритилишини талаб қилади.
- иккинчидан, баланс суммаси ва тузилишига, молиявий натижаларга бухгалтерия ҳисоби муайян объектлари қийматининг таъсирини аниқлаш имконини беради, бинобарин, аудиторлик муолажалари жараёнида активлар, пасивлар ва молиявий натижалар миқдорига жиддий таъсир кўрсатувчи бухгалтерия операциялари тадқиқ қилинади.
- учинчидан, барча муҳим ахборотлар тўла келтирилишини, молиявий ҳисобот ҳақидаги аудиторлик хулосасида барча муҳим жиҳатлар ёритилишини талаб қилади. Бунда аудиторлик хулосаси,

---

<sup>95</sup> FASB, Изложение финансовых концепций № 2 "Количественные характеристики бухгалтерской информации".

молиявий ҳисобот сингари, ҳисобот маълумотларига асосланиб муайян иқтисодий қарорлар қабул қиладиган кам сонли фойдаланувчиларга мўлжалланади.

Ўзининг моҳиятига кўра муҳимлик сифат ва миқдорий жиҳатларга эгадир. Молиявий ҳисоботда фактнинг нотўғри кўрсатилиши ва аҳамиятсиз бўлиши, лекин, шунга қарамай, уни ёритиш учун асослар мавжуд бўлиши мумкин. Сифат ва миқдорий омиллар таъсири ва муҳимлик принципини амалда қўллашни оғирлаштиради.

Бундан ташқари, муҳимлик тушунчасига муайян даражада субъективлик хусусияти ҳам хосдир: бир аудитор муҳим, деб ҳисоблаган ҳолатни бошқа аудитор аҳамиятсиз, деб ҳисоблаши мумкин. Аммо, бухгалтерия фаолияти доирасида ўлчашларни амалга ошириш имкониятлари чекланганлиги, шунингдек, аудиторлик текшируви жараёни ва технологиясидаги муайян чеклашлар туфайли муҳимлик чегараларини аниқ белгилаш мумкин эмас.

Муҳимлик даражаси, режалаштириш босқичида аниқланади ва текширув объекти хусусиятларига, чунончи: фаолият тармоғи, корхонанинг катталиги, даромаднинг солиққа тортилгунга қадар бўлган суммаси, айланма воситалар қиймати, шартли мажбуриятларнинг, ҳисоботда ғайриоддий моддаларнинг мавжудлигига ва бошқа хусусиятларга боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам, муҳимлик даражаси миқдори аудитчининг умумий режасида акс эттирилишининг аҳамияти каттадир.

Режалаштириш пайтида аудитор бухгалтерия ҳисоботида жиддий нуқсонларни келтириб чиқариши мумкин бўлган омилларни ҳисобга олиши лозим.

Одатда ғарб амалиётида муҳимлик даражасини аниқлаш муолажаларини аудиторлар ўзлари белгилайдилар<sup>96</sup>. Бу муолажалар бўриқномалар, методик тавсиялар тарзида расмийлаштирилиши мумкин.

Бу ерда шуни қайд этиб ўтиш жоизки, аудитда муҳимликка даҳо бериш масаласи, энг аввало, бухгалтерия ҳисоботининг бир ёки бир неча кўрсаткичларини ва муҳимликнинг миқдорий мезони йўл қўйилиши мумкин бўлган энг катта миқдорни ҳисоблаш усулини ўз ичига олувчи муайян негизни танлашдан иборатдир.

Одатда, йўл қўйилиши мумкин бўлган хато миқдори режалаштирилган муҳимликка нисбатан 50-70 фоиз даражасида белгилана-

---

Международные стандарты аудита и Кодекс этики профессиональных бухгалтеров.  
М : МЦРСБУ, 2000.

ди. Лекин, йўл қўйилиши мумкин бўлган хато даражаси ҳаддан ташқари паст бўлмаслиги керак, чунки бу аудиторлик таомиллари ҳажмлари асоссиз оширилишига олиб келиши мумкин.

Шунинг учун ҳам, одатда аудиторлар аниқ миқдорий баҳолашларсиз иш кўрадилар, шунинг учун ҳам 5 фоизгача оғиш аҳамиятсиз деб, фоиздан ортиқ оғиш эса — муҳим, деб ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, муҳимликнинг режалаштирилган даражасини ҳисоблаш учун молиявий ҳисобот кўрсаткичларининг ўқитиш тоифа кўрсаткичлари, яъни:

- бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари;
- баланс моддалари;
- бухгалтерия ҳисоботи кўрсаткичлари танлаш мумкин.

Бунда жорий йилнинг асосий кўрсаткичларидан ва олдинги йилларнинг ўртача ҳолатга келтирилган кўрсаткичларидан ҳам фойдаланилиши мумкин.

Миллий стандартда ҳам муҳимлик кўрсаткичларини аниқлашни конкрет йўналишлари эмас, балки бунга оид бир қанча қоидалар белгиланган. Чунончи, мазкур стандартга мувофиқ, «аудиторлар муҳимлик миқдорини аниқлашни тартибга солувчи расмий ички ҳужжатга эга бўлишлари лозим»<sup>97</sup>, деб таъкидлаб ўтилган. Ушбу ҳужжат аудиторлик фирмаси ижро этувчи органининг қарори билан тасдиқланган бўлиши ва доимий асосда қўлланилиши керак.

Биз юқорида қайд этилган уч гуруҳдан бири, уларнинг иккитаси ёки бир йўла учаласи асос қилиб олинishi мумкин, деб ҳисоблаймиз. Ҳар бир муайян ҳолда у ёки бу ҳисобварақлар, моддалар ва кўрсаткичларнинг танланиши молиявий ахборотнинг сифат жиҳатларига ва миқдорий кўрсаткичларига боғлиқ бўлади.

**Бизнинг фикримизча, муҳимликни ҳисоблаш учун асосни танлаш фойдаланувчилар учун жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган бухгалтерия ҳисоботи кўрсаткичларини аниқлашдан иборатдир. Бунда жуда кўп омиллар, чунончи: тармоқ хусусияти, фаолият кўлами, молиявий натижалар ва баланс тузилиши ҳисобга олинishi лозим.**

Муҳимлик учун асосни белгилагач, аудитор муҳимликнинг миқдорий мезонини ҳисоблаш усулини аниқлаши лозим. Айни ҳолда ушбу мезонни ҳисоблашнинг икки усули тўғрисида сўз юритиш мумкин. Биринчи усулда барча қўлланилаётган кўрсаткичлар гуруҳи

<sup>97</sup> “Муҳимлик ва аудиторлик таваккалчилиги” Ўзбекистон Республикаси аудит миллий стандарти, 9-сон.



учун муҳимлик даражасининг ягона кўрсаткичи белгиланади. Иккинчи усулда муҳимлик даражасининг бир нечта кўрсаткичлари белгиланади; ҳар бир асос кўрсаткич учун муайян фоиз ёки фоизлар қатори тарзида муҳимликнинг нисбий катталиги танланади.

Бошқача айтганда, агарда филиалнинг молиявий фаолияти нисбатан барқарор бўлса қуйидаги 4.1.2-жадвалда кўрсаткичлардан муҳимликни манъбаси сифатида фойдаланишимиз мумкин. Бу ерда муҳимлик ҳар бир молиявий ҳисобот кўрсаткичларига нисбатан, ҳамда умумий ўртача кўрсаткичлар сифатида аниқланган.

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, аудит жараёнида муҳимлик кўрсаткичларидан фойдаланишда жуда эҳтиёткор бўлиш лозим бўлиб, унинг кўрсаткичи қанчалик катта бўлса, камчиликларнинг аниқланмаслик риски даражаси ҳам шунча юқори бўлади.

Масалан, жами активларга нисбатан аниқланган муҳимлик кўрсаткичи 14569,8 минг сўм деб қабул қилинган ҳолда, банк активларининг айнан ана шу суммадан юқори бўлган операциялар текширув объекти бўлиши мумкин. Бу кўрсаткич даражаси эса ўз ўзидан банкнинг бошқа текширилиши керак бўлган молиявий ҳисобот моддаларини қамраб олмаслиги рискинни бошқариш учун биз ўртача аниқланган муҳимлик кўрсаткичидан фойдаланишимиз мумкин.

#### 4.1.2 - жадвал

#### Муҳимлик даражасини ҳисоблаш

Молиявий ҳисобот кўрсаткичлари	Минг сўмда	Муҳимлик даражаси % да	Муҳимлик кўрсаткичи (минг. сўмда)
1	2	3	4
Баланс бўйича фойдаси	23 434,5	5	1 124,7
Жами даромад	192 765,3	2	3 855,3
Жами активлар	1 456 982,6		14 569,8
Акционер капитал	98 378,7	10	9 837,8
Умумий харажатлар	169 330,8	2	3 386,6

Шунинг учун, бу ерда муҳимлик даражасини ўртача 6554,8 минг. сўм тақлиф қилишимиз мумкин. Аммо, бу ерда шуни қайд этиб ўтиш жоизки, ўзининг моҳияти жиҳатидан текширув жараёнида аниқланган камчиликларнинг аниқланмаслик сони ва муҳимлик

ўртасида бевосита боғлиқлик бор. Яъни, муҳимлик қанча катта бўлса, молиявий ҳисоботларни тузишда юзага келиши мумкин бўлган камчиликларни аниқланмаслик rischi шунчалик юқори бўлади.

Шу билан бирга, бизнинг назаримизда, бухгалтерия баланси молдаларига нисбатан фоизлар ҳисобланадиган хатонинг стандарт даражаси ушбу методнинг камчилиги бўлиб, у ҳисоб юритишнинг муайян жабҳаларида фарқ қилиши мумкин бўлган ички назорат тизимининг таваккалчиликларини ҳисобга олиш имконини бермайди.

**Шунинг учун ҳам, бизнинг фикримизча, текширув жараёнида молиявий ва ҳужалик операцияларида қайд этилган республикада амал қилувчи тегишли меъёрий ҳужжатларнинг талабларига зид ҳолатларни ўрганиш мақсадида аудитор муҳимликнинг микдорий кўрсаткичлардан ташқари сифат жиҳатини ҳам эътиборга олиши мақсадга мувофиқдир.**

Бундан асосий мақсад, муҳимлик нуқтаи назаридан аудит ҳажмини аниқлаш жараёнида ўз ихтиёридаги молиявий ва иш вақти каби ресурслардан оқилона фойдаланишдир. Бу эса, тижорат банкларининг раҳбар ташкилоти ички аудит тизими фаолиятига баҳо бериш жараёнида самарадорлик ва тежамкорлик кўрсаткичларидан тўғри фойдаланиш имкониятини яратади.

Муҳимлик даражасини аниқлашда аудиторлар иш ҳажмини аниқлашга ёрдам берувчи мезонларидан фойдаланишлари мумкин. Ушбу босқичда мезонлар назорат тадбирларининг негизини ташкил этувчи зарур талаблар даражаси билан белгиланади. Текширилаётган объектнинг аудит мезонларига мувофиқлик даражасини аудит сўровномасидан фойдаланиш йўли орқали аниқлаш мумкин.

Аудит мезонларини белгилаш жараёнида, улар қайси манбалардан олинганлигидан қатъи назар, аудитор текширилаётган объект раҳбариятининг дастурни бошқаришга нисбатан ёндашувига баҳо беришга ёрдамчи восита сифатида хизмат қилиши мумкин. Бу ерда бевосита текширишни бошлашдан олдин текширилаётган объект раҳбарияти билан аудит мезонларини муҳокама қилиш, текширилаётган объект билан нормал муносабатларни сақлаб қолишнинг муҳим жиҳатидир.

Режалаштириш чоғида аудитор, асосан бухгалтерия ҳисоби кўрсаткичларининг муҳимлик даражасига баҳо беради. Шу боис, биз аудитор муҳимлик даражасини ҳисоб юритиш тизимидаги таваккалчилик даражаси билан ўзаро боғлиқликда аниқлаши керак, деб ҳисоблаймиз. Шунини қайд этиш керакки, ҳисоб юритиш тизимини текширишнинг ўзи бухгалтерия ҳисоботида йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоларни аниқлаш имконини беради.

Муҳимлик даражасига баҳо бериш масалаларининг амалий аҳамияти ҳар бир аудит текшируви жараёнида муҳимлик асосини танлаш ва унинг миқдорини ҳисоблашнинг ўз услуб ва усулларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Бунда биз муҳимлик даражасига муҳимликнинг сифат кўрсаткичи билан боғлиқлиги аниқланган ҳисоб юритиш тизимининг тавakkалчилик даражаси кўрсаткичи ёрдамида баҳо беришни таклиф қиламиз.

Амалдаги аудит стандартлари<sup>98</sup> аудитор ҳисоботида аудит мезонлари кўрсатилишини талаб қилади. Стандартлар аудиторни муҳимлик даражасини, уни ёритиш шакллари ва унинг манбаларини танлаш мезонлари билан таъминлайди.

Текширув объекти банк учун муҳим аҳамиятга эга фаолиятни амалга оширган ҳолларда аудиторлар командаси одатда рискларни, шу жумладан,:

- ишга доир рискни, яъни текширув объектига хос фаолиятни;
- хатога йўл қўйилган тақдирда банк ёки текширув объекти кўриши мумкин бўлган зарарни;

- ҳодисаларнинг рўй бериш эҳтимолини жуда пухта таҳлил қилади.

Филиал фаолияти самарадорлигини текшириш жараёнида жуда кўп фойдали методлардан фойдаланиш мумкин. Энг муҳими, аудит ўтказишнинг аҳамияти ва имкониятига баҳо беришда команда аъзолари томонидан ўрганилган маълумотлардан фойдаланиш лозим.

Аудитнинг аҳамиятига баҳо бериш аудит текширувининг энг оғир ва муҳим вазифаси эканлиги умумий эътироф этилган. Баҳо бериш жараёнида аудиторлар ўзаро мунозара қиладилар ва олдинги иш тажрибасидан келиб чиқадилар.

**Бизнинг назаримизда, аудитнинг муҳим соҳаларини аниқлашда, аудитнинг потенциал муҳим масалаларидан, аудит ўтказишнинг мақсада мувофиқлигидан, аудитнинг сифат ва миқдорий жиҳатларидан келиб чиқиш лозим.**

Аудитнинг потенциал муҳим масалалари, деганда текширилаётган объектда мавжуд бўлиши мумкин бўлган, объект учун муҳим ва аҳамиятли бўлгани ҳолда, белгиланган мезонлардан фарқ қиланган ҳолатлар тушунилади.

**Потенциал муҳим масалалар текширилаётган объект учун риск даражаси юқори (айтайлик, банк учун аҳамиятга эга бўлган янги)**

<sup>98</sup> Международные стандарты аудита и кодекс этики профессиональных бухгалтеров 1999. - М.: МЦРСБУ, 2000.

йўналиш бўлиши ҳам мумкин. Бундай масалалар юзасидан қарор аудит натижаларига баҳо бериш жараёнида қабул қилинади.

Потенциал муҳим масалаларга баҳо бериш ва ўрганиш сўров ўтказиш пайтида олинган ахборотларни умумлаштириш чоғида амалга оширилади. Режалаштиришнинг дастлабки босқичида кўриб чиқилган потенциал муҳим масалалар, аудитни ўтказиш пайтида асосий масалалар ҳисобланади.

**Аудитни ўтказишнинг мақсадга мувофиқлиги** ишлар ҳажмини аниқлашнинг икки асосий принципларидан биридир. Бунда текширилаётган объект муваффақиятли фаолият кўрсатишига имконият яратувчи муҳим омиллар таъсири масалаларига эътибор берилди. Режалаштириш босқичида аудит ўтказиш имкониятига баҳо бериш, текшириш ва ҳисоботлар тақдим этиш жараёнида уни муттасил қайта баҳолаш текширув ҳажмини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Аудит ўтказиш мақсадга мувофиқ эканлигига аниқ ва асосланган баҳо бериш аудитор хулосаларининг ишончилигини мустаҳкамлайди. Бундай хулосалар асосан моддий негизни кўриб чиқишга асосланади.

Моддий негиз деганда, дастурнинг молиявий, меҳнат ва жисмоний ресурсларига ёки текширилаётган объектнинг даромадлари ва харажатларига оид функцияларнинг бажарилишига сифат ва миқдор жиҳатидан баҳо беришни назарда тутилади.

Самарадорлик аудитида муҳимлик принципи пул баҳосини, шунингдек, ҳисоботдан фойдаланувчиларнинг мажбуриятлари ва манфаатларини акс эттирувчи таҳлил соҳалари муносабати билан қўлланилади.

**Бинобарин, самарадорлик аудитида муҳимлик даражаси ҳисоботдан фойдаланувчининг қарорига таъсир қилиши мумкин бўлган потенциал ижтимоий ёки иқтисодий омил ҳақида ҳисобот тақдим этиш масаласини ҳал қилиш хусусиятлари билан боғлиқ.** Мазкур омилларнинг ўзаро таъсири аудит ҳажмларини аниқлашда катта роль ўйнайди.

Муҳимликка, айтайлик, қонунбузарликларнинг ижтимоий ёки иқтисодий таъсири нуқтаи назаридан баҳо берилиши мумкин. Шу боис, муҳимлик даражасига баҳо бериш аудиторнинг тижорат банкидаги бошқариш тартиби ҳақида Кенгашга ахборот бериш йўли билан ҳисобдорликка кўмаклашиш мажбурияти билан боғлиқ.

Яъни, муҳимлик даражасидан:

биринчидан, текширувни режалаштириш пайтида, алоҳида аҳамият берилиши лозим бўлган муҳим, нотипик, хатоли моддалар ва ҳисобварақларни аниқлаш учун;

иккинчидан, тўпланган аудиторлик далилларига баҳо бериш учун;

учинчидан, аудит натижаси тўғрисида қарор қабул қилиш учун фойдаланиш мумкин.

6-иловада кўрсатиб ўтилганидек, аудиторлик текширувини ўтказиш чоғида аудиторлар тўқнаш келиши мумкин бўлган rischi даражаси юқори бўлган соҳаларни аниқлаш ва уларга баҳо бериш аудит ҳажмини аниқлашнинг навбатдаги босқичидир.

Бу босқичда аудитор бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимлари ҳақида аудитни режалаштириш ва аудитни ўтказишга нисбатан оқилона ёндашувни ишлаб чиқиш учун етарли тасаввур ҳосил қилиши лозим. Аудит riskига баҳо бериш ва мазкур riskни мумкин қадар камайтириш учун зарур аудит муолажаларини ишлаб чиқиш учун аудитор профессионал мушоҳададан фойдаланиши зарур.

Режалаштириш босқичида, қоида тариқасида, умумий фаолият ўрганилади ва асосий тизимлар ёки назорат тизимининг лаёқатсизлиги қандай оқибага олиб келиши мумкинлигига баҳо берилди. Riskларга баҳо бериш текширув объекти фаолиятини яхшилаш йўллари ҳақидаги дастлабки хулосаларга олиб келиши, шунингдек, аудитнинг самарадорлик даражасини ошириши мумкин.

Айни вақтда, аудиторлар текширилаётган объект фаолияти билан боғлиқ бўлмаган, лекин аудит ўтказиш жараёнига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган riskларни ҳам ҳисобга олишлари лозим.

**Хабардорлик** — аудитордан ўз ҳисоботини фойдаланувчилар талқин қилишига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган омилларни яхши билишни талаб этади. Бу аудитордан ижтимоий ёки иқтисодий сиёсатнинг жорий масалаларини билишни тақозо этади.

Шу боис, аудитор ўз фаолиятида ноўрин қарорлар қабул қилинишига йўл қўймаслик учун мазкур омилларни ҳисобга олиши лозим. Зеро, реал ёки келтириб чиқарилган ноҳолис қарорлар аудитор функцияларининг мустақиллиги ва объективлигига хавф солади.

Хабардорлик текширув ҳажмини белгиловчи муҳим омиллардан биридир. Шу билан бир қаторда, агарда аудиторлар маълум бир йўналишда маълум бир фаолиятдаги маълумотлардан хабардор бўлсалар ҳам мазкур масалаларни текшириш ҳажмини чиқармасликлари лозим.

**Аудит ўтказиш имкониятига баҳо бериш** — самарадорлик аудитида иш ҳажмини аниқлаш асосий принципларининг иккинчи босқичидир. Шу билан бирга ушбу имконият меъёрий ҳужжатларда белгиланган ваколатлар асосида аниқланиши мақсадга мувофиқдир.

Чунки ички аудит хизмати назорат тадбирларини амалга оширишда фойда бериши мумкин бўлган ахборотни йиғиш ва унга ишлов бериш имкониятига эга бўлиши лозим. Бунда мазкур ваколатлар ижро этилиши барча учун мажбурий бўлган қонун ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатларда акс этирилган бўлиши керак.

**Аниқлик ва объективлик** — аудитор ўз хулосасини тузиш вақтида фойдаланиши мумкин бўлган бошланғич ҳужжатлар, бухгалтерия ҳисоботлари ва бошқа маълумотларга асосланиши керак. Объективлик аудитор ўз ишини бажариш вақтида ва қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ олинган маълумотлар асосида хулоса чиқариш чоғида амал қилиши лозим бўлган мажбуриятлардан биридир.

**Меҳнат ресурслари ва бюджет** — текширилаётган объект фаолиятини текшириш учун зарур билим ва (ёки) кўникмалар ва қабул қилинган стандартлар асосида меҳнат ва молиявий ресурсларни мавжудлигини назарда тутати. Агар аудитор тегишли кўникмаларга эга командани жамлай олмаган бўлса, масала аудит ҳажмидан чиқарилиши лозим.

Шунинг учун ҳам самарадорлик аудитининг муфассаллаштириш даражаси юқори эканлигини инобатга олиб, аудитор ҳар бир масалани муҳимлик ва бажарилган ишларнинг таннархи нуқтаи назаридан ўрганиши лозим.

**Ишончлилик: режалаштириш ва ҳисоботлар бериш** — аудит ҳажми юзасидан қарорлар самарадорлик аудити жараёнида қабул қилиниши мумкин, лекин, умуман олганда, улар ишнинг икки асосий босқичи — режалаштириш ва ҳисоботлар бериш босқичларини қамраб олиши мақсадга мувофиқ. Текшириш босқичи яқунланиб, ҳисоботлар бериш босқичи бошланиши билан аудитор хулоса мазмуни аудит ҳажмлари ва мақсадларига мувофиқ эканлигига ишончи комил бўлиши керак.

Чунки, аудитор таъминлаши мумкин бўлган аудитнинг ишончлилик даражаси аудит мақсадлари, далилларнинг ишончлилиги, шунингдек, аудитор томонидан амалга оширилган аудит ҳажми билан бевосита боғлиқ. Аудит ҳажми қанча кенг бўлса, аудитор ишончликнинг юқори даражасини таъминлаш учун шунча кўп иш қилиши талаб этилади.

Шунинг учун ҳам, аудит ҳажми билан ишончлилик даражасининг ўзаро нисбати аудитни режалаштириш чоғида кўриб чиқилиши лозим. Бу анча оғир иш, чунки аудитор ишнинг асосий қисми амалга оширилмагунича ишончлилик даражаси ҳақида ахборотга эга

бўлмайди. Шу боис, аудит ҳажми ҳақида қарор қабул қилиш текширув объектини яхши билиш негизида пухта профессионал хулоса чиқаришни тақозо этади. Мазкур билимлар аудитор аудитнинг ҳажми ҳақида тўғри хулоса чиқариши учун жуда муҳим.

Ишончлилиқ муаммолари муҳим аҳамият касб этишининг сабабларидан бири шундаки, иш самарадорлиги аудити анъанавий аудит қамраб олувчи молиявий транзакциялар масалаларини четлаб ўтади ва раҳбарият фаолияти масалаларини ўрганеди.

Ушбу доирада раҳбарият фаолияти аудит мезонларига тўла мос келган ҳолатлар бўйича ҳисоботлар тақдим этиш зарурати ошиб боради. Раҳбарият фаолиятининг стандартлари одатда муайян ташкилот доирасида ишлаб чиқилади.

Ҳисоботларда ижобий ҳолатларни ёки салбий ҳолатларни қайд этиш, шунингдек, текширув объекти фаолиятини акс эттиришдаги мувозанатни таъминлаш аудиторнинг интилишига асосланади. Ҳисоботларда фактларнинг одилона ва мувозий акс эттирилиши текширув объекти билан яхши профессионал муносабатлар сақланишига имконият яратадики, аудиторнинг биргаликдаги фаолиятни давом эттириш ҳақида бу қайғуриши мажбуриятининг муҳим жиҳатидир. Текширув объекти фаолиятининг ижобий жиҳатларини эътироф этмаслик эса мазкур объект билан муносабатларни кескинлаштиради. Бундай вазият аудитнинг конструктив жиҳатларида назарда тутилган яхши муносабатларни қўллаб-қувватлашга имконият яратмайди.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки, тижорат банклари ички аудит хизматининг иш режаси ўзининг таркибига кўра, асосан, йиллик иш режаси графигидан, текширилиши керак бўлган йўналишлар дастуридан ва текширув жараёнида ўрганилиши керак бўлган саволномалар тўпламидан иборатдир. Аммо, иш режаси ўзининг моҳиятига кўра, текширувнинг асл мақсади нима эканлиги ҳамда аудиторлардан кутилаётган натижалар йўналишлари тўғрисида умуман ёритилмаган.

Аудит натижалари бўйича банк фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида, аудит текширувини олиб бориш жараёнида асосий эътибор банкнинг ички назорат томонидан аниқланган узилишларни бартараф этишга эмас, балки, аксинча, фаолият жараёнида йўл қўйилган камчиликларни ҳамда унга йўл қўйган айбдор шахсларни аниқлашга қаратилган.

Шунинг учун ҳам, халқаро амалиётдан келиб чиққан ҳолда шуни айтишимиз мумкинки, аудиторлик текширувига тайёргарлик кўриш

жараёни аудитда ўта муҳим босқич бўлиб, у иш режанинг асосий қисмини ташкил қилади. Ички аудит хизмати раҳбарияти, аудит текширувига тайёргарлик кўриш жараёнини маълум бир мезонлар асосида умумийлаштириши ва режалаштириш стандартини ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқдир.

Бизнинг фикримизча, режалаштириш стандарти ўзининг моҳиятига кўра, биринчидан, текширув режасини тузиш жараёнида филиаллар фаолияти билан олдиндан чуқурроқ танишиш принципларини ўз ичига қамраб олган бўлиб, бу ерда филиалнинг молиявий хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш ва унинг умумбанк фаолиятида тутган ўрни таҳлил қилиниши лозим.

Иккинчидан, аудит жараёнида фойдаланиши мумкин бўлган кўрсаткичларнинг мезонларини аниқлашга катта эътибор қаратиши лозим. Чунки, бизнинг назаримизда, муҳимлик принципнинг аудитдаги аҳамияти ва долзарблиги қуйидаги бир неча сабаблар билан изоҳланади, яъни муҳимлик принципи:

- барча муҳим ахборотлар тўла ёритилишини талаб қилган ҳолда, аҳамиятсиз тафсилотларни эътиборга олмастикка имкон яратади.

- баланс суммаси ва тузилишига, молиявий натижаларга бухгалтерия ҳисоби муайян объектлари қийматининг таъсирини аниқлаш имконини беради.

- барча муҳим ахборотлар тўла келтирилишини, молиявий ҳисобот ҳақидаги аудиторлик хулосасида барча муҳим жиҳатлар ёритилишини талаб қилади.

Учинчидан, олдиндан олинган маълумотлар таҳлили асосида аудиторлик текширувининг тури ва мақсадини аниқлаш, ҳамда бунинг натижасида аудит объектини танлаш принциплари киритиш орқали, аудит жараёни билан боғлиқ рискларни аниқлаш масалаларини тўла таҳлил қилган ҳолда уларни аудит жараёнига таъсирини минималлаштиришга эришиши мақсадга мувофиқдир.

Тўртинчидан, аудитнинг тури ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда, лозим бўлган қандай ресурсларни жалб қилиш, текширув вақтини ўрнатиш принциплари аудиторлик текшируви самарадорлигини баҳолашнинг омили бўлиб хизмат қилади.

Бешинчидан, аудит мақсади ва критерияларидан келиб чиққан ҳолда, аудит саволномаларини тузиш жараёнида асосий эътиборни текширув объектларига эмас, балки текширувнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда, ички назорат тизими фаолиятини баҳолаш, ҳамда ҳаракатлар кетма кетлигини таъминлаган ҳолда, ички назорат ти-



зимидаги камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бора-сидаги таклифларни ишлаб чиқишга қаратиш керак.

#### **4.2. Тижорат банкларида аудит жараёнини ҳужжатлаштириш ва ишонччиликни аниқлаш**

Республикада тижорат банклари ички аудит тизими фаолиятининг асосий мақсадларидан бири, банкнинг молиявий ҳисоботлари ҳаққонийлигини ва молиявий операцияларни амалга ошириш жараёнида республикада қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки йўриқномалари талаблари асосида фаолият кўрсатганлигини тасдиқлашдан иборатдир.

Бунинг учун эса аудитор томонидан жуда кўп ҳужжатларни ўрганиш ва таҳлил қилиш лозим бўлиб, олиб борилган жараённинг тўғри эканлигини исботлашнинг аҳамияти каттадир. Аудиторлар текширув жараёнининг ҳар бир босқичини ҳужжатлаштириши мақсадга мувофиқдир.

Шунинг учун ҳам, аудиторлар иш ҳужжатларидан аудитни ўтказишда, нафақат кўмакчи воситалар сифатида, балки аудиторлик хулосасини тузишда бажарилган ишнинг ёзма далили сифатида фойдаланадилар. Шунинг учун ҳам, иш ҳужжатларига киритилган маълумотлар етарли, асосли, жиддий ва фойдали бўлиши, аниқланган фактларни тасдиқлаш ва тавсиялар бериш учун пухта асос яратилиши лозим.

Аудит стандартларига мувофиқ, аудиторлар ўзларининг хулосаларини тасдиқловчи далилларни ва текширув жараёнини тегишли ўтказилганини кўрсатувчи далилларни таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган масалаларни ҳужжатлаштиришлари керак. Аудит умумий жараёнини тўғри баҳолаш учун текширув жараёнида тайёрланган ҳужжатлар анча мукамал ва батафсил бўлиши керак. Яъни, стандартларга мувофиқ текширув жараёнида аудиторлар:

(а) режалаштиришга оид маълумотларни;

(б) амалга оширилган ишларни ва улар қачон амалга оширилганини;

(в) иш натижалари ва хулосаларни ёзиб боришлари керак.

Яъни стандарт талабларига кўра, аудитордан текширув жараёнида нафақат ҳисоботни тасдиқлаш, балки муҳим масалаларни асослаш учун зарур бўлган барча ҳолатларни қайд этиб бориши лозим, деб айтишимиз мумкин. Бундан асосий мақсад, кейинчалик аудиторга берилиши мумкин бўлган саволларга асосли ва далилларни тақдим этган ҳолда жавоб беришга ёрдамчи восита сифатида фой-

даланиш учун манба яратишдир.

Стандартлаштирилган иш ҳужжатлари тўғри ташкил қилинганлиги даражасига, моҳиятига ва мазмунига кўра, иш самарадорлигини ошириш, аудит текшируви сифатини назорат қилиш ва шарҳлашни энгиллаштириш учун манба бўлиб хизмат қилиши шак-шубҳасиздир.

Бошқача қилиб айтганда, иш жараёнини тўлиқ ва тўғри ҳужжатлаштириш аудитнинг профессионал оқилона даражасини таъминлашнинг муҳим жиҳатидир.

Бундан келиб чиққан ҳолда айтишимиз мумкинки, иш жараёнини тўғри ташкил этиш натижасида аудиторлар томонидан тайёрланган ҳужжатлар:

- аудиторлик текширувларини режалаштириш ишлари олиб борилганлигини тасдиқлаш ва уни олиб бориш жараёнини осонлаштириш;

- муайян аудиторлик текширувларини ва аудитнинг умумий вазифасини самарали бошқаришга кўмаклашиш;

- аудиторлик ишини назорат қилиш ва унинг сифат кафолатини текширишда ёрдам бериш;

- тафтиш жараёнида олинган маълумотларни, шунингдек, тайёрланган хулосалар ва тавсияларни асослаш учун бажарилган аудиторлик иши натижасида олинган маълумотларни етарли эканлигини исботлаш учун асосий манба бўлиб хизмат қилади.

**Шундай қилиб, иш ҳужжатлари аудитни ўтказиш (амалий иш) босқичи билан аудиторлик ҳисоботи тузиш босқичи ўртасида боғловчи бўгин бўлиб хизмат қилади. Бинобарин, уларда олинган умумлаштирилган ва ҳисоботга киритилган маълумотлар, таҳлил билан тасдиқланган тавсияларни асослаш учун тўплаган далиллар ифодаланиши керак.**

Ўзбекистон Республикаси банк тизимида ички аудит хизмати актив фаолият кўрсатаётганлигига қарамай, ички аудит стандартлари ишлаб чиқилмаган. Бугунги кунга келиб, тижорат банклари ички аудит тизими Ўзбекистон Республикаси Марказий банки йўриқномаларига кўра ўз фаолиятларини олиб борадилар.

Ўзбекистон Республикасининг аудит миллий стандартларининг<sup>99</sup> талаblари эса ташқи аудиторлик ташкилотлари учун белгиланган бўлиб, унга кўра расмий аудиторлик хулосасини тайёрлаш кўзда тутилган аудитни ўтказиш чоғида аудит жараёнини ҳужжатлаштириш мажбурий ҳисобланади.

<sup>99</sup> «Аудитни ҳужжатлаштириш» 6-сонли Ўзбекистон Республикаси аудит миллий стандарти.

Шу билан бир қаторда, мазкур стандартнинг талаблари аниқ бир топшириқларни бажариш чоғида аудиторлик ташкилотлари стандарт талаблари бажарилмаган ҳолларда эса, ўзининг иш ҳужжатларида ва ҳўжалик юритувчи субъект раҳбариятига бериладиган ёзма ҳисоботлар мажбурий тартибда келтириб ўтиши керак.

Республикамиз акциядорлик тижорат «Пахта банки» ички аудит тизими фаолиятида аудит жараёнини ҳужжатлаштириш ички аудит тўғрисидаги низомга асосан олиб борилмоқда. Ушбу низом талабларига кўра ички аудит хизмати ходимлари аудит текширувини олиб бориш жараёнида ўз ишларини ҳужжатлаштиришлари ва унинг натижаларини хулосаларда акс эттирадilar, деб қайд этишлари лозимлиги таъкидланган.

Шу билан бир қаторда, иш ҳужжатларини ички аудит тизими ходимлари томонидан тайёрланиши ва гуруҳ раҳбари томонидан текширилиши лозимлиги алоҳида қайд этиб ўтилган.

Аудит низомига<sup>100</sup> кўра, ушбу ҳужжатлар олинган маълумотларни, таҳлил натижаларини ўз ичига қамраб олган бўлиб, текширув хулосасига киритилиши мумкин бўлган факт ва таклифларнинг асосини ташкил қилиши керак.

Тижорат банклари ички аудит фаолиятида текширувни ҳужжатлаштириш жараёнини таҳлил қилиш натижасида уларни асосан икки гуруҳга, яъни режалаштириш ҳамда хулоса ва таклифлардан иборат бўлган ҳужжатлар тўпламига ажратишга муваффақ бўлдик.

Бу ерда биринчи гуруҳга йиллик иш графиги ва текширув саволномаларидан иборат бўлган режалаштириш, ҳамда иккинчи гуруҳни ташкил қилган аудиторлик хулосаларидан ташкил топган иш ҳужжатларини киритишимиз мумкин.

Шу билан бирга айтиб ўтиш жоизки, ички аудит хизмати хулосаларида акс эттирилган фикр мулоҳазалар ўзининг келиб чиқиш манбаига кўра бирламчи ҳужжатларга асослангандир.

АТ «Пахта банки» аудиторлари иш жараёнида филиал раҳбарияти томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида ўзларининг хулосаларини шакллантирадilar. Бу ерда шуни қайд этиб ўтиш жоизки, аудит жараёнида ўрганилган ва тайёрланган ҳужжатларни текширув объектларида сақлаш амалиётда кенг тарқалган бўлиб, текширув натижасида тузилган актлар аудит гуруҳи раҳбари томонидан бош аудиторга тақдим қилинади.

Аммо, бу ерда эътиборга жоиз бўлган модда шуки, бош аудитор актларда келтирилган фактларга бирламчи ҳужжатлар билан та-

<sup>100</sup> Ўзбекистон Республикаси акционер тижорат Ипотека банки «Ички аудит низоми»

нишишга ва аудит гуруҳининг хулосаларни қанчалик тўғри эканлигини таҳлил қилишга имкони бўлмайди.

Шу билан бирга, ушбу актларда аниқланган камчиликларнинг турлари бўйича, айбдор шахслар тўғрисида батафсил маълумот берилган бўлиб, текширувнинг аниқ мақсади нима эканлиги ва аниқланган камчиликларнинг манбалари етарлича ёритилмаган. Текширув жараёнида, асосан бирламчи ҳужжатлардан фойдаланилганлиги натижасида текширув хулосаларида уларнинг тартиб рақамлари, саналари ва аниқланган камчиликлар кетма-кет ёритиб берилган. Бу эса ички аудит ҳисоботларидан фойдаланиш, яъни унинг натижаларини фойдаланувчилар томонидан умумлаштириш жараёнида қийинчиликларни юзага келтириши мумкин.

Шу билан бир қаторда, тижорат банклари ички аудит тизими низомларида аудит хизмати ходимлари текширув жараёнида иш ҳужжатларини қандай тартибда тузишлари, ҳамда уларни гуруҳлаш ва сақлаш ҳақида йўриқномалар келтирилмаган.

Бу эса, текширув жараёнида аниқланган камчиликларни қайта таҳлил қилиш ва уларни ҳақиқатдаги аҳволини кейинчалик ўрганиш учун турли хилдаги бирламчи ҳужжатлар маълумотларидан фойдаланиш ва бунинг натижасида ортиқча вақт сарфлашга олиб келиши мумкин.

Шунинг учун ҳам, бизнинг фикримизча аудиторлар иш жараёнининг ҳар бир босқичини ҳужжатлаштиришлари мақсадга мувофиқ бўлиб, ушбу жараён хусусида «ҳалқаро аудит стандартларида»<sup>101</sup> алоҳида тўхталиб ўтилган бўлиб, бу ерда асосий мақсад, аудит далилларини тўғри тўплашга ва уларни қандай тузилиши лозимлиги тўғрисида таклифлар билдирилган.

Халқаро ички аудит стандартлари талабларидан келиб чиққан ҳолда, 5-иловада кўрсатилганидек, аудитнинг текширувни олиб бориш ва олинган маълумотларни баҳолаш босқичларини амалиётга татбиқ қилишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Аудитни текширув жараёни беш босқичдан иборатдир. Бу ерда биринчи босқич аудит жараёнини режалашгириш натижасида текширувнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда текширув жараёнини амалга ошириш, иш режасидаги маълумотларни сўровлар таҳлили, таққослаш, кузатиш услублари орқали тасдиқланишини ўз ичига жамлайди.

---

<sup>101</sup> Международные стандарты аудита и Кодекс этики профессиональных бухгалтеров. – М.: МЦРСБУ, 2000.

Текширувнинг иккинчи босқичи асосий воситаларини самарали фаолиятини муҳимлилик, уларга бўлган ишончлилик кўрсаткичлари ёрдамида таҳлил қилиш натижасида амалга оширилади.

Назорат воситаларининг самарали фаолиятини баҳолаш натижаларидан келиб чиққан.

Аудит стандартларига кўра, аудитор иш ҳужжатлари ўзининг моҳияти ва мазмунига кўра авваламбор қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

*Тўлиқлик ва аниқлик* — иш ҳужжатлари олинган маълумотлар, чиқарилган хулосалар ва берилган тавсияларни лозим даражада асослаш имконини бериши, шунингдек, ўтказилган талқиқотлар моҳияти ва ҳажмини кўрсатиши лозим.

*Қисқалик ва лўндалик* — иш ҳужжатларидан фойдаланувчи ҳар қандай одам уларнинг вазифалари, моҳиятини ва бажарилган иш ҳажмини, шунингдек, чиқарилган хулосаларни қўшимча оғзаки тушунтиришларсиз тушуна олиши керак. Рақамланган, ҳужжатларга ёки асосий саҳифаларнинг фотонусхасига ҳаволалар ифодаланган хулосалар иш ҳужжатларининг зарур таркибий қисми ҳисобланади.

*Шаклан соддалик* — иш ҳужжатлари шаклан содда кўринишга эга бўлиши керак. Бунга ҳўжалик бўлинмаси ишлаб чиққан режалар ва графиклардан, стандарт аудиторлик шаклларида ва стандарт иш ҳужжатларидан, маълумотлар базалари ёки матнли процессорлар қўлланилишини таъминловчи форматда фойдаланиш орқали эришилиши мумкин.

*Аниқлик ва тушунарлилик* — иш ҳужжатлари аниқ ва тушунарли бўлмаса, улардан ҳисоботда фойдаланиш имконияти чекланади ва улар аудиторлик далиллари сифатида ўз қийматини йўқотади.

*Релевантлик* — иш ҳужжатларида ифодаланган ахборот ишга тааллуқли ва топшириқда белгиланган мақсадлар нуқтаи назаридан фойдаланиш, муҳим масалалар билан чекланган бўлиши керак.

*Тизимга солинганлик* — иш ҳужжатлари тизимга солинган ва изчил тузилишга эга бўлиши керак. Бунга мантиқий ва осон кузатиладиган индекслар ёрдамида эришилади. Иш ҳужжатларини сақлаш ва уларнинг тайёрланишига қараб индекслаш чапараста ҳаволалар самарали тизимини таъминлайдики, бу бутун картотека бўйича ахборотлар такроран тасдиқланишига йўл қўймаслик имконини беради.


Шунинг учун аудиторлик гуруҳининг раҳбарлари маълумотларни сақлаш ва зарур бўлган пайтларда улардан фойдаланиш учун, ҳужжатлар базаларини ташкил қилишлари, уларнинг матнларига кўра,

блоклари билан ажратишларни ёки бошқа дастурий услуб билан уларни таъминлаш тизимларини яратилишини таъминлашлари мақсадга мувофиқдир

Иш ҳужжатларини тайёрлашда асосан жорий ҳамда улардан кейинчалик фойдаланиш мумкин бўлган кишилар эҳтиёжларини эътиборга олиш лозим. Чунки, бу олинган аудиторлик маълумотлари берилиши мумкин бўлган тавсиялар учун муайян база шакллантиришни ўз ичига олади ва бошқарув тизими ташкилоти томонидан қўйилган саволларга тез жавоб олиш имконини беради.

#### 4.2.1 - жадвал

### Маълумотлар манбалари бўйича



Келтирилган 4.1.1 - жадвал<sup>102</sup> маълумотларидан кўриниб турибдики, аудит текширувини ўтказиш жараёнида аудитор доимий тарзда бирламчи ҳужжатларни ўрганиб боради ва унинг натижасига кўра ўзининг иш ҳужжатлари базасини яратади.

Шу билан бир қаторда, жадвалда келтирилган маълумотлардан кўришимиз мумкинки, аудит жараёнида иш ҳужжатларидан уларнинг аҳамиятига кўра, яъни биринчидан, маълумотларни манбалари бўйича тўплаш, иккинчидан, улардан фойдаланиш ва молиявий ҳисобот кўрсаткичларини умумлаштириш босқичларида фойдаланиши мумкин.

Бунинг учун эса нафақат аудит текшируви жараёнида, балки текширувга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш босқичларида ўзининг гашкил топган манбаси ишончлилиги юқори бўлган маълумотлардан фойдаланиш лозим.

Аудиторнинг иш ҳужжатлари аудитнинг барча босқичларида турли ҳил кўринишда тузилганлигига қарамаздан, ўзининг моҳиятига кўра айнан ана шу жараённи тасдиқловчи далил бўлиб хизмат қилади.

**Шунинг учун ҳам, бизнинг фикримизча, ҳар бир аудиторлик текшируви учун рўйхатга олиш файли тузилиши, ундан аудитнинг хронологик натижаларини таъминлаш ва асосий воқеаларни намойиш этиш мақсади кўзланиши лозим.** Бу ерда аудит турига қараб файл мазмуни ўзгариши мумкинлигини эътироф этишимиз ўринлидир.

Ушбу мақсаддан келиб чиқиб, бизнинг фикримизча, рўйхатга олиш файли қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

- аудитни бошқариш билан боғлиқ ички ёзишмалар;
- аудитда бирлаштирилган гуруҳлар ўртасидаги ташқи ёзишмалар;
- асосий тафсилотлар ва мажлисларнинг натижалари;
- аудитнинг асосий воқеалари;
- таклиф этилган ҳисобот ва кейинги ёзишмаларнинг нусхаси;
- якуний аудиторлик ҳисоботининг нусхаси;
- иш ҳужжатларининг мазмунини ифодаловчи охирги бош индекснинг нусхаси.

Иш ҳужжатлари алоҳида сақланишини таъминлаш учун рўйхат олиш файлининг барча моддалари иш ҳужжатларининг тегишли бўлимларида сақланиши керак.

<sup>102</sup> Андреев В.Д. Внутренний аудит: Учебное пособие.- М.: Финансы и статистика, 003 С.- 464.

Айни вақтда иш ҳужжатларининг бош индексида тегишли рўйхатга олиш файллари ва дискларда сақланаётган ахборотга ҳавола қилиш муҳимдир. Бинобарин, рўйхатга олиш файллари, иш ҳужжатлари ва дисклар жамулжам ҳолда аудиторлик хулосасини тасдиқловчи ҳужжатларнинг тўла комплектини ташкил қилиши мақсадга мувофиқдир.

Иш ҳужжатлари тўғри тузилиши уларнинг комплектарини ажратиш ва аудиторлик хулосаси маълумотлари билан боғлаш, текширув самарадорлигини ошириш имконини беради. 8-иловада кўрсатиб ўтилганидек, иш ҳужжатлари камида уч бўлимдан, яъни режалаштириш, аудитни олиб бориш ва ҳисобот босқичларини ўз ичига қамраб олган бўлиши мақсадга мувофиқ бўлади. Яъни, қандай аудит тури ўтказилишидан қатъий назар, аудит жараёни режалаштирилиши ва у ерда аудитга тайёргарлик кўриш босқичлари батафсил ёритилган бўлиши керак. Аудит жараёнига тайёргарлик кўриш борасида биз илмий ишимизнинг олдинги параграфидида ўз фикр мулаҳазаларимизни келтирган эдик.

Бизнинг назаримизда, иш ҳужжатларининг тузилиши аудит жараёнига кўра ўзгаради; унинг узил-кесил структуравий жиҳатлари аудиторлик текширувларидан келиб чиқувчи асосий масалалар билан белгиланади.

Айнан ана шу ўзгаришлар аудит файлининг иккинчи қисмида, яъни олиб борилиши керак бўлган фойлятни акс эттирувчи ҳужжатларнинг тури ва ҳажмига ўз таъсирини ўтказади. Аммо, ўзининг тури ва моҳиятига қарамасдан аудит иш ҳужжатлари маълум бир минимал қатъий талабларга жавоб бериши лозим.

Аудитор ўз режа топшириғи, бажарилган аудит таомилларининг моҳияти, вақти ва кўлами, уларнинг натижалари ва олинган аудиторлик далиллари асосида тайёрланган хулоса қайд этилган иш ҳужжатларини тайёрлаши керак. Шунинг учун ҳам, ушбу ҳужжатлар аудит жараёнининг батафсил маълумотларни қамраб олиши мақсадга мувофиқдир.

**Хулоса қилиб айтиш мумкинки, иш ҳужжатларининг мазмуни ва тизимга солинганлиги аудитор малакасини, унинг тажрибаси ва билмларини намоён этишини аудиторлар доим ёдда тутишлари керак. Айни вақтда аудиторлик текшируви билан боғлиқ бўлмаган тажриба-ли аудитор кейинчалик хулосани тасдиқлаш учун қандай иш амалга оширилганини аниқлай олиши учун иш ҳужжатлари етарли даражада мукамал ва батафсил бўлиши лозим.**



Иш ҳужжатлари таҳлили аудиторга хулосалар тайёрлашда ёрдам берадиган энг муҳим асос бўлиб, у ўзининг моҳиятига кўра қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга бўлган маълумотлар олишга ёрдам бериши учун:

- асосланган, яъни ҳужжатларда акс эттирилган ҳар қандай ҳолат маълум бир турдаги далиллар асосида тузилган бўлиши;

- фойдалилик ва мақсадга йўналтирилганлик, иш ҳужжатларида акс эттирилган маълумотлар олиб борилган иш натижаларини таҳлил қилиш жараёнида фойдали бўлиши;

- қиёсийлик, маълумотлардан фойдаланиш ва уни таҳлил қилиш жараёнида турли хил саналар кўрсаткичлари билан солиштириш натижасида бўлаётган ўзгаришлар таъсирини кўрсатиши ;

- тугатилганлик, иш ҳужжатлари олдинга қўйилган мақсадларни тўлалигича қамраб олганлиги ва хулосалар тўлиқ тугатилган жараёнга нисбатан билдирилган бўлиши;

- ўлчовлилик, текширув мақсадига кўра аниқланган аудит мезонлари ўзининг кўриниши ва моҳиятига кўра, қандай бўлишидан қатъи назар, маълум бир кўрсаткичлар ёрдамида қиёслаш эҳтимолига эга бўлиши;

- оқилоналик, аудит жараёнида ўрганилаётган ҳар бир масалага аудитор беғараз ёндашганини таҳлил қилиш натижасида тайёрланган бўлиши керак.

Иш ҳужжатларида акс эттирилган ҳамма ҳолатлар, аудитор томонидан тахмин қилинаётган сабаб ва оқибат ўртасида боғлиқлик мавжудлигининг тасдиқланиши ёки инкор этилиши, чиқарилган хулосанинг оқибатларини турлича талқин қилиниши истисно этилиши керак.

Шу муносабат билан, аудиторлик далилларининг таҳлили аудит мезонларига кўра, маълумотлар олиш мақсадида техник усуллари-дан фойдаланиш талаб этиладиган охириги босқич ҳисобланади.

Аудиторлик далилларининг таҳлили аудитор фойдаланадиган ҳужжатларни юридик кучга киритиш методларидан иборат. Таҳлил аудит мезонларига тегишли бўлган ва аудит мақсадларига асосланадиган маълумотларни қайта ишлаш имконини беради.

Аудит жараёни мураккаб, техник жиҳатдан ўта профессионал бўлган бир пайтда, аудит натижалари иш ҳужжатларида содда, аниқ ва олиб борилган ишлар кетма кетлигини ёритиб бериши керак.

Шу билан бир қаторда аудит натижалари унинг мақсадларига хизмат қилиши керак. Аудит вазифалари ҳисоб юритиш имконият-

лари, масалан, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланилиши, иш унумдорлиги ва самарадорлиги, қонун ҳужжатлари, қарорлар ва қоидаларга риоя қилиниши ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни ўз ичига олиши мумкин. Шу билан бирга ишончликка қўйиладиган яна бир талаб — аудит натижалари мантиқий изчил ва ишонарли қилиб ифодаланган бўлиши лозим.

Аудиторлар томонидан далиллар тўплаш жараёни қуйидаги таркибий қисмларнинг айримларини ўз ичига олиши натижасида уларнинг муҳимлигини оширишга эришиш мумкин.

Яъни, аудитор текширув жараёнида далилларни таҳлил қилиш натижасида объекти фаолияти билан боғлиқ бўлган шубҳаларни тасдиқланиши ёки тасдиқланмаслигини аниқлаш учун кузатилаётган ҳодисаларни батафсил текшириши мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бир қаторда, далилларни таҳлил қилиш жараёнида турли маълумотлар ва хулосаларни таққослаш ва бунинг натижасида уларнинг истиқболларини таъминлашга эришишнинг аҳамияти каттадир.

Далилларни йиғиш жараёнида аудитор салбий ҳолатларни аниқлаган тақдирда, у мазкур ҳолатларга олиб келган сабабларни аниқлабгина қолмасдан, балки улар ўз вақтида бартараф этилмаса, келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларга баҳо беришга ўз эътиборини қаратиши ўта муҳимдир. Далилларнинг асосий мақсади, иш ҳужжатларида акс эттирилган жараённи тасдиқлаш ва аниқланган камчиликларни асослашдан иборатдир. Шунинг учун ҳам, ушбу жараённи тасдиқловчи иш ҳужжатлари ўзининг келиб чиқиши ва мазмунига кўра, ундан фойдаланиши мумкин бўлган мутахассислар учун тушунарли бўлиши ва ўзининг ишончилиги даражаси юқори бўлиши учун мантиқан изчил, қисқа ва самарали усулда ифода этилиши мақсадга мувофиқдир.

Юқорида кўриб чиқилганидек, аудитор таҳлил қилишда фойдаланиши мумкин бўлган техник усуллар жуда кўп ва ранг-барангдир. Лекин, одатда, аудиторлар қуйидаги:

- тафсилотларга қараганда ишончлироқ миқдорий кўрсаткичларни олиш;
- пировард кўрсаткичларга нисбатан ҳисобланган натижаларга эришиш;
- соф келтирилган қиймат, банк ичидаги даромад меъёри, фоиз нисбатларига кўра таққослаш мумкин бўлган ва айни типга мансуб

уличов бирликлари ҳисобланган кўрсаткичларни олиш;

- ҳисоботдан фойдаланувчилар тушуниши осон бўлган натижаларга эришиш имконини берадиган техник усуллардан фойдаланишни маъқул кўрадилар.

Аудиторлик хулосаларини тайёрлашда далиллардан фойдаланиш мумкин бўлиши учун улар биринчидан, маълум бир *талабга жавоб бериши, ишга тааллуқли ва асосли бўлиши* керак, шунинг учун ҳам ахборотнинг ишончилиги аудиторлик текширувининг барча босқичларида катга аҳамиятга эга.

Шунингдек, аудит стандартларига<sup>103</sup> мувофиқ, аудиторлар асослантирилган хулосалар чиқариш учун етарли аудиторлик далиллари бўлашлари лозим. Аудиторлик хулосаси ана шу далиллар асосида тузилади.

Ҳозирги кунда аудит жараёнини ҳужжатлаштириш босқичига нафақат амалиётда, балки назарийда ҳам турли хилдаги фикр мулоҳазалар кўп. Ваҳоланки, аудиторлик текшируви жараёнида ва аудит далилларини таҳлил қилиш босқичларида иш ҳужжатларини тўғри тасвиқ этиш нафақат ички аудит хизмати, балки ташқи аудиторлар учун ҳам ўта муҳимдир.

Шунинг учун ҳам, биз қуйида аудиторлик далиллари тўғрисида фикр мулоҳазаларимизни бериш билан бирга, аудиторлик текшируви далиллари тўғрисида батафсил тўхталиб ўтамиз.

*Аудиторлик далилларини аудит мезонларини текшириш ва олинган аудиторлик маълумотларини тасдиқлаш учун олинган ахборот*, деб таърифлаш мумкин, бўлиб, унинг асосий мақсади, аудит иш ҳужжатлари ишончилилик даражасини оширишдан иборатдир. Далиллар, одатда, билвосита хусусиятга эга бўлади, чунки улар муайян ҳодиса содир бўлганидан кейин олинади, ва кўпинча рад этиб бўлмайдиган эмас, балки ишонтирарли хусусиятга эга бўлади.

Шунинг учун ҳам, аудиторлар фаолиятини йўналтириш ва аудиторлик ишига тегишли ёндашувларни таъминлаш учун ишончилилик стандартлари<sup>104</sup> ишлаб чиқилган бўлиб, тафтиш ўтказиш вақтида улардан фойдаланиш тавсия этилади.

<sup>102</sup> МСА 500 Аудиторские доказательства. Международные стандарты аудита и Кодекс профессиональной этики профессиональных бухгалтеров. – М.: МЦРСБУ, 2000.

<sup>103</sup> Международные стандарты аудита и Кодекс профессиональной этики профессиональных бухгалтеров. – М.: МЦРСБУ, 2000.

Стандарт ишончилиликнинг бир нечта асосий концепцияларини муомалага киритади: у талабларга жавоб бериши, тадқиқот предметиға тааллуқли ва асосли бўлиши керак. Бу сўзларнинг маъносини тушуниш жуда муҳим. Мазкур концепциялар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун ҳам, аудитнинг ишончилигига ана шу концепциялар мажмуи нуқтаи назаридан қаралиши керак.

Аудиторлик далиллари тегишли назорат тестлари мажмуи ва асосий текширув таомиллари ўтказилиши натижасида олинади. Айрим ҳолларда далиллар фақат асосий текширув таомиллари асосида олинади.

5-иловада кўрсатилган аудиторлик текширувини режалаштириш жараёнида инобатга олинган маълумотларни аудиторлик далилларини тўплаш орқали ўз тасдиғини топиши мумкин. Ушбу жараён аудитнинг иккинчи босқичи ҳисобланиб, ўз ичига беш қисмдан иборат бўлиб унинг биринчиси аудит объекти билан дастлабки танишувдан бошланади. Дастлабки учрашув давомида аудитнинг мақсади, кўлами тавсилотлари борасида фикр-мулоҳазалар борасида сўз юритилади.

Аудит объекти билан боғлиқ бўлган мавжуд ҳужжатларнинг таҳлили, унинг раҳбарияти ва ходимлари билан суҳбатлашиш, иш жараёнини кузатиш ҳамда унинг асосида маълумотлар ҳисоботлар таҳлили аудит далилларини тўплашнинг иккинчи қисми ҳисобланади.

Унинг учинчи қисми, назоратнинг умумий тамойилларини тавсифлаш ва ҳужжатлаштириш филиал структураси, ҳужжатлар ҳаракати ва операциялар босқичларини ифодаловчи блок схемалар тузиш, уларни таснифлаш, назорат саволлари ва сўровномаларини тузишни ташкил қилади.

Аудитни режалаштириш иккинчи босқичининг тўртинчи қисми олдиндан олинган маълумотлар таҳлил қилишдан иборат бўлиб, у сўров, кузатиш ва таҳлил қилиш, аудиторлик исботларни ўрганиш орқали амалга ошириш мумкин.

Назорат муҳитининг молиявий назорат тамойилларига таъсири ушбу муҳитни ўрганиш ва тавсифлаш орқали амалга оширилади, ҳамда у далиллар тўплашнинг охириги қисми ҳисобланади.

Шу билан бирга қайд этиб ўтиш жоизки «Аудиторлик далиллари» - аудитор томонидан хулосаларни таърифлаш жараёнида олинган ахборот. Аудиторлик далилларига молиявий ҳисоботга асос бўлган бирламчи ҳужжатлар ва бухгалтер ёзувлари, шунингдек, бошқа ман-

балардан олинган тасдиқловчи ахборот киради.

«Назорат тестлари» — бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимлари лозим даражада ташкил этилган, шунингдек, улар фаолиятининг самарадорлиги ҳақида аудиторлик далиллари олиш мақсадида ўтказиладиган тестлар назарда тутилади.

«Асосий текширув таомиллари» - молиявий ҳисоботдаги жиддий хатоларни топиш учун аудиторлик далиллари олиш мақсадида ўтказиладиган тестлар бўлиб, улар операциялар ва ҳисобварақлардаги сальдонинг муфассал тестлари ва аналитик таомилларга бўлинади.

Аудиторлик далилларини назорат тестлари ёрдамида ўрганишда аудитор назорат тизимидаги рискларни баҳоланган даражасини тасдиқлаш мақсадида аудиторлик далилларининг етарлилиги ва ўринлилиги масаласини кўриб чиқиши мақсадга мувофиқдир.

Аудиторлик далилларини текширув таомиллари ёрдамида тўғлашнинг мақсади, аудитор молиявий ҳисобот тузилишига асос бўлган маълумотлар тўғрилигини тасдиқлашдир. Шунинг учун ҳам назорат тестлари натижасида олинган барча далиллар билан бир қаторда, юқорида зикр этилган таомиллар натижасида олинган аудиторлик далилларининг етарлилиги ва ўринлилиги масаласини кўриб чиқиши лозим.

Молиявий ҳисобот тузилишига асос бўлган маълумотлар очиқ ёки яширин тарзда ифодаланган ва молиявий ҳисоботда ўз аксини топган раҳбарият фикрлари мажмуасидан ташкил топган бўлиб, улар ўз ичига қуйидаги :

- мавжудлик: актив ёки мажбурият муайян санагача мавжуд бўлган;

- ҳуқуқ ва мажбуриятлар: актив ёки мажбурият айна субъектга муайян санага қадар бўлган ҳолатга кўра тегишли;

- вужудга келиш: ҳисобот даври мобайнида операция амалга оширилган ёки мижозга даҳддор хўжалик фаолияти ҳодисаси содир бўлганлиги;

- тўлиқлик: ҳисобга олинмаган активлар, мажбуриятлар, операциялар ёки хўжалик фаолияти ҳодисалари, шунингдек, ёритилмаган моддалар йўқлиги;

- қийматни баҳолаш: актив ёки мажбурият тегишли баланс қийматида акс этирилган;

- ўлчаш: операция ёки хўжалик фаолияти ҳодисаси тегишли

суммада ҳисобга олинади, даромад ёки харажат эса тегишли даврга киритилади;

- ифодалаш ва ёритиш: модда молиявий ҳисобот асосларига кўра ёритилади, таснифланади ва тавсифланади тоифаларга бўлиниши мумкин.

Агар далил фактларга мос келса, у мувофиқ, талабга жавоб берувчи далил, деб ҳисобланади. Бунинг учун далил 4.2.2- жадвалда кўрсатилганидек, ишончли манбадан олинган бўлиши керак.

#### 4.2.2 - жадвал

##### Аудит далилларини манбаларига кўра ишончилилик даражаси

Ишончли	Ишончсиз
Ташқи	Ички
Назорат тизими яхши ташкил қилинган	Назорат тизими яхши ташкил қилинмаган
Бевосита шахсий кузатиш	Билвосита усулда олинган
Тасдиқланган ёзма	Тасдиқланган оғзаки
Асл нусха	Фотокопия
Холис мутахассис фикри	Мутахассис фикри
Ёзма равишда билдирилган фикрлар	Билдирилган фикрлар

Шу билан бир қаторда далиллар асосланган бўлиши ҳам керак, чунки улар аудит мақсадларига мувофиқ хулоса тузиш учун талаб этиладиган далиллар умумий ҳажмига тегишлидир. Аудиторлар олинган маълумотлар юридик кучга эга эканлигига тегишли шахсни ишонтириш учун тўплаган далилларим етарлими, деб ўзига савол бериши керак.

Далилларнинг ишончилигини эса аудит муваффақиятининг ҳал қилувчи омили бўлиб, режалаштириш босқичидан то аудиторлик текшируви якунлангунга қадар муҳим аҳамиятга эга.

Шунинг учун ҳам, аудиторлик далиллари текширув жараёнида юзага келган фикр мулоҳазалар ва ҳисоботларда акс эттирилган хулосаларнинг ишончилигига бевосита боғлиқдир. Бунинг учун эса аудиторлик текширувини режалаштириш чоғида аудитор талаб қилинувчи аудиторлик далилларининг моҳияти, манбалари ва мавжудлигини тўғрилигини аниқлаб олиш учун:

- қандай далилларни тўплаш кераклигини;
- айна далиллар тури фойдали ёки фойда эмаслигини;
- тадқиқ қилинаётган масала бўйича дастлабки хулосаларни қандай асослаш ёки рад этишни;
- якунловчи ҳисоботга киритиш учун бу далилларни қандай қилиб фактларга айлантириш мумкинлигини эътиборга олиши лозим.

Бу ерда шуниси аҳамиятга эгаки, аудитор ихтиёридаги ресурслар чекланганлиги учун барча турдаги далилларни олишнинг иложи йўқ. Шу боис, аудитор ўз чекланган ресурсларидан айна вазиятда унинг эҳтиёжларини кўпроқ қондирадиган далилларни олиш учун фойдаланишга интилиши мақсадга мувофиқдир.

**Далиллар тўплаш тадқиқ қилиш босқичининг муҳим таркибий қисмидир. Ишга тааллуқли (релевант), асосли ва ишончли далиллар олиш учун ҳар бир вазиятга нисбатан далиллар тўплашнинг тегишли техникасини пухта ишлаб чиқиш керак.**

Бу ерда шуниси қайд этиб ўтиш жоизки, АТ «Пахта банки»да ички аудит хизмати ходимлари, асосан бирламчи ҳужжатларни қайта ишлайдилар ва ўз хулосаларида аниқланган камчиликларни акс эттирадидилар.

Аммо, бу ерда ушбу бирламчи ҳужжатларни таҳлил қилишнинг мақсади, далилларни тўплаш услублари ва уларни манбалари тўғрисида маълумотлар иш ҳужжатларида етарлича ёритилмаган. Шунинг учун ҳам, биз қуйидаги аудит жараёнида тузилиши мумкин бўлган иш ҳужжатлари асосли бўлиши учун аудит далиллари етарли даражада таҳлил қилиш ва бунинг натижасида бирламчи ҳужжатлар билан боғланиш аҳамияти тўғрисида фикр юритилади.

Далиллар тўплашнинг бир неча услублари мавжуд бўлиб, АТ «Пахта банки» амалиётида улар икки босқичдан иборатдир. Унга кўра, биринчи босқичга — *аудит мақсадларини аниқлаш*, яъни бу ерда бизнинг фикримизча маълумотлар тўплашнинг аудит жараёнида текширишнинг асосий мақсадидан келиб чиққан ҳолда далиллар тўпланиши иш вақтидан унумли фойдаланишга ва аудитни мақсадига эришиш мақсадга мувофиқ.

Иккинчи босқич, *аудит саволлари ва мезонларини таърифлаш* — яъни аудиторлик текшируви лойиҳаси доирасини белгилашнинг навбатдаги босқичи аудит мақсадларига эришиш учун жавоб олиниши керак бўлган саволларни тузишдир.

Бу ерда шуниси қайд этиб ўтиш жоизки, саволлар аниқ ва лўнда

бўлиши, аниқланиши ва баҳоланиши лозим бўлган атамалар ёки шартлардан ташкил топиши, улар биргаликда тўла ҳажмда аудит мақсадларига эришишга йўналтирилган бўлиши иш жараёнини осонлаштиради ва аниқ бир натижаларга эришишга қулайлик яратади.

АТ «Пахта банк»и мисолида иш ҳужжатларида аудит далилларининг ташкил этишининг фақатгина икки босқичидан фойдаланилади. Ушбу икки босқич, асосан аудит текшируви режасини ташкил этишга бағишлангандир.

Бизнинг фикримизча, ушбу икки босқични янада кенгайтирган ҳолда қўшимча таклифларни киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Унга кўра, аудит саволлари ва мезонлари таърифлангандан сўнг, ушбу саволларга жавоб бериши мумкин бўлган маълумотлар манбаларини келтиришнинг аҳамияти катта бўлиб, у учинчи босқични ташкил қилади. Чунки, маълумотлар таҳлил қилинганидан ва уларга баҳо берилганидан кейингина улар ахборот манбаига айланади, шунда улардан далил сифатида фойдаланиш мумкин бўлади.

Бу ерда шуни қайд этиб ўтиш жоизки, аудиторлик текшируви саволларига жавоб бериш учун зарур бўлган айрим маълумотлар мазкур саволлар қанчалик аниқ таърифланганига қараб равшан бўлади. Шу билан саволларнинг моҳиятига кўра, маълумотлар бирламчи ва иккиламчи манбалардан олинishi мумкин бўлади. Бу ерда бирламчи манбалар аудиторлар ёрдамида, масалан, уларнинг бевосита кузатишлари натижаси вужудга келади. Иккиламчи маълумотлар бошқа манбалардан, масалан, тафтиш қилинаётган хўжалик бўлинмасидан ёки учинчи тарафдан олинади. Одатда, маълумотлар олишнинг бир неча манбалари, мавжуд. Бинобарин, аудитор аниқлик ёки ишончлиликдан, турли манбалар мавжудлигидан ва маълумотлар олиш қийматидан келиб чиқиб, маъқул манбаларни танлаши лозим.

Биз кўриб чиқаётган аудит бирламчи манбаларга, чунончи, бевосита кузатиш ёки тартибга солинмаган интервьюга ва хўжалик бўлинмасининг архиви, ички бухгалтер-тафтишчилар, мол-мулкка баҳо берувчи экспертлар ва маслаҳатчиларнинг тадқиқотлари каби иккиламчи манбаларга кўпроқ асосланади. Ушбу манбалар фойдали ва баъзан, ҳатто, муҳим маълумотлар олиш имконини бериши мумкин бўлса-да, уларнинг қаердалигини аниқлаш ва улар билан боғланиш кўп маблағ ва вақт талаб этиши мумкин.

Шу билан бирга маълумотлар аудит иш ҳужжатлари сифатини ошириш ва унинг ҳулосаларини асосли эканлигини етарли далил-



лар билан тасдиқлаш мақсадида биз тўртинчи босқич сифатида *маълумотларни тўплашни режалаштиришни* таклиф қиламиз

Бу ерда шуниси аҳамиятга эгаки, агар аудитор етарли маълумот тўпламаса ёки нотўғри маълумотлар олган бўлса, кейинчалик уларга ишлов бериш ва уларнинг ишончлилигини текширишга ҳаддан ташқари кўп вақт сарфлашига тўғри келади. Шунинг учун ҳам агар ҳаддан ташқари кўп маълумот олинган бўлса, ортиқча маълумотлар ҳисобга олинмаслиги ёки вақт йўқлиги туфайли таҳлил қилинмаслиги мумкин. Бинобарин, аудитор олиниши лозим бўлган маълумотлар ҳақида олдиндан тўғри қарор қабул қилиши мақсадга мувофиқдир.

Бунинг учун эса олинган маълумотларни баҳолашнинг аҳамияти каттадир. Ушбу жараён амалга ошириш учун 5 - иловада келтирилганидек назорат воситалари, камчиликлар ва иш самарадорлиги молиявий назоратнинг умумий тамойилларига қанчалик таъсирчанлигини баҳолаш лозим. Бунинг учун эса назорат муҳити ва воситаларига таҳлил қилиш натижасида камчиликларни аниқлаш ва самарасиз иш участкаларини аниқлашга катта эътибор қаратилиши лозим. Шу билан бирга ушбу камчиликларнинг юзага келишининг сабабларини аниқланиши аудиторнинг бош мақсадларидан бири бўлиб, унинг оқибатларининг банк фаолиятига таъсири ўрганиши ва баҳолаши мақсадга мувофиқ.

Кўпинча маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш бирваракай амалга оширилиши мумкин. Шунга қарамай, маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилишдан олдин улардан қандай фойдаланиш ва аудиторлик ҳисоботида қандай акс эттириш белгилаб олинса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Агарда аудит мақсадларини аниқлаш ва текширувни амалга ошириш учун саволномалар тузиш, уни олиб бориш манбалари ва маълумотлар тўплашни режалаштириш лозим, агарда улардан қандай фойдаланиш режалаштирилмаган бўлса, ушбу омил текширув жараёнига бевосита таъсир қилади.

Шунинг учун ҳам аудит олиб борилганлигини тасдиқловчи жараённи далиллар билан иш ҳужжатларида акс эттириш учун олинган *маълумотлар таҳлил услуги режалаштирилиши* лозим бўлиб, уни биз бешинчи босқич, деб таклиф қилишимиз мумкин.

Таҳлил ҳажми ва тури тадқиқ қилинаётган масалаларга боғлиқ бўлади. Масалан, бевосита тавсифлаш фақат юзаки текширишни, амалда ишлар қандай олиб борилаётганини аниқлашни тақозо этиши мумкин. Тавсиялар ишлаб чиқиш эса ҳар томонлама текширишни тақозо этади.

Юқориди кўриб чиқилган босқичларга асосан, критерийларни

ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва қайта кўриш методи таклиф қилинади. Зеро, бу пировард натижада янада сифатли маҳсулот яратиш имконини беради.

Бу ерда шуни қайд этиб ўтиш жоизки, нотўғри аниқланган критерийлар куч, вақт ва маблағлар беҳуда сарфланишига ва янглиш хулосалар чиқарилишига олиб келиши мумкин. Ҳатто, тўғри ишлаб чиқилган критерийлар, агар ҳисоботда унга аниқ изоҳ берилган бўлмаса, методологик жиҳатдан изчил бўлмаслиги ва аудиторга билдирилган ишончга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Фаолият аудитини ўтказиш чоғида тўпланган далиллар ўз хусусиятига кўра сифатли бўлиши ва профессионал тарзда тайёрланган қарорлар кенг кўламда амал қилишини тақозо этиши мумкин. Бинобарин, баҳо бериш ва хулоса тайёрлашда аудитор, қоида тариқасида, турли манбалардан тасдиқловчи далиллар олишга ҳаракат қилади. Халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик далиллари тўплашнинг асосий беш услублари мавжуд бўлиб, улар қуйидагиларни ўз ичига олади.

**Ҳужжатларни кўздан кечириш** - физик ёки электрон шаклдаги ҳужжатлар билан тасдиқланган далиллар аудиторлик далилларининг энг кўп тарқалган шаклидир. Текширув объектига нисбатан улар ташқи ва ички бўлиши мумкин. Ҳужжатлар билан тасдиқланган ташқи далиллар филиал томонидан олинган хатлар ёки хизматномаларни, таъминотчиларнинг ҳисоб-фактураларини, ижара шартномаларини, контрактларни, ички ва ташқи аудиторлик текширувларининг якунларига оид ҳужжатларни ва бошқа ҳисоботларни, шунингдек, учинчи шахсларнинг тасдиқловчи гувоҳликларини ўз ичига олиши мумкин.

Ҳужжатлар билан тасдиқланган ички далиллар тафтиш қилинаётган ташкилот доирасида вужудга келади. Улар бухгалтерия ҳисоби материаллари, юборилган хат-хабарларнинг нусхалари, лавозим йўриқномалари, режалар, молиявий сметалар, ички ҳисоботлар ва хизматномалар, фаолият ва ички сиёсатни умумлаштирувчи статистик маълумотлар, шунингдек, таомилларни ўз ичига олади.

Ҳужжатлар билан тасдиқланган далилларнинг аудит мақсадларига нисбатан ишончлилиги ва релевантлигига баҳо бериш керак. Масалан, муайян таомилларни бажариш ҳақида қўлланманинг мавжудлиги у амалда қўлланилишини исботламайди. Оғзаки далиллар билан боғлиқ ҳолда бўлганидек, бу ерда ҳам ҳужжат муаллифи ёки уни тасдиқлаган шахснинг лавозими, билими ва лаёқатига баҳо бериш талаб қилиниши мумкин.

Бошқарувни назорат қилиш тизимининг (масалан, ҳисоб юри-тиш тизимининг) маҳсули бўлган ҳужжатларга айна тизим доира-сида амал қилувчи назорат воситалари нуқтаи назаридан баҳо бери-лиши керак. Бундай далилларни асос қилиб олиш ниятида бўлган аудиторлар тизим ички назоратининг самарадорлиги ҳақида ахбо-ротга эга бўлишлари лозим.

Бу ерда шуни қайд этиб ўтиш жоизки, ҳужжатларни кўздан кечиришга кам вақт ажратилади, шу боис, барча ҳужжатларни ўрга-нишнинг иложи йўқ. Шунинг учун ҳам, ҳужжатларни тасодифий танлаш ёки тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб танлаш принципига кўра, тадқиқ қилиш ҳақида қарор қабул қилиниши керак. Одатда, сўнгги зикр этилган қарор қабул қилинади, лекин, агар вақт бўлса, бошқа ишлар ҳам тасодифий танлаш принципига кўра тадқиқ қили-ниши мақсадга мувофиқ бўлади.

**Интервью олиш** - шахсий интервью олиш методидан ҳар қан-дай аудиторлик текширувларида муайян даражада фойдаланилади. Режалаштириш босқичида улардан аудиторга хўжалик бўлинмасида мавжуд муаммоларни аниқлашга ёрдам берадиган ҳужжатлар, фикр-лар ва умумий тасаввурлар олиш учун фойдаланилиши мумкин.

Текширув босқичида улар аудит мақсадига тегишли ахборот ёки ҳужжатлар олиш, фактларни ва бошқа манбалардан олинган маълумотларни тасдиқлаш ёки тавсиялар ишлаб чиқиш учун қўлла-ниши мумкин. Кўпинча интервью олиш бошқа маълумотлар олиш ёки уларни таҳлил қилиш техник усуларининг, масалан, блок-схе-малар тузиш, харажатлар ва натижаларни таҳлил қилиш, тадқиқот-лар ўтказишнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Интервью фойдали бўлиши учун ахборот олиш мумкин бўлган шахслар доирасини тўғри аниқлаш, шунингдек, оғзаки шаклда олин-ган ахборотни тасдиқлаш имкониятларини белгилаш талаб этилади. Муҳокама қилинаётган масалага олдиндан пухта тайёргарлик кўриш жуда муҳим. Бунда бериладиган саволлар рўйхати олдиндан тайёрланса, мақ-садга мувофиқ бўлади. Айрим ҳолларда саволлар рўйхатини интервью олинаётган шахсга олдиндан тақдим этиш анча яхши самара беради.

**Саволномалар** - аудиторлик далиллари олишнинг жуда самара-ли воситаси бўлиши мумкин.

Саволномани тўлдириш учун, одатда филиалларга юборилади-ган ёки тафтиш гуруҳи айна бир масалаларга турли манбалардан жавоблар олиш учун фойдаланадиган муфассал саволлар рўйхати, деб таърифлаш мумкин.

Маълумотлар олиш учун саволномалардан фойдаланиш ҳақида қарор қабул қилишдан олдин тафтиш қилинаётган филиалга уларнинг таъсири лозим даражада кўриб чиқилиши керак. Бунда аудитор нуқтаи назаридан жуда самарали бўлгани ҳолда, айна метод, ундан нотўғри фойдаланилган тақдирда, тафтиш қилинаётган хўжалик бўлинмаси кўп вақт ва ресурслар сарфлашига олиб келиши мумкинлигини эътиборга олиш муҳимдир.

Агар саволнома маълумотлар олиш усули сифатида танланган бўлса, унинг шаклини ишлаб чиқиш ва унга киритиладиган саволларни тузиш биринчи даражали аҳамият касб этади. Интервьюдан фарқли ўлароқ, саволномаларда берилган саволлар тартибли, изчил бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Маълумотлар олишнинг ҳар қандай стандартлаштирилган методидан фойдаланишдан олдин у тадқиқот мақсадига эришиш имконини берувчи натижаларни шакллантиришига ишонч ҳосил қилишимиз керак.

Саволномалар ёрдамида жуда кўп муаммоларни ҳал қилиш, бинобарин, вақтни тежаб қолиш мумкин. Бунга эришиш учун саволномаларни олдиндан пухта текшириб кўриш ва унинг натижасида маълумотлар тўплаш жараёнини текшириш мумкин. Маълумотлар олиш таомилини текшириш потенциал респондентда кутилган ахборот мавжудлигини, зарур жавоблар миқдорини ва респондентларга таъсирини таҳлил қилишни ўз ичига олади.

Саволлар ва олинадиган жавоблар гуруҳга тадқиқ қилинаётган муаммолар юзасидан қарор қабул қилиш ва аудиторлик хулосасига тадқиқот ўтказилаётган жабҳада эришилган кўрсаткичга оид билдиришлар киритилишини таъминлаш имконини беришини аниқлаш учун маслаҳатчилар хизматидан фойдаланилиши мумкин.

**Кузатиш** – бевосита кузатиш аудит ўтказиш жараёнида муҳим аҳамиятга эга. Ходимлар хулқ-атворининг асосий йўналишларини кузатиш иш хусусияти ҳақида ахборот олиш имконини беради. Айна вақтда, кузатув остидаги одамлар хулқ-атвори бир-биридан маълум даражада фарқ қилишини ҳам назардан қочирмаслик керак.

Фотосуратга олиш ва видеотасвирга тушириш бевосита кузатишнинг аҳамиятини оширади ва кузатув натижаларини ёзма шаклда муфассал баён этиш тавсия қилинади.

**Кўриш** – ишонч ҳосил қилиш демакдир, шу боис, бевосита кузатиш иккиламчи манбалардан олинган далилларга қараганда ишончлироқдир. Амалдаги кузатишларнинг натижаларини фотосуратга олиш ва видеотасвирга тушириш кейинги таҳлил учун далил-

ларни тўғридан-тўғри олишнинг энг оқилона усули ҳисобланади. Ниҳоят, фотосуратлар ва кузатиш предметлари аудиторлик хулосаси билан танишувчиларга жуда кучли таъсир кўрсатиши мумкин.

Режалаштириш босқичида ҳам, аудитни тадқиқ қилиш босқичида ҳам кузатиш барча техник усуллар орасида энг фойдали ва энг кўп қўлланиладиган усул ҳисобланади.

Тадқиқ қилишда бевосита кузатиш физик активлар мавжудлигини ёки уларнинг ҳолатини аниқлашнинг энг яхши воситасидир.

Кузатиш, одатда бир нечта босқичдан ташкил топади. Биринчи босқич – ривожланиш дастурларини бошқаришда муҳим рол ўйнайдиган объектлар, ҳодисалар ёки фаолиятни танлаш, кузатиш ва қайд этиш. Кузатилган ҳолат кейинчалик таҳлил қилинаётган мезонлар ва оқибатларга солиштириб кўрилиши мумкин.

Ушбу техник усуллардан фойдаланишга кўплаб мисоллар мавжуд. Бевосита кузатиш аҳолига хизматлар кўрсатиш дастурларини, шунингдек, тафтиш ва ҳуқуқни қўллаш функцияларини тушунишда катта аҳамиятга эга.

Кузатиш, агар у маълумотлар тўплаш режалаштирилган дастури билан уйғунликда қўлланмаса, фақат муайян мисоллар олиш имконини беради. Интервью олишда бўлганидек, фаолиятни кузатувчи биринчи навбатда нимага эътибор бериш кераклиги ҳақида тасаввурга эга бўлиши ва ушбу масалани ҳал қилишга очиқ ёндашиши лозим.

Юқорида кўрсатиб ўтилган далиллар йиғишнинг услубиётлари бўлиб, ушбу жараён аудиторлик текширувнинг маълум бир босқичидан иборатдир. Шунинг учун ҳам биз халқаро ички аудит стандартлари талабларидан келиб чиққан ҳолда, 5-иловада кўрсатилганидек аудитнинг текширувни олиб бориш ва олинган маълумотларни баҳолаш қисмларини босқичларини амалиётга татбиқ қилишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Аудитни текширув жараёни беш қисмга бўлишимиз мумкин. Бу ерда биринчи қисм аудит жараёнини режалаштириш натижасида текширувнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда текширув жараёнини амалга ошириш, иш режасидаги маълумотларни сўровлар таҳлили, таққослаш, кузатиш услублари орқали тасдиқлашинини ўз ичига жамлайди.

Текширувнинг иккинчи қисми, унинг асосий назорат воситаларини самарадорлигини ва муҳим босқичларини баҳолаши, уларга бўлган ишончлилиқ кўрсаткичлари ёрдамида таҳлил қилиш натижасида амалга оширилади.

Шу билан бирга аудиторлик текширувнинг учинчи қисмида

тизимлар, маълумотлар аудити асосида жиддий камчиликларни ва самарасиз операцияларни амалга ошираётган бўлимларни далиллар келтирган ҳолда тасдиқлашдан иборатдир.

Ички аудит хизматининг текширув жараёнидаги асосий вазифаларидан бири аниқланган камчиликларни ва айбдорларни аниқлашдан иборат эмас, балки ушбу камчиликларни сабабларини таҳлил қилиш ҳамда уларни бартараф этиш борасида тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, айтишимиз мумкинки, тижорат банкларида ички аудит хизмати томонидан иш жараёни аудиторлар томонидан тайёрланган иш ҳужжатлари уларнинг билимлари ва савияларига асосланган бўлиб моҳиятига кўра турличадир.

Тижорат банклари ички аудит тизими фаолиятида, иш ҳужжатларини қандай тузиш, олиб бориш ва уларни аудит далиллари билан баҳолаш услублари етарли даражада таҳлил қилинмаган.

Аудит натижалари бўйича фақат актлар тузилиб, у ерда текширув жараёнида аниқланган камчиликлар, хато турлари, ҳужжат номи, санаси камчиликларга йўл қўйган масъул ходимлар кетма-кетликда кўрсатилган, бу эса аудит хулосаларини умумлаштириш жараёнида қийинчиликларни юзага келтириши мумкин.

Ички аудит тизими раҳбарияти томонидан олиб борилган ишлар таҳлили бўйича фикр мулоҳазалар келтирилмаган бўлиб, у аудит сифатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Аудит жараёнини режалаштириш, текширув иш ҳужжатларини юритиш, аудитор хулосаларини тайёрлашда улардан фойдаланиш ва аудит файлларини ташкил қилиш, ҳужжатларни сақлаш тўғрисида аудит низомида кўзда тутилмаганлиги сабабли айнан ана шу жараёнга етарли даражада эътибор қаратилмайди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, аудит жараёнида олинadиган ахборот унинг сифатли далили бўлиб хизмат қилади, шу боис, ҳужжатлаштиришга алоҳида эътибор берилади.

Юқорида зикр этилган фикрлардан келиб чиқиб, ички аудитор амалиётини ички аудит стандартлари тамойилларига асосланган ҳолда такомиллаштириш учун қуйидагиларни таклиф қиламиз:

Ички аудиторлик фаолиятида аудитор иш ҳужжатлари ўзининг келиб чиқиши ва моҳияти кўра ундан фойдаланиш жараёнида аудиторнинг маълум бир тамойилларни амалга оширганлигини исботлаш манбаи ҳисобланганлиги учун у маълум бир умумий талаблар асосида юритилиши мақсадга мувофиқдир.

Аудит жараёни ва иш сифатини ошириш мақсадида, текшириш жараёнида олинган барча маълумотлар ички аудит стандартлари талабларига мувофиқ расмийлаштирилиши лозим.

Аудитор томонидан тайёрланган барча иш ҳужжатлари ўзининг моҳияти ва мазмунига кўра гуруҳланиши ва махсус папкаларда сақланиши керак. Ушбу ҳужжатларда аудитор томонидан умумий аудит жараёни тўғри режалаштирилганлиги, унинг амалга оширилиши, ҳисоб юритиш ва ички назорат тизимларини таҳлил қилиш, аудитнинг муайян сегментларига нисбатан таърифланган хулосаларни ва бошқа масалаларни муфассал ёритилиши керак.

Фикрларимизни умумлаштирган ҳолда айтишимиз мумкинки, далилларни таҳлил қилиш жараёнида турли маълумотлар ва хулосаларни таққослаш ва бунинг натижасида уларнинг аҳамиятли истиқболларини таъминлашга эришиш мумкин. Бу ҳолда таққослашлар ҳар хил бўлиши мумкин: реал ҳодисаларни режалаштирилган ёки мўлжалланаётган ҳодисалар билан солиштириш; бошқарув таомилларининг бажарилиши ёки харажатларни бошқа жойдаги шунга ўхшаш ҳодисалар билан солиштириш; умумий қабул қилинган стандартларга солиштириш мумкин.

Аудиторлик хулосаларини тайёрлашда далиллардан фойдаланиш имкони бўлиши учун улар маълум бир талабга жавоб бериши, ишга тааллуқли ва асосли бўлиши керак, шунинг учун ҳам ахборотнинг ишончилигига бўлган талабларга риоя қилиш аудиторлик текширувининг барча босқичларида таъминланиши мақсадга мувофиқдир.

Аудиторлик далилларини аудит мезонларини текшириш ва аудиторлик маълумотларини тасдиқлаш учун олинган ахборот деб таърифлаш мумкин бўлиб, унинг асосий мақсади, аудит иш ҳужжатларини ишончилилик даражасини оширишдан иборатдир. Далиллар одатда билвосита хусусиятга эга бўлади, чунки улар муайян ҳодиса содир бўлганидан кейин олинади, ва кўпинча рад этиб бўлмайдиган эмас, балки ишонтирарли хусусиятга эга бўлади.

Тижорат банклари ички аудит хизмати ходимлари асосан бирламчи ҳужжатлар билан қайта ишлайдилар ва ўз хулосаларида аниқланган камчиликларни акс эттирадилар. Аммо, бу ерда ушбу бирламчи ҳужжатлар таҳлил қилишнинг мақсади, далилларни тўплаш услублари ва уларни манбалари тўғрисида маълумотлар иш ҳужжатларида етарлича ёригилмаган.

Ўзбекистон Республикаси банклари фаолиятини текшириш жараёнида аудиторлар бирламчи ҳужжатларни ўрганиш ва таҳлил

қилиш натижасида ўзларининг хулосаларини тайёрлайдилар. Лекин, шу билан бирга, аудитор актларида фақатгина аниқланган камчиликлар акс эттирилган бўлиб, бош аудитор актларда келтирилган фактларга кўра бирламчи ҳужжатлар билан танишишга ва аудит гуруҳи хулосаларининг қанчалик тўғри эканлигини таҳлил қилиш имконига эга бўлмайди.

Шу билан бирга, ушбу актларда аниқланган камчиликларнинг турлари бўйича, айбдор шахслар тўғрисида батафсил маълумот берилган бўлиб, текширувнинг аниқ мақсади нима эканлиги ва аниқланган камчиликларнинг манбалари етарлича ёритилмаган.

Шунинг учун ҳам, бизнинг фикримизча, аудиторлар иш жараёнининг ҳар бир босқичини халқаро аудит стандартлари талабларига кўра, ҳужжатлаштиришлари ва бу ерда асосан аудит далилларини тўғри тўплашга ва уларнинг қандай тузилишига алоҳида эътибор берилиши мақсадга мувофиқдир.

Текширув жараёнида ўрганилган ҳужжатлар тўплами ўзининг моҳиятига кўра, таҳлил этилиши ва тизимга солинган ва изчил тузилишга эга бўлиши керак. Бунинг учун эса, аудиторлик иш ҳужжатларини мантиқий ва осон кузатиладиган индекслар ёрдамида белгилаш, ҳамда улардаги аҳамиятга молик кўрсаткичлар алоҳида иш ҳужжатларида умумлашган ҳолда жамланишининг аҳамияти каттадир.

Аудиторлик гуруҳининг раҳбарлари маълумотларни сақлаш ва зарур бўлган пайтларда улардан фойдаланиш учун, ҳужжатларнинг базаларини ташкил қилишлари, уларнинг матнларига кўра блоклари билан ажратишларни ёки бошқа дастурий услуб билан уларнинг таъминлаш тизимлари яратилишини таъминлашлари мақсадга мувофиқдир.

Шунинг учун ҳам, бизнинг фикримизча, ҳар бир аудиторлик текшируви учун рўйхатга олиш файли тузилиши, ундан аудитнинг хронологик натижаларини таъминлаш ва асосий воқеаларни намойиш этиш мақсади кўзланиши лозим.

Далилларни йиғиш жараёнида аудитор салбий ҳолатларни аниқлаган тақдирда, у мазкур ҳолатларга олиб келган сабабларни аниқлабгина қолмасдан, балки улар ўз вақтида бартараф этилмаса, келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларга баҳо беришга ўз эътиборини қаратиши ўта муҳимдир. Далилларнинг асосий мақсади, иш ҳужжатларида акс эттирилган жараённи тасдиқлаш ва аниқланган камчиликларни асослашдан иборатдир. Шунинг учун ҳам, ушбу жараённи тасдиқловчи иш ҳужжатлари ўзининг келиб чиқиши ва мазмунига кўра, ундан



фойдаланиши мумкин бўлган мутахасислар учун тушунарли бўлиши ва ўзининг ишончлилиги даражаси юқори бўлиши учун мантиқан изчил, қисқа ва самарали усулда ифода этилиши айна муддаодир.

Далилларнинг ишончлилигини эса аудит муваффақиятининг ҳал қилувчи омили бўлиб, режалаштириш босқичидан то аудиторлик текшируви якунлангунга қадар муҳим аҳамиятга эга.

Далиллар тўплаш тадқиқ қилиш босқичининг муҳим таркибий қисмидир. Ишга тааллуқли (релевант), асосли ва ишончли далиллар олиш учун ҳар бир вазиятга нисбатан далиллар тўплашнинг тегишли техникасини пухта ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

### **4.3. Аудиторлик текширувининг якуний жараёни ва аудиторлик текшируви натижалари бўйича ҳисобот тайёрлаш**

Ҳар бир аудиторлик текширувининг иш жараёни умумлаштирилиши ва унинг асосида хулосалар тайёрланиши талаб қилинади. Шунинг учун ҳам, аудитнинг якуний жараёни ўзининг моҳиятига кўра, текширув режасининг қанчалик бажарилганлиги ва унинг натижалари етарлича далиллар билан тасдиқланганлиги, шу билан бирга, бевосита ҳужжатлаштирилиши натижасида берилган хулосаларни етарлича асосли эканлигини ўрганишнинг аҳамияти каттадир.

Шунинг учун ҳам, ушбу параграфда аудит текширувининг якуний босқичида ўтказиладиган таомилларни ёритишга ҳаракат қиламиз.

Якуний текширув, ўзининг моҳиятига кўра, қоида тариқасида текширув жараёнида тайёрланган ҳужжатлар билан танишишдан иборатдир. Ҳужжатларни ўрганиш жараёнида тақдим этилган ахборот ва тушунтиришлар, аниқланган камчилик ва хатоларни ёритиш бўйича қўйилган талабларга жавоб берадими, ҳамда шу пайтгача аниқланмаган хато ва камчиликлар мавжудми деган саволларга жавоб бериши лозим.

Аудит текширувини ўтказиш пайтида аудиторларнинг барча ҳаракатлари текширувнинг асосий мақсадига эришиш – текширув объекти молиявий ҳисоботининг ишончлилиги ҳақида ҳолисона фикрни шакллантиришга қаратилади. Шу фикр аудиторлик хулосасининг мазмунини ташкил этади.

Аудиторлик стандартлари тўғрисидаги низом<sup>105</sup> аудитордан молиявий ҳисоботларни текширишнинг охириги босқичи тарзида ёки бевосита аудитнинг якуний босқичида аналитик таомилларни ўтказишни талаб қилади.

---

<sup>105</sup> Стандарти аудита № 56. Аналитические процедуры.

Аудиторлик стандартларини амалиётга татбиқ этиш борасида олиб борилган изланиш шуни кўрсатдики, АТ «Пахта банки» нинг ички аудит хизматининг текширув жараёни якуний қисми ўзининг моҳиятига кўра икки қисмдан иборатдир. Улардан биринчиси, ўрганилган ҳужжатларни умумийлаштирган ҳолда аудиторлик хулосаларини тайёрлаш бўлса, иккинчи қисми филиал раҳбарияти билан кўрсатилган камчиликларнинг таҳлилидир.

Бу ерда шуни айтиб ўтиш жоизки, АТ «Пахта банки» ички аудит хизмати томонидан тайёрланган хулосалар ўзининг моҳиятига кўра тузилган дастурда кўзда тутилган саволларнинг жавобини қамраб олган.

Шу билан бир қаторда, аудитор хулосасида текширув жараёнида иштирок этган аудиторлар, ўрганилган йўналишлар ва аниқланган камчиликлар кетма-кетликда ва гуруҳларга ажратилган ҳолда батафсил ёритилган. Бу ерда шуни қайд этиб ўтиш жоизки, хулосаларда ўрганилган йўналиш ва ҳужжатлар тури, санаси, камчиликларни суммаси ва уни тайёрлаган ходимлар рўйхати кетма-кетликда берилган. Бу эса аудитор хулосаларини таҳлил қилиш жараёнида келтирилган фикрларни асосийларига эътибор қаратиш ва уларни умумлаштиришни қийинлаштиради. Ҳамда ички аудит ходимлари томонидан олиб борилган текширув жараёнида аниқланган камчиликлар, ва уларнинг банк филиали томонидан бартараф этилган қисми алоҳида батафсил кўрсатиб ўтилган.

Текширув жараёнида аудиторлар томонидан, асосан бирламчи ҳужжатлар ўрганилганлиги сабабли, ҳамда уларнинг жойларда сақланиши лозимлиги сабабли текширув натижалари фақатгина аудиторларнинг ўрганилган ҳужжатларга билдирган фикрларини ўз ичига қамраб олган.

Лекин, хулоса ўзининг ёзилишига кўра умумий кўринишда бўлиб, унда келтирилган фикрлар етарлича бошланғич ҳужжатлар билан боғланмаган.

Ички аудит хизмати томонидан олиб борилаётган текширувлар, асосан, бир йўналишда бўлганлиги сабабли аудит хулосалари ҳам бир бирига ўхшашидир. Лекин, шунга қарамасдан, ички аудит Бош бошқармаси томонидан тасдиқланган аудит ўтказиш ва умумлаштиришнинг умумий жараёни қамраб олувчи кенг йўриқномаси тузилмаган.

Ғарб амалиётида аудиторлар ўз хулосасини тузишда ички аудит стандартлари<sup>106</sup> талабларига амал қилади. Ушбу стандартларга му-

---

<sup>106</sup> Международные профессиональные стандарты внутреннего аудита, Институт внутренних аудиторов 2003.

мувофиқ, аудитор бухгалтерия ҳисоботининг барча муҳим жиҳатлари тижорат банкининг ҳисоб юритиш сиёсатига асосан қабул қилинган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларга мувофиқлигига баҳо беради.

Аудиторлик хулосаси – барча юридик шахслар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви ташкилоти, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ташкилоти ва суд ташкилоти учун юридик аҳамиятга эга бўлган ҳужжатдир<sup>107</sup>.

Биз ички аудит хизмати ишининг натижаларини ҳужжатлаштириш ва умумлаштириш масаласини таҳлил қилишда ички аудит услуби соҳасидаги чет эл тажрибаси, тафтиш ўтказиш тажрибаси ва аудиторлик фаолияти стандартларидан фойдаланишга ва уларни Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари фаолиятига татбиқ қилишга ҳаракат қилдик.

Илмий ишнинг олдинги параграфларида ички аудитда қўллаш зарур бўладиган иш ҳужжатларини гуруҳлаш тўғрисида сўз юритиб, уларни гуруҳлаш бўйича таклиф киритилган эди.

Унга кўра биринчи гуруҳни ички аудит хизматини муайян ҳолатлар фаолиятини режалаштириш ва мувофиқлаштириш мақсадига тузиладиган иш ҳужжатлари ташкил этади.

Иккинчи гуруҳни ички аудит хизмати текширувларга чиқиш зарур бўлган тузиладиган иш ҳужжатлари ташкил этади. Бу ерда қайд қилинган ўтиш жоизки, иш ҳужжатлари ўзининг моҳиятига кўра, текширув жараёнида чиқарилган хулосаларни етарли даражада асосан текшириш имконини яратиши лозим. Бир томондан, бу банк раҳбариятига кўри бошқарув қарорлари қабул қилиш имконини беради, иккинчи томондан эса, ички аудит ишидан ташқи аудит мақсадларида фойдаланилиши мумкин.

Учинчи гуруҳни ички аудит хизмати амалга оширган ишларнинг натижалари бўйича тузилган якуний ҳужжатлар ташкил этади.

Якуний ҳужжатлар шаклини танлаш учун чет эл ички аудит хизматлари, ташқи аудит ўтказадиган аудиторлик ташкилотлари, тижорат-тафтиш бўлинмаларининг иш натижаларини тақдим этиш услублари ва мавжуд аудиторлик стандартлари талабларига мувофиқ, ички аудит ҳисоботи шаклини умумлаштирувчи ёрдамчи жадвални тузамиз.

<sup>107</sup> Аудит: Учебник для вузов / В.И.Подольский, Г.Б.Поляк, А.А.Савин и др. Под редакцией проф. Подольского. 2-е изд., перераб. и доп. – М., ЮНИТИ-ДАНА, 2001

**Текширув ҳисоботи (чет эл тажрибаси)  
шаклига қўйиладиган талаблар**

Ички аудит (чет эл тажрибаси)	Ташқи аудит	Тафтиш	Ички аудит ҳисоботи шаклига қўйиладиган талаблар
Ички аудит стандартлари талабларга риоя қилган ҳолда, аудиторнинг эркин шаклдаги ҳисоботи	Аудиторлик хулосаси (аудиторлик фаолияти стандарти). Кириш, таҳлил ва хулоса қисмларидан ташкил топади.	Тафтиш ҳужжати. Кириш, тавсифий ва хулоса қисмларидан ташкил топади.	Ички аудиторнинг томонидан тайёрланган ҳисоботлар

Келтирилган жадвалдан кўриниб турибдики, ички аудит учун ишлаб чиқилган ҳисобот ўзининг тури ва мазмунига кўра, маълум бир талабларга жавоб бериши мумкин бўлган шаклга эга эмас. Шу боис миллий аудит ва тафтиш амалиётида ҳамда чет элда қўлланиладиган ҳисобот шаклларида механик тарзда фойдаланиш мумкин эмас.

Бу ерда фақатгина «Ҳисобот» номидан келиб чиққан ҳолда фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади, чунки бу стандарт талабларига мос келади. Шунингдек, ички аудит хизмати фаолиятининг турли йўналишлари бўйича ҳисоботлар тузишга қўйиладиган талаблар тизимини ишлаб чиқиш лозим.

**Яъни, текширув ўтказиш жараёни якунлаганидан кейин аудитор ўз ҳисоботини асосий бўлимлар, чунончи: кириш қисми, хулоса ва далиллар келтирилган бўлим, тавсиялар қайд этилган бўлим ва нисбатлар ҳажмига оид бўлим бўйича тизимга солиши керак.**

Шу билан бирга таъкидлаш керакки, аудитор: «Нима учун ҳисобот ёзаяпман?», деган савол устида фикр-мулоҳазалар юритмайди. Хусусан, йирик аудиторлик ташкилотларида аудитор ўз ҳисоботини раҳбарият томонидан маъқулланишидан кўпроқ манфаатдор бўлади ва уни ташкилотдан ташқаридагилар ҳам ўқиши мумкинлиги ҳақида ўйламайди. Ваҳоланки, ҳисобот билан ташкилот доирасидан ташқарида танишадиган кишиларнинг аксарияти мазкур соҳа бўйича мутахассис бўлмайди ва махсус атамаларни тушунмайди.

Аудиторлик хулосалари фойдаланувчилар идрок эта оладиган тарзда баён қилиниши ва имкониятга қараб аниқлик нисбатидан фойдаланиш лозим. Аудиторлар ўз хулосаларида текширув жараёнини эмас, балки унинг натижаларини баён этиши керак. Аудитор хулосасида кичик сарлавҳалар ёрдамида энг муҳим предметларга эътиборни қаратиши лозим, бироқ ўқувчига етказишга ҳаракат қилаётган асосий вазифа тизгинини йўқотмаслик учун матнда бундай кичик сарлавҳаларни кўпайтириб юбормаслиги керак.

Масалан, маблағлардан фойдаланилишини текшириш ҳақидаги ҳисоботлар объектив услубда ёзилиши ва уни тайёрлаш жараёнида аудитор мураккаб жумлалар ва ўхшатишлардан фойдаланмаслиги керак. Далил тариқасида ифодаланган ахборот миш-мишларга ёки ишончсиз маълумотларга асосланмаган, ҳақиқий бўлиши лозим. Аудитор материални мумкин қадар холис ва изчил баён этиши, ишдаги ютуқларни ҳам, мавжуд камчиликларни ҳам кўрсатиши керак; агар раҳбарият ишда йўл қўйилган камчиликларни ўз вақтида бартараф этган бўлса, аудитор ҳисоботда буни албатта қайд этиб ўтиши лозим.

Агар аудитор ўз ҳисоботини бир неча бўлимлардан тузган бўлса, у ҳар бир бўлимдаги алоҳида бандларига ҳам аҳамият бериши, уларни бўлим ичида мувофиқ тарзда жойлаштириши мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, аудитор ўз ҳисоботида сабабларнинг бир неча турини кўриб чиқади; бироқ, уларнинг айримлари бошқа сабабларга қараганда муҳимроқ ҳисобланади. Энг муҳим сабабларни бўлимнинг бошида жойлаштириш лозим, қолган сабабларни жойлаштириш тартиби эса уларнинг муҳимлик даражасига боғлиқ бўлади.

Аудитор хулосаларида келтирилган маълумотлар ўзининг моҳиятига кўра, олиб борилган иш жараёнининг кетма-кетлигини ёритиб бериши мақсадга мувофиқдир.

Аудиторлик текширувини режалаштириш, маълумотларини тайёрлаш ва яқунлаш жараёни турли босқичларда амалга оширилади (4.2.2-жадвал).

Аудитор хулосасининг негизи уни режалаштириш босқичида потенциал муҳим масалалар тарзида шакллана боради. Юқорида айтиб ўтилганидек, аудитнинг самарали ўтказилиши унинг натижаларига бевосита боғлиқдир.


Шунинг учун ҳам, аудиторлик маълумотларини муфассал баҳолаш, қоида тариқасида, аудиторлик текширувининг муайян жабҳалари бўйича ҳужжатларни тайёрлаш ёки жойларда аудиторлик ишларининг умумийлаштириш жараёнига яқин яқунланади. Шунга

қарамай, ҳисоботни тайёрлаш босқичида баҳолаш ишларининг давом этиши табиий бир ҳолдир, чунки маълумотларга аниқликлар киритиш ва қўшимча далиллар олинishi мумкин.

Шу босқичда ҳисоботга киритиладиган маълумотлар ва тавсиялар юзасидан узил-кесил қарор қабул қилинади. Аудиторлик маълумотлари аниқланган заҳоти баҳолашнинг икки қўшимча шакли амал қилади — олинган маълумотларнинг муҳимлигини баҳолаш ва бажаришдаги камчиликларнинг сабабларини аниқлаш.

#### 4.2.2 - жадвал

##### Ички аудит текширувини яқунлаш жараёнининг босқичлари



Жадвалдан кўриниб турибдики, текширув натижаларини умумийлаштириш жараёнида аудитор авваламбор аудит мезонларига алоҳида эътибор қаратиши керак. Чунки, айнан ана шу манба аудит жараёни тўғри ташкил қилинганлиги, ҳамда аудитор ўз хулосасини аудит мақсадидан келиб чиққан ҳолда олиб борганлигининг исботи бўла олади.

Аудиторлик маълумотлари замирида кўпинча мезонлар, жорий ҳолат ва оқибат унсурлари, шунингдек, аниқланган муаммоларнинг сабаблари ётади. Шунга қарамай, маълумотларни олиш учун зарур элементлар аудит мақсадларига тўла боғлиқ бўлади. Бинобарин, мезонлар, жорий ҳолат ва оқибат маълумотларнинг таркибий қисми ҳисобланади.

**Мезонлар** бажаришнинг мувофиқлигини баҳолаш стандартлари ҳисобланади. Улар кўриб чиқилаётган муаммони бошқаришнинг меъёрий моделини акс эттиради. Мезонлар ишларни ташкил этишнинг оқилона методидир. Мезонларни жорий ҳолат билан солиштириб, аудиторлик маълумотлари олинади. Мезонларнинг мувофиқлиги ёки вазифа улардан ошириб бажарилгани ишлар яхши ташкил этилганидан, мезонларга номувофиқлик эса фаолиятни яхшилаш мумкинлигидан далолат беради. Агар вазиятни яхшилаш имконияти ва ҳатто, унга эришиш усуллари ҳам белгиланса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Мавжуд мезонларга қуйидагилар мисол бўлиши мумкин: муайян лойиҳа тасдиқланган режага мувофиқ 24,5 миллион сўмни ташкил этадиган смета қиймати бўйича 18 ой ичида якунланиши лозим; халқаро савдо ўтказилишидан 45 кун олдин бу ҳақда хабар берилади; энг кам қийматли тендер таклифи шартнома олинисини таъминлайди.

**Жорий ҳолат** – аудитор ўтказилган текширув натижасида амалда аниқлаган кўрсаткич. Аудитор ишларнинг ҳақиқий ҳолати мезонларга мос келмаслигини, чунончи: шартномаларнинг қоидалари бажарилмаганини, даромад солиғини ҳисоблаш белгиланган қоидаларга мувофиқ амалга оширилмаганини, даромад солиғи ўз вақтида ундирилмаганини, қимматбаҳо техникаларни сотиб олиш харажатлари сметадаги мўлжаллардан ошиб кетганини аниқлаши мумкин. Буларнинг барчаси аудитор учун муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Жорий ҳолат айна вақтда амалга оширилаётган ишларга ёки юзага келган вазиятга боғлиқ бўлади. Жорий ҳолат мезонларнинг жоиз даражасига мувофиқлигига баҳо бериш учун уни мезонларга солиштириш лозим.

Жорий ҳолатга мисол тариқасида даромад солиғини ўз вақтида тўлаш тизимларига лозим бўлган маълумотлар берилмаганини, айна вақтда солиқ декларацияларини ўз вақтида тақдим этиш сўралганини келтириш мумкин.

**Оқибатга доир маълумотлар** миқдорий жиҳатдан ўлчаниши мумкин. Масалан, ҳисобланган ва тўланадиган солиқлар фақат пул бирлиги ҳисобида баҳоланиши мумкин. Бундан ташқари, ноишлаб чиқариш жараёнларининг оқибатлари, масалан, банд қилинмаган компьютер ресурслари ёки лозим даражада бошқармаслик вақтдаги кечикишларга ёки бой берилган моддий ресурсларга ўтказилганида аён бўлиши мумкин. Миқдорий оқибатлар, қоида тариқасида, назоратнинг йўқлиги, нотўғри қарорлар қабул қилиниши ёки солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатишдан манфаатдор эмаслик билан боғлиқ бўлиши мумкин. Маълумотлар ўз кучини сақлаб қолиши учун

аудитор ўтган замонда оқибатнинг рўй беришига олиб келган ҳолатлар ҳали бартараф этилмаганлигига ишонч ҳосил қилиши лозим.

**Сабабни** муайян ҳодиса рўй беришига олиб келган омил, деб таърифлаш мумкин. Сабабни аниқлаш ўзаро муносабатларни ҳисобга олиш имконияти ҳақида ахборот олиш имконини беради ва вазиятни яхшилаш йўлларини назарда тутаети.

Қониқарсиз шарт-шароитларнинг сабаблари нафақат муваффақиятсизлик сабабларига эътиборни қаратиш, балки вазиятни яхшилаш учун нималар қилиш кераклигини аниқлаш учун ҳам таҳлил қилиниши лозим. Айрим сабаблар раҳбариятнинг назоратидан четда бўлиши мумкин. Масалан, миллий миқёсда рўй берган офатлар, масалан, сув тошиши ёки Европа валюта тизимида валюта курсларининг кутилмаган қайта кўрилиши, чет эл ёрдами кўрсатилишининг вақтинчалик гўхтатилиши ва ш.к. Аудитор қониқарсиз аҳволга олиб келган сабабларни, шунингдек, уларнинг қайсилари ва қай даражада раҳбарият назоратидан четда қолганини ҳолисона кўрсатиб бериши керак.

Муайян шарт-шароитлар вужудга келишининг сабабларига қуйидагилар мисол бўлиши мумкин: бухгалтерия счёта-фактурани лозим даражада текширмаслиги натижасида шартномалар бўйича ортиқча ҳақ тўланиши мумкин, материал сарфини солиштиришнинг талабларга жавоб бермайдиган тизими қўлланилиши оқибатида материаллар мўлжалланганидан ортиқча сарфланиши рўй бериши мумкин. Бундай сабабларни эътиборга олиш лозим.

Агар шарт-шароитлар мезонларга мос келмаса, бундай номувофиқликларнинг сабаблари ва оқибатлари тадқиқ қилинади. Мазкур босқич қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ишга доир ахборотни ўрганиш;
- муаммонинг моҳиятини аниқлаш ва камчиликларнинг сабаблари ҳақида ахборот олиш;
- олинган маълумотларни асослаш учун далилларнинг ўринлигига танқидий баҳо бериш;
- ҳисоботда қайд этилган муаммонинг муҳимлигини тасдиқлаш учун мавжуд камчиликларнинг сабаблари ва оқибатлари бўйича қўшимча далиллар олиш.

Аудитор ўрганилаётган маълумотларнинг ишонарли эканлигини, ҳамда уларни тасдиқловчи далилларнинг қанчалик асосланганлиги ўрганиш жуда муҳимдир.

Шу билан бир қаторда, аудитор олинган маълумотларни қанчалик даражада етарли эканлиги, уларни қандай меъёрий ҳужжат-



ларга асосланган ҳолда ўрганилганлигини аудитни якуний босқичларида баҳолаш муҳимдир.

Чунки, аудит мақсадидан келиб чиққан ҳолда унинг мезонларини аниқлаш, ҳужжатларни таҳлил қилиш, далиллар йиғиш ва маълумотларни айнан ана шу мезонлардан фойдаланган ҳолда тайёрлашни текшириш аудит якунига ва унинг хулосасига бевосита таъсир кўрсатувчи омилдир.

Ишни маъмурий ва операцион жиҳатдан бажаришни яхшилаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш, маблағлардан фойдаланиш аудитининг энг муҳим хусусияти ҳисобланади. Тавсиялар ишлаб чиқиш салбий мазмунда маълумотлар олинган ва жиддий салбий оқибатлар аниқланган ҳолда амалга оширилади. Тавсияларни ишлаб чиқишда аудитор имкониятга қараб тавсиялар бажарилган ҳолда олиниши мумкин бўлган соф иқтисодни баҳолашга интилиши мақсадга мувофиқ. Шунга қарамай, аксарият ҳолларда молиявий оқибатларни етарли даражада асосланган ишонч билан баҳолаш мумкин.

**Шунинг учун ҳам бизнинг назаримизда, аудитор томонидан ҳар бир параграфни ўрганиш жараёнида энг оқилона усули уларни изчиллик, мантиқлилиқ, уйғунлилиқ ва ифодалилик нуқтаи назаридан кўриб чиқишдан иборат бўлиши мақсадга мувофиқдир.** Бу ерда шуни қайд этиб ўтиш жоизки, ҳар бир параграфни – узун ёки қисқа, содда ёки қўшма гаплардан тузилган жумлаларни ёзишда ана шу принциплар, чунончи: изчиллик, мантиқлилиқ, уйғунлилиқ ва ифодалилик принципларидан келиб чиқишга интилишнинг аҳамияти каттадир.

**Шунинг учун ҳам, бизнинг фикримизча, аудитор томонидан тузилган умумий ҳисобот матнини уч қисмга бўлиш мақсадга мувофиқдир.** Мазкур қисмлар ҳар бирининг мазмуни ҳақидаги гапларни таърифлаш учун ташқи аудит ва тафтиш ўтказишда ҳар бир бўлим мазмунини қиёсий кўриб чиқамиз. Ташқи аудит текшируви натижалари бўйича тузилган аудиторлик хулосасининг кириш қисми аудиторлик ташкилоти ҳақида умумий маълумотлар беради, шунингдек, унда текширувда қатнашган барча аудиторларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми кўрсатиб ўтилади. Тафтиш ҳужжатининг кириш қисми ўтказилаётган текширув ва текширилаётган объект ҳақида умумий маълумотлардан, текширув ўтказган шахсларнинг фамилияси, исми ва отасининг исмидан ташкил топади.

Ички аудитда текширув ўтказган муайян шахслар кўрсатиб ўтилиши шарт, аммо қолган жиҳатлардан кириш қисмига нисбатан ёндашув тафтиш ўтказишга нисбатан ёндашувга яқин бўлиши ло-

зим. Бинобарин, бу биринчи қисм бўлиб, хулоса қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

1. Ҳисобот тартиб рақами.
2. Филиал номи.
3. Текширилаётган объект жойлашган ҳудуднинг номи.
4. Ҳисобот ёзилган сана.
5. Ички аудит ўтказиш режа-графикига мувофиқ, текширув ўтказилган сана.
6. Текширув масалаларига ишора.
7. Текширув бошланган ва якунланган сана.
8. Текширилаётган филиал раҳбариятининг фамилияси, исми ва отасининг исми.
9. Бошқа зарур маълумотлар.

Ҳисоботнинг иккинчи асосий қисмида текширувни ўтказиш жараёнида аниқланган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган камчиликлар, қоидабузарлик ҳолатлари изчил баён этилади ёки бундай ҳолатларнинг йўқлиги кўрсатиб ўтилади, шунингдек, текширув натижалари бўйича тўғри қарор қабул қилиш учун аҳамиятга молик бўлган бошқа ҳолатлар қайд этилади.

Ҳисоботнинг якуний учинчи қисмида текширилган ташкилотдаги бухгалтерия ҳисоби, ички назорат ва ҳисоботнинг ҳолати тўғрисида умумий хулоса чиқарилиши, шунингдек, аниқланган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш ҳақида таклифлар берилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси банклари ва чет эл тажрибаси шуни кўрсатадики, текширилаётган филиал маъмурияти ички аудиторлар ишининг натижалари акс эттирилган ҳисоботлар билан таништирилиши, тақдим этилган материаллар маъмурият билан муҳокама қилиниши, ички аудиторларнинг таклифларини амалга ошириш имкониятлари кўриб чиқилишининг самараси каттадир. Чунки, айнан ана шу танишиш натижасида айрим аҳамиятсиз камчиликлар текширув жараёнида бартараф этилиши мумкин. Фикр-мулоҳазалар ва тавсиялар билдирилган шахслардан жавоблар олинганидан кейингина ҳисобот бош ташкилотга тақдим этилиши, бунда нималар амалга оширилгани, харажатлар ёки бошқа нуқтани назардан нималар самарали эмаслиги кўрсатилиши мумкин.

Филиалларни жойларга чиқиб текширишда ички аудит хизмати бухгалтерия ҳисоботида акс эттирилиши лозим бўлган барча муҳим ҳолатлар ва воқеалар ҳисобот имзоланган санага қадар бўлган

ҳолатга кўра лозим даражада аниқлангани, баҳолангани ва текширилганига ишончи комил бўлиши мақсадга мувофиқдир.

«Ҳисобот санасидан кейинги воқеалар»га бағишланган аудит стандартлари<sup>108</sup> айнан ана шу жараёни қандай ўрганиш, ҳамда уни текширув хулосаларида қандай акс эттириш борасидаги таклифлар келтириб ўтилган.

Шу билан бир қаторда, ушбу стандартнинг учинчи бўлимида аудиторлик хулосаси имзоланган санага қадар, аммо узил-кесил текширилаётган даврдан кейин рўй берган воқеалар учун аудиторнинг жавобгарлиги тўғрисида сўз юритилади.

АТ «Пахта банк»и амалиётидан фарқли, ички аудит хизмати фаолиятининг хорижий тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, филиал фаолиятининг узлуксизлиги имкониятига, яъни унинг яқин келажакда ўз фаолиятини давом эттириш ва бухгалтерия ҳисоботи тузилган санадан кейинги даврда ўз мажбуриятларини бажара олиш қобилиятининг таҳлили олиб борилади ва унга баҳо берилади.

Бунда ички аудит хизмати филиалнинг ноаниқ мажбуриятларига, масалан, тугалланмаган суд жараёни, солиқ ташкилоти билан келишмовчиликлар, учинчи томоннинг мажбуриятлари бўйича кафолатлар ва бошқа жараёнлар чуқур ва батафсил ўрганилади.

Хорижий банклар ички аудит хизмати амалиётидагидек республикамиз банкларида ҳам филиалларни жойларга чиқиб текшириш натижалари бўйича ҳисоботлар аудиторлар гуруҳининг раҳбарлари томонидан тузилади.

Гуруҳ раҳбарлари филиаллар ва бутун банкнинг молия-ҳўжалик фаолияти натижалари бўйича аналитик ҳисоботларни ҳисобкитоблар бўйича мутахассис, Бош бошқарма билан ҳамкорликда чорак учун ва йиллик ҳисоботларнинг маълумотларига ва текширувлар жараёнида тузилган ҳужжатларга асосан тузадилар. Аналитик маълумотномалар ҳамда филиалларни бошқариш чоғида юзага келувчи муайян масалалар бўйича ҳисоботлар Бош бошқарма раҳбариятининг топшириғига биноан ички аудит хизматининг штатдаги исталган ходими томонидан тузилиши мумкин.

Ички аудит хизматининг бажарилган иш тўғрисидаги ҳисоботи ўтказилган текширув натижалари бўйича тузилган якуний ҳужжат ҳисобланиб, у ички аудит хизматининг раҳбари томонидан тузилади ва тақдим этилади.

<sup>108</sup> Халқаро аудиторлик стандартлари «Ҳисобот санасидан кейинги воқеалар».

Бу ерда шунни айтиб ўтиш жоизки, тайёрланган аудиторлик ҳисоботи бажарилган иш натижаси ҳисобланади банк Кенгаши ва Аудиторлик қўмитаси ана шу ҳисоботга қараб бошқарманинг аудиторлик фаолиятига баҳо беради. Шунинг учун ҳам ҳисобот сўзининг моҳияти ва унда ёритилган маълумотлар асосланганлик даражасига катта эътибор қаратилиши лозим, чунки бунда йўл қўйилган ҳар қандай жиддий хатолар ички аудит хизматининг муайян ҳисоботи ёки бутун фаолиятининг ишончилигига путур етказиши мумкин.

Бинобарин, аудит стандартлари<sup>109</sup> талабларига мувофиқ, «ҳар бир аудиторлик текширувининг охирида аудитор юзага келган вазиятга қараб ёзма хулоса ёки ҳисобот тайёрлаши, унда маълумотларни тегишли шаклда аниқ баён этиши лозим; унинг мазмуни тушуниш учун содда, ноаниқликлардан холи бўлиши, икки хил талқин қилишга йўл қўйилмаслиги, фақат ишончли ва релевант аудиторлик далиллари билан тасдиқланган ахборотдангина ташкил топиши, шунингдек, мустақил, объектив, холис ва изчил бўлиши лозим».

**Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, бизнинг фикримизча филиал фаолияти текшируви натижасида тайёрланган аудиторлик ҳисоботи муносабати билан бир нечта муҳим жиҳатларга алоҳида аҳамият бериш лозим:**

- банк бошқаруви муаммосининг аҳамиятини аниқлаш имкони-ни берувчи қисқа ва аниқ таърифланган ҳисоботларнинг муҳимлиги;
- ишончли далилларга асосланган, пухта баён этилган аудитор-лик маълумотларининг зарурлиги;
- ишнинг иккинчи даражали жиҳатларига тегишли бўлган кўп сонли тавсиялар ўрнига кам, аммо муҳим аудиторлик маълумотлари мавжудлигининг аҳамияти;
- аудит текшируви ўз вақтида ўтказилишининг аҳамияти;
- аудит ўтказишнинг ишончли ва пухта ишлаб чиқилган методологиясининг афзал жиҳатлари ёритиб берилиши мақсадга муво-фиқдир.

**Аудиторлик ҳисоботларини тайёрлаш жараёнида кетма-кетлик ва мантиқан боғлиқлик тамойилларига амал қилганда қуйидаги-ларни инобатга олиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.**

Бунинг учун эса ҳисоботлар ўз вақтида тақдим этилиши, яъни ауди-торлик текширувини ўтказиш режасида белгиланган муддатлар мобай-

<sup>109</sup> Международные стандарты аудита и кодекс этики профессиональных бухгалтеров. – М.: МЦРСБУ, 2000.

нида сифатли маҳсулот тақдим этишнинг аҳамияти катта. Умумийроқ қилиб айтганда, фаолият аудити жараёнини ўз вақтида якунлаш зарурлиги аудит бўйича раҳбарга маълум бўлиши керак — кеч тақдим этилган ҳисоботлар қарорлар қабул қилувчи шахслар учун кам фойда беради.

Шу билан бир қаторда, ҳисоботлар ва уларда акс эттирилган ҳақиқий маълумотлар аниқ баён этилиши ҳамда уларда келтирилган далиллар мантиққа зид келмаслиги керак.

Бу ерда шуни қайд этиб ўтиш лозимки, аудиторлик хулосаларида берилаётган ахборот фойдаланувчилар учун оддий ва тушунарли бўлиши айтиш мумкин. Жадваллар, схемалар, диаграммалар ва фотосуратлардан тегишли ҳолатларда комплекс ахборотни тақдим этиш ва умумлаштириш учун фойдаланилиши ва ҳисоботларда уларнинг вазифаси аниқ кўрсатилишининг аҳамияти каттадир.

Ҳисоботлар улардан фойдаланувчиларнинг қобилияти, манфатдорлиги ва ҳисобот билан танишиш учун мавжуд вақтига мос келадиган тарзда тузилиши мақсадга мувофиқдир.

**Бизнинг фикримизча, аудиторлик ҳисоботини тайёрлаш ва тақдим этиш жараёнини уч босқичга бўлиш тўғри бўлади.**

**Дастлабки аудиторлик хулосаларини тайёрлаш** — аудитор томонидан ўтказилган текширув вақтида олинган маълумотларга баҳо бериш ва уларнинг қийматини, сабаблари ва оқибатларини аниқлаш орқали аудиторлик текшируви юзасидан дастлабки хулосалар чиқаришлари мумкин. Шунинг учун ҳам, аудитнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда алоҳида мезонлар асосида ўрганилган маълумотлар аудиторларнинг дастлабки хулосалари ҳисобланади.

Бу ерда шуни қайд этиб ўтиш жоизки, дастлабки маълумотлар ва хулосалар тўпланган далиллар бўйича текшириш ва филиал раҳбарияти билан муҳокама қилиш орқали маълумотлар ва хулосаларнинг тўғрилиги ва тўлиқлигини тасдиқлаш имконияти пайдо бўлади.

Шундай қилиб, хулосаларда аудитор томонидан олинган маълумотларга асосланган дастур бўйича чиқарилган мантиқий натижалар жамланади. Хулосалар аниқ ва лўнда бўлиши, ўқувчи тахминлар қилишига ҳеч қандай имконият қолдирмаслиги лозим. Аудиторлик хулосасининг кучли жиҳатлари маълумотларни тасдиқловчи далилларнинг ишончлилигига ва хулосаларни таърифлаш учун қўлланган мантиққа бевосита боғлиқдир.

**Бу ерда шуни қайд этиб ўтиш жоизки, хулосаларга ишлов бериш жараёни аудит методлари, мақсадлари, мезонлари ва маълумотларига асосланган системали ёндашувга мувофиқ амалга оширилади.** Ички

аудит гуруҳи раҳбари томонидан кўриб чиқилиши лозим бўлган хулосалар доимо дастлабки ҳисобланади.

Аудит мақсади тузилган хулосанинг мазмунига жиддий таъсир кўрсатади. Масалан, мақсад натижалар ёки жараёнлар ҳақида фикр билдиришдан иборат бўлиши мумкин. Бошқа томондан, фақат истисноли ҳолатлар бўйича ҳисобот тайёрлаш мақсади қўйилган бўлиши ҳам мумкин. Белгиланган режага мувофиқ аудиторлик текширувнинг асосий мақсади раҳбарлик фаолиятининг амалга оширилишига баҳо бериш бўйича бир неча мезонлари белгиланади. Текширувни ўтказиш жараёнида аудиторлар ҳар бир мезон бўйича далиллар тўплаган ҳолда уларнинг мажмуи бўйича олинган маълумотлар асосида муайян тўхтамга келади. Бу эса аудит мақсадлари бўйича аудитор фикрининг ифодаси ҳисобланади.

Яъни, банк филиали биносини реконструкция қилиш лойиҳасини тафтиш қилишда «Банк филиали биносини реконструкция қилиш тежамли тарзда амалга оширилганини аниқлаш» аудит мақсади кўринишида таърифланиши мумкин.

Бу ерда текширувни амалга ошириш учун мезонлар ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқдир. Бунинг натижасида, тегишли кўрсаткичлардан кутилган натижалар, материаллар, асбоб-ускуналар ва ходимларнинг сифати ва миқдори, шунингдек, реконструкция ишлари ўз вақтида амалга оширилаётгани мезонлари аниқ белгиланади. Текширув жараёнида аудитор томонидан ўзининг моҳиятига кўра, ижобий ёки салбий маълумотлар олиншидан қатъи назар, унинг натижалари умумлаштирилади.

Бундан келиб чиққан ҳолда, аудитор аудиторлик хулосасининг мазмунини ана шундай маълумотлар асосида белгилайди. Келтирилган мисол бўйича аудитор томонидан келтирилган хулоса матни қуйидагича бўлиши мумкин.

Яъни, «Юқорида қайд этилган маълумотларга асосланган фикримизга кўра, банк филиали биносини реконструкция қилиш ишлари тежамли усулда бажарилмаган.

Бундай ҳолатга олиб келган асосий сабаблар банк инвестицион қурилиши департаментининг режалаштириш ва бошқаруви тизимларидаги камчиликлардан иборат.

Натижада, бизнинг ҳисоб-китобимизга кўра, банкнинг филиали биносини реконструкция қилиш зарур ҳолдагидан 15 миллион сўмга (ёки 20% га) қимматга тушган»<sup>110</sup>.

---

<sup>110</sup> Муаллиф томонидан таклиф этилаётган ҳисоботни умумийлаштирилган ва аудит натижаларини яққол кўрсатиб бериш имконига эга бўлган фикр

Мазкур хулосада маълумотлар билан бир хил сабаблар, шароитлар ва оқибатлар ифодаланган бўлишига қарамай, у лойиҳага раҳбарликнинг мазкур жиҳати ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилиш имконини беради.

**Якуний ҳисобот тайёрлаш ва тақдим этиш** — аудитор ҳисоботни тайёрлаш учун асос тариқасида олинган аудиторлик далилларида тузилган хулосани текшириб чиқиши ва унга баҳо беришдан иборатдир.

Бу ерда шуни қайд этиб ўтиш жоизки, аудиторлар томонидан тайёрланган ҳисоботлар текширув дастурига ва ҳажмига кўра бири-биридан фарқ қилади. Яъни, аудит бўйича ҳисоботлар текширув ўтказишга берилган ваколатлардаги фарқларга, шунингдек, муайян аудиторлик текшируви ўтказиш ҳажми ва мураккаблигига ҳамда унинг маълумотларига қараб ўзгариши мумкин.

Масалан, филиал фаолиятининг самарадорлигини ўрганиш ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб, унинг аудитини ўтказишга ваколат раҳбариятнинг кўрсатмаси билан белгиланади. Шу билан бирга, мазкур ваколатларда маблағлардан фойдаланиш аудитини ўтказиш ва текширув натижалари бўйича ҳисоботга қўйилмаган минимал талаблар белгиланишининг аҳамияти каттадир.

Текширув натижалари бўйича аудитор банк филиали раҳбариятнинг фаолиятида олиб борилган сиёсатнинг тежамкорлик ва (ёки) унумдорлик ҳамда самарадорлик принципларига бўлган муносабатини намоён этиш мақсадида амалга оширилганлиги ўз фикрини билдиради. Тақдим этилган ҳисоботларни аудит қилишда аудитор раҳбарият томонидан ишларнинг бажарилиши сифатини баҳоловчи ҳисобот тайёрлайди ва раҳбарият тежамкорлик ва (ёки) самарадорлигини таъминлаш бўйича олиб борилган ишларини қай даражада бажарганини кўрсатувчи маълумотлар, далиллар ва фикр-мулоҳазаларни тақдим этади.

Бунинг натижасида ҳисобот билан, шунингдек, банк Аудит қўмитаси томонидан аудиторлик маълумотлари ва хулосалари ёрдамида филиал фаолияти билан танишиб чиқиш имкони яратилади. Мазкур босқичнинг вазифаси аудитни ўтказиш даври мобайнидаги мунозаралар жараёнида мансабдор шахслардан олинган жавобларга қўшимча тарзда филиал раҳбариятидан расмий жавоблар олишни ҳам ўз ичига олишдан иборат.

Шундай қилиб, аудит қўмитасига тақдим этиладиган ҳисоботда жойларда ўтказилган аудиторлик текшируви маълумотлари ва

уларни таҳлил қилиш натижалари жамланади. Ички аудит хизмати ходимлари умумлаштирилган ҳисоботларни тайёрлаш жараёнида якуний хулосалар ва тавсияларга алоҳида эътибор қаратишлар мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунинг учун ҳам, ҳисоботда муҳим муаммолар ва уларнинг ечимлари аниқ ва ишончли қилиб тавсифланиши мақсадга мувофиқдир. Бу ерда шуни қайд этиб ўтиш жоизки, банк бошқарувида яхшилашга ҳисоботнинг таъсири имкон қадар катта бўлиши учун ҳисоботларнинг аниқлиги, тўлиқлиги, тушунарлилиги ва мувофиқлигини таъминлашга эътибор бериш керак.

**Яъни, бизнинг фикримизча, аудитор хулосалари текшириш учун асос бўлган муаммоларнинг турли жиҳатлари бўйича чиқарилган бир қанча хулосалардан ташкил топиши мумкин.**

Ҳисоботда аудит мақсадлари ва ҳажмини тавсифлаш муҳим аҳамиятга эга, чунки бу ўқувчилар аудиторлик текшируви вазифасини англаши ва унинг натижаларини лозим даражада талқин қилишига имконият яратади. Аудитор ўз ҳисоботини тарқатиш бўйича ёки унинг мазмунига асосланиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга нисбатан мавжуд чеклашларни эътиборга олиши лозим.

Аудиторлар иши ҳажмини чеклаш билан боғлиқ ҳар қандай ҳолатлар ва уларнинг сабаблари аудиторлик ҳисоботида акс эттирилиши лозим. Масалан, аудитор асосий ташкилий элементларни ёки тизимларни текшириш имкони бўлмаса, ёхуд аудиторга боғлиқ бўлмаган омилар таъсирида зарур аудиторлик муолажаларини ўтказолмаса, иш ҳажми чекланган бўлади. Шу билан бирга, аудит ҳажми тегишли мезонларни белгилашнинг иложи йўқлиги туфайли ҳам чекланиши мумкин.

**Текширув натижалари бўйича тавсиялар бериш** — аудит жараёнида ва унинг натижалари бўйича аниқланган камчиликларни бартараф этиш борасида банк раҳбариятига тавсиялар бериш ички аудитнинг асосий мақсадларидан биридир.

Бу ерда шуни қайд этиб ўтиш жоизки, тавсиялар ҳам ўзининг моҳиятига кўра, асосий қонунлар ва йўриқномаларга ишоралар қилингандагина тўла маълумотнома манбаи ҳисобланади. Уларни ички аудит хизматининг штатдаги ходимлари ҳам, жалб қилинган мутахассислар ҳам тайёрлаши мумкин.

Текширув натижалари бўйича тавсиялар бериш АТ «Пахта банк» амалиётига ҳам татбиқ этилган бўлиб, у ерда камчиликларни бартараф этиш борасида топшириқлар буйруқ тарзида белгиланган.



Ваҳоланки, ички аудит хизмати томонидан тайёрланган тавсиялар ўзининг моҳиятига кўра, аниқланган камчиликларни, уларнинг банк фаолиятига таъсирини ва олиб келиши мумкин бўлган натижаларнинг таҳлилини, ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш борасида тавсияларни қамраб олган бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бир қаторда, ички аудит хизмати ходимлари томонидан тақдим қилинган тавсияларда аниқланган камчиликларнинг келиб чиқиш сабаблари меъёрий ҳужжатлар билан боғланган ҳолда ёритилиши керак. Бу эса ўз-ўзидан банк филиали раҳбарияти томонидан иш жараёнига танқидий ёндашган ҳолда, назорат ва ҳисобот жараёнини такомиллаштириш учун асос бўлади.

Тижорат банкларида ички аудит хизмати томонидан тайёрланган хулосаларда ўзининг моҳиятига кўра, асосан банк фаолиятида юзага келган камчиликлар ёритилган.

Аудит хулосалари ўзининг йўналишига кўра банк аудит қўмитаси ва банк бошқарувиغا берилишига қарамасдан жуда батафсил тайёрланган ва ҳамма камчиликлар акс эттирилган, бу эса аудит ҳисоботидан фойдаланувчилардан ортиқча вақт талаб қилади.

Аудиторлар хулосаларида аудит мақсадлари ва унинг муҳимлик кўрсаткичларига етарлича эътибор қаратилмаган ва ўз-ўзидан ёритиб берилмаган.

Шунинг учун ҳам, аудит хулосалари сифатини ошириш мақсадида, қуйидагиларни таклиф қиламиз:

Тижорат банклари ички аудит хулосалари ўзининг моҳиятига кўра, умум қабул қилинган талаблар асосида тайёрланиши, ундан фойдаланувчилар учун анча қулайликлар яратади.

Юқоридаги фикрдан келиб чиққан ҳолда, аудит хулосалари ёзилиши тартибига кўра аудит мақсадини, олиб борилган ишлар ва текширув натижаларини аниқ ва равшан умумлашган ҳолда ёритилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Аудиторлик хулосаларида аудит объектининг танлаб олиш мезонлари ва муҳимлик кўрсаткичлари батафсил кўрсатиб берилиши лозим.

Аудиторлар ўз хулосаларида нафақат аниқланган камчиликларни, балки уни бартараф этиш борасида фикр-мулоҳазаларини билдиришларининг аҳамияти катгадир.

Аудиторларнинг берган таклифлари нафақат камчиликларга йўл қўйган шахсларни жазолаш, балки ички назорат тизимидаги камчиликларни кўрсатишлари ва уни такомиллаштириш йўллари бўйича ўзларининг алоҳида таклифларини беришлари лозим.

## ХУЛОСА

Иқтисодий адабиётларни ўрганиш, илмий мушоҳада ва амалий таҳлил қилиш натижасида Ўзбекистон Республикаси тижорат банки тизимининг ривожланиш босқичлари, унинг барқарорлигини таъминлашнинг омиллари, тижорат банклари фаолиятида аудитнинг назарий ва қонунчилик асослари, аудитнинг хориж тажрибаси, ҳамда ички аудит фаолиятининг ҳозирги ҳолатини ўрганиб, тижорат банкларида ички аудит хизмати фаолиятини такомиллаштиришни мақсадга мувофиқдир деб айтиш ўринлидир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳатлар замирида тижорат банклари босқичма-босқич халқаро амалиётга молик ривожланиб бормоқдалар. Ушбу жараёнда тижорат банкларининг умумий молиявий фаолиятини шаффофлигини таъминлаш ва бунинг натижасида уларга бўлган ишончлилик даражасини ошириш борасида ютуқларга эришилди.

Булар жумласига турли мулкчилик шаклларидаги банклар сони ва улар томонидан кўрсатилаётган хизмат турларининг ортиб бориши, хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг ўз жамғармаларининг банк омонатларида сақлашлари ва керак бўлган ҳолларда эса кредит маблағларидан фойдаланиш каби имкониятларни киритиш мумкин.

Бугунги кунга келиб тижорат банклари активлари портфелининг сифати банк тизими ривожланишининг барқарорлигига таъсир кўрсатувчи жиддий омиллардан бири бўлиб қолмоқда. Шу билан бир вақтда, банк тизими активларининг реал қиймати, яъни уларнинг ҳисобга олинган ва хўжалик фаолиятининг натижаси бўлмиш молиявий ҳисоботларда қайд этилган кўрсаткичларини айнан бир қийматда акс эттирилишини тақозо қилмоқда.

Шу билан бирга тижорат банклари томонидан тақдим этилаётган молиявий ҳисоботлар унинг асосий кредиторлари ва мижозлари учун етарли даражада тушунарли бўлишининг аҳамияти каттадир. Ушбу жараёнга эса молиявий ҳисоботлар билан бирга уларга нисбатан билдирилган фикр-мулоҳазалар, яъни аудиторлик хулосаларига бўлган эҳтиёжлар ошиб борди. Қайд этиб ўтиш жоизки, тижорат банклари аудиторларининг фаолияти камчиликларни аниқловчи ва уларни бартараф этувчи тизим сифатида эмас, балки назорат тизими фаолиятига холисона баҳо бериш ҳамда унинг фаолиятини такомиллаштириш масалаларининг аҳамияти ошиб борди.

Тижорат банкларининг назорат тизимининг бир қисми бўлган ички аудит тизими фаолиятини меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш ва унинг фаолиятида фойдаланиши мумкин бўлган миллий ички аудит стандартларини ишлаб чиқиш, ҳамда уни амалиётга татбиқ этиш зарур бўлади.

Ички аудит хизмати фаолиятини такомиллаштириш ва унинг самарадорлиги ошириш мақсадида халқаро аудит стандартлари талабларидан келиб чиққан ҳолда, фикримизча қуйидагиларни амалиётга татбиқ этиш масалалари алоҳида аҳамият касб этади.

- тижорат банклари ички аудит хизматининг мустақиллигини таъминлаш ва аудиторлар томонидан ўз фаолиятларини олиб боришларида аудиторлик этикаси тамойилларига таяниб ишлашлари;

- аудит жараёнини ташкил этишнинг меъёрий-ҳуқуқий асосини қайта кўриб чиқишлари, ҳамда унга халқаро аудиторлик стандартлари талабларидан келиб чиққан ҳолда ўзгартиришлар киритишлари;

- аудиторлик текширувини халқаро ички аудит стандартлари асосида ташкил этишларини тақозо қилади. Қайд этиб ўтиш жоизки, халқаро ички аудит стандартлари талабларига кўра аудитнинг асосий текширув объекти сифатида нафақат унинг амалга оширган операциялари, балки бошқарув тизими томонидан йўлга қўйилган ички назорат тизими ҳам юзага келиши тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдириш мумкин.

Бунинг учун эса тижорат банклари ички назорат тизими ва ички аудит хизмати бир хил тушунча эмаслигига асосланди ҳамда уларнинг мақсадлари ўртасидаги фарқлари ёритиб берилди:

- ички аудитнинг мақсади, банк ходимларининг қонуний ва меъёрий ҳужжатларга ва касб фаолияти стандартларига риоя этилишини назорат қилиш, томонлар ўртасидаги низолар бартараф этиш, тижорат банклари амалга оширилаётган операцияларнинг хусусиятлари ва кўламларига ишончлилиқни таъминлаш ҳамда банк фаолиятидаги хатоликларни камайтириши;

- ички назорат тижорат банклари раҳбарияти томонидан хўжалик фаолиятини олиб бориш жараёнида ходимларга белгиланган вазифаларни самарали бажаришлари мақсадида ташкил қилинган ва татбиқ этиладиган ўлчов тизими эканлиги қайд этилди.

Ички аудит хизмати текширувга тайёргарлик кўриш жараёнида, ташқи аудитда бўлгани сингари, режа билан бир қаторда аудиторлик муолажаларининг турлари ва вазифаларини, текширув ҳажми

лари ва кетма-кетлигини белгиловчи дастурлар ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқдир.

Аудиторлик текшируви режалаштирилаётганда, жаҳон амалиёти стандартларида тавсия этилганидек қуйидаги:

Комплекслилик - режалаштиришнинг дастлабки босқичидан аудитнинг умумий режаси ва дастурини тузишгача бўлган барча босқичларини ўзаро боғлаш ва мувофиқлаштириш;

Узлуксизлик - филиалларга эга бўлган банкларнинг ички аудитига татбиқан ички аудит хизмати олдида турган барча вазифаларни ҳал қилиш учун мазкур хизмат ходимларига режалаштираётган давр мобайнида бир хилда иш юкланишини таъминлаш;

Оқилоналик - филиалларга эга бўлган банкларнинг ички аудитига татбиқан ички аудит хизматининг дастурини тузишда мазкур хизмат низомида белгиланган мезонларга амал қилиш ва аудиторларнинг фикрини эътиборга олиш каби алоҳида принципларга эътибор қаратилиши лозим.

Халқаро аудит ички стандартлари талабларидан келиб чиққан ҳолда аудит жараёни иш ҳужжатларида ёзма кўринишда акс эттирилиши мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун ҳам ушбу жараёнга бўлган талабларни аудит меъёрий ҳужжатларида кучайтирилиши ижобий самара бериши мумкин.

Шу билан бирга, аудит жараёнини ҳужжатлаштирилиши иш сифатини назорат қилишнинг асосий воситаси бўлиши ва унинг меъёрий ҳужжатларга асосланган ҳолда олиб борилганлигини исботини тасдиқлайди.

Ички аудиторлик фаолиятида аудитор иш ҳужжатлари ўзининг келиб чиқиши ва моҳиятига кўра ундан фойдаланиш жараёнида аудиторнинг маълум бир тамойилларни амалга оширганлигини исботлаш учун барча маълумотлар ички аудит стандартлари талабларига мувофиқ расмийлаштирилиши лозим.

Ички аудит тизими ходимлари томонидан аудит текшируви натижасида тузилган хулосалар бирламчи ҳужжатларга асосланган бўлиб, уларни тўплаш аудитор ихтиёридаги вақт ва иш ресурсларининг чегараланганлиги сабабли, уларда акс эттирилган далилларда ноаниқликлар мавжуд. Буни инобатга олиб, аудит далилларига ва уларнинг манбалари бўйича ишончлилигига аниқликлар киритилди ва улардан амалиётда фойдаланиш борасида қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

- тасдиқловчи далиллар ўқувчига тушунарли бўлиши учун улар мантқан изчил, қисқа ва самарали усулда ифода этилиши лозим.

- ахборотнинг ишончлилиги аудиторлик текширувининг барча босқичларида катга аҳамиятга эга бўлганлиги учун, аудиторлик хулосаларини тайёрлашда далиллардан фойдаланиш мумкин бўлиши учун улар талабга жавоб бериши, ишга тааллуқли ва асосли бўлиши керак.

- аудиторлик далиллари ўзининг моҳиятига кўра асосий мақсади аудит иш ҳужжатларини ишончилилик даражасини оширишдан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади.

Тижорат банклари ички аудит тизими ходимлари хулосаларини халқаро аудит стандартлари асосида мувофиқлаштириш мақсадида қуйидагиларни:

- аудитор томонидан тузилган умумий ҳисобот матнини уч қисмга бўлиш мақсадга мувофиқ бўлиб, унинг биринчи қисмида аудитда текширув объекти тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилиши;

- ҳисоботнинг иккинчи асосий қисмида текширувни молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотларнинг ишончлилиги ва қонунийликка, ҳамда банк объекти молия ҳужжалик ёки бошқа фаолиятининг ҳақиқий аҳолига мувофиқлигини баҳолашини кўрсатиши лозим.

- ҳисоботнинг якуний учинчи қисмида текширилган объект ҳисоботи ишончлиги меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини тасдиқлаши, шунингдек, аниқланган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш ҳақида тавсияларини амалга ошириш лозим.

Тижорат банклари кредит ва депозит операциялар бўйича  
2004 йил декабрь ойидаги фоиз ставкалари бўйича таклифлар

№	Банклар номи	Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан берилаётган кредитлар учун ўртача фоиз ставкалари		Тижорат банклари томонидан муддатли депозитлар бўйича таклиф этилаётган ўртача фоиз ставкалари	
		1 йилгача	1 йилдан ошиқ	1 йилгача	1 йилдан ошиқ
1	УзР ТИФМБ	32,7	27,0	39,0	15,0
2	Пахта банк	37,5	32,3	44,8	15,0
3	Узсаноатқурилиш банки	32,7	22,0	45,7	14,7
4	Узтадбиркор банк	33,5	25,4	39,6	28,1
5	Савдогар банк	32,1	32,8	36,1	25,0
6	Галла банк	34,1	18,8	43,7	21,2
7	"Турон" банк	30,3	25,7	45,3	15,0
8	"Асака" банк	28,0	25,5	35,9	19,5
9	Замин банк	37,4	23,1	42,1	21,7
10	Уйжамгармабанк	24,9	20,8	42,8	15,0
11	Халк банк	28,5	21,4	27,6	
12	Алоқа банк	27,9	21,5	45,0	24,5
13	Хамкор банк	41,2	32,9	40,5	25,0
14	"Ипак Йули" банк	30,9	26,6	45,0	24,0
15	Парвина банк	24,5	25,5	43,4	25,0
16	АБН Амро банк	32,1	17,5		13,9
17	Траст банк	28,3	55,4	35,9	22,0
18	Узприват банк	32,5	17,5	25,0	15,0
19	Авиабанк	22,5	17,5	44,7	23,5
20	УзДЭУ банк	27,5	27,6		19,0
21	Алп-Жамол банк	34,5	27,5	50,0	15,0
22	Туркистон банк	30,2	17,5	32,1	
23	Истиқбол банк	33,0	27,2	35,0	27,5
24	Уктам банк	33,6	17,9	44,3	25,0
25	Бизнес банк	35,4	19,2	35,0	24,4
26	Самарканд банк	32,5	22,5	45,0	20,0
27	Универсал банк	34,7	27,4	44,7	25,0
28	"Содерот" банк	31,9	23,3	45,0	24,6
29	Капитал банк	37,5	27,5	35,0	15,0
30	Равнақ банк	24,5	14,5	45,0	25,0
31	Давр банк	32,5			22,5
	Ўртача % ставка	31,6	23,9	36,6	19,6

Турли мамлакатларда тижорат банклари томонидан лицензия олиш учун қўйиладиган талаблар

Мамлакат	Лицензия берувчи орган	Капитал ҳажмига талаб	Таъсисчиларига бўлган талаб	Бошқа шартлар
АҚШ	Штат ҳукумати, еки пул айланмаси назорати департаменти	100 мингдан 200 минг долл	Таъсисчилар сони 5 кишидан кам бўлмаслиги, уларнинг улушлари ўрнатилиши. Таъсисчиларга уч лавозим шахслардан таклиф	Ҳужжатлар, бош-қарув тизимининг малакаси, банкни ташкил этиш-нинг аҳамиятга эгалиги, акциялар билан эгалик тўғрисида ҳамда конкуренция тўғрисидаги маълумотдар
Германия	Банклар назоратини амалга оширувчи федерал ташкилот	6 млн. марка ҳамда фақатгина акционер жамият ёки шерикчилик кўринишида		
Франция	Кредит ташкилотлари комитети – лицензия бериш; Банк фаолияти-ни регламентация қилиш комитети рўйхат-га олиш тартиби; Банк комиссияси назорат функцияларини амалга оширади	35 млн. франк	Банк раҳбарияти нуфузи мустаҳкам бўлиши керак	
Италия	Италия банки	8 млн доллар	Банк раҳбариятига малакавий талаблар қўйилади; аудиторлар ва асосий акционерларга Италия банкининг рухсати	Италия банки банкларни қўшилиши тўғрисида қарор қабул қилади, уларнинг қий-матини аниқлайди ва анти-монополия қонунчилиги талабларига мослигини назорат қилади.
Япония	Молия вазирлиги ҳузуридаги банклар бюроси	1 млрд. иен акционер жамият		Керакли ҳужжатлар тўпламини аниқлайди, раҳбарият малакасига талаб қўяди. Банк ўзининг моҳиятига кўра социал статусга эга бўлиши керак.
Швейцария	Федерал Банк комиссияси	6 млн марка. Акционер жамият ёки шерикчилик шаклида		

Нидерландия		5 млн ЭКЮ Устав жамғармасы фақатгина пул маблаглари ҳисобидан шаклланиши керак	Раҳбарият тўғрисида маълумот, агарда банкротлик ҳолатлари билан боғлиқ ходимлар жалб этилмайди. Уч авторитет шахсларнинг рекоммендацияси талаб этилади Таъсисчиларнинг даромади тўғрисида декларация талаб этилади Таъсисчилар сони 2 киши баъзи ҳолларда 1 кишидан иборат бўлиши мумкин Капиталнинг 5% дан ортиқ бўлган акционер учун Марказий банкнинг рухсати керак.	
Англия	Англия банки	1 млн. фунт стерлинг	Раҳбариятнинг малакавий ва ҳалоллик даражаси	Махсус банк назорати тизимини ташкил этишга рухсат этилади



Блок – схемаларда ишлатиши мумкин бўлган рамзлар

Хужжатлар оқимининг бошланиши

Хужжат

Хужжатлар оқимининг йўналиши

Назорат нуқтаси

Алифбо тартибида, рақамлари ёки тузилиш саналарига кўра гуруҳланган хужжатларнинг мунтазам архиви

Алифбо тартибида, рақамлар ёки тузилиш саналарига кўра гуруҳланган хужжатларнинг муваққат архиви

Маълумотлар оқими йўналиши

Операция ёки ҳаракат

Йўқ қилинган хужжат

п

Имзоланган ҳужжат

у

Келишилган ҳужжат

Ҳисобот ёки компьютерда қоғозга чиқарилган  
ҳужжат

Китоб ёки дафтар

Бош китобдаги бухгалтерия ёзувлари манбаи

Электрон маълумотларни сақлаш жойи

## Тижорат банки ички назорат тизимини баҳолаш

Филиалнинг номи:

№ \_\_\_\_\_

Тайёрлади

Тайёрлаш санаси

Тасдиқлади

Тасдиқлаш санаси

Назорат умумий шартларининг қуйидаги жиҳатларини баҳоланг:	Кониқарли	Заиф
Назоратга муносабат (1-15 саволлар)		
Функцияларнинг ажратилиши (16-20 саволлар)		
Назоратнинг раҳбарият томонидан четлаб ўтилиши (21 савол)		
Ходимлар малакаси (22-28 саволлар)		
Мол-мулкни ҳимоя қилиш ва ахборот (29-36 саволлар)		
Башарти ахборот оқимида самарали ички назорат бўлса, ички назоратга таяниш мумкинми?	Ҳа	Йўқ
Башарти компьютер назорати самарали бўлса, унга таяниш мумкинми?	Ҳа	Йўқ

Мақсуд баҳолашдан истисноларни Сиз қайси ахборот оқимларидан кутяясиз ва нима учун?

«Заиф» деб берилган баҳолар текширув концепциясига қандай таъсир қилади?

Раҳбариятга хатлар пунктлари?

Ҳа

Йўқ

## Назорат тизимини баҳолаш

	Ҳа	Йўқ	Бошқ.	Изоҳ
Ташкилот				
1. Банкда ташкилий тузилма мавжудми?				
2. Жавобгарлик соҳаси ва ваколатлар қуйидагилар.				
• бошқарув/раҳбарият учун,				
• бўлимлар учун;				
• бўлимлар учун тўғри белгиланганми?				
3. Имзо ҳуқуқи				
• езма равишда расмийлаштирилганми?				
• ўзи тегишли бўлган ҳаммага маълумми?				
4. Барча иш жойларининг тавсифи мавжудми				
• кредитлаш бўлими ва бошқалар учун				
• бухгалтерия учун				
• ахборот бўлимида				
5. Хизматчиларнинг функционал мажбуриятлари мавжудми?				
6. Самарали ички тафтиш мавжудми? (Уни, ходимларнинг касбий малакасини филиал тузилмасига киритишни эътиборга олиш керак)				

<b>Назорат</b>				
7. Бухгалтерия ҳисобининг барча операцияларини мувофиқ равишда бажаришга (бухгалтерия ҳисоби ва йиллик ҳисоботга) доир йуриқномалар мавжудми?				
8. Ҳисоб тизими ва унинг ички назорати филиал талабларига жавоб берадими?				
9. Хусусий ёки янги сотиб олинган дастурларни жорий этишда риоя қилинадиган тизимни такомиллаштиришнинг ягона қоидалари (шу жумладан, тестлар, маъқуллаш ва жорий этиш) мавжудми?				
10. Бу қоидалар ишлов еки ўзгартиришнинг алоҳида босқичларида фойдаланувчиларнинг катнашишини талаб этадими?				

#### **Назоратнинг онглилиги**

11. Ахборотни компьютерда қайта ишлашдан фойдаланишда қоидалар қуйидаги ҳужжатларни расмийлаштиришни талаб этадими: <ul style="list-style-type: none"> <li>• гизимли ахборотни?</li> <li>• операторга кўрсатмаларни?</li> <li>• фойдаланувчи учун қўлланмани?</li> </ul>				
12. Филиал раҳбарияти бухгалтерия ҳисоботи ва ички назорат тизимига нисбатан ўз назорат функцияларини (муаммоларни муҳожама қилиш еки улар таклиф қилган қарорларни тасдиқлаш, ҳисоб тизимини текширишларни тайинлаш) амалга оширадими?				
13. Иш ҳажми ходимлар ўз мажбуриятлари жумласига кирувчи ички назоратни қуйидаги жабҳаларда амалга оширишлари учун вақт қолдираптими: <ul style="list-style-type: none"> <li>• актив операцияларни амалга ошириш тизимида;</li> <li>• бухгалтерия ҳисоби тизимида;</li> <li>• Информацион технологиялар</li> <li>• бошқа иш жойларида.</li> </ul>				

#### **Ҳисобот**

14. Раҳбарият учун ҳисоботлар қандай тузилади? <ul style="list-style-type: none"> <li>• Мунтазам равишда</li> <li>• Ўз вақтида</li> <li>• Муфассал</li> <li>• Зарур ажратишлардан келиб чиқиб</li> <li>• Бухгалтерия ҳужжатларига мувофиқ</li> </ul>				
15. Бухгалтерия ҳисобининг ишончилигини текшириш учун бу ҳисоботлардан. <ul style="list-style-type: none"> <li>• бюджетга таққослаш;</li> <li>• нобухгалтерия ахборотиға таққослаш,</li> <li>• масалан, кўрсаткичлардаги ўзгаришларни таҳлилдан ўтказиш орқали</li> </ul> Фойдаланилаяптими?				

#### **Функцияларнинг ажратилиши**

16. Ахборотни қайта ишлашда функцияларнинг ажратилиши етарлими?				
17. Ходимлар йўқлигида (масалан, таътил, касаллик ва ҳ.к.) мажбуриятларнинг ажратилганлиги сақланиб қоладими?				

18. Хар бир ходим меҳнат таътилига чиқиши шартми?				
19. Бухгалтериядан ва (ёки) ахборот бўлиmidан ташқаридаги ходимлар қуйидаги функцияларни бажарадими? <ul style="list-style-type: none"> <li>• Операцияларни ўтказиш ҳақида кўрсатма бериш</li> <li>• Операцияларни ўтказишга рухсат бериш</li> <li>• Бошланғич ҳужжатларни тузиш</li> <li>• Мулкый бойликларни назорат қилиш</li> <li>• Киритилган хатоларни тузатиш</li> <li>• Дастлабки маълумотларни ўзгартириш</li> </ul>				
20. Қуйидаги мажбуриятлар ўртасида функциялар ажратилганми <ul style="list-style-type: none"> <li>• кредит бериш ёки бошқа актив операциялар учун ҳужжатларни расмийлаштириш;</li> <li>• кредит бериш ёки бошқа операцияларни тасдиқлаш;</li> <li>• маълумотларни киритиш;</li> <li>• киритиш/чиқаришни назорат қилиш ва келишиш;</li> <li>• дастурлар ва файлларни жисмоний назорат қилиш;</li> <li>• файлларни ташкил этиш</li> </ul>				
21. Раҳбарият ички назоратни четлаб ўтиши risks мавжудми?				

Тасдиқ жавоби олинган тақдирда, сабаблар ва ҳолатлар муҳокама қилиниши лозим

#### Ходимларнинг малакаси

	Ҳа	Йўқ	Бошқ.	Изоҳ
22. Бухгалтерия ва ахборот бўлими ходимларини танлаш мезонлари (талаблари) улар: <ul style="list-style-type: none"> <li>• бухгалтерия,</li> <li>• ахборот бўлими;</li> <li>• бухгалтерия ва ахборот бўлиmidан ташқарида ички назоратни амалга ошириш учун жавобгар шахслар,</li> <li>• раҳбарларнинг вазифаларига мос келадиган тарзда белгиланганми?</li> </ul>				
23. Шахсий ишларда талаб этилган сифатларнинг тасдиқлари мавжудми?				
24. Тавсияномалар сўраб олинадими?				
25. Қуйидагилар: <ul style="list-style-type: none"> <li>• бўлимлар;</li> <li>• бухгалтерия,</li> <li>• ахборот бўлими;</li> <li>• ички назоратни амалга ошириш учун жавобгар шахслар,</li> <li>• раҳбарларнинг тайёргарлиги/малакаси етарлими?</li> </ul>				
26. Қуйидагилар. <ul style="list-style-type: none"> <li>• бўлимлар;</li> <li>• бухгалтерия,</li> <li>• ахборот бўлими ходимлари;</li> <li>• ички назоратни амалга ошириш учун жавобгар шахслар,</li> <li>• раҳбарлар етарли даражада назорат қилинадими?</li> </ul>				

<p>27. Қуйидагилар:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• бўлимлар;</li> <li>• бухгалтерия;</li> <li>• ахборот бўлими ходимлари;</li> <li>• ички назоратни амалга ошириш учун жавобгар шахслар;</li> <li>• раҳбарларни баҳолашнинг самарали тизими мавжудми?</li> </ul>			
<p>28 Қуйидаги омиллар ходимларнинг таркиби яхши танланганини кўрсатадими:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• бухгалтерия ёзувларига киритилган тузатишлар ҳажмининг камлиги;</li> <li>• компьютер таҳлилида аниқланган такрорлар ҳажмининг камлиги;</li> <li>• ахборот бўлимининг ишига шикоятларнинг камлиги;</li> <li>• ўтган йиллик ҳисоботнинг аудиторлик текширувларида хатоларни тузатиш ҳоллари ҳажмининг камлиги</li> </ul>			

**Мол-мулк ва маълумотларни ҳимоя қилиш**

<p>29. Қуйидагилар:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• касса;</li> <li>• қимматли қоғозлар;</li> <li>• заҳиралар;</li> <li>• қимматбаҳо кўчар асосий воситалар яхши ҳимояланганми?</li> </ul>			
<p>30. Қуйидагиларга бегоналарнинг кириши истисно этилганми:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• офисларга,</li> <li>• бухгалтерия ҳужжатларига,</li> <li>• терминалларга;</li> <li>• компьютер тизимларига;</li> <li>• дискетларга, пленкаларга ва бошқа маълумот етказувчиларга;</li> <li>• компьютер ҳужжатларига</li> </ul>			
<p>31 Қуйидагиларга руҳсатсиз киришининг олдини олиш воситалари (масалан, пароль) мавжудми:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• бухгалтерия ҳужжатларига;</li> <li>• фойдаланувчиларнинг дастурларига;</li> <li>• система дастурларига;</li> <li>• операцион тизимларга.</li> </ul>			
<p>32. Қуйидагилар олов ва сув тегиши натижасида шикастланишдан яхши ҳимоя қилинганми:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• нокомпьютер бухгалтерия ҳужжатлари;</li> <li>• аппарат воситалари ва дастурий таъминот воситалари;</li> <li>• компьютердаги бухгалтерия ҳужжатлари;</li> <li>• заҳиралар;</li> <li>• бинолар</li> </ul>			
<p>33. Аппарат воситаларини ҳимоя қилиш қуйидагиларни ўз ичига оладими:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• муттасил (энергия таъминоти узилганида, об-ҳаво, намлик кескин ўзгарганида) ишлаш қобилиятини кафолатловчи чораларни;</li> <li>• тизимга мунтазам техникавий хизмат кўрсатилишини.</li> </ul>			

34. Ҳалокат рўй берган тақдирдаги ҳаракатларнинг барчага маълум ёзма режаси мавжудми?				
35. Қуйидагилар: <ul style="list-style-type: none"> <li>• захира тарзида нусха кўчириш;</li> <li>• муҳим ҳужжатлар, маълумотлар, дастурлар ва система ҳужжатларини алоҳида сақлаш;</li> <li>• захира системалар орқали дастурлар ва маълумотларни тиклаш чоралари қўрилганми?</li> </ul>				
<b>Сугурта</b>				
36. Муҳим рисклар, масалан: <ul style="list-style-type: none"> <li>• асосий воситалар ва захиралар;</li> <li>• ишлаб чиқаришнинг тўхтатилиши;</li> <li>• ўғирликлар, суистеъмоллардан сугурта ҳимоясининг мутаносиблиги мунтазам равишда текшириб бориладими?</li> </ul>				


## Аудитни ўтказишнинг босқичлари

## 1-БОСҚИЧ - ТЕКШИРУВНИ РЕЖАЛАШТИРИШ







## 2-БОСҚИЧ – ФАКТЛАР ТЎПЛАШ




### 3 - БОСҚИЧ - БАҲОЛАШ



## 4-БОСҚИЧ - ТЕКШИРУВ



## 5-БОСҚИЧ – АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИ ҲАҚИДА ҲИСОБОТЛАР



## Аудит ҳажмини аниқлаш учун зарур саволлар рўйхати

### Муҳимлик:

- Текширув объекти молиявий ресурсларининг тақсимланиши?
- Ҳар бир дастур ёки функционал вазифа билан боғлиқ меҳнат ресурсларининг тақсимланиши?
  - Текширув объектининг мақсади?
  - Дастур тузилиши ва ҳаражатлар ушбу мақсадлар билан қандай боғланган?
  - Текширув объекти ресурсларининг негизи ўзгарганми?
  - Охирги циклда нима тафтиш қилинган? Объект тузилиши ўзгарганми?
  - Қайси фаолият дастурлари ёки турларига кўпроқ пул сарфланади?
  - Текширувнинг асосий натижаси дастурнинг тўла қийматини аниқ акс эттирадими?
  - Олинган маълумотлар аудитдан кейин текширув объекти унумдорлигининг ошишига олиб келиши мумкинми?
  - Ишлаб чиқариш унумдорлигининг ошиши нимада намоён бўлади? Таннархнинг пасайишими? Самарадорликми? Ижро тўғрисидаги ҳисоботми?
  - Текширилаётган объект фаолияти асосларининг қайси жиҳати аудитор ҳисоботи ўқувчилари (бошқарув ташкилоти) фикрига кўпроқ таъсир кўрсатади?
  - Аудитор ҳисоботига нима кўпроқ таъсир кўрсатади?
  - Текширилаётган объект фаолияти асослари тежамкорлик, самарадорлик ёки унумдорлик шартларига кўра таснифланиши мумкинми?

### Риск:

- Аудитор фаолиятига қайси рисклар тури тўғри келади?
- Риск даражасини аниқламаслик моддий қийматига эгами?
- Аудитор фаолияти қониқарли стандарт доирасига сиғмаса, нима бўлади?
  - Текширув объектининг бажармаслиги банк хавфсизлигига таъсир қиладими?
  - Риск тежамкорлик, самарадорлик ёки унумдорлик шартлари-

га кўра таснифланиши мумкинми?

- Рискларни олдинги фаолият натижаси эканлигининг белгилари мавжудми? У қандай оқибатларга олиб келади?
- Рисклар билан доимий қаршилашадиларми ёки максимал рискларнинг критик даври мавжудми?

#### **Аудитни ўтказиш имконияти:**

- Аудитнинг олинган маълумотларини тушунтиришга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган муҳокама моделлари мавжудми?
- Аудит муаммоларининг асосий сабабларида очиқ-ойдин кўринадиган ёки кўринмайдиган, сиёсий ёки интеллектуал тенденция мавжудми?
- Аудит қилинаётган фаолият учун ким жавобгар бўлади?
- Аудитор ҳисоботи аудитор фаолиятининг одатдаги доирасидан четга чиқадиган ҳисобот, деб талқин қилиниши мумкинми?
- Аудитор ҳисоботи фақат муаммодан манфаатдор бўлган муайян гуруҳ фойдаланиши учун мўлжалланадими?
- Бошқа аудитор ҳисоботида баҳсли масалалар кўтарилганми? Натижа қандай бўлган?

## Далиллар олиш манбалари

Қуйидаги жадвалда аудит ишончлилигининг потенциал манбалари келтирилган:

Далиллар тури	Далилларнинг манбалари
Ашёвий далиллар	<p>Далилларнинг ушбу тури қуйидаги манбалардан олиниши мумкин:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• жараёнлар, таомиллар ва ш.к.ни кузатиш;</li> <li>• ишлар тўғри бажарилаётганига шахсан ишонч ҳосил қилиш учун қурилиш майдонларига ташриф буюриш;</li> <li>• мол-мулкнинг амалда мавжудлигини текшириш ва ҳ.к.</li> </ul>
Гувоҳлик кўрсатувлари	<p>Гувоҳлик кўрсатувлари манфаатдор тарафлардан интервью олиниши натижасида пайдо бўлади. Улар интервью қайдлари, сўзлашувларнинг магнитофон лентасига ёзиб олиниши, асослантирилган далиллар ёки айти масала юзасидан билимга эга бўлган бошқа шахслардан олинган гувоҳлик кўрсатувлари шаклида қайд этилиши мумкин.</p>
Ҳужжатлар билан тасдиқланган далиллар	<p>Далиллар манбаи сифатида ушбу далиллар туридан фойдаланиш айниқса, кенг тарқалган. Якуний таҳлил жараёнида олинган далилларнинг катта қисми ҳужжатлар билан тасдиқланган далилларга айланади. Қуйида ҳужжатлар билан тасдиқланган далиллар олишнинг айрим манбалари келтирилган:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• қўлланмалар</li> <li>• ишлар (архивлар)</li> <li>• ҳисоботлар</li> <li>• йўриқномалар</li> <li>• контрактлар</li> <li>• ҳисоб-фактуралар</li> <li>• асословчи пул ҳужжатлари ва ш.к.</li> </ul>
Аналитик далиллар	<p>Ушбу далиллар тури тайёр форматда бўлмаслиги мумкин. Бундай далилларнинг аксарияти аудитор томонидан тайёрланади.</p>

**Жорий аудиторлик ахбороти жамланган папка**

<b>Бўлим</b>	<b>Номи</b>	<b>Мавжуд ахборот</b>
1	Предмет кўрсаткичи	
2	Ҳисоб юритиш ҳужжатлари	(1) Ҳисоб юритиш ҳужжатлари лойиҳасининг нусхаси (2) Охирги, имзоланган ҳисоб юритиш ҳужжатларининг нусхаси
3	Ҳисоботлар ва яқунловчи ҳужжатлар	(1) Мижоз учун тайёрланган барча лойиҳалар ва ҳисоботларнинг нусхалари (2) Мижоздан олинган фикр-мулоҳазалар ва ахборот бериш ҳақидаги хат (3) Ҳисоб юритиш ҳужжатларига оид масалалар ва кейинги йилга ўтказилган масалалар (4) Хизматномалар (5) Журналлардаги охирги проводкалар (6) Фош этилган камчиликлар рўйхати (7) Ҳисобот бераётган ҳамкор шарҳи (8) Яқунловчи аудиторлик хулосаси
4	Маъмурий бошқариш ва режалаштириш	(1) Режалаштириш дастури (2) Бюджет ва гоноарнинг дастлабки ҳисоби (3) Вақт ва қиймат ҳақида маълумот (4) Қисқа қайдлар (5) Режалаштириш юзасидан мижозга берилган хат нусхаси (6) Ўтган йилда кўрилган масалалар



5	Баланс, молиявий фаолият ҳақидаги ҳисобот ва пул маблағлари ҳаракати ҳақидаги ҳисобот аудити	(1) Асосий жадваллар (2) Аудиторлик дастурлари (3) Муфассал иш ҳужжатлари ва ҳисоб- китоблар (4) Компания ҳисобварақлари ва бухгалтерия ҳисоби стандартлари рўйхати
6	Системали аудит	(5) Туғилган саволлар ва олинган тушунтиришлар (6) Учинчи шахснинг тасдиқловчи маълумотлари ва сертификатлари (1) Аудиторлик дастурлари (назорат тестлари ва муҳимликка текшириш таомиллари) (2) Муфассал иш ҳужжатлари ва ҳисоб- китоблар (3) Туғилган саволлар ва олинган тушунтиришлар (4) Аниқланган камчиликлар ва мижозга юборилган камчиликлар ҳақида хат
7	Ҳисоб юритиш ҳужжатларини тайёрлаш	(1) Жадваллар (2) Муфассал баланс (3) Бажарилган аудиторлик ишига ҳавола
8	Баённомалардан кўчирмалар	(1) Директорлар мажлислари (2) Аъзоларнинг мажлислари
9	Статистик ахборот	Иш ҳажми ва хусусиятига ҳамда муҳимликка текшириш тестларига тегишли бўлган тўпланган иш кўрсаткичлари (ПАП тегишли тарзда тузатилиши лозим)

### Ички аудит хизмати фаолиятининг алоҳида йўналишлари натижаларини умумлаштирувчи якуний ҳужжатлар

Т.р.	Кўйилган вазифаларга мувофиқ ички аудит хизмати фаолиятининг йўналишлари	Ҳисобот шакли
1	Бош ташкилот ва унинг филиаллари молия-ҳўжалик фаолиятини вақти-вақти билан назорат қилиш.	Ички аудит хизматининг филиални текшириш ҳақидаги ҳисоботи
2	Бош ташкилот ва унинг филиаллари ҳўжалик ва молиявий фаолиятини таҳлил қилиш, иқтисодий ва инвестиция лойиҳаларига, бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимларининг иқтисодий хавфсизлигига баҳо бериш.	Филиаллар ва бутун ташкилотнинг молия-ҳўжалик фаолияти якунлари бўйича аналитик ҳисоботлар, алоҳида масалалар бўйича аналитик маълумотномалар ва ҳисоботлар
3.	Семинарлар ўтказиш, ходимларнинг малакасини ошириш ва уларни ўқитиб-ўргатиш, бош ташкилот ва унинг филиаллари бухгалтерия ходимларини танлаш ва синовдан ўтказишда ёрдам кўрсатиш.	Ички аудит хизматининг ҳисоботлари
4	Бухгалтерия ҳисоби, солиққа тортиш, молия-ҳўжалик фаолиятининг таҳлили, аудит, ҳўжалик ҳуқуқи бўйича методик қўлланмалар ва тавсияларни илмий ишлаб чиқиш ва нашр этиш.	Ички аудит хизматининг ҳисоботлари
5	Молия, солиқ, банк ва бошқа ҳўжалик соҳасидаги қонун ҳужжатлари, инвестиция фаолияти, менежмент, маркетинг, солиққа тортиш тизимини оқилонлаштириш, корхоналарни қайта тузиш ва тугатиш масалалари бўйича маслаҳатлар бериш	Қонунлар ва йўриқномаларга ҳаволалар қилинган маълумотномалар
6	Бухгалтерия ҳисобини, ҳисоботлар тузишни, солиққа тортиш бўйича ҳисоб-китобларни, ҳўжалик фаолиятини таҳлил қилиш, аудит ва ҳ.к ни компьютерлаштириш.	Ички аудит хизматининг ҳисоботлари
7.	Ташқи аудиторлар, солиқ ташкилоти ва бошқа назорат қилувчи ташкилотнинг вакиллари билан алоқа қилиш.	Ички аудит хизматининг ҳисоботлари

## АДАБИЁТЛАР

### I. РАСМИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1.1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1.1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.- Т.: “Ўзбекистон”, 1992 й.

1.1.2. Ўзбекистон “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонуни 21.12.1995 й.

1.1.3. “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонуни 25.04.1996 й.

1.1.4. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонуни 26.05.2000 й.

1.1.5. «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлари 26 апрел 1996 й.

1.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори ва Марказий банк низомлари.

1.2.1. Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори «О мерах по ограничению роста денежной массы и повышению ответственности за соблюдение финансовой дисциплины» 30 марта 2002 г. N УП-3047.

1.2.2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1998 йил 4 июлдаги «Тижорат банклари ички аудит гизими талаблари» тўғрисидаги № 405 сонли низом.

1.2.3. “Тижорат банкларининг ички аудитига Марказий банк томонидан қўйиладиган талаблар тўғрисида” 571-сонли низом, 2004 йил 13 март.

1.2.4. «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ҳамда аудиторлик текширувларининг ролини ошириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сон қарори.

1.2.5. «Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисида» Низом 22 сентябр 2000 й.

1.2.6. «Аудиторлик ташкилотларига аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш учун лицензиялар бериш тартиби тўғрисида» Низом 22 сентябр 2000 й..

1.2.7. «Ўзбекистон Республикасида банклар аудити тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 403-сон Низоми 4 июл 1998 йил.

1.2.8. “Тижорат банкларида ички аудит ўтказишга нисбатан Марказий банк талаблари тўғрисида” № 405 сонли Низом, 13 март 2004 й.

## **II. ИЛМИЙ МОНОГРАФИЯЛАР**

2.1. И.А.Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: «Ўзбекистон»-1995.

2.2. И.А, Каримов. Биздан озод ва обод ватан қолсин. 2- том.-Т.: «Ўзбекистон», 1996.

2.3. И.А.Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: «Ўзбекистон»-1995.

2.4. И.А.Каримов. Ўзбекистон.: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1 – том,-Т.: «Ўзбекистон», 1996.

2.5. Адамс Р. Основы аудита: Пер. с англ. / Под ред. Я.В. Соколова. – М.: Аудит, ЮНИТИ, 1995.

2.6. Аудит / Под ред. В.И. Подольского. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001.

2.7. Аудит Монтгомери: Пер. с англ. / Ф.Л. Дефлис, Г.Р. Дженик, В.М. Орейли, М.Б. Хирш. Под ред. Я.В. Соколова. М.: Аудит, ЮНИТИ, 1997.

2.8. Аудит: Учебник для вузов / В.И.Подольский,

Г.Б.Поляк, А.А.Савин и др. Под ред. проф. Подольского. 2-е изд., перераб. и доп. — М., ЮНИТИ-ДАНА, 2001. — 665 с.

2.9. Банковское дело: Учебник / Под ред. О.И. Лаврушина. - М.: Финансы и статистика, 2003.

2.10. Базовые принципы эффективности банковского надзора. (Консультативное письмо Базельского комитета по банковскому регулированию) / Банкир. - 1997. - № 5 — 6.

2.11. Банковское дело: Учебник / Под ред. О.И. Лаврушина. - М.: Финансы и статистика, 1999.

2.12. Банковское дело: Стратегическое руководство. - М.: Издательство АО “Консалтбанкир”, 1998.

2.13. Березанская Е. Банк, заработавший на кризисе. / Ведомости, 2000.

2.14. Богомолов А.М., Голохапов Н.А. Внутренний аудит. Организация и методика проведения. - М.: ”Экзамен”, 1999.

2.15. Бурцев В.В. Система внутреннего контроля организации в современных условиях хозяйствования / Аудиторские ведомости, 1998. - № 8.

2.16. Белоглазова Г.Н., Кроливецкая Л.П., ред., «Аудит банков» Финансы и статистика - 2005, 413 стр.

2.17. Герчикова И.Н. Менеджмент: Учебник. - 3-е изд., перераб. и доп. - М.: ЮНИТИ, 2000.

2.18. Деньги, кредит, банки: Учебник / Под ред. О.И. Лаврушина. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Финансы и статистика, 1999.

2.19. Дубенецкий Я.Н. и др. Банк: центральный, но не разрушительный / Экономическая газета, 2000. - № 2.

2.20. Деньги, кредит, банки: Учебник/Под ред.О.И. Лаврушина. — М.: Финансы и статистика, 1999.

- 2.21. Заварихин Н.М., Ҳербакова Г.Н. Готовы ли банки / Банковский аудит. - 1997. - № 4.
- 2.22. Закарая Ж.В. и др. Система внутреннего контроля в коммерческом банке. / Аудит и финансовый анализ. - 1998. - № 1. - М.: Издательский дом "Компьютерный аудит".
- 2.23. Земляченко С.В. Учетная политика организации на 1999 год / Главбух, 1999. - № 2.
- 2.24. Кнорринг В.И. Теория, практика и искусство управления. М.: НОРМА-ИНФРА · М, 1999.
- 2.25. Козлова Е.П., Галанина Е.Н. Бухгалтерский учет в коммерческих банках. - М.: Финансы и статистика, 1996.
- 2.26. Клейнер Г.Б. и др. Предприятие в нестабильной экономической среде: риски, стратегии, безопасность. - М.: Экономика, 1997.
- 2.27. Кох Т.У. Управление банком: Пер. с англ., Уфа: Спектр, 1993.
- 2.28. Кочинев Ю.Ю . Аудит -2 -е изд.- СПб.: Питер, 2004.-2004.-304 с.:(Серия «Бухгалтеру и аудитору»)
- 2.29. Кодекс профессиональной этики аудиторов Узбекистана. Палата аудиторов Узбекистана, 2000 г.
- 2.30. Н.Ф.Каримов Техника проведения аудита.-Т.: Палата аудиторов Узбекистана 2000.
- 2.31. Н.Ф.Каримов. Тижорат банклариди ички аудит.-Т.: Иқтисод ва молия, 2002.
- 2.32. Мовсесян А.Г. Интеграция банковского и промышленного капитала: современные мировые тенденции и проблемы развития России. - М.: Финансы и статистика, 1997.
- 2.33. Мамонова И.Д., Ширинская З.Г., Ольхова Р.Г.

и др. “Банковский аудит”, в 2-х частях. - М.: Бухгалтерский учет, 1994.

2.34. Марьин А.В. Банковская система в новой реальности. / Банковский ряд, 1999. - № 3-4.

2.35. Масленченков Ю.С. Финансовый менеджмент в коммерческом банке: Фундаментальный анализ. - М.: Перспектива 1996.

2.36. Мизиковский Е.А., Виноградов О.В. Оценка качества внутреннего контроля. / Бухгалтерский учет, 1996. - № 2.

2.37. R.K. Mautz, H.A. Sharaf. The Philosophy of Auditing – American Accounting Association, 1961.

2.38. Международные стандарты аудита и Кодекс этики профессиональных бухгалтеров. – М.: МЦРСБУ, 2000.

2.39. Международные стандарты финансовой отчетности, Стандарт №1.

2.40. Москвин В.А. Внутренний контроль в банках: анализ вводимой системы. / Деньги и кредит, 1997. - № 10.

2.41. А. Ризокулов, Ф. Нарзиев «Аудит» Т.: Катортолкамолот. 199 й.

2.42. Н. Санаев «Аудит ва тафтиш» Т.: Фан 1997 й.

2.43. Н. Санаев. Аудит Т.: Шарк, 2002 й.

2.44. Образцов М.В. Внутренний контроль в российских банках - участниках финансовых рынков. - СПб.: “Изд. дом “Бизнес-пресса”, 1998.

2.45. Павлов А.П. Внутренний контроль в банке: система или служба? / Бизнес и банки, 1998. - № 8.

2.46. Палий В.Ф. Нормы профессионального поведения аудиторов. / Бухгалтерский учет, 1997. - № 3.

2.47. Петров М.В. Вопросы формирования системы

внутреннего контроля в кредитных организациях / Деньги и кредит, 2000. - № 1.

2.48. Прокофьева О.К. К вопросу о совершенствовании инструментов банковского надзора. / Деньги и кредит, 1997.

2.49. Палий В.Ф., Соколов Я.В. Введение в теорию бухгалтерского учета. М.: Финансы, 1979.

2.50. Подольский В.И., Савин А.А., Сотникова Л.В. и др., «Аудит» ЮНИТИ - 2004, 583 стр

2.51. Соколов Я.В. Очерки по истории бухгалтерского учета. — М.: Финансы и статистика, 1991.

2.52. Синки Дж. Мл. Управление финансами в коммерческих банках: Пер. с англ./под ред. Р.Я. Левиты, Б.С. Пинскера. — М.: Catallaxy, 1994.

2.53. Усоскин В.М. Современный коммерческий банк: управление и операции. - М.: «АНТИДОР», 1998.

2.54. Чая Г.В. Внутренний контроль в коммерческом банке. / Автореф. дисс. канд. экон. наук. - М.: МГУ, 1996.

2.55. Чая Г.В. Методические основы внутрибанковского контроля. Ульяновск: МЦ «Информсервис Лимитед», 1996.

2.56. Шум В.И., Булатов М.А. Информационное обеспечение банковского аудита. / Банковский аудит, 1997. - № 1.

2.57. Российская банковская энциклопедия. — М.: ЭТА, 1995.

2.58. Роуз Питер. Банковский менеджмент: Пер. с англ. — М.: «Дело Лтд», 1995.

2.59. Словарь по экономика. Пер. с англ./Под ред. П.А. Ваткина. — М.: Экономическая школа, 1998.

2.60. Соколов Я.В. Бухгалтерский учет: от истоков до наших дней.



2.61. Тосунян Г.А., Пассейк Ж.Г., Эллис К.Х., Дейли Ж.П. Банковское право США: Пер. с англ./общ. ред. и послесл. Я.В. Кунина. – М.: Прогресс, 1992.

2.62. Ўзбекистон Республикаси банк тизими./ Ф.М.Муллажонов тахрири остида.Т.: “Ўзбекистон”, 2001.

2.63. Хоминич И.П. Финансовая стратегия компаний. – М.: Рос. экон. акад., 1997.

2.64. Ю.А.Данилевский. «Аудит: организация и методика проведения» М.: «Бух.учет», 1992 й.

2.65. Ю.М. Иткин «Проблемы становления аудит» М.: Финансы и статистика. 1991 г.

2.66. Шеремет А.Д., Суйц В.П., «Аудит» ИНФРА-М - 2005, 410 стр.

2.67. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Т., ЎЗМЭ Давлат илмий нашриёти. 6-жилд.

2.68. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ички аудит бош бошқармаси тўғрисидаги низом, 2005й.

2.69. «Ўзбекистон Республикаси Миллий аудиторлик фаолияти стандартлари», НСА №3, 14 июн 1999 г.

2.70. Ўзбекистон Республикаси АК «Пахта банк» ички аудит тизими низоми, 2005 й.

## ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР

3.1. Бурцев В.В. Система внутреннего контроля организации в современных условиях хозяйствования / Аудиторские ведомости, 1998. - № 8.

3.2. «Банк тизими-туб ўзгаришлар даври», Банк ахборотномаси 2004 йил 18 февраль сони № 7-8.

3.3. Муллажонов. Ўзбекистон Банк тизими: эркинлаштириш ва ривожлантириш истиқболлари. Бозор, пул ва кредит 2003 йил 8 сон.

3.4. «Прямые иностранные инвестиции и кредиты» Правда Востока № 15 от 22 января 2004 года.

3.5. Соколов Я.В. Бухгалтерский учет, аудит и судебная бухгалтерия // Аудиторские ведомости. 2000. №4.

3.6. Захаров В.С. Становление системы коммерческих банков / Деньги и кредит. - 1998. - № 8.

3.7. Зайцева Н.В. Оперативный анализ риска потери ликвидности в коммерческом банке/Деньги и кредит, # 6, 2000.

3.8. Базовые принципы эффективного надзора за банковской деятельностью. Документы Базельского комитета. Принцип 2 / Бизнес и банки, №21-22 (395-396), 1998.

3.9. Ф.Муллажонов. Ўзбекистон банк тизими: эркинлаштириш ва ривожланиш истиқболлари. Бозор, пул ва кредит 2003 йил 8 сон.

3.10. Крокетт Э. Нуждаются ли рынки в управлении? Вестник ассоциации российских банков. М., 2000. - №4.

## **МЕЪЁРИЙ ХУЖЖАТЛАР**

4.1. Стандарты профессиональной практики проведения внутреннего аудита № 410. Институт внутренних аудиторов. 2003год.

4.2. FASB, Изложение финансовых концепций № 2 «Количественные характеристики бухгалтерской информации». Совет по бухгалтерским стандартам Великобритании. АССА.

4.3. «Аудитни хужжатлаштириш» 6-сонли Ўзбекистон Республикаси аудит миллий стандарти.

4.4. Международные стандарты аудита и кодекс этики профессиональных бухгалтеров 1999. — М.: МЦРСБУ, 2000.

4.5. “Муҳимлик ва аудиторлик таваккалчилиги” 9-сон Ўзбекистон Республикаси аудит миллий стандарти


4.6. Международные стандарты аудита и Кодекс профессиональной этики профессиональных бухгалтеров (1999). – М.: МЦРСБУ, 2000

4.7. МСА 230 Документация. Международные стандарты аудита и Кодекс профессиональной этики профессиональных бухгалтеров (1999). – М.: МЦРСБУ, 2000.

4.8. МСА 500 Аудиторские доказательства. Международные стандарты аудита и Кодекс профессиональной этики профессиональных бухгалтеров (1999). – М.: МЦРСБУ, 2000.

4.9. Стандарты аудита № 56. Аналитические процедуры.

4.10. Прайсвотерхаус компаниясининг 2002 йил олиб борган таҳлил натижалари ҳисоботи.



КАРИМОВ НЕЪМАТУЛЛА  
ФАТХУЛЛАЕВИЧ

## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ИЧКИ АУДИТ

Муҳаррир:

М. Содиқова

Мусаввир:

Акбарали Мамасолиев.

Техник муҳаррир:

Нодир Ортиқов

Мусаҳҳиҳ:

Шерзод Ирзоев

10.03.2006 й. Тартибга берилди.

20.03.2006 й. Босишга рухсат этилди.

Қоғоз формати: 60x84  $\frac{1}{16}$ . Офсет усулида босилди.

Ҳажми: 16,5 босма тобоқ. Тражи: 300 нусха.

Бўртма № 19.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан» нашриёти.  
700047, Тошкент, академик Яхё Ғуломов кўчаси, 70-уй.

«AVTO-NASHR» шўъба корхонаси босмахонасида chop қилинди.  
700005, Тошкент шаҳри, 8-март кўчаси, 57-уй.

